

**Зулайҳо  
Машарипова**

**ТАМГА**

Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_

6410-24.07.14

320B-14.08.14

x 31.08.16.

28.03.17<sub>2</sub>






Зулайҳо  
Машарипова

**TAMFA**

1-КИТОБ



ТОШКЕНТ  
"ЯНГИ АСР АВЛОДИ"  
2012

**УДК: 821.512.133-3**

**ББК: 84(5Ўзб)7**

**М-34**

**Машарипова Зулайҳо.** Тамға/Детектив қиссалар ва ҳикоялар. Т.: «Янги аср авлоди», 2012. —336 б.

ISBN 978-9943-08-863-4

Мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос бўлган муаллифнинг ҳаётий ва иш фаолиятидаги кузатувлари асосида яратилган детектив асарлари тўртта китоб шаклида нашр этилмоқда. Жами 50 та асарда бош қаҳрамон Собиржон Мирзаевнинг 50 жиноятни 50 усулда фош этиши ўқувчи эътиборини қозониши табиий.

Мазкур биринчи китоб мутолаасидан кейин навбатдаги «Никоб», «Хато», «Қасам»ни харид қилиш ва ўқишга шошилсангиз ажаб эмас.

**УДК: 821.512.133-3**

**ББК: 84(5Ўзб)7**

ISBN 978-9943-08-863-4

© Зулайҳо Машарипова, «Тамға». «Янги аср авлоди», 2012 йил.

## МУНДАРИЖА

МУАЛЛИФДАН .....	6
ТАМФА .....	8
<i>Нозимни ким ўлдиргани 23 йилдан буён номаълумлигича қолган эди. Бу қотилликни бир кунда фош этиб, ҳамма-ни ҳайратга солган Собиржон, бирин-кетин жумбоқли жи-ноятларнинг ечимини осонгина топиб, машҳур изқувар-га айланди. Уз жиноий ҳаракатини 18 ёшида бошлаган қотил, нима учун 23 йил ичида қўлга олиниб, унинг ҳамма жиноятлари фош қилинмаган эди?</i>	
МЕРОС .....	54
<i>50 ёшида навниҳол қизни севиб қолиб, оиласидан воз кеч-ган Султон аканинг жонига ким қасд қилган? Ота меҳ-ридан маҳрум бўлган аламзада ўғилми ёки унинг суюк-ли, ёш хотиними?</i>	
САРАТОН .....	89
<i>Жаҳонгир гиёҳвандликка чалингандан кўра, саратон ка-салига чалинишни афзал кўрди. Унинг ўлими катта миқ-дордаги гиёҳванд моддаларини қўлга туширишида қандай ёрдам берди? Терговчининг теран тахмини кимларга ас-қотди?</i>	
ОЛМОСЛАР .....	127
<i>Олмос кўзли тақинчоқларни хуш кўрадиган гўзал қиз Гав-ҳар ўз жонига қасд қилдими ёки олмослар кўзини қамаш-тирган одамлар томонидан ўлдирилдими?</i>	
БИРИНЧИ ИШ .....	156
<i>Вилоят прокуратурасида эндигина иш бошлаган ёш тер-говчи Собиржон Мирзаев биринчи мустақил ишидаёқ, ки-чик бир хато туфайли тасодифан талончилик ва қотил-ликда айбланаётган бегуноҳ тўртта йигитнинг айбсиз эканлигини исботлаб, ҳақиқий жиноятчиларни топишга муваффақ бўлади.</i>	

- НАФИС НОМЛАНГАН ЁВУЗЛИК..... 176  
*Япон шеърятидиги «Хокку»нинг ёвуз ниятли кишиларга қандай алоқаси бор? Маккора қотил аёлнинг жиноятини исботлаш учун терговчи қандай йўл тутди?*
- ТУШ ..... 193  
*Опаси ва жиянининг суъга чўкиб ўлганидан қаттиқ изтиробга тушган сингилни опасининг руҳи бир сирдан огоҳ қилади. Демак, уларни кимдир ўлдирган! Дафн қилинган опасининг қотилини аниқлашда унга ким ёрдам бера олади?*
- «АРВОҲ» ..... 206  
*Кичкина Шохруҳни ўзини осийга ундаётган онасининг арвоҳими ёки унинг ўлиmidан манфаатдор бўлган ёвузми?*
- БАБО ..... 219  
*Қишлоқдан келган «ғўзал» қиз Севарани нима учун ўлдиришди? Кимдир унинг оиласи тинчлигига таҳдид солишидан қўрққаниданми ёки яна кимдир обрўсига путур етишидан қўрқибми, ё бўлмаса унинг ОИТС касалига чалингани учунми?*
- ЙЎҚОЛГАН ИЗ ..... 232  
*Нусратнинг турмуш ўртоғи Дилноза дом-дараксиз қаерга йўқолди? Унинг изини қандай топиш мумкин? Балки уни эри ўлдиргандир?..*
- ЎФИРЛАНГАН ЧАҚАЛОҚ ..... 246  
*Туғруқхонадаги чақалоқни ким ўғирлаган? Унинг қандай олиб чиқиб кетилгани номаълум. Уддабурон терговчи буни аниқлашда шу ерда ишловчи оддий ишчига ишонди-ми?*
- УШАЛМАГАН ОРЗУ ..... 265  
*Меҳри опанинг ягона жигарбанди – Ортиқжоннинг орзулари ушалмай, нима учун ёш умри хазон бўлди? Одам савдоси билан шугулланувчи савдогарлар унинг ўлиmidа айбдорми? Унинг ўзи-чи?*



- АЙБНИ ОФИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ** ..... 285  
*Босқинчининг қулогидаги кемтик жиноятчининг топилишида ёрдам берди, лекин унинг гиёҳвандлиги айбини енгиллаштирармикан?*
- КҮК АТИРГУЛ** ..... 297  
*Хотинини қасддан ўлдириб, унинг бадавлат бошлигидан товон пули талаб қилган фирибгарнинг тақдири қандай кечади? Кўк ранг атиргулга хосми? Ёши бир жойга бориб қолган Фармонов бировнинг хотинига илакишганининг оқибати нима билан тугади?*
- ШТРАУСГА ТАҚЛИД** ..... 315  
*Муסיқани жонидан ортиқ севган, нозик ниҳол Нафосат қаерга гойиб бўлди? У бахтни бойликдан эмас, ўзи севган машгулотдан излайдими? Қизининг бахтли бўлишини ис-таган Салиҳа опа ўз қилмишидан пушаймонми?*

## МУАЛЛИФДАН

Ҳурматли китобхон, сиз сирли қотилликлар ҳақида онда-сонда бўлса ҳам эшитиб қолсангиз кўнглингиз хира тортиши, табиий. Шу пайт сизнинг хаёлингизга, наҳотки арзимаган нарсалар учун инсон аталмиш олий жонзот қотилликка қўл урса? Қотил ўзи ким, у қандай қилиб шу аҳволга тушди? У ҳам ҳаммага ўхшаб, тугилганида бегубор гўдак бўлган-ку, унинг жиноятчи бўлиб қолишида ким айбдор? Каби саволлар қуйилиб кела бошлайди.

Менда ҳам худди сиз каби, шундай бўлади.

Китобларимда ўрин олган қисса ва ҳикояларда тасвирланган воқеа-ҳодисалар орқали шу саволларга имкони борича жавоб топишга ҳаракат қилганман.

Асарларимнинг бош қаҳрамони катта терговчи Собиржоннинг ўта сезгирлиги ва зукколиги ҳар қандай маккор жиноятчини ҳам доғда қолдиради.

Мундарижада кўрсатилган мавзулар доирасидаги саволларнинг жавоби сиз кутган эмас, аксинча, мутлақо хаёлингизга ҳам келмаган, кутилмаган воқеалар бўлиб чиқишини ва бундан ҳайратга тушишини хоҳлайсизми? Ундай бўлса китобни ўқиб чиқинг ва зукко терговчи Собиржоннинг шогирди Фарҳод билан бирга ақл бовар қилмайдиган чигал муаммоларни ечиш сирларидан воқиф бўлинг.

Сизга тавсиям, аввало биринчи китобимни олиб ўқинг, агар у манзур бўлса, мен қаламга олган детектив жанрининг шиддати сизни ҳаяжонга солса ва ўзига жалб эта олса, кейинги китобларимни ҳам ўқишингиз мумкин.

Китобларнинг таркибига кирган қиссалар ва ҳикояларда баён этилган воқеа-ҳодисалар бир-бирига боғлиқ эмас ва бир-бирларига асло ўхшамайди.

Китобни ўқиб бўлганингиздан кейин, сизда бу воқеалар қаерда бўлиб ўтганини билиш истаги тугилдими? Ёки, бу жиноятларнинг ҳеч қаерда, ҳеч қачон содир бўлмаслигини Яратгандан тилаган ҳолда, оилага, болалар тарбиясига, теварак-атрофга янада масъулиятлироқ бўлишга қарор қилдингизми?

Агар, ҳақиқатан ҳам, сизда шундай фикрлар пайдо бўлган бўлса, мен учун биринчиси унчалик муҳим эмас, иккинчи фикрингизга эса қўшиламан, деган бўлардим.

Ҳурматли китобхон, қандай хулоса чиқариш, албатта, ўзингизга ҳавола, мен эса сизга олдиндан раҳмат айтаман ва асарда йўл қўйилган айрим хато, камчиликлар учун узр сўрайман.

## ТАМФА

*Шуни ёдда тутгилки, агар инсон бахтсиз экан, бунга унинг ўзи сабабчи. Чунки Худо барча инсонларни бахт учун яратган.*  
Эпиктет.

## Ёдгор

Вилоят прокуратурасига яқиндагина келган иш ўрганувчи Ёдгор, катта терговчи Собиржон Мирзаевнинг хонасида у берган топшириқларни бажариш учун компьютернинг қаршисида ўтириб, хаёл суларди.

Бу ерда ишлайдиганларнинг ҳар бири бир олам, ҳар қайсиси ўз иши билан банд. Мен ҳам улар каби ишга киришиб кета олармиканман?

У ора-чора дераза олдида туриб, ниманидир баҳслашаётган Собиржон ва унинг шогирди Фарҳодга қараб қўяди.

30-35 ёшлардаги ўрта бўйли, барваста гавдали Собиржоннинг, вақтидан илгарироқ сийраклаша бошлаган сочлари, ўткир нигоҳ билан боқувчи кўзларига яқинроқ жойлашган қалин қошлари, унинг қорачадан келган истарали юзидаги жиддийликни янада ошириб кўрсатарди. Эгнидаги прокуратура ходимлари учун тикилган махсус либосида Собиржоннинг янада салобатли бўлиб кўриниши, Ёдгорнинг назарида, у худди шу касб учун яратилгандек бўлиб туюлди.

Бўйи Собиржондан сал баландроқ, 25-27 ёшлардаги, оқ-сарикдак келган, думалоқроқ юзи ва кўзлари ҳамиша кулгуга мойил бўлган Фарҳоднинг кўриниши эса, устозидан фарқли ўлароқ, жиддийликдан анча йироқ эди.

Ёдгор уларга ҳавас билан назар ташларкан, вилоятдаги машҳур терговчи Собиржондан иш ўрганаётганига ичида фахрланиб қўйди.

Фарҳод ака дзюдо бўйича спорт устаси, ундан ҳам ўрнак олса арзийдию, лекин сал мақтанчоқроқ-да... У ўзининг кийимларининг «бренд»ини, 5 та тилда гаплаша олишини кўз-кўз қилиб, гапирганида ҳеч ким тушунмайдиган сўзлар ишлатишни яхши кўради. Ҳар куни ҳар хил янгиликлар айтиб, ҳаммани овзига қаратади. Теша тегмаган латифаларини-чи...

Майли, нима бўлса ҳам, терговни пухта ўрганишим шарт! Ахир, даданинг қотилини албатта топаман, деб ойим раҳматлига сўз берганман...

У ана шундай хаёллар дарёсига фарқ бўлиб ўтирарди.

Фарҳод айтган латифадан таъсирланиб қаттиқ кулганидан, Собиржоннинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Ёдгорнинг эса юзида заррача ҳам ўзгариш сезилмаганига ажабланган Фарҳод:

– Нима, сенга анекдотлар ёқмайдими, Ёдгор? – деди.

Ёдгор унга бир қараб қўйиб, индамади.

«Дарвоқе, бу боланинг жилмайганини ишга келгандан бери кўрганим йўқ. Ўзи сал индамасроқ, шекилли. Бугун эса кайфияти одатдагидан ҳам тушкун, нимага бунақа экан-а, сўрасаммикан? Йўғ-э, ноқулай. Балки, юрагида бирор дарди бордир. Яхшиси кадрлар бўлимига кириб, унинг шахсий варақаси, таржимаи ҳоли билан танишиб чиқаман, зора бир нарсани аниқласам», – деб ўйлади Собиржон, ва шу ишни бошқа кунга қолдирмай, шу бугуноқ аниқламоқчи бўлиб, кадрлар бўлимига тушди. У Ёдгорнинг таржимаи ҳоли билан танишаркан, отасидан ёш етим қолганини, онаси уч йил олдин вафот этганини ва ҳозир бувиси билан яшаётганини, уч йил олдин уйланганини билиб олди.

– Ие, у туғилган куни отаси оламдан ўтган экан-ку. Бу ни қаранг-а, бугун унинг туғилган куни экан! Гап

бу ёқда экан-да, – деди ўзига-ўзи Собиржон кутилмаган тасодифдан ҳайратланиб.

Собиржон қайтиб келиб, хонага кира солиб:

– Ёдгоржон, туғилган кунинг билан табриклаймиз, совғани эса кечқурун уйингга олиб борамиз, баҳонада келин боланинг қўлидан битта ош еймиз, фикримга қўшиласизми? – деб Фарҳодга қаради.

– Гап бўлиши мумкин эмас! Табриклаймиз Ёдгорчик, чурқ этмайсан-а.

– Кечирасизлар, мен ҳеч қачон туғилган кунимни нишонламаганман... – деди Ёдгор Фарҳоддан кўзларини олиб қочиб.

– Бу нима деганинг, биз сенга бирор ерга бориб, ичкилик ичиб туғилган кунингни нишонлаймиз, деганимиз йўқ-ку, биз учун уйингга бориш ҳам мумкин эмасми? Сен ҳали шунақа...

– Шошманг, Фарҳод, – унинг гапини бўлди Собиржон, – Ёдгор, сенинг туғилган кунинг отанг оламдан ўтган кунга тўғри келгани учун шундай қилаётганлигингни биламан. Бу воқеага ҳам бутун 23 йил бўлибди. Тўғри, биз ота-онамизни жуда яхши кўрамиз, лекин уларнинг оламдан ўтиши азалдан мерос, ука.

– Сиз буни қаердан биласиз?! – ҳайрон бўлиб сўради Ёдгор.

– Ёдгор, укажон, билиб қўй, биз машҳур ва жуда камтарин, ҳатто Шерлок Холмсни ҳам йўлда қолдириб кетадиган изқувар билан ишляпмиз! Воқеадан хабардор экансиз, менга ҳам бир оғиз айтиб қўйсангиз бўларди-ку, Собиржон ака, – деди Фарҳод норози бўлиб, кейин Ёдгорга қараб, – Мени кечир, Ёдгор, билмабман, – деди.

– Сиздан хафа эмасман, Фарҳод ака, чунки менинг туғилган кунимда отамнинг қанчалик аянчли ўлим топганлигини ҳеч ким билмайди, сиз ҳам билмайсиз, Собиржон ака, – деди Ёдгор кўзларида ёш йилтиллаб.

– Тўғри, Ёдгор, билганим фақат ҳозиргина сенга айтганларим. Бошқа ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Биз-

га айтишни лозим топсанг гапириб бер, балки анча енгил тортарсан, – деди Собиржон.

– Ҳзим ҳам бу ҳақда сиз билан гаплашмоқчи эдим, ким билади, шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам, балки ёрдам берарсиз.

– Ҳа, албатта, қўлимдан келганича ёрдам бераман, ука. Тортинмасдан гапиравер, – деди Собиржон қандай воқеа содир бўлганлигини тезроқ билишга қизиқиб.

\* \* \*

Муниса билан Нозим турмуш қурганларидан кейин фарзандли бўлишни роса беш йил кутишди. Хотини ҳомиладор эканлигини айтганида Нозимнинг севинчи ичига сифмай, уни еру-қўкка ишонмай қўйган. Мунисанинг қўлини иссиқ сувдан-совуқ сувга урдирмас, мактабга ишга кетаётганида ҳам ўзига эҳтиёт бўлишини қайта-қайта такрорларди. Ўзи ҳам заводда фақат кундузги сменада ишлай бошлади. Ниҳоят у кутган бахтли кунлар етиб келди: хотини қўчқордек ўғил кўрди. Дунёда ундан бахтли одам йўқ эди. Нозим ўз қувончини ўртоқлари билан баҳам кўрмоқчи бўлиб, уларни ресторанга таклиф қилди. У одатда ичмасди, бироқ яқиндагина дунёга келган ўғилчаси номига айтилган бир-биридан ширин тилаклар учун ичмасликнинг иложи йўқ эди. Шунданми, озгина ичди. Тенгқурлари яхши кайфиятда уй-уйларига тарқалишди. Эртаси куни Муниса эрининг туғруқхонага келишини интизорлик билан кутди. Лекин ундан дарак йўқ эди. Тушга яқин қизидан хабар олишга келган онаси куёвининг кеча уйга келмаганини, туни билан мижжа қоқмай тонгни қаршилаганини айтди.

– Нозим акамнинг ичадиган одати йўқ эди, балки озгина ичган бўлсалар бирон жойда қолиб кетганми-канлар? – деди Муниса бирон кўнгилсизлик юз берган бўлишини ўйлашни ҳам хоҳламай.

– Қизим, қариндошлар билан ҳаммамиз Нозимжонни қидирмаган жойимиз қолмади. Ишқилиб етимнинг

оғзи ошга етганда бурни қонайди, деганларидай бўлмасин-да. Бечора куёвимнинг ота-онаси, оға-иниси йўқлигини унинг ўғли энди ёнида туриб билдирмайдиган бўлди, деб қувонгандим... Бирор фалокат рўй бермаган бўлсин-да, – деди Гулсара опа куюниб.

– Ойижон, тезда милицияга хабар берингла!

– Хабар берганмиз, қизим, топилиб қолар. Кўп куяверма, сутинг келмай қолади. Чақалоқ оч қолмасин тагин... – деди қизини овутмоқчи бўлиб Гулсара опа.

Шу куни кечқурун милиция ходимлари келиб, шаҳар четидаги ахлат қутисидан иккига бўлинган, лекин боши йўқ ҳолдаги эркак кишининг жасади топилганини, уни таниб олиш учун боришлари кераклигини айтишганида Гулсара опа ҳушидан кетаёзди. У жасаднинг ўнг қўлидаги холни кўриши билан куёвини таниди. Қонга беланган ички кийимларни Мунисага кўрсатганларида улар эриники эканлигини айтиб, беҳол йиқилди, у жонлантириш хонасида ўзига келди.

– Нозим акамни ким ўлдирибди, нима учун ахир! – дерди Муниса.

– Синглим, сиз инфаркт ўтказдингиз. Ўтиб кетганига шукр қилинг! Сизга ҳаяжонланиш, асабийлашиш мумкин эмас, илтимос, ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилинг, – деди унинг кўзини очишини кутиб ўтирган шифокор.

– Қизгинам, энди сен фарзандинг учун ҳам яшашиг керак, аҳволингни кўриб роса кўрққандим. Худоба шукр, омон қолдинг. Энди фақат ўғлингни ўйла, жоним болам, – деб Гулсара опа қизини овута бошлади.

Икки кундан кейин қўшни Қозоғистон ҳудудидан Нозимнинг боши топилганлиги ҳақидаги хабар келди. Бу сирли ва ниҳоятда даҳшатли жиноятни қилган кимса жиноят қидирув органлари томонидан қанчалик изланмасин, натижа бермади.

Муниса касалманд бўлиб қолди, у ишга ҳам боролмади. Ягона овунчоғи Ёдгор эди.



Кунлар, ойлар, йиллар елдай, тез ўтарди. Ҳар йили ўғлининг туғилган кунинда Муниса унсиз йиғлар, уни бағрига босиб узоқ умр тилар, лекин ҳеч қачон нишонлашга ҳаракат қилмади. Ёдгор улғайиб, 15 ёшга тулганида бувиси Гулсара опа уни бағрига босиб:

– Умринг узоқ бўлсин, болам. Дадангинг ёшини ҳам сенга қўшиб берсин, илойим, – деб дуо қилди.

Шунда Ёдгор ҳар доим билмоқчи бўлиб, лекин нима учундир сурашга журъати етмай юрган саволни волидасига беришга жазм қилди:

– Ойижон, энди мен ҳам ёш бола эмасман. Дадамнинг қандай вафот этганликларини гапириб беринг, илтимос. Ўртоқларим туғилган кунларининг қачон келишини кутишади, мен эса сизнинг кўз ёшларингизни кўрмаслик учун туғилган куним ҳеч қачон келмаслигини истайман. Дадамни ўлдириб кетишгани ростми?

Муниса ўғлига нима деб жавоб беришини билмай онасига қаради.

Гулсара опа:

– Қизим, Ёдгоржон катта йигит бўлиб қолди. Қанчалик оғир бўлмасин, у ҳаммасини билишга ҳақли. Ҳақиқатни айтишимиз керак, – деди.

Мунисанинг эрта букилган қадди янада эгилиб кетди, у турган жойида деворга суяниб қолди ва рўмолидан кўриниб турган оппоқ сочларини титраб турган бармоқларини теккизиб, кейин сизиб чиқаётган кўз ёшларини артди. Титроқ овозда:

– Ўғлим, мен бу воқеани айтиб беролмайман, майли бувинг айта қолсинлар... – деб Муниса ичкарига кириб кетди. Гулсара опа неварасига дадасининг қандай ўлдирилганлигини батафсил айтиб берди. Дадаси ҳақидаги даҳшатли воқеани эшитган Ёдгорнинг қалби ларзага келиб:

– Дадам ёмон одам бўлмасалар нима учун бунақа қилишади, бувижон? – деди ўзини тутолмай бақариб.

– Эҳ, болагинам, сенинг даданг дунёдаги энг яхши, мусичадай беозор, раҳмдил киши эди. Нима учун

ўлдирилганлиги ҳалигача бизга қоронғу. Уни ким ўлдирганлигини шунча қидириб, сўраб-суриштириб топа олмадилар, – деди Гулсара опа.

Ёдгор онасининг олдига кириб, уни қучоқларкан ёшли кўзлари билан титроқ овозда:

– Ойижон, сизга сўз бераман, Худо хоҳласа, дадамнинг қотилини ўзим топаман! – деди.

– Айтганинг келсин, болам, – деди Муниса йиғлаб.

Муниса касали оғирлашаётганини биларди. Ёдгорни кўзим очиклигида уйлантириб қўяй, деб олийгоҳда ўқиб юрганида тўйини ўтказди. Икки ойдан кейин вафот этди.

Ёдгор бу машъум воқеани Собиржон билан Фарҳодга гапириб берганидан кейин, ўпкаси тўлиб, ташқарига чиқиб кетди.

– Собиржон ака, нима дейсиз, Ёдгорнинг дадасини ўлдирган кишини нега топа олишмаган, ёки бирор манъяк бурдалаб кетганмикин, – деди Фарҳод одатдагидек ҳаммадан олдин ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилиб.

– Фарҳод, йигирма уч йилдан бери очилмай келган жиноятга хулоса яшашга шошилмайлик. Ҳозирча ҳеч нарса маълум эмас, лекин Ёдгорнинг болалиги жуда бахтсиз ўтгани аниқ...

### Валади зино

1953 йил, январь. Қаҳратон қиш.

Ҳамма ёқни тун зулмати қоплаган. Шаҳар четидаги эскигина ҳовлида чироқлар милтилаб ёниб турибди. Мамарасул ака яккаю ягона ўғли Мўминжонни уйлантириш тараддудида. Аслида тўйни баҳорга қолдирса ҳам бўларди, лекин Мўминжон «тўйни қилмасак қизнинг ота-онаси бошқага бериб юборишар экан, мен у қизни жуда яхши кўраман», деб отасини ҳоли-жонига қўймади. Мамарасул ака ўглининг раъйини қайтара олмади. Мўминжоннинг онаси

оламдан ўтиб кетгани сабабли келини куёвнинг холалари суриштиришиб, совчиликка бордилар. Қуда томон дарров розилик бериб қўя қолишди. Мўминжоннинг холалари бундан хурсанд бўлиш ёки бўлмасликни ҳам билмай қолишди. Гўзалликда тенги йўқ бундай қиз қандай қилиб кўримсизгина Мўминжонга кўнгил берганига ишониш қийин эди. Тўй бир ҳафтанинг ичида бўлди-ўтди. Мўминжоннинг севинчи ичига сифмас, айниқса, тўйдан кейин бир ой ўтар-ўтмас келин бола ҳомиладор эканлигини айтганида ҳамма севинди. Роса етти ойдан кейин Лоланинг кўзи ёриди.

– Ҳали вақти бор эди-ю, энди нима бўлади, бола яшаб кетармикан, – деб хавотир олишди Мўминжоннинг холалари. Лекин улар чақалоқни кўришгач:

– Мўминжон, қучқордек ўғил кўрибсан, сал илгари шўхлик қилиб қўйган экансизларда-а? Ҳай майли, нима ҳам дердик, умри билан берган бўлсин, – деганларидан кейин куёвнинг кўнглига шубҳа оралади.

– Лола, тўғриси айт. Бола нега барвақт туғилди, кимдан ортиргандинг? Холамларнинг айтишига қараганда, бола вақти-соатида туғилган экан-ку!

– Вой, нималар деяпсиз, бунақа гапларни гапиргани Худодан кўрқмайсизми! Ўша, сизга ёлғон гапирган холангиз қизини сизга мўлжаллаб юрганлигини биламан, улар душманлик қилиб оиламизни бузмоқчилар!

– Лола, илтимос, сен менга фақат тўғриси айтсанг бўлди. Сени жонимдан ҳам ортиқ кўришимни биласан. Бор ҳақиқатни билиб қўймоқчиман, холос!

– Агар менга ишонмасангиз яшашнинг кераги йўқ. Ўзимни ўлдираман! – деб Лола ўрнидан туриб кетди. Қўрқиб кетган Мўминжон:

– Йўқ, унақа қилма, менга сенсиз ҳаёт керак эмас, сенга ишонаман! – деб уни қучоқлади.

Лоланинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди...

Ўғли бир ёшга чиқиб-чиқмай Лола дўконга ишга жойлашиб олди. Орадан йиллар ўтди. Эр-хотин фақат эрталаб ва кечқурун учрашар, лекин Мўминжон чиройли хотини борлигидан бахтиёр эди.

Фаёз етти-саккиз ёшга кирганида эрталаб ишга кетаётган отасидан кутилмаганда:

– Дада, ҳароми дегани нима? – деб сўраб қолди.

– Бу сўзни қаердан олдинг?

– Аҳмадни итариб юборгандим, у йиқилиб тушиб, йиғлаб, ойисига чақди. Ойиси менинг қулоғимдан чузиб, нега боламни урдинг, ҳароми, йўқол бу ердан, – деди.

Мўминжоннинг устидан муздай сув қуйилгандай бўлди, нима дейишини билмай индамасдан чиқиб кетди. У шу куни уйга биринчи марта оёғида туролмайдиган даражада маст бўлиб келди.

Лола кимларнингдир кўмаги билан дўконга мудира бўлиб олганди. Шу сабабдан уйига деярли ҳар доим ярим кечаси нотаниш машиналарда келарди. Мўминжоннинг:

– Лола, қаерда эдинг, кечаси ким билан келдинг, – каби саволларига қисқагина қилиб:

– Нима қилсам ҳам фақат сизни, яхши яшашимизни ўйлаб ҳаракат қиламан, жоним, – деб ноз билан жавоб бериб қўярди.

У ҳар қандай вазиятда ҳам ўзига озор бермасдан, суҳбатдошининг кўзига тик қараб, ёлғонларни тўқиб, жодулаш қобилиятига эга эди. У содда, иродаси буш Мўминжонни шу йўл билан тамоман ўз асирига айлантирганди. Мўминжон Лоланинг кўзига қараб, айтмоқчи бўлган, ўзини қийнаётган сўзларини айта олмас, шунинг учун ҳам у ич-ичидан қийналар, ўртоқлари олдида ўзини жуда ноқулай ҳис қиларди. Шунданми, у бор аламини ичкиликдан ола бошлади. У ҳар куни ичиб келарди..

Фаёз биринчи синфга чиқди. Унинг ўқиши, ўзини тутиши ҳеч кимни қизиқтирмади, Лола унга сўраган пулини берарди, холос.

Фаёз бир куни мактабдан келаётиб ерда ётган тошни тепганди, сал олдинда бораётган кишининг оёғига қаттиқ тегди, шекилли, йўловчи эгилиб оёғини ушлаб қолди. Йўловчи буни кўрган бўлса ҳам, ҳеч нарса бўлмагандек унинг ёнидан ўтиб кетаётган болага қараб:

– Болакай, тўхтаб тур, – деди унинг ёнига бориб жони оғриган киши. – Сенга ота-онанг билмасдан қилиб қўйган нотўғри ишинг учун кечирим сўрашни ўргатмаганми? Ўзи кимнинг боласисан?– деб сўради.

– Дўкончи Лола опанинг.

– Ҳа, унда тушунарли, муштдайлигингдан ўзингнинг валади зино эканлигингни кўрсата бошлабсан-да, – деди бошини чайқаб ҳалиги одам.

– Бува, менга бир одам «валади зино» деди. Нима дегани у? – Фаёз уйга кириши билан бобосидан сўради.


Мамарасул аканинг дами ичига тушиб кетди. Унинг аламдан кўзлари чирт юмулиб, тишлари қисирлаб кетди. Шундоғ ҳам эгик боши баттар эгилганди. У ўзига ўзи гапиргандай пичирлади:

– Гуноҳни катталар қилади-ю, жабрини норасида гўдак чекади? Эҳ, бечора бола, «валади зино» деган тамға токи ўлгунингча пешонангга босилди, энди бундан қутулишнинг ҳеч иложи йўқ! Майли сенинг тақдиринг шу экан, лекин ўғлимда нима гуноҳ? Шу хотиннинг баҳридан кеч, ҳаётингни бошқадан бошла, – десам ҳеч қулоқ солмаяпти. Аҳмоқлик ҳам шунчалик бўладими?! Мени ҳам, ўзини ҳам адои тамом қилди, бу бола. Кўча-кўйга чиқа олмай қолдим...

Бола бувасининг пичирлаб айтаётган гапларини унчалик англаб етмади, лекин маъносини сўраган сўзининг жуда ёмон сўз эканини фаҳмлагандай бўлди.

Фаёз ёши улғайган сайин тенгдошларининг унга бўлган муносабатидан, уларга нисбатан нафрати кучайиб, аямай дўппослайдиган одат чиқарди. Синфдошларининг ота-оналари тинмай онасига шикоят қилишарди.

Бир куни Лола:



– Итвачча, нима учун Карим аканинг ўглини уриб, пешонасини ёрдинг?! Сенинг дастингдан тинчлик борми ўзи?! – деди жаҳли чиқиб.

– У менга «Сенинг дадаларинг жуда кўп. Қайси ҳақиқий даданг бўлади, ойингдан сураб кўр-чи?», – деди. Мен унга «Гапинг ёлғон», деб битта туширдим. Ойи, нима учун ҳамма сиз ҳақингизда ёмон гаплар айтиб, мени калака қилишади? Уларнинг ҳаммасини ёмон кўраман. Калтаклашни энди кўришади, билдингизми? – деб Фаёз йиғлаб.

«Ҳақиқатан ҳам, бу боланинг отаси кимлигини ўзим ҳам аниқ билганимда эди, сендан орттирганман, деб олиб бориб ташлардим. Шу болани деб бошим ғалвадан чиқмай қолди. Мўминни-ку тинчитиш йўлини биламан, бир шиша ароқнинг пулини берсам, куни билан жимгина юради. Бу болани нима қилсам экан-а», – деб уйлаб Лоланинг боши қотди.

Фаёз 14 ёшга етганида бир боланинг қўли ҳамда оёғини синдириб, уни тарбияси оғир болалар колониясига олиб кетишди. Лола бундан анча енгил тортди.

Мамарасул ака ўглининг аҳволи ва келинининг ҳулқидан уялганидан маҳаллада бош кўтаролмай қолди. – Ўглини даволатишга ҳаракат қилар, лекин уддасидан чиқолмай қийналарди. Лола атайин эрининг кўзи тушадиган жойларга пул қўйиб, тўхтамай ичишига шароит яратар, Мўминжон эса кун сайин тирик мурдага айланиб борарди.

1967 йилнинг баҳорида Мамарасул ака ўзининг аччиқ ҳаёти билан видолашди.

### **Падаркуш эмас**

Ёдгорнинг прокуратурага ишга келганига бир йилча бўлиб қолди. Вазифасига астойдил киришиб кетганиданми бувиси билан ҳам қисқалина ҳол-аҳвол сурашишлардан нарига ўтмай қолди.

Бир куни эрталаб ишга кетиш учун отланган неварасига бувиси:

– Ёдгоржон, ишда қийналмаяпсанми? Азонлаб кетиб, кеч қайтаяпсан, соғлигинга эҳтиёт бўл, жоним болам,— деди Гулсара буви неварасининг озғингина жуссасига хавотирланиб боқаркан.

– Бувижон, хавотир олманг, ҳаммаси жойида, сиз билан тўйиб гаплашиб ўтиргим келади, бироқ вақт тополмаётганимдан хафаман.

– Соғ-саломат юрсанг бўлди, болам, мана келиним бор...— деди Гулсара буви узатиб ўтирган оёғини силаб.

– Нима, яна оёғингиз оғрияптими, бувижон,— деб Ёдгор унинг ёнига чўккалади.

– Оёғимни қўявер, болам, бу ёғига энди олма билан ўрик бўлармидим. Кеча галати тушлар кўриб чиқдим, шундан кўнглим гаш. Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да, болам. Майда пулларни бирор гадойга садақа қилиб, бериб ўтгин, хўпми. Садақа радди бало, дейдилар, — деб Гулсара буви неварасининг қорачадан келган ранг-парроқ юзини силади, кейин чўнтагидан майда пул чиқариб, унга узатди.

– Хўп бўлади, бувижон,— деб Ёдгор бувиси узатган майда пулларни олиб, унинг юзидан ўпиб, чиқиб кетди.

Ёдгор ер ости йўлидан ўтаётиб, рўмолчасини ёйиб, индамай деворга суянганча мудраб ўтирган тиланчи чолни кўриб, бувисининг садақа ҳақидаги гаплари эсига тушди, ва майда пулларни унинг олдига ташлади. Чол эътибор ҳам бермай шу йўсинда ўтираверди.

Ёдгор ҳар куни шу ердан ишга қатнайди, эртаси куни ҳам кўзи беихтиёр тиланчи чолга тушди. У худди кечаги ўтиришида, ўтган-кетганга безътибор, бир нуқтага тикилганича ўтирарди. «Болалари бормикан, деб ўйлади Ёдгор, йўғ-э, жигарлари бўлганида шу аҳволга тушармиди, жуда мункиллаган чол ҳам эмас экан...

Агар дадам тирик бўлганларида бошимда кўтариб юрган бўлардим», деб ўйлади Ёдгор.

Ёдгор иш кўникмасини тамом қилганди. Унга мустақил вазифа топширишди.

Фуқаро Шокир Жумаев, 1960 йил туғилган. Шаҳарнинг 5-даҳаси, 23-уйда яшайди. Оилали, уч фарзанди бор. 2008 йил 3 мартда бошининг орқа қисмидан олган жароҳатлари натижасида шу йилнинг 4 мартда шифохонада вафот этган. Жиноят иши бўйича терговга маълум бўлгани шу ҳолос.

Мустақил иш қилиш учун топшириқ берилганига қанчалик севинган эдим. Ҳали хурсанд бўлишга анча эрта экан. Марҳум 3 март куни қаерда бўлган, кимлар билан ичган, жиноятни ким содир қилган? Буларни аниқлаш учун эса роса тер тўкишга тўғри келади, шекилли, ўйлади Ёдгор.

У марҳумнинг хонадонига борганда эшикни 22-23 ёшлардаги йигит очди. Оиладагиларнинг ҳаммаси тушкун қиёфада, мотамда эдилар. Ёдгор улардан нима сўрашини ҳам билмай анча тараддуланиб қолди. Кечирим сўраб, ўзини таништиргач, у-бу нарсаларни аниқлаши кераклигини айтди. У оиладагиларнинг ҳаммаси билан суҳбатлашди, жавоблар деярли бир хил эди:

– Дадам кўчадан маст ҳолда кириб келдилар, ким калтаклаганини бизга айта олмадилар, эртаси куни шифохонада жонлари узилди...

Ёдгор «Қотилни қандай топаман? Бир йилдан бери Собиржон аканинг ёнида иш ўрганиб юриб, наҳотки ҳеч нарса билиб олмаган бўлсам. Жиноят ишини очиш жуда қийин экан-ку», деб бошини чангаллаганича ўйлаб ўтирганида Собиржон кириб келди.

– Ҳа, терговчи, тишинг ўтмаяптими, бошингни ушлаб қолибсан? Мабодо ёрдам керак эмасми? – деди Собиржон шогирдига қараб жилмайиб.

– Ёрдамингиз жуда керак-да, Собиржон ака. Ўзим ҳозир олдингизга кирмоқчи бўлиб тургандим, – деб унга жиноят иши ҳолатини тушунтира бошлади.



– Милиция тезкор гуруҳи ҳаракатлари, барча сўраб-суриштиришларнинг натижаси бўлмади, дегин, – деди Собиржон.

– Ҳа, марҳумнинг кучада кимлар билан ичгани ёки уришгани ҳақида ҳеч қандай маълумот топа олмадик, – деди Ёдгор тушкунликка тушиб.

– Ундай бўлса сен марҳумнинг оила аъзоларининг шахсини пухталаб ўрганиб чиқиб, уларни бошқатдан сўроқ қил, хўпми. Фақат сен, «ишни албатта уддалайман», деб ўзингга ишонгин. Бу жуда муҳим, чунки бу нарса сенинг ҳар бир ҳаракатингда, жинойтчини сўроқ қилаётганинда, ҳар бир сўзингда сезилиб туради. Ёрдам керак бўлса асло тортинмай олдимга киравер, – деб Собиржон чиқиб кетди.

Ёдгор ишни Собиржон ака айтганидай марҳумнинг оила аъзоларини ўрганишдан бошлади. Жумаевнинг турмуш ўртоғи Хадича Султонова, 1960 йилда туғилган, иккинчи турмуши экан, биринчи турмушидан битта ўғли бор. Жаҳонгир Султонов, 1980 йилда туғилган, улар билан бирга яшайди. Қизи Жамила Жумаева, турмушга чиққан, кичик ўғли Фозил Жумаев, 1986 йилда туғилган...

– Хадича опа, турмуш ўртоғингиз билан яхши яшармидингизлар? – сўради Ёдгор.

– Ҳа, яхши яшардик. Раҳматли Чернобелда хизмат қилганлиги учун жаҳллари тез эди, кўп ичарди, лекин биз унга яхши муносабатда эдик.

– Катта ўғлингизнинг отаси билан муносабати қандай эди?

– У кишига турмушга чиққанимда Жаҳонгир бир ёшда эди. Уларга ўғай кўз билан қарамаган, ҳамиша ўз отасидай кўрган... – Хадича опа гапираётганда Ёдгордан кўзини олиб қочишга ҳаракат қиларди. Унинг бу ҳолати, албатта, Ёдгорнинг эътиборидан четда қолмади.

Ёдгор марҳумнинг ўғай ўғли Жаҳонгирни сўроқ қила бошлади:

– Отангиз Шокир Жумаев билан муносабатингиз яхши эдими? Ҳарҳолда у сизга ўтай бўлган-ку, тўғри-ми?

– Ўзимнинг ҳақиқий отамни танимайман. Уларни ўз отамдай кўрардим, муносабатимиз жуда яхши эди.

– Жумаевнинг сизга ёқмайдиган одатлари ҳам бор-миди, у кўп ичаркан?..

– Албатта, кўп ичишлари ҳеч қайсимизга ёқмасди, лекин барибир у отамиз-ку. Бизни тарбиялаган, вояга етказган. Ҳурматларини жойига қўярдик...

Ёдгор қанчалик ҳаракат қилмасин оила аъзоларининг ҳеч биридан ўзига керакли бирор жўяли жавоб ололмади, ҳаммалари худди тўтиқушдай бир гапни такрорлашарди. Уларнинг ўртасида аллақандай сир яширингандай эди. Ҳаммасини Собиржон акам айтганидек қилдим, лекин натижа чиқмаяпти. Нима қилсам экан, – деб ўйлаб, калаванинг учини тополмай Ёдгорнинг боши қотди.

– Ёдгорчик, қалайсан? Худди нокаут бўлган боксчига ўхшаб ўтирибсан, тинчликми?– деди Фарҳод унинг кириб келганини сезмаган Ёдгорга.

– Фарҳод ака, қўлимдаги ишнинг тергов муддати тугаб боряпти, лекин натижа чиқара олмай қийналиб кетдим,– деди Ёдгор бошини кўтариб.

– Ишнинг муддати тугаётган бўлса аҳволингга ачинаман, ука, бўлим бошлиғимизнинг қанақа педант эканлигини биласан-ку.

– У нима деганингиз, тушунарли қилиб гапиринг, илтимос?

– Педант – ҳаддан ташқари талабчан, майдакашроқ, дегани, французча сўз, менга ўхшаган полиглот, яъни грекчасига айтганда ҳамма тилда сўзлаша оладиган, одам билан ишлаётганингдан фахрлансанг-чи, норози бўлиш ўрнига, укагинам, – деди Фарҳод кулиб ва қўшиб қўйди.

– Сенга бир маслаҳат, тергов қилаётганингда жиноятчи деб, кимдан шубҳаланаётган бўлсанг, дастлаб уни

асло қистовга олма, бунинг фойдаси йўқ. Яхшиси, сен, узингга керак нарсани, уларнинг энг содда, энг кичигидан ҳар хил ёлғонлар ишлатиб бўлса ҳам билиб олишга ҳаракат қил. Унга қарши далил топганингдан кейингина шубҳаланаётган кишингни исканжага ол, тушундингми?!

– Раҳмат, Фарҳод ака, худди сиз айтгандай қиламан.

Ёдгор ўйланиб қолди: «Фарҳод аканинг гапида жон бор, Жумаевнинг кичик ўғли Фозилни суроқ қилганимда нима учундир ҳамма саволларимга йиғлагиси келиб жавоб берганлиги билиниб турганди. Отасининг ўлимидан қаттиқ изтиробда, шекилли, деб ўйлагандим, балки бунда бошқа гап бордир. Унинг билан яна бир бор сўзлашиб кўраман».

Ёдгор марҳумнинг кичик ўғли Фозилни навбатдаги терговга чорлади.

– Фозилжон, кўп ичган одамнинг ортиқча ташвиш туғдириши ҳаммага маълум. Бунинг учун уни уриб, ўлдириш шартмиди?– деди кутилмаганда.

Ерга қараб ўтирган Фозил Ёдгорга қаради.

– Нима?..

– Мен буни аллақачон пайқаганман, лекин отангизни қайси бирингиз ўлдирганингизни аниқламоқчи эдим, холос.

– А?..

– У қандай бўлишидан қатъи назар, отани ўлдириш энг оғир гуноҳ, буни падаркушлик дейишади. Балки сизлар ароқхўр отадан қутулиш учун уни биргалашиб ўлдиргандирсизлар? – деди Ёдгор Фозилдан кўзини узмай.

Фозил ерга қараганича ўтириб, елкаларини титратиб жимгина йиғларди. Ёдгор яна сўзини давом эттирди:

– Отангизни уйда ўлдириш даражасигача калтаклаганларингиз энди бизга маълум. Сизнинг бу жиноятда қандай ҳаракат қилганингизни билмоқчиман? –

деди Ёдгор Фозилга жавоб кутиб қараркан. Фозил индамай узоқ ўтирди ва ниҳоят :

– Сиз нотўғри гапиряпсиз, биз отамизни яхши кўрардик. Бизда уни ўлдириш нияти йўқ эди...– деб йиғлай бошлади. У Ёдгор узатган сувдан бир хўплаб, давом этди.

– Шу куни кечқурун дадам яна ичиб келди, Жаҳонгир акамнинг жаҳли чиқиб, «Уй тўловларини тўладингизми? Ёки мендан олган пулнинг ҳаммасига ичдингизми», деди. Дадам, «Сен ҳали мен билан шунақа гаплашасанми, ҳозир сени ўлдираман», деб уни бўға бошлади. Акам дадамни итариб юборди, у боши билан полга йиқилди. Дадамни ўрнидан турғазиб, тинчлантиришга ҳаракат қилдик, у ошхонага кириб, пичоқ олиб чиқиб, акамнинг қорнига урмоқчи бўлганида, у пичоқнинг тигини ушлаб қолиб, қаршилик кўрсатди. Дадам пичоқни тортиб олиб яна урмоқчи бўлганида, акам тепиб юборди. Шунда дадамнинг боши иситиш батареясига урилиб, туролмай қолди... Биз уни дарҳол шифохонага олиб бордик. Фойдаси бўлмади, эртаси куни дадамнинг жони узилди...

«Жаҳонгир нимага қўлини мушт қилиб, қимирламасдан ўтирибди, деб ўйлагандим-а. Гап бу ёқда эканда», – ўйлади Ёдгор ва Фозилга қараб:

– Нимага шу гапларни илгарироқ айтмадингизлар?– деди.

– Биз бегуноҳ акамнинг қамалиб кетишидан, отасини уриб ўлдирган, деган иснодга қолишидан қўрққан эдик. Энди ўйлаб қарасам, ҳаммамизни дадамизнинг қотили сифатида айбламоқчисиз.

– Ҳақиқатни айтмасанг, шундай қилишга мажбур бўлардим,– деди Ёдгор.

– Улар падаркуш эмас эканлар! Буни аниқлай олдим. Улар отасининг ўлимини асло исташмаган, ўлим тасодифан, марҳумнинг айби туфайли содир бўлган, Собиржон ака! Мен ишни уддаладим! – деди Ёдгор қувончдан ёш боладай сакраб.

– Албатта, шундай доно устознинг шогирди ишни уддалайди-да, бунга асло шубҳа бўлиши мумкин эмас,– деди Собиржон ҳазиллашиб, Ёдгорнинг қувончига шерик бўлиб.

### Савоб иш

Ёдгор ҳар доимгидек бугун ҳам ишга ер ости ўтиш йўлидан кетаётиб, кўзи яна деворга суяниб ўтирган тиланчи чолга тушди. У одатдагидек йўловчиларга бепарво боқиб, нима учундир ўнг қўли билан чап кўксини чангаллаб олган эди. Ёдгор ўзи шундай ўтиргандир, деб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин, тиланчи ҳам одам-ку, деган фикр унинг хаёлидан ўтди, тўхтаб қолди. Қариянинг ёнига яқинроқ бориб қаради, унинг ранги бир ҳолда эди.

– Сизга нима бўлди, ёрдам керак эмасми? – сўради Ёдгор.

– Керак эмас, йўлингдан қол...ма...– деди чол унинг афтига ҳам қарамасдан инқилаб.

– Юрагингиз хуруж қилган, шекилли, хоҳласангиз ёрдам бераман, – деди Ёдгор.

– Менга-я... қўявер ўтиб кетади... – деб чол Ёдгорга секин қаради ва яна юзини бошқа ёққа бурди.

Уни шу аҳволда ташлаб кетишга Ёдгорнинг виждони йўл қўймади. Машина тўхтатиб, шу яқиндаги шифохонага олиб борди. Ҳамшира қиз бир чолга, бир Ёдгорга қараб ажабланиб:

– Кимингиз бўлади? – деб сўради.

– Ҳеч кимим, тиланчи чол, ёрдам бермоқчи бўлдим, холос. Илтимос, унга ёрдам беринглар, мен кутиб тураман, бирор гап-сўз бўлса менга айтарсизлар,– деди.

Бир оздан кейин ҳамшира чиқиб чолнинг юраги инфаркт олди стенокардияси билан оғриганини, агар озгина кеч қолганларида, фалокат юз берган бўлишини айтди.

– Бемор тузалиб кетиши учун 10 кунча касалхонада ётиши керак, ундан ўзингиз хабар олиб турасизми?– сўради ҳамшира.

– Ҳа, хабар оламан, керак бўлиб қолсам кўнғироқ қиларсизлар, – деб ҳамширага телефон рақамини қолдирди.

Ёдгор тушга яқин ишга борди.

– Бўлим бошлиғимиз сени икки марта сўради, кеч қоладиган одатинг йўқ эди-ку, қаерларда юрибсан? – деди Собиржон хавотирланиб.

Ёдгор унга бўлган воқеани айтиб берди.

– Бомжга ёрдам бериб ишга кеч қолдим, дегин, – деди Фарҳод кулиб.

– Ҳа, майли савоб иш қилибсан, – деди Собиржон.

Эртаси куни Ёдгор ишдан кейин чолдан хабар олиш учун касалхонага кириб ўтди. У шифтга тикилганича қимирламасдан ётарди.

– Қалайсиз отахон, тузалиб қолдингизми? – сўрашди Ёдгор худди қадрдонлардай.

– Раҳмат эшитаман, деб овора бўлма. Бисотимда бундай сўзлар қолмаган. Менга ҳаётнинг қизиғи йўқ...– деди чол ва яна шифтга тикилиб олди.

Ёдгор ўйланиб қолди. Нима учун у бу аҳволга тушиб қолган экан? Эртаси куни у чолнинг олдига мевачева олиб яна борди.

– Отахон, сизга майда-чуйда олиб келгандим, яхшимисиз?

– Яхшиман, – дея кўрслик билан битта олмани олиб, ётган жойида ея бошлади.

– Кечирасиз отахон, исмингизни ҳам билмайман. Сиз билан гаплашиб ўтиргим келяпти, бир нарса сўрасам майлими?

У бунақа мулозаматни эшитмагани учунми ёки кўнгли юмшадими ҳарҳолда тиланчи чол инсофга келиб:

– Майли, сўрай қол, – деди.

– Оилангиз борми, қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолгансиз?

У ҳамиша тиланчиларни кўрганида шу саволни бергиси келар, лекин бунинг иложини тополмасди. Ишга яроқсизлик ёки қариллик нафақалари билан таъминланган бўлишига қарамай нимага ўзини бундай жирканч аҳволга солишади?

– Исмиим Фиёс, ота-онам ёшлигимдаёқ ўлиб кетишган. Болалар уйида тарбияланганман, яқинларим, қариндошларим ҳам йўқ. Оилам бор эди, ишга яроқсиз бўлиб қолганимдан кейин хотиним қизимизни олиб ўзининг ватани Россияга кетиб қолди. Уй унинг номида бўлгани учун сотиб юборди, мен эса кўчада қолиб кетдим. Бор гап шу, – деб чол аянчли ҳаётини қисқагина қилиб сўзлаб берди. Ёдгор нима дейишини билмай қолди.

– Фиёс амаки, касалхонадан чиққанингиздан кейин сизни тўғри уйга олиб кетсам, майлими, – деди Ёдгор унинг қўлини ушлаб.

– Менга фарқи йўқ, боравераман.

Ёдгор уйга бориб, бувисига бу ҳақда айтганида, у ўйланиб қолди, кейин очиқ кўнгул неварасининг фикрига қарши чиққиси келмай:

– Ўзинг биласан болам, мен ҳеч қачон сенинг фикрингга қарши чиқмаганман, – деб кўя қолди.

Ёдгор Фиёс амакини касалхонадан чиқариб, уйига олиб борди. У ҳеч қаёққа чиқмай хонада қамалиб ўтирарди.

Эрталаб Ёдгор ишга келганида Собиржон билан Фарҳод нима ҳақдадир баҳслашаётганликлари учун унинг хонага кирганини сезишмади. Ёдгорга кўзи тушган Фарҳод:

– Балки сен, Гомер асарларини ўқиган бўлсанг, Троя шоҳи Приамнинг ўғли Парис «Энг гўзал маъбудага» деб ёзилган олтин олмани Афродитага унинг Афина ва Херадан гўзал бўлгани учун эмас, ваъдаси Парисга ёққанлиги учунгина берганлигининг тўғри эканлигини Собиржон акага айтарсан! – деди ўзининг гапи тўғрилигини исботлашга уриниб.

– Афсус, буни айта олмайман, чунки Гомернинг «Илиада»сини ҳам, «Одиссея»сини ҳам ўқимаганман. Лекин сизларга бошқа бир нарсани айтишим мумкин.

– Нимани? – деди иккаласи бараварига.

– Мен ўша тиланчи чолни касалхонадан тўғри уйга, биз билан бирга яшаш учун олиб кетдим...

– Менимча, бу ишингда нонсенс, яъни бирон маъно йўқ! – деди Фарҳод.

– Агар ўзинг шунга қарор қилган бўлсанг, биз нима ҳам дердик, – деди Собиржон ўйланиб.

### Қабоҳат гирдоби

Фаёз 17 ёшга чиққанида болалар колониясидан уйига кетишга рухсат беришди. Бу ҳақда уйдагиларни хабардор ҳам қилмади. Чунки, унинг келишини уйда ҳеч ким соғиниб кутаётгани йўқлигини биларди. Фаёз боришга бошқа жойи йўқлиги учунгина уйига келаётган эди. У Мамарасул аканинг оламдан ўтганлигидан хабар топганди. Фаёз колонияда аввалгидан ҳам дийдаси қотиб, тошбағирга айланган, меҳроқибат, раҳм-шафқат деганлари энди унга мутлақо ёт бўлиб қолган эди.

У тунги учларда уйига кириб борди. Атроф қопқоронғи зимистон, чироқлар ўчган эди. Эшикка қўл теккизиши билан очилиб кетди. Ошхонада кимдир пишиллаб ухлаб ётарди. Фаёз кўзи қоронғуликка ўргангунича кутиб турди. Ниҳоят деразадан гирашира тушиб турган ой ёруғида хона бурчагида ётган одам кўринди. Яқинроқ бориб, унга тикилди. Бурчақда ғужанак бўлиб ухлаб ётган одам Мўмин эди. Унинг қўлда ароқдан бўшаган шиша, аҳён-аҳёнда гингшиб кўярди. Фаёз «ойи» деб чақирмоқчи бўлди, лекин у бу сўзни анчадан буён ишлатмаганими ёки бошқа сабабданми ижирғаниб, индамасдан бориб, онасининг хонасига бошини суқди.



Тушакда икки киши кўринди. У янада яқинроқ бо-  
риб қаради. Ярим яланғоч онаси нотаниш эркак би-  
лан эди! Фаёз ташқарига отилиб чиқди-да, беихтиёр  
ўтинхонага қараб юра бошлади. У қўлига болтани олар-  
кан, «Йўқ, бундай қилмаслигим керак, онам-ку ахир!»  
– деган фикрга борди. Лекин ўзини қўлга олишга қан-  
чалик ҳаракат қилмасин, қалбидан «У менинг онам  
эмас, ҳаётимни дўзахга айлантирган, пешонамга аба-  
дул-абад хароми, деган тамға босган, кераксиз ахлат  
каби улоқтириб ташлаган, бузуқи!», деган нидо оти-  
либ чиқди. Ушу нидога қулоқ солди...

Лоланинг ой нурида кўриниб турган оппоқ кўкси-  
га тушган болтани кўриб, кўрққанидан ҳушини йўқо-  
тиб қўйган нотаниш киши ўзининг бошига ҳам урил-  
ган зарбдан жон таслим қилиб қўя қолди. Шундан ке-  
йин Фаёз мурдаларнинг қаерига қанча болта ургани-  
ни билмасди. Ошхонага чиқиб, ухлаб ётган Мўминни  
ҳам чошиб ташламоқчи бўлди. Лекин яшин тезлигида  
миясига келган фикрдан кейин, ниманидир ўйлади-ю,  
латта билан болтанинг дастасини артди. Сўнгра  
Мўминнинг қўлидаги шишага бармоғини теккизмай  
чеккароққа олиб ташлагач, болтани унинг қўлига тут-  
қазиб қўйди.

Фаёз тунда, шаҳарга ҳеч кимга сездирмасдан қан-  
дай кириб келган бўлса, шундай из қолдирмасдан чи-  
қиб кетди. У қаёққа бораётганини билмас, аслида  
унинг учун энди бунинг фарқи йўқ эди. Қанча вақт  
тентираб юрганини, ҳатто ўзи яқиндагина тарк этган  
болалар колонияси жойлашган шаҳарга қайта келиб  
қолганини ҳам билмасди. Кутилмаганда кўзи тепаси-  
га «Ҳарбий комиссариат» деган ёзуви бор бинога туш-  
ди. Шунда унинг хаёлига ҳарбий хизматга кетишим  
керак, деган фикр келди. У ўйлаб ҳам ўтирмасдан  
ҳамма ҳужжатлари ёнида бўлганлиги учун ариза ёзди.  
Архангелскака ҳарбий хизматга жўнатишди.

Фаёз аскарлик бурчини бажарар, лекин ҳеч ким  
билан деярли гаплашмасди. Фаёз қатори ҳарбий хиз-

матга келганлар бир-бирлари билан аллақачон танишиб, дўстлашиб кетгандилар. Фақат угина одамови. Бир куни Фарид деган татар йигити Фаёздан сўраб қолди:

– Нимага ҳеч кимга қўшилмайсан, ўзинг ҳақингда гапирмайсан, фақат Ўзбекистондан эканингни биламиз холос, ота-онанг борми?

– Болалар уйида ўсганман, ота-онам ўлган...

Аскарларга ота-оналари совға-саломлар юбориб туришар, айниқса, уйларидан хат келган кун йигитлар учун байрам бўлиб кетарди. Фаёз ҳам ўйланиб қолди. Мен ҳам хат ёзсаммикан, лекин кимга? Битта ҳам дўсти йўқ. Шунда Мамарасул аканинг укасининг ўғли Шариф эсига тушди. Жуда яхши бола эди. У Шарифга хат ёзиб, колониядан тўғри Архангелскка, ҳарбий хизматга келганлигини тушунтирди.

Кўп ўтмай Шарифдан жавоб хати келди. У хатида Фаёзга чуқур таъзия изҳор қилиб, қуйидагиларни ёзган эди:

«...Жигарим Фаёз, сенинг соғ-саломат эканлигингдан жуда хурсандман... Оғир бўлса ҳам сенга бор ҳақиқатни айтишга мажбурман. Даданг маст бўлиб, онангни болта билан чошиб, ўлдириб қўйди. У ҳозир қамоқда, онанг энди йўқ, сенга сабр тилайман. Ҳеч кимим қолмади, деб куйинма, мен борман. Ўзингдан битта ёш кичкина уканг Шариф.»

«Шариф барибир яхши бола-да, онамнинг нима учун ўлдирилганини ёзмаган» ўйлади Фаёз.

Кунлар ўтиб у Света исмли қиз билан танишиб қолди. Ҳарбий хизматни тамомлаганидан кейин шу қиз билан турмуш қуриб, яшашга аҳд этди. У аввалги ҳаётини ўйламасликка ҳаракат қилса-да, тушида тез-тез қонли болта кўриниб, бу даҳшатдан қандай қутулишни билмай қийналарди. Шунинг учун ҳам тунни жуда ёмон кўрар ва атайин заводнинг тунги сменасига ишга кирганди. Улар қиз фарзанд кўришди. Фаёзнинг ҳаёти даҳшатли тунги тушлар ва алаҳ-

сирашларни ҳисобга олмаганда, изга тушаётгандай эди...

Хотини унинг тунлари қичқириб юборишлари, ухламай тентираб юришлари қизчасини кўрқитаётганлигини айтиб, бошқа хонада ухламоқчи эканлигини айтди. Фаёз хотинининг гапидан изтироб чеккан бўлса-да, фарзандини ўйлаб рози бўлди.

Бир куни Фаёз ишдан келаётганда кўшниси Дима уй ёнидаги ўриндикда ғирт маст ҳолда утирарди. У Фаёзни имлаб ёнига чақириб:

– Ўтир, – деди.

– Раҳмат, ишдан чарчаб келяпман, уйга киришим керак. Нима гапинг бор эди, айтақол тезроқ? – деди Фаёз шошилиб.

– Нима.., хоти...нинг...сени ...яхши кўра...ди, деб ўйлайсан...ми? – деди ғўлдираб.

– Ҳа, албатта, – деди Фаёз.

– Нима, у...нинг Сашка билан... дон оли...шиб юрганини билмайсанми.., бунини сен..дан бошқа ҳамма билади-ю, – деди Дима зўрға тили айланиб.

Фаёз турган жойида тарашадек қотиб қолди. «Наҳотки, наҳотки... қизим ҳам менинг фарзандим бўлмаса-я... хиёнат... ҳаммасининг падарига минг лаънат. Минг лаънат». Фаёз бу гапнинг тўғри ёки нотўғрилигини хотинидан сўраб кўриш кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмади. Уйига кирмасдан орқасига қайтиб кетди ва қаердандир иккита идишда керосин топиб келиб, уйга ўт қўйиб юборди. Уй аланга ичида қолди. Хотини ва қизини бир амаллаб қутқариб қолишган бўлсалар ҳам уларнинг аҳволлари оғир эди. Қасдан хотини ва қизига оғир тан жароҳат етказишда айблаб, Фаёзни узоқ муддатга қамашди.

Бу қандай шафқатсиз дунё экан, бошқаларга эмас, албатта, фақат менга нисбатан шафқатсиз! Ҳа, ҳа, фақат менга! Мен туғилишим биланоқ бахтсизликка маҳкум килинганман, чунки мен ҳаромиман! Ана шунинг учун ҳам менинг ҳалол яшашим мумкин эмас!

Ҳаётимни ўзгартираман, деб ўйлабман, лекин Худо менга ҳамма қатори яшашни раво кўрмади...

Орадан йиллар ўтди. Фаёз жазо муддатини ўтаб, яна юртига қайтди. Уйи бузилиб, ўрнига бошқа бино қурилганидан кўриб, бир оз енгил тортди. У бошпанасиз қолган бўлса ҳам, бахтсиз болалигини, даҳшатли қотиллигини эслатиб турувчи уйи энди йўқ эди.

Унинг жонига яна Шариф оро кирди. Оққўнгил уканинг унга раҳми келиб:

– Сен энди ҳаммасини унутишинг, ҳаётингни бошдан бошлашга ҳаракат қилишинг керак. Бир хонали квартирам бор, у ерда яшамаяпман. Ишга жойлашгунингча ўша ерда яшаб тура қол, – деди.

– Мени қоп-қора анкетам билан ким ҳам ишга оларди.

– Яна бир балони бошламасанг, анкетасиз ишнинг иложини қилса бўлади. Қўшнимиз Қозоғистондан шампунь, совун олиб келиб сотиб юради, агар хоҳласанг у билан таништириб қўяман.

– Майли, розиман, – деди, менга фарқи йўқ, дегандай қилиб.

Фаёз Қозоғистондан майда-чуйда олиб келиб, сота бошлади. Ҳеч кимга қўшилмас, деярли ҳеч ким билан гаплашмасди. Ҳаммасидан ҳам эътиборлиси, ҳеч қандай спиртли ичимлик ичмас, ароқни кўрса Мўминнинг аҳволи кўз олдига келарди. Хотин-қизларга эса умуман тоқати йўқ эди. Унинг тасаввурида ҳамма хотин-қиз онаси ва хотинидек енгилтабиат, хиёнаткор эди.

Бир куни Шариф Фаёз билан гаплашиб ўтириб:

– Мана, тирикчилигингни ўзинг йўлга қўя бошладинг, савдо-сотик қилиш қийин эмас эканми? – деб сўради.

– Йўқ, қийин эмас, бўлади.

– Ҳаётингнинг аста-секин изга тушаётганидан хурсандман. Энди сенинг иссиқ-совуғингга қараб турадиган аёл керак. Яхшигина бир жувон топиб, уйлантириб қўйсам, нима дейсан? – сўради Шариф.

– Йўқ, керакмас! Бундан кейин менга аёл тўғрисида умуман оғиз очма, тушундингми? – деди Фаёз азбаройи жаҳли чиққанидан ўрнидан сакраб туриб.

– Бу гапингга қўшилмайман, нима, битта-иккита ёмон аёлни деб ҳамма аёлни расвога чиқармоқчимисан? Бу гапни айтишнинг ўзи катта гуноҳ.

Шариф Фаёзнинг фикри нотўғри эканлигини унинг ўзига тушунтирмоқчи бўлиб, куюнарди. Лекин қабоҳат гирдобига фарқ бўлган Фаёз энди ҳеч қандай тўғри фикрни қабул қила олмас эди.

### **Антиқа тасодиф**

Ёдгор ишдан келиб, одатдагидек тўғри бувисининг хонасига кирди:

– Бувижон, яхши ўтирибсизми, қандай янгиликлар бор? – деб ҳар кунги саволини берди. Одатда бувиси унга:

– Болам, менда янгилик нима қилсин, уйда ўтирган кампир бўлсам, – дерди.

Бу сафар у:

– Болам, Гиёс амакинг тушки пайт кўчага чиқиб кетганича қайтиб келмади, хавотир олиб ўтирибман, – деди.

– Кетаётганда бирон нарса деганмиди?

– Эрталаб оёқ ўлгурнинг сиркиллаб оғриётганига қарамай, хабар олай, деб унинг хонасига кирдим. Шўрлик шифтга тикили-иб ётган экан. Раҳмим келиб кетди. «Болам, хонангизга қамалиб ётаверманг, мундоқ ташқарига чиқинг, юринг, биз билан нонушта қилинг, одам дардини одам олади», дедим. – Бечора келганидан бери хонасидан чиқмас, егуликни ҳам хонасига келин олиб кириб берарди, – деб қўшиб қўйди Гулсара буви.

– Кейин нима бўлди, сизлар билан нонушта қилдимми?

– Э, нимасини айтай, ўзи уни зўрға кўндиргандим. Ҳозир бу ишимга пушаймон бўлиб ўтирибман.

– Нимага?

– Ўзи аслида топиб келган амакингнинг мияси ча-тоқроққа ухшайди. Нонушта қилиб, ундан-бундан гаплашиб ўтирамыз десам, деворга тикилганча чурқ этмай утирди. Салдан кейин кучага чиқиб кетди. «Ҳа, йўл бўлсин, ўғлим», десам, «Айланиб келаман», деди.

– Бошқа ҳеч нарса демасми?

– Ўзи, унинг келганидан бери қачон гапирган эди, оғзига талқон солгандай-ку, индамас.

– Қаерга кетган бўлиши мумкин, юрагининг мазаси йўқ эди, бирор кор-ҳол бўлдимикан? – деди Ёдгор хавотир олиб.

– Болам, ўз бошингга ташвишни ўзинг сотиб олдинг-да. Кучада юрган бир дайди бўлса. Сенинг шунча хавотир олишингга арзийдими, қўявер, ҳеч нарса қилмайди унга, агар бошқа бошпана тополмаса ўзи эшикдан кириб келади, – деди Гулсара буви неварасини тинчлантиришга ҳаракат қилиб.

Ғиёс амакининг чиқиб кетганига ҳам ҳафта бўлди. Ундан эса ҳануз дарак йўқ.

Бугун Ёдгорнинг ўғилчаси Низомжон икки ёшга тўлади. Шу муносабат билан у Собиржон ва Фарҳодларни уйига таклиф қилди.

– Ёдгор, бомж амакинг қани, уни чақир, танишиб оламиз, – деб қолди Фарҳод.

– Бир ҳафта бўлди, Ғиёс амаки кетиб қолганлар, – деди у хафа бўлиб.

– Ие, қаерга? – сўради Фарҳод.

– Ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан кетиб қолганлар.

– Э, шунга ҳам хафа бўласанми, улар ўрганган одадини ташлай олмайдилар-да. Сенга айтгандим-ку, бу ишингда ҳеч қандай маъни йўқ деб, укагинам.

– Бирор кори ҳол бўлди, деб кўнглим ғаш.

– Агар келмаса, уйингга олиб келишга бошқа бир бомж топарсан, кўп ҳам хафа бўлаверма, – деди Фарҳод ҳазиллашиб.

– Нима, битта-яримта хафа қилиб қўйибдим амакингни? – сўради Собиржон ҳам унинг кетиб қолганига қизиқиб. – Гулсара буви ёки сиз бир нима деган мидингиз?

– Йўғ-э, болам, ўлибманми, неварамнинг амакисини хафа қилиб, қайтанга мен уни хурсанд қилмоқчи эдим, – деди Гулсара буви.

– Нима дегандингиз? – сўради Собиржон.

– Бирга нонушта қилайлик, деб ялиниб-ёлвориб хонасидан бу ёққа олиб чиқувдим, у бўлса қоққан қозиқдай миқ этмай деворга тикилиб ўтириб, емай-ичмай яна хонасига кириб кетди. Салдан кейин кўчага чиқиб кетиб, қайтиб келмади, – деди Гулсара буви.

– Жуда қизиқ-ку, нонуштани қаерда қилгандингизлар? – сўради Собиржон.

– Мана шу ерда, у худди сизнинг ҳозир ўтирган жойингизда ўтирган эди, – деди Гулсара буви Собиржоннинг ўтирган стулини қўли билан кўрсатиб.

Собиржон тўғрига қаради, деворда Ёдгорнинг дадаси билан онасининг унчалик кўзга ташланмайдиган кичикроқ сурати осифлиқ турарди...

\* \* \*

Собиржон уйига келганида вақт алламаҳал бўлиб, болалар ухлаб қолишган, Азиза эрининг келишини кутиб, телевизор кўриб ўтирганди.

– Ассалому алайкум, яхши келдингизми, чой ичасизми? – деб сўраркан Азиза яна телевизорга қаради.

– Ичмайман, қанақа кино экан? – деди Собиржон ҳам қизиқиб.

– Яхши кино экан, ана, охирига етиб қолди, – деди Азиза Собиржонга қараб.

– Шунчалик қизиқиб кўраётган кинонг нима ҳақда эди ўзи?

– Битта кашфиётчи робот яратади. У инсон қилдиган деярли ҳамма ишларни бажара олади. Кўриши ҳам одамдан фарқ қилмайди. Ихтирочи унга

инсонга хос ҳамма нарсани беради, лекин қанчалик ҳаракат қилмасин, роботга, бировга яхшилик қилиб хурсанд бўлиш ёки бехосдан озор етказиб қўйганида руҳан қийналиш каби туйғуларни бера олмайди.

Аммо фильм қаҳрамонининг мардлиги, оққўнгилиги, улкан эзгу ишлари ҳатто роботда ҳам ихтирочи бера олмаган ҳис-туйғуларни уйғотади, – деди Азиза.

– Ҳа, яхши фильм экан, болалар кўрмай ухлаб қолишибди-да.

– Уларнинг ухлаганига анча бўлди.

– Шунақами?

– Айтмоқчи, яқинда шу кинодагига яқинроқ бўлган воқеа ҳақида ўқиб қолдим, руҳшуносларнинг аниқлашича, ҳар қандай инсонийлик қиёфасини йўқотган кимсада ҳам ўзига нисбатан қилинган эзгу ишлар олдида виждон азобидан қийналиш туйғуси оз фурсатга бўлса ҳам уйғонаркан, – деди Азиза сув ичиш учун қўлига стаканни олиб.

Собиржон Азизанинг сўзларини тингларкан, хаёлига бирдан Ёдгорларнинг уйида деворда осифлиқ турган сурат ва тиланчи чолдаги ўзгариш келди. У деворга эмас, балки Ёдгорнинг ота-онасининг расмига тикилиб ўтирган бўлса-чи?!

– Ё тавба, наҳотки, наҳотки... Унда виждон азобида қийналиш туйғуси уйғонган бўлса-я. Ақл бовар қилмайди, наҳотки, – деди Собиржон ҳайратини яширолмай кўзларини катта-катта очиб, Азизага қараб.

– Худди мен оламшумул кашфиёт қилгандек гапирасиз, бу оддий фалсафа-ку, дадаси. Тинчликми, хаёлингиз жойидами ўзи? – деди Азиза Собиржоннинг ўзидан-ўзи ҳайратга тушишига тушунолмай елкасини қисиб.

– Оламшумул кашфиёт тўғрисида ҳеч нарса дея олмайман-у, агар ҳар доимгидай сезгиларим алдамаса, бу ерда антиқа тасодиф бўлганлиги муқаррар! – деди Собиржон ўзига-ўзи гапирётгандай.



Азиза Собиржоннинг нима демоқчи эканлигига тушунаолмай уйқуси келганидан эснаб, ичкарига кириб кетди.

\* \* \*

Собиржон эрталаб ишга келиши билан тўғри Ёдгорнинг олдига кирди.

– Ассалому алайкум, Собиржон ака, эрталабдан йўқлаб қолибсиз, келинг, – деди қоғозларга кўмилиб, компьютердан ниманидир излаётган Ёдгор Собиржонга қўл бериш учун ўрнидан тураркан.

– Фиёс амакинг ҳар доимги ўрнида йўқ эканми, тунелдан ўтаётганда қарамадингни?– деди Собиржон.

– Қарадим, у ерда йўқ экан, нима бирор янгилик эшитдингизми?– деди Ёдгор Собиржоннинг кутилмаганда Фиёс амаки билан қизиб қолганига ҳайрон бўлиб.

– Йўқ, ўзим, шунчаки эсимга тушиб кетди...– деди Собиржон ва кўзи стол устида турган ўзининг китобига тушиб: – Мана шу китобни излаб кирган эдим, – деб уни олиб, чиқиб кетди.

Собиржон Ёдгорга дадасининг ўлимига алоқадор иш материалларини кўриб чиқмоқчи эканлигини айтмоқчи бўлди-ю, лекин дарров фикридан қайтди. «Яхшиси, буни унга билдирмасдан ўзим қилишим керак, чунки биринчидан, кеча қўлимдаги жиноят ишининг терговини тамомлаб, судга юбордим, вақтим бемалол, иккинчидан, Ёдгор ўзи яқинда ишга тушди, қўлида тергов қилиниши керак бўлган муҳим жиноят иши бор, бу гапни унга айтсам ҳамма нарсани чалкаштириб юбориши аниқ», деб ўйлади Собиржон. У вилоят прокуратураси архивидан 1986 йилги Низом Аббосовнинг ўлимига алоқадор жиноят иши ҳужжатларини сўраб олиб, таниша бошлади: «...Икки булакка бўлинган мурда ҳаво ранг клёнкага ўралган ва пакетларга жойлаштирилган ҳолда ахлатхонадан топилган, икки кундан кейин эса Қозоғистон республикасида ҳаво ранг клён-

кага ўралган эркак кишининг боши топилганлиги ҳақида хабар берилган...»

Шу иш бўйича сўроқ қилинган ҳар бир гувоҳнинг сўзларини диққат билан ўргана бошлади. Собиржон шу ишга алоқадор, деб топилган гувоҳ ва гумондорларнинг исмларини ён дафтарчасига ёзиб қўйиб, уларнинг кўрсатмаларини синчиклаб текшира бошлади.

Гумондор сифатида Вали Тўраев сўроқ қилинган, у қасддан баданга шикаст етказиш ва талончилик жиноятлари содир қилиб судланган ва жазони ўтаб келганига икки ой бўлган, шунинг учун ундан шубҳаланишган бўлишса керак, лекин у жиноят содир бўлган куни, яъни 1986 йил 5 майда касалхонада ётган экан. Икки кун олдин кучли иситма билан келган, сўроқ қилинган куни ҳам ўрнидан туролмай ётган.

– Ҳа, Аббосовнинг ўлимида Вали Тўраевдан гумон қилишга умуман асос йўқ,– деб Собиржон унинг исмини чизиб қўйди.

Мамарасулов Фаёз Мўминович Россияда қилган жинояти учун жазони ўтаб, 1985 йил декабрда Ўзбекистонга келган. У хотини ва қизини ўлдириш мақсадида уйига қасддан ўт қўйишда айбланган экан. Аббосов ўлдирилган кечаси у Қозоғистонда бўлган, буни шу куни эрталаб поездда бирга келган икки гувоҳ ва қўшниси тасдиқлайди. Мамарасуловнинг қариндоши Шариф Мусаев ҳам унинг Қозоғистонда бўлганлигини тасдиқлаб, кўрсатма берган:

«Иш жойимдан берилган квартирамни қариндошим Фаёзга вақтинча яшаш учун бериб қўйган эдим... Шу квартирага яқин ердага ахлат ташлайдиган жойдан бўлакланган эркак кишининг мурдаси топилганини эшитиб, Фаёздан хавотирланиб, дарров унинг олдига бордим. Эндигина уйга кириб ечинаётган экан, у ҳам бу гапни йўлда эшитганини айтди...»

«Қизиқ, нима учун Шариф Фаёздан хавотирланади, уни ўлдиришган, деб ўйлабми ёки шу ишни қилган бўлиши мумкин, дебми?» – ўйлади Собиржон.

Жиноят иши 1987 йил 7 январда жиноятни содир қилган шахс аниқланмаганлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатилган. Собиржон дафтарчасидаги Фаёз Мамарасуловнинг исмини ҳам гумон қилишга асос йўқ, деб чизиб қўймоқчи бўлдию, лекин нима учундир унга сўроқ белгиси чизди. У Фаёз Мамарасулов ва Шариф Мусаевларнинг манзилларини, яна бир-иккита нарсаларни ёзиб олди.

– Жиноят ишини очиш учун роса меҳнат қилишган экан, лекин натижаси бўлмабди. Ишни вилоятдаги энг тажрибали терговчи олиб борган. У нимани кўздан қочирган бўлиши мумкин? Тезкор қидирув ҳаракатлари ҳам вақтида, талаб даражасида олиб борилган. Ваҳшиёна жиноят содир қилинган бўлсаю, наҳотки жиноятчи изсиз йўқолса! Собиржон шу каби ўйлар билан бўлиб, хонасида у ёқдан-бу ёққа юравериб, оёғи чарчаб кетганини сезиб, жойига ўтириб олди.

Собиржон ўйлай-ўйлай охири Шариф Мусаевдан даҳшатли жиноят содир қилинганлигини эшитганидан кейин нима учун қариндоши Фаёздан хавотирланганлигининг сабабини сўраб, билишим керак, деган фикрда тўхтади, лекин бу ишни қилишнинг ўзи катта муаммо эди. Биринчидан, воқеа бундан 23 йил олдин содир бўлган. Бу вақт ичида Шариф Мусаев соғ-саломат юрганмикин, бундан ташқари унинг яшаш манзили ўзгармаганмикин? Қолаверса, Мусаевни излаб-излаб топсам-у, ундан сўраётган саволимнинг жавоби жуда оддий, ишга алоқасиз бўлиб чиқса-чи? Майли нима бўлса булар, шу вақтда кўрсатилган манзил бўйича излаб кўраман, деган хаёллар билан хонасидан чиқди.

Мусаевнинг манзилини топиш унча қийин бўлмади. Катта ҳовлининг дарвозаси очиқ, икки-учта бола қичқаришиб, ўйнаб юришарди.

– Ким бор, бу ёққа қараб юборинглар! – деди Собиржон овозини баландлатиб.

Беш-олти ёшлардаги бола югуриб келди.

– Бу Шариф Мусаевнинг ҳовлисими?

– Додажон керакми сизга? – деди бола салом бергандан кейин.

– Ҳа.

– Ҳозир чақираман, – деб бола югуриб кетиб, эллик-олтмиш ёшлардаги кишини эргаштириб чиқди. Саломалиқдан кейин Собиржон:

– Сиз, Шариф Мусаев бўласизми? – деб сўради.

– Ҳа, менман, сизни танимайроқ турибман?

– Мен вилоят прокуратурасидан Собиржон Мирзаев бўламан.

– Тинчликми, ука? – деди Шариф ака Собиржонга, мен ҳеч қандай жиноят қилмадим-ку, дегандай тикилиб.

– Ҳа, тинчлик, мен фақат бундан 23 йил аввал содир қилинган жиноят юзасидан бир нарсани сиздан сўраб, аниқлаб олмоқчиман, холос. Агар вақтингиз бўлса, менга шу масаладаги саволларимга жавоб берсангиз, терговга катта ёрдам қилган бўлардингиз, – деди Собиржон.

– Қайси жиноят ҳақида гапиряпсиз, ҳеч нарсани тушунмаяпман?

– Мени кечиринг, Шариф ака, дабдурустдан келиб, сизни аллақандай жиноят ҳақида гапириб беринг, деб безовта қиляпман, албатта, бу сизнинг эсингиздан ҳам чиқиб кетган бўлиши керак. Қариндошингиз Фаёз Мамарасулов тўғрисида берган курсатмангизни назарда тутяпман, – деди Собиржон узр сўраб.

– Ҳа, Фаёз ҳақида денг... Ташқарида турмайлик, ука, ичкарига киринг, бир пиёла чой ичиб, бафуржа гаплашиб оламиз, – деб Шариф ака Собиржонни уйга таклиф этди. Ҳовли жуда ораста эди, улар чеккага, қулай жойга қўйилган стол-стулга бориб ўтиришди. Шариф ака болаларга шовқин қилмасдан нарироққа бориб ўйнашларини тайинлади ва ичкарига қараб:

– Бу ёққа қараб юборинглар, чой-пой олиб келинглар, – деди овозини баландлатиб ва Собиржонга қараб:

– Хуш, ука, нима ҳақида сўрамоқчи эдингиз, нахотки Фаёз соғлиги бир аҳволда бўлса ҳам яна бир балони бошлаган бўлса? – деди Шариф ака хавотирланиб.

– Йўқ, унақа эмас, 1986 йилда содир қилинган жиноятда, мурдаси бурдаланган ҳолда ахлатхонадан топилган киши жасади ҳақидаги воқеа эсингиздами, бу ишда Фаёз Мамарасуловдан гумон қилиниб, терговда сўрашган экан. Бу ишда сиз, қариндошингиз Фаёз аканинг қўли йўқлигини айтиб, кўрсатма бергансиз, тўғрими? – деди Собиржон воқеани Шариф аканинг эсига солишга ҳаракат қилиб.

– Ҳа, бу воқеадан бутун шаҳар даҳшатга тушган эди. Аллақандай ваҳимали миш-мишлар тарқалганди ўшанда, эсдан чиқадиган воқеа эмас эди, албатта. Ҳаммаси эсимда бор. Фаёз Россияда оқир жиноят қилиб, ўтириб келганига 4-5 ой бўлгани учун ундан гумон қилдилар, шекилли. Лекин ўша одам ўлдирилган кечаси Фаёз Қозоғистонда бўлган, қолаверса, у бундай иш қила олмаса керак, деб ўйлайман, – деди Шариф ака.

– Ўшанда терговга берган кўрсатмангизда «Мен воқеанинг квартирамга яқин жойда содир бўлганлигини эшитиб, Фаёздан хавотирланиб, дарров уйга бордим» дегансиз. Нима учун сиз, ўшанда, Фаёз акадан хавотирлангансиз, шу гапингизни тушуна олмадим. Шариф ака, илтимос, агар сизга малол келмаса, шуни тушунтириб беринг? – деди Собиржон.

– Ҳа, ўшанда нима учундир Фаёздан хавотирлангандим, негалигини ўзим ҳам билмайман. Балки унинг ёшлигидан уришиб, талашиб, қачон қараманг, бирор ғалвани бошлаб юргани, биров билан уришиб қолса, уни аямай, раҳмсизларча дўппослашларини кўрганим учунми, ким билади дейсиз? – деди Шариф ака ўйла-ниб.

– У нима учун хотини ва қизини ўлдирмоқчи бўлиб, уйига ўт қўйган экан, ўзи? – сўради Собиржон.

– Ҳа, унинг бу ишидан хабарингиз бор экан-да, балки кейинги қилган жиноятини ҳам биларсиз? – деди Шариф ака Собиржонга чой қуйиб узатаркан.

– Йўқ, унинг кейинги қилган жиноятларидан хабардор эмасман. Яхшиси қариндошингиз Фаёз ака тўғрисида менга батафсил сўзлаб беринг. Унинг сизга қандай қариндошлиги бор, қандай жиноятлар қилган, ҳозир нима билан шуғулланади? – деди Собиржон.

– Фаёз дадамнинг амакисининг невараси бўлади, унинг мендан бошқа қариндоши бўлмагани учун унга раҳмим келиб, бошпана бериб қўйганман, лекин бу уйда у жуда кам яшади. Чунки унинг доимий яшаш жойи қамоқхона бўлиб қолган. У 14 ёшлигида болалар колониясидан тўғри ҳарбий хизматга кетган. Ҳарбий хизматда бўлган жойида бир аёлга уйланиб, қиз кўрганини эшитиб, Фаёз энди ҳаётини изга солди деб, хурсанд бўлган эдим. Лекин уч йил ўтиб-ўтмай яна қамалиб кетганини эшитдик. У 1985 йилда берилган жазони ўтаб уйига қайтди, ота-онаси эса фожиали ўлим топишган эдилар. Уйлари бузилиб, ўрнида бошқа иморатлар қурилиб кетган эди. Шунинг учун ҳам унга иш жойимдан ажратилган бир хонали квартирамни вақтинча яшаши, тирикчилик қилиши учун иш топиб бердим. Хуллас қўлимдан келган ҳамма ёрдамимни кўрсатдим.

Уйлантириб қўяман десам, у буни хоҳламади, чунки хотинининг хиёлати учун уйига ўт қўйган экан. Унинг назарида ҳамма хотинлар хиёнаткор, деб улардан ниҳоятда нафратланарди. Йўловчи ташиш поездиди Қозоғистондан совун, шампунь ва шунга ўхшаш майда-чуйда нарсалар олиб келиб сотарди, ўша пайтларда бу нарсаларнинг тури кам, ноёброқ эди-да. Тинчгина тирикчилигини қилиб юрувди, нима бўлдию, шу орада бир аёл билан жанжаллашиб, уни ўлар даражада калтаклабди. Бечора аёлнинг икки оёғи ҳам ишламай диган, ногирон бўлиб қолди. Фаёз эса 1989 йилда яна узоқ муддатга қамалди. Қамоқхонада ҳам тинч-

гина юрмаган бўлса керак, муддатига яна йил қўшишди, ишқилиб 2007 йилда қайтиб келди. Мана кўрдингизми, у менинг уйимда ҳаммаси бўлиб 4-5 йил яшадди, холос. Қолган умри қамоқхоналарда ўтган, – деди Шариф ака Собиржонга қараб.

– Фаёз ака ҳозир қаерда?

– У охири марта жазони ўтаб келганида аҳволи жуда ёмон эди, бир оёғи қотиб қолганлиги учун умуман ишламас, бармоқларини қимирлата олмасди. У шу аҳволда бўлса ҳам гапга қулоқ солмас, ўжар эди. Унга бизникига кел, энди сен ўзингни ўзинг эплай олмайсан, қолган умрингда биз билан яша, десам унамади. «Агар раҳминг келса, бир хоналик уйинг бўш бўлса, ўша ерда яшашимга рухсат бер. Лекин, ҳаётимга аралашма», деди. Шундай бўлса ҳам келинлар унинг кирчири, иссиқ-совуғидан хабар олиб туришарди. Ўзим ҳам вақтим бўлганида олдига чиқардим.

– Ҳозир ҳам шу уйда яшаяптими?

– Хабар олишга борганимда кундузлари уйда бўлмасди, кейин билсам, туннелда тиланчилик қилиб ўтираркан, буни эшитиб жуда хафа бўлдим. Унга бу ишингни қилма, деб ялиндим, ҳамма керакли нарсаларингни ўзим олиб келиб бераман, нима десанг шуни бажараман, тиланчилик қилма, дедим. Лекин кунмади, «Мени ўз ҳолимга қўй», деди.

– Ҳозир Фаёз ака қаерда? – тоқатсизланди Собиржон. Шариф ака воқеани атайлаб чузаётгандек шонилмасдан гапирар эди.

– Ҳозир унинг қаердалигини ўзим ҳам билмайманда, ука. Яқинда қизиқ воқеа бўлди, у уйга кўнғироқ қилиб, касалхонада ётганлигини айтди. Қайси касалхонада эканлигини суриштириб, топиб бордим, борсам...

– Келинг, Шариф ака, бу ёғини мен айта қолай, – деди Собиржон унинг гапини бўлиб. Унда Фаёз билан Ғиёс энди иккаласи бир одам эканлигига шубҳа қолмаган эди.

– Борсангиз у юраги хуруж қилганини, Ёдгор исмли бир йигит ёрдам берганини, касалхонадан чиққанидан кейин уни уйига олиб кетмоқчилигини гапириб берди, тўғрими?!

– Ҳа, тўғри, демак, сиз Фаёзнинг қаерда эканлигини билар экансиз-да, унда нима учун мендан, у ҳозир қаерда, деб сўраб ўтирибсиз?– деди ҳеч нарсага тушунолмаган Шариф ака.

Собиржон Шариф аканинг нима деяётганлигига эътибор ҳам бермасдан, ҳатто унинг хонадонидан эканлигини ҳам унутиб, худди ўзининг ишхонасидаги одади буйича у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Уй эгаси унга, бу йигитнинг эси жойидами ўзи, бўзчининг мокисидай у ёқдан-бу ёққа яна қанча юради, дегандай таажжубланиб қараб ўтирарди.

Собиржоннинг қорачадан келган, юзи одатдагидан ҳам жиддийлашган эди. У хаёлида тасаввур қилаётган воқеаларни бир бирига боғлаб, ҳақиқатга яқинлигига ишонч ҳосил қилиш учун, фикрларини жамлаётган эди.

Охири Шариф ака чидай олмай:

– Бўлди-да ука, бошим айланиб кетди, оёғингизга раҳмингиз келсин, бирпас тўхтасангиз-чи! Гап нимадалигини мундоғ ўтириб тушунтиринг, барака топгур, – деди.

Собиржон юришдан тўхтаб, Шариф акага ўткир нигоҳларини қадади ва вақтидан илгари анча сийраклашиб қолган, сал тўлқинсимон, қора сочларини силаб:

– Гап шундаки, Шариф ака, ҳозир сизга бермоқчи бўлган саволимга берган тўғри жавобингиз ўта муҳим бир нарсани аниқлашда катта ёрдам бериши мумкин, – деди.

– Ёрдам беришга тайёрман, ука, фақат жумбоқсиз гапиринг, юрагим тарс ёрилиб кетай деяпти, ўлай агар ҳеч нарсага тушунмаяпман, – деди Шариф ака хуноб бўлиб.

– Бундан 23 йил аввал сиз даҳшатли воқеа содир бўлганини эшитиб, қариндошингиз Фаёздан хавотир-



ланиб, дарров унинг яшайдиган жойига бордингиз, тўғрими? – сўради Собиржон.

– Тўғри, лекин буни сизга икки марта айтдим, шекилли.

– Сиздан сўрамоқчи бўлган нарсам, Шариф ака, албатта, буни шунча йилдан кейин эслаш қийин, лекин илтимос, эслашга ҳаракат қилиб кўринг. Сиз Фаёз яшайдиган уйга кирганингизда хона жиҳозларида ёки ундаги бирор нарсада ўзгариш сездингизми?

– Йўқ, ҳамма нарса жойида эди, ўзгариш сезмадим.

– Наҳотки, яхшилаб ўйлаб кўринг-чи!

– Йўқ, дедим-ку, – деди Шариф ака, бунинг нима кераги бор, дегандай.

– Масалан, овқатланадиган столдами, хонанинг полидами, ваннахонадами, – ... деяётганида Шариф ака унинг гапини бўлди:

– Э, тўхтанг, тўхтанг, эсимга тушди, ахир буни эрдан чиқариш мумкин эмас-ку! Фаёз умри бино бўлиб, уй учун харид қилган нарсаси стол устига яшил рангли янги клёнка сотиб олган эди.

– Эй, Худо, наҳотки?! – деб юборди Собиржон ҳайратини яшира олмай.

– Мен ҳам худди сиз каби, наҳотки сен сотиб олган бўлсанг, – дедим, унинг уйдаги нарсаларга эътибор бера бошлаганига суюниб. У бўлса, менга ҳаворанг ёқмайди, шунинг учун ўзимга ёққан рангни олдим, – деди Шариф ака яқиндагина бўлган воқеани эслагандек.

– Демак, илгариги эски клёнка ҳаво ранг бўлган экан-да... Ўзим ҳам худди шундай деб ўйлаган эдим, раҳмат сизга. Эслаганингиз учун минг раҳмат, – деди Собиржон бориб Шариф аканинг қўлини сиқиб.

– Агар бу сизнинг оғирингизни енгил қилган бўлса, мен ҳам хурсандман, – деди Шариф ака ҳеч нарсани тушунмаган бўлса ҳам.

– Энди сиз менга, Фаёзга нима бўлганлигини айтинг, ундан хабарингиз бор, шекилли, – деди Шариф ака Собиржонга қараб.

– Гап шундаки, у Ёдгорнинг уйидан ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан кетиб қолган, бунга ҳам 7-8 кун бўлган. Унинг ҳозир қаердалигини билишим керак.

– Агар чиқиб кетган бўлса, қаёққаям борарди, ҳозир уйда бўлиши керак. Бир ҳафтадан бери у йўқлиги учун уйдан хабар олганим йўқ эди, – деди Шариф ака ва Собиржондан сўради: – Барибир тушунмаяпман, Фаёз ҳеч қандай ғалва бошламаган бўлса, уни бунчалик куйиб-пишиб излашингизнинг сабаби нимада, ука?

– Шариф ака, илтимос, мен билан юринг, қариндошингиз Фаёз яшаётган уйга борамиз, ўша ерда ўзингиз ҳаммасини билиб оласиз, – деди Собиржон ўрнидан тураркан.

\* \* \*

Собиржон билан Шариф ака Фаёз ётган хонага кирганларида, у каравотда шифтга тикилиб, қимирламасдан ётар, ҳатто улар томонга қараб ҳам қўймади.

– Фаёз, тинчликми, соғлигинг жойидами? – деди Шариф ака хавотирланганидан унга яқин бориб, қўлини унинг пешонасига қўйиб кўраркан.

– Ҳа... – деди у худди инграгандек овозда.

Фаёзга бирдан кўзи тушган ҳар қандай одам унинг мурдага ўхшаб қолган қонсиз, совуқ, кўрқинчли юзини кўриб, эти жунжикиб кетиши тайин эди. Собиржон унинг тириклиги ва гапира олишига ишонч ҳосил қилгач индамай ташқарига чиқди ва қўл телефони-дан қўнғироқ қилиб:

– Фарҳод, қулоқ солинг, алоҳида хавфли жиноятчини сўроқ қилиш учун нималар ва кимлар зарур бўлса ҳаммасини ҳозирнинг ўзида мен айтган манзилга олиб келинг, тушундингизми? – деб манзилни айта бошлади.

– Рецедивистни қаердан топа қолдингиз, унақа ишни тергов қилаётганингиз йўқ эди-ку? – деди Фарҳод Собиржоннинг кутилмаган қўнғироғидан тааж-жубланиб.

– Ҳозир тушунтириб ўтиришнинг вақти эмас, келгингингиздан кейин ҳаммасини ўзингиз билиб оласиз, – деди Собиржон ва шошилиб бошқа жойларга қўнғироқ қила бошлади.

Ярим соатга қолмай Фарҳод Собиржоннинг топширигини бажариб, етиб келди. Ҳамма йиғилгандан кейин улар биргаликда Фаёз ётган хонага киришди. У бир нарсани сезгандек, олдига кирганларга хавотирланиб қаради ва яна индамай шифтга тикилиб қолди. Ҳамма ўз ўрнини эгаллаб, тайёр бўлгандан кейин, Собиржон Фаёз ётган жойга яқинроқ келиб:

– Сиз, Мамарасулов Фаёз Муминович бўласиз, тўғрими? – деб савол берди.

У секингина:

– Ҳа, – деб бошини қимирлатди.

– Бундан 23 йил аввал, яъни 1986 йил 5 майда Нишом Аббосовни ваҳшийларча ўлдирганингизни тан оласизми?

У худди ҳеч нарса эшитмагандай индамай ётаверди.

– Жавоб беришни хоҳламайсизми?

Фаёз унга бир қараб қўйиб, яна шифтга тикилиб олди.

– Ундай бўлса эшитинг, қотилликни қандай амалга оширганингизни мен айтиб бераман, – деб сўз бошлаётганида Собиржоннинг қўл телефони жиринглаб қолди, у гаплашиб, – раҳмат сизга, ўзим ҳам худди шундай деб ўйлагандим, – деди ва телефонини ўчириб қўйиб, гапини давом эттирди:

– Сиз 1986 йил 5 май кечаси соат 11ларда марҳум Аббосовни уйингизга олиб кириб, унинг бошига, бўйнига ва бошқа жойларига ваҳшийларча уриб, ўлдиргансиз, кейин мурдани қандай йўқотишни ўйлагансиз. Жасадни судраб, ташқарига чиқарсангиз, буни албатта сиз қилганингизни билиб қолишарди. Шунинг учун қонли жиноятингизни яшириш мақсадида, қотиллик қилганингиз етмагандек, мурдани таҳқир-

лаб, бўлакларга ажратгансиз ва овқатланиш столидаги ҳаво ранг клёнкани олиб, унга мурданинг бўлакларини ўрагансиз. Бу ишларнинг ҳаммасини ваннахонада бажаргансиз. Жасаднинг боши бўлмаса уни ҳеч ким танимайди, деб ўйлагансиз ва бўлакларни уйингиздан унча узоқ бўлмаган ахлатхонага ташлаб, ваннахонани тозалаб, жиноят изларини йўқотиб, мурданинг ҳаворанг клёнкага ўралган бошини олиб, йўлга чиққансиз. Қўл телефонимга ҳозиргина кўнғироқ қилиб айтишди, ўша йили 6 май тунги соат 1 да тез юрар юк поезда бўлган, у шаҳар бекатида атиги 3 дақиқа тўхтаб ўтган. Шу юк поездига ўтириб, Қозоғистондан ўзингиз ҳар доим савдо – сотиқ учун нарса олиб келадиган вокзалда тушгансиз. Поезд бу ерда 5 дақиқа тўхтаб ўтарди, шундан фойдаланиб, гавдадан ажратилган бошни вокзалдаги ахлат қутисига ташлагансиз. Ниҳоят ўзингизнинг ҳар доимги қатнайдиган поездингизга чиқишга улгургансиз, поездда сизни танийдиган икки одамнинг борлиги жуда қўл келган. 6 май куни эрталаб поезддан тушиб, йўл-йўлакай столнинг устига янги, яшил рангли клёнка сотиб олгансиз. Шу билан сиз ўзингизнинг даҳшатли қотиллигингизнинг изини йўқотишга эришгансиз.

– Вой, аблаҳ! – деди Собиржоннинг гапларидан тошдай қотиб қолган Шариф ака.

– Бу харидингиздан қувонган Шариф ака агар ваннахонага кирса ундан ҳам кўпроқ қувонарди. Чунки, сиз қон изларини йўқотиш учун у ерни саранжом-саришта қилиб, тозалаб қўйган эдингиз-да. Инсон бола-си қилиши мумкин бўлмаган даҳшатли, ваҳшиёна ишларни бажариб, яна ҳеч нарса бўлмагандек, ҳаворанг ёқмаслигини айтиб, бемалол яшайвердингиз, тўғрими? – деди Собиржон Фаёздан жавоб кутиб.

У жавоб бериш ўрнига кўзларини юмиб олган ҳолда, чурқ этмасдан ётарди.

– Кўнларнинг бирида, тиланчилик қилиб ўтирганингизда юрагингизнинг мазаси қочиб қолади, шунда

Ёдгор исмли йигит сизни касалхонага олиб боришда ёрдам беради. У ёрдам берибгина қолмай, кўчадаги исқирт, тиланчи чолни уйига олиб келади. Уларнинг уйида деворда осифлиқ турган суратни таниб қоласиз. Бу бир пайтлар сиз ваҳшийларча ўлдирган йигитнинг сурати эди. Суратдаги йигит олижаноб инсон – Ёдгорнинг дадаси эканлигини билиб қоласиз ва у уйга келмасидан олдин, кўзига кўзингиз тушишидан қўрқиб, ҳеч нарса демасдан, хайр-хушни насия қилиб, кетиб қоласиз. Ҳеч нарсадан бежабар Ёдгор бўлса отасининг қотилидан, «Юрагининг мазаси йўқ эди, бирор кор-қол бўлдимикан» деб бир ҳафтадан бери хавотирланади, – деди Собиржон Фаёздан кўзини узмасдан, кейин бирпас жим туриб, давом этди:

– Сиз ҳеч нарсага жавоб бермасангиз ҳам, бир саволга жавоб беришингизни жуда-жуда истар эдим. Чунки қанча ўйласам ҳам шу нарсага тушунолмаб бошим қотиб қолди, қилган ваҳшийликларингиздан маълумки, сизда инсонийлик туйғуларидан асар ҳам қолмаган. Ваҳоланки, шундай экан, нима учун Ёдгорнинг уйида, ҳамма нарсани билганингиздан кейин ҳам маза қилиб яшайвермасдан, қочиб келиб, бу ерда яшириниб ётибсиз, нега, нима учун?!

Хонага жимлик чўкди, Собиржон Фаёздан ҳамон жавоб кутиб, унга қараб турарди.

Ғиёснинг озғин қора, чўтир, чандиқлар билан қопланган юзида сал ўзгариш сезилди. Унинг қонсиз, кўкиш лаблари қимирлади:

– Инсонийлик туйғуси... Қайси инсон. Ўзи менга инсондек қарашганми? Мен ўзимни инсон, деб ҳис қилганманми?!– Фаёзнинг совуқ овозидан, худди тобутдан товуш чиққандай сесканиб, ҳамма у томонга қаради. У бўлса манзилига ҳориб-чарчаб етиб келган, бошқа борадиган жойи йўқ йўловчидай, секин, шонилмасдан сўзлай бошлади:

– Мен қилган ҳеч қайси ишимдан пушаймон эмас эдим, кимни урган, кимни ўлдирган бўлсам ҳаммаси-

ни қилмишларига яраша жазолаганман деб уйлардим, фақат Ёдгорнинг дадасини...

Фаёз Собиржоннинг саволига жавоб бераётганидан кўра кўпроқ ўзи билан ўзи гаплашаётганга ўхшарди.

– Лаънати ароқдан бир умрга нафратланиб келганман, уни кўрсам Муминнинг аҳволи кўз олдимга келиб, бутун дунёга ўт қўйиб юборгим келарди... Ўша куни кимнингдир, ароқ ичсанг тўйиб ухлайсан, деганини эслаб ичгандим. Чунки неча йиллардан бери уйқу менга бегона бўлиб қолган, мабодо кўзим илинганда ҳам кўрқинчли тушлар даҳшатидан уйғониб, ухлаганимга пушаймон бўламан... Ҳа, ўша машғум кун кечқурун мен ичгандим... Бу воқеа 23 йилдан бери, ҳар куни, худди кечагина содир бўлгандек кўз олдимдан кетмайди...

Кечаси соат 10-11 лар чамаси эди, кичкина йўлакдан юриб, уй томонга бораётсам бир йигит ёнимдан хиргойи қилиб тез-тез юриб ўтиб кетди. Мен ундан:

– Эй, тўхтаб тур, чекишдан борми? – деб сўрадим.

– Албатта бор, мана ака, – деб сигаретани қутиси билан узатди.

– Бойваччаман демоқчимисан, керакмас ҳаммаси, фақат бир дона керак менга, тушундингми? – дедим тихирлик қилиб. У бўлса пинагини ҳам бузмай:

– Майли ака, мана бир дона, – деб қутидан битта олиб узатди. Мақсадим чекиш эмас эди, йигитнинг ҳаётдан хурсанд бўлиб кўринган қиёфаси менга ёқмаётган эди. Уни қандай бўлмасин хафа қилгим келаётганди. Илгари унақа эмас эдим. Ким мени хафа қилсагина, уни аямасдим, қилмишига яраша жазолардим. Умримда биринчи ва сўнгги марта ичиб, бир нарсани билдимки, мастлик тубанни яна юз марта тубанлаштирар, қабиҳни минг карра қабиҳлаштирар экан...

– Гугурт-чи? дедим.

– Узр, йўқ.

– Йигитмисан ўзи, гугурт топ! – деб унга ўдағайладим.

– Ака, бугун ҳаётимдаги энг бахтли куним, биласизми нега? Бугун ота бўлдим, жуда хурсандман, шунинг учун сизни ҳам хафа қилгим келмай турибди. Сизга гап қайтармаганим учун мени кўрқоқ, деб ўйламанг, кайфиятимни туширгим келмаганидан шундай қиламан, тушундингизми? – деб у кетмоқчи бўлганди, унинг елкасидан ушлаб қолдим.

– Унда нишонлашга арзийдиган воқеа бўлибди-ку, юр бирга ичамиз, – дедим.

– Ака, раҳмат, бугун етарлича ичдим, – деди йигит.

Уни роса дўппослагим келди, хурсандчилигини кўролмаётган эдим. Қандай қилиб бўлса ҳам уни уйга олиб кириш йўлини излай бошладим. Чунки кўчада уришсам, дарров ушлаб олиб, осонгина қамаб юборишарди. Айёрлик қилиб, турган жойимда йиқилдим. Йигит орқасига қайтиб, ўрнимдан туришимга ёрдамлашиб:

– Ака, кайфингиз ошиб қолган экан-ку, уйингизни кўрсата оласизми, олиб бориб қўяман, – деди.

Қўлим билан уй томонни кўрсатдим. У мени уйга киргизиб, ўзи қайтиб кетмоқчи эди, бўйнига битта туширдим. У кутилмаган зарбадан гангиб қолди. Пайтдан фойдаланиб, эшикни ичкаридан қулфлаб олдим ва уни аямасдан ура бошладим. Бечора йигит типирчилаб:

– Бу нима қилганингиз, мендан нима истайсиз ўзи? – дерди. Энди у қаршилик ҳам кўрсата олмай қолган эди. Йигит ерга шилқ этиб йиқилгандагина ўзимга келиб, кайфим тарқаб кетди. Наҳотки ўлиб қолган бўлса, деб ўйладим, томирини ушлаб кўрсам урмаяпти. У ҳақиқатан ҳам ўлиб қолган эди!

Қилган ишимдан даҳшатга тушганимдан нима қилишимни билмай қолдим. Энди мурдадан қандай қутулиш йўларини излай бошладим. Ўзим яқиндагина қамоқхонадан чиқиб келгандим, у ёққа яна боргим асло йўқ. Шунинг учун, нима бўлса ҳам кайфда қилиб қўйган қотиллигимнинг изини йўқотишим керак эди.

Ўйлаб-уйлаб охири мурдани кўтара оладиган бўлақларга ажратиб, биров кўриб қолса шубҳаланмайдиган қилиб клёнкага ўраб, пакетларга жойлаштириб, ахлат қутисига ташладим, – деб Фаёз жимиб қолди ва бирпасдан кейин: – Бошқа гапларни айтиб ўтиришга ҳожат қолмади, чунки, терговчининг ўзи қолган воқеаларни айтиб бўлди. Лекин бир жойида янглишдингиз: «Шариф ака янги клёнка олганингизга хурсанд бўлган, агар ваннахонага кирса, ундан ҳам суюнардди. Чунки ваннани топ-тоза қилиб қўйган эдингиз», деб айтиб ўтдингиз, аксинча, Шариф у ерга кирса, ванна тўла қонни кўриб, эси оғиб қоларди. Тез юрар поездга улгуришим учун ваннани тозаламай кетган эдим-да. Ҳовлиқиб келган Шариф бечора менинг соғ-саломат эканимни, ҳозиргина Қозоғистондан келганлигимни эшитиб, ошхонанинг очиқ турган эшигидан кўриниб турган янги клёнкага кўзи тушиб, харидимга қувониб, ичкаригаям кирмасдан остонадан қайтиб кетган эди...

Собиржон Фаёз жим бўлиб қолса ҳам атайин савол бермасдан, унинг ўзи сўзини давом эттиришини кутиб турарди.

Оғир жимликдан кейин Фаёз яна тилга кирди:

– Сиз инсонийлик туйғуси тўғрисида гапирдингиз. Бу туйғу менинг беғубор болалигимдагина бор эди. Уни одамлар ўлдиришдими ёки ўзимми – буни аниқ билмайман.

Ёдгорни биринчи марта кўрганимда, «Ёрдам керак эмасми?», деб турганида унинг юзи менга жуда танишдек туюлганди. У менга худди ўша, оқкўнгил йигитни эслатганди. Бегуноҳ йигит ўшанда, йиқилиб қолганимда ёрдам бермасдан йўлида давом этганида ҳозиргача яшаб юрган бўлармиди?

– Фаёзнинг овози титраб чиқа бошлади.

Собиржон унга синчиклаб разм солди ва кўзининг ёши тўхтамай оқаётганлигини кўриб, ҳайратга тушди. «Наҳотки бу ваҳший кимсада ҳам қандайдир туйғулар қолган бўлса», ўйлади у.



– Нима, кўз ёшларимни кўриб ҳайрон бўляписизми... Менинг ўзим ҳам таажжубдаман... Болалигимда ҳаромни, деб ҳўрлашганида аччиқ кўз ёши тўкардим. Ёшим улғайганида эса ҳеч қачон йиғламасликка, аксинча мени ҳақоратлаганларни аямасликка қарор қилдим. Шундан бери ҳозирги кунгача бирор марта ҳам йиғламаганман... Ҳозир нимани жуда хоҳлаётганлигимни айттайми? Бунга қонун йўл қўймаслигини биламан, лекин барибир, Ёдгор мендан ўзи истаганча қасдини олишини хоҳдайман! У мени нима қилса ҳам миқ этмасдим...

Агар Ёдгорни учратмаганимда, қилган барча жинойтларимнинг у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам ҳеч қачон кечирилмас гуноҳ эканлигини англамай, инсон зотига узоқ бўлган ваҳший махлуқ каби, барчадан нафратланганимча ўлиб кетган бўлардим.

У йигитнинг менга кўрсатган инсонларга хос муносабати, мен дунёга қандай келган бўлишимдан, кимнинг фарзандилигимдан қатъи назар инсон эканлигимни, бошқаларга ўхшаб бахтли яшаш ҳуқуқдан эса, ўзимни ўзим маҳрум қилиб қўйганимни, кеч бўлса ҳам, тушуниб етишимга ёрдам берди...

\* \* \*

Машина олд ўриндиғининг суянчиғига бошини ташлаб, суяниб ўтирган Фарҳод, серқатнов йўлга диққат билан назар ташлаб, машина бошқараётган Собиржонга:

– Ақл бовар қилмайди-я, Собиржон ака, 23 йилдан бери очилмай ётган жиноятни бир кунда фош этдингиз, қойил қолмай иложим йўқ! – деди.

– Аслида, жиноятни мен эмас, Ёдгор очди, деди Собиржон йўлдан кўзини узмай.

– Нима?– деди Фарҳод Собиржоннинг нимани назарда тутаётганига тушунмай.

– Агар Ёдгор олижаноб инсон бўлмаганида, исқирт, тиланчи чолнинг касалигига раҳми келиб, уни уйига олиб келмаганида, мен ҳеч нарса қила олмасдим...

## МЕРОС

*Олий бахт туйғуларда эмас, ақл-идрокда яширин. Шунинг учун ҳам инсондаги энг олий сифат – ақл-идрок. У ақл кучи билан ҳайвонлардан устун туради ва илоҳларга тенглашади.*

*Сенека.*

## ҚОТИЛЛИК

Улар қотиллик содир бўлган жойга етиб борганларида, у ер уйдан кўра кўпроқ ҳашаматли қасрга ўхшарди. Катта залдаги диванда жасаднинг устини чойшаб билан ёпиб қўйишганди. Август ойининг бошлари бўлишига қарамасдан мурда ётган катта хонага киришингиз билан юзингизга аллақандай, этни жунжиктирадиган совуқ ҳаво урилгандек бўларди, баҳайбат биллур қандиллару, қалаштириб ташланган чехларнинг «Богема» идиш-товоқлари, қимматбаҳо Бельгия гиламларию, Италия мебеллари худди марҳумнинг ўлимига сабабчи бўлган айбдорлардек бири-биридан совуқ кўринарди.

Прокуратура криминалисти Дониёр ака мурда устидан чойшабни олиб ташларкан:

– Ҳеч ким ҳеч нарсага тегмадими?–дея сўради милиционердан.

– Биз келгунимизча мурдани полдан диванга олиб ётқизишибди, келганимиздан кейин ҳаммани ташқарига чиқариб юбордик, ҳеч нарсага тегмади.

– Тушунарли.

– Эшикнинг қулфи бузилмаганига қараганда жиноятчи хонадон эгаларининг яхшигина таниши бўлса керак, – деди ИИБ бошлиғи.

– Мен ҳам шуни ўйлаб турган эдим, вақт алламаҳалда ногирон киши ҳаммага ҳам эшигини очавермайди-ку, – деди унинг фикрини маъқуллаб туман прокурори.

– Бошига тўмтоқ нарса билан урилган шекилли, қон оқмаган, ичкаридан ёрилган кўринади, – деди милиция криминалисти Содиқов.

– Ҳаммаси экспертиза хулосаларида маълум бўлади, – деди Дониёр ака.

Ҳар ким ўз ишини бажаришга киришди, баъзилар овоз чиқариб ўз фикрларини айтиб қўйишарди.

– Жиноятчи бошқа ҳеч қайси хонага кирмай, фақат сейфни очган, у жуда шошилган ёки кимдир ҳалақит берган кўринади, – деди прокурор.

– Балки унинг қидирган нарсаси фақат сейфда тургандир, унга бошқа нарса керак бўлмагани учун шундай қилгандир? – деди ИИБ бошлиғи.

Ғижимланган бир варақ қоғоз Собиржоннинг диққатини тортди, ғижимини эҳтиёткорлик билан текислаб қоғозни ўқий бошлади.

– Нима экан, – сўради прокурор.

– Марҳумнинг ҳамма мол-мулки, уй-жойини бундан олти йил олдин икки яшар ўғилчаси Шоҳжаҳонга мерос қилиб қолдириши ҳақидаги васиятномаси экан.

– Йиртилиб кетишига сал қолибди, балки ҳаммаси шу қоғозни деб бўлгандир, балки...

– Собиржон, ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирманг, сўраб-суриштиришни бошлайверинг!

– Ҳўп.

Собиржон марҳумга қараб, унинг ёши 55-60 ёшларда бўлса керак, деб ўйлади, ногирон деган эдилар, шекилли?

– Марҳумнинг яқинларидан кимлар бор? – деб сўради Собиржон эшикка яқин турган милиция ходимидан.

– Хотини, қариндошлари ҳаммаси шу ерда.

– Хотинини чақиринг.

Ичкарига ёшгина жувон кирди, Собиржон 30-35 ёшлардаги аёлга қараб:

– Қизини эмас, хотинини чақиринг, дегандим, – деди.

– Мен хотини бўламан...

– Кечирасиз, билмабман, мен вилоят прокуратура-  
си катта терговчиси Собиржон Мирзаев бўламан. Ай-  
рим нарсаларни сиздан суриштириб олишга тўғри  
келади, исми, шарифингиз?

– Мен Жўраева Лайломан.

– Турмуш уртоғингизнинг исми, шарифи?

– Жўраев Султон ака эдилар...

– Сиз бу воқеа содир бўлганда қаерда эдингиз, бир  
бошдан сўзлаб беринг-чи.

Аёл титроғини босолмай бир оз жим турди, кейин  
узини қўлга олиб, кўз ёшларини артиб, сўзлай бошла-  
ди.

– Кеча кечки овқатни еганимиздан кейин Султон  
акамдан рухсат сўрадим, онамнинг тоблари йўқ экан,  
бориб келсам майлими, деб. Улар ҳа, бора қол, агар  
уканг уйда бўлмаса кечаси таксида юрмагин, ўша ерда  
қолиб, эртага келсанг ҳам майли, дедилар. Мен ўғли-  
миз Шохжаҳонни олиб, онамни кўргани кетдим. Укам  
Илҳомжон ишлари билан юриб, уйга кеч қайтишини  
айтганидан кейин, тунги соат бирларда уйга қўнғи-  
роқ қилиб, эртага эрталаб уйга боришимни айтмоқчи  
бўлдим, қўнғироғимга ҳеч ким жавоб бермади.

– Ўзи, уйда неча одам яшайсизлар?

– Султон акам, ўғлимиз ва мен, бошқа ҳеч ким йўқ,  
кундузи келиб уй ишларига ёрдамлашиб юрадиган аёл  
бор, у шу куни келмаганди. Қўнғироғимга жавоб  
бўлмагандан кейин Султон акамдан хавотирландим,  
чунки у кишининг бир оёқлари ишламасди-да. Шун-  
да онам: – Эринг ухлаб қолган бўлса керак, хавотир  
олма, энди эрталаб кетарсан, – дедилар.

– Эрталаб келсам, кўча эшиги ланг очиқ қолган, уйга  
кирсам, Султон акам гиламда чўзилиб ётибдилар.  
Юракларининг мазаси қочиб креслодан йиқилиб қол-  
гандир, деб ўйлабман, қўлларини ушлаб кўрсам муз-  
дай экан, кўрқиб кетиб қаттиқ қичқириб юборибман.  
Шу пайт уйдаги хизматчи аёл ҳам келиб қолди, ово-  
зимни эшитган қўшниллар ҳам келишди... Биз Султон

акамни диванга ётқизиб қўйдик. Гиламда озгина қон ҳам бор эди, у кишининг бўйинлари, бошлари мўматалоқ бўлиб кетганини кўриб, кимдир у кишини уриб ўлдирганини билдик. Шундан кейин сизларга хабар қилдик...

– Сейфдан нималар олинганини билдингизми?

– Ҳа, у ерда 25 минг доллар, 7 миллион сўм пул бор эди, шулар йўқ...

– Мана бу қоғоз ҳам сейфда турганмиди? – деб сўраб, Собиржон мерос тўғрисидаги ҳужжатни Лайлога яқинроқ олиб бориб кўрсатди.

– Ҳа.

– Бу қоғоз ёғимланиб, ерда ётган экан, топиб олдик, бунга нима дейсиз?

– Билмайман... Ҳайронман...– деб аёлнинг ранги оқариб, мазаси қочиб қолди. Шу ерда юрган «Тез ёрдам» ходимлари унга тиббий хизмат кўрсата бошлашди. Жувонга керакли муолажаларни қилган шифокор Собиржоннинг олдига келиб:

– Ҳозирча ундан ҳеч нарса сўрамай турунг, ўзига келиб олсин, юраги жуда ёмон уряпти, – деди.

– Майли.

Собиржон қўшнилардан, қариндошлардан у-бу нарсаларни сўраб, аниқлаб олди. Маълум бўлишича, Султон ака аввал ҳам уйланган, собиқ хотини билан ажрашганига ўн йилча бўлган экан.

\* \* \*

– Собиржон ака, мана Жўраевнинг ўлими бўйича экспертиза хулосаларини олиб келдим,– деди Фарҳод қоғозларни Собиржонга узатаркан.

– Ҳўш, нима деб ёзишибди, ўзингиз танишиб чиқдингизми, Фарҳоджон.

– Ҳа, ўқиб ҳайрон қолдим. Жўраев, калтак зарби оқибатида эмас, балки қаттиқ асабийлашиши натижасида миясига қон қуйилиб ўлган, деган хулосага келишган.

– Ҳа, унга етказилган жароҳат ҳаёти учун унча хавфли эмас экан, Жураев аввал ҳам инсулт ўтказгани учун унга қаттиқ асабийлашиш мумкин эмас экан-да. Воқеа содир бўлгандан кейин уч ярим, тўрт соатдан кейин жони узилган. Демак, унга вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганда ўлмай қолиши ҳам мумкин бўлган, – деди Собиржон суд-тиббий экспертиза хулосасини ўқиб чиқиб, ўйланиб қолди.

– Буни қаранг-а, Собиржон ака, сиз нима деб ўйлайсиз, у нимадан бунчалик қаттиқ асабийлашди экан?

– Ўзим ҳам худди шунини билолмай хунобман-да, агар бу саволингизга жавоб тополсам эди, жиноят очилди деб, ҳисоблардим.

– Экспертиза хулосаларида уни тўмтоқ нарса билан урилган, дейилган. Воқеа содир бўлган жойдан жиноят қуроли топилганми?

– Йўқ, ҳеч нарса топилмаган, жиноятчи уни тўмтоқ нарсани ўзи билан олиб келиб, яна ўзи билан олиб кетган, шекилли. Фарҳод, сўроқ қилиш учун Жураевнинг хотинини соат нечага чақиргансиз?

– Соат 10 га чақиргандим, 11 бўляпти, дарак йўқ.

– Балки пастда кутиб ўтиргандир, сўраб кўринг-чи?

– Жураева Лайло келганми, Мирзаев чақирган? – деб сўради Фарҳод навбатчига қўнғироқ қилиб.

– Келган, чиқсинми?

– Ҳа, чиқсин.

Эшикдан кириб келган, азадорлиги учун қора кийинган, ҳаддан ташқари чиройли бу аёлга иккала йигит ҳам анграйиб қараб қолишди. «Ўша куни унча аҳамият бермаган эканман, бунча чиройли бўлмаса», деб ўйлади Собиржон ва дарров хаёлини йиғиштириб, уни ўтиришга таклиф қилди.

– Ўша куни мазангиз бўлмай қолгани учун ҳамма нарсани сўраб ололмагандик, шунинг учун сизни яна безовта қилишга тўғри келди, узр, Лайлохон.

– Майли, ҳечқиси йўқ, сўрайверинглар...

– Ўша куни онамни кўришга кетдим, дегандингиз, таксида кетдингизми ёки укангиз олиб кетганмиди?

– Шу куни чиқсам, кўшнимиз уйдан машинасини ҳайдаб чиқаётган экан, у киракашлик қилади, олиб бориб қўйинг, деб илтимос қилгандим, онамларникига ташлаб ўтди.

– Ким эди у, шу йигитнинг исми, шарифи, манзили билан айтиб ўтинг, – деб Собиржон Лайло айтган манзилни ёзиб олди.

– Ўша куни ўғлингиз кўринмади?

– Ухлаб ётгани учун онам қолаверсин, барибир эртага мактаб йўқ-ку, – дедилар, уни онамларникига ташлаб қайтгандим.

– Эрингиз сиздан олдин ҳам уйланган экан?

– Ҳа, Султон акам, олдинги хотинлари билан 21 йил яшаганлар. Тақдир экан, оилалари бузилиб кетган, кейин менга уйландилар.

– Ўрталарингда тўқнашув бўлмаганми?

– Йўқ, ҳеч қачон, у аёл оғир-босиқ экан, ишонасизми, ҳатто кўришиб қолганимизда, Султон акамни эҳтиёт қилишимни илтимос қиларди.

Собиржон кундоши тўғрисида яхши фикрда бўлган жувонга ҳайрон бўлиб қараб:

– Улар нима сабабдан ажрашиб кетганларини биласизми? – деб сўради.

– Султон акам мени яхши кўриб қолганлари учун...

– Уларнинг фарзандлари бормиди?

– Битта ўғиллари бор, ҳозир 24 ёшида.

– Лайлохон, айтинг-чи, эрингизнинг ўлимида бирор одамдан шубҳангиз борми?

– Йўқ. Бир нарса дея олмайман... Тўғрироғи, шубҳам бўлса ҳам буни айтолмайман.

– Нимага, озгина шубҳангиз бўлса ҳам сиз буни бизга айтишингиз керак ёки эрингизнинг ўлимига ким сабабчи бўлганини билишни истамайсизми? Экспертиза хулосаларида айтилишича, эрингиз қаттиқ асабийлашиши натижасида миясига қон қуйилиб ўлган,

бунчалик асабийлашишига уни ким олиб келган? Ногиронлигига қарамасдан ким унга шафқатсизларча муносабатда бўлиб, уриб жароҳат етказган бўлиши мумкин?

– Билмайман, мени қийнаманглар – деб Лайло йиғлаб юборди.

– Эрингизнинг катта ўғли билан муносабатлари яхшимиди? – деб сўради Собиржон Лайло тинчланганидан кейин.

– Буни қандай айтаман, менинг ўғай она, деган номим бор, яхшиси буни бошқалардан сўранглар.

– Демак, бу туғрида гапирмоқчи эмассиз?

– Йўқ, ҳеч қачон.

– Бизга айтадиган бошқа гапингиз йўқми?

– Йўқ.

– Бирор нарсани айтишни лозим топсангиз, бемалол келиб айтишингиз мумкин...

– Хўп...

### Катта ўғил

Лайло кетгандан кейин Фарҳод:

– «Афродита»нинг гапларидан кейин, менинг фикримча, икки шахсдан шубҳаланишга асосимиз бор: бири марҳумнинг катта ўғли, иккинчиси – такси ҳайдовчи қўшни. Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз, Собиржон ака?

– Нимага такси ҳайдовчиси?

– Чунки у кечаси Жўраевнинг хотинини онасиникига олиб борган. Ногироннинг ёнида ҳеч ким йўқлигини билган ва пуллари олиб, қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлган Жўраевнинг бошига урган бўлиши мумкин, деган фикрдаман.

– Унда мерос ҳақидаги ҳужжат-чи, унинг такси ҳайдовчисига нима алоқаси бор, нимага фикримланиб ётибди?

– Ҳужжат такси ҳайдовчиси келмасдан олдин шу ерда ётган бўлиши мумкин-ку.



– Бир нарса дейиш қийин, менимча, марҳумнинг собиқ хотинини сўроқ қилганимиздан кейин бу нарса сал-пал ойдинлашса керак...

- Уларни эртага чақирайми?
- Фақат такси ҳайдовчисини.
- Собиқ хотинини-чи?
- Унинг уйига ўзимиз борамиз.
- Нимага?
- Чунки, шундай қилиш керак...

\* \* \*

Эрталаб Собиржон навбатчи билан саломлашиб, ишхонасига кираётганида, – Сизни бир соатдан бери кутиб ўтиришибди, – деб навбатчи йўлакда ўтирган кишини кўрсатди. Собиржон у кишига қайрилиб қараб:

- Менда ишингиз бормиди? – деб сўради.
- Сиз, терговчи Мирзаев бўласизми?
- Ҳа.

– Мен уйда ўлдириб кетишган Жўраев Султоннинг такси ҳайдовчи қўшнисини бўламан, чақирган экансиз, шунга келувдим.

– Ҳа, соат унга чақирувдим, сиз саккиздан келиб олибсиз?

– Энди, вилоят прокуратурасидан катта терговчи чақирди, дегандан кейин хавотир оласан-да, тўғриси айтсам, кечаси билан ҳам ухламай чиқдим.

– Майли, юринг хонамда гаплашамиз.

Улар хонага киргач, Собиржон чақирилган гувоҳни ўтиришга таклиф қилди.

– Исмингиз, – деб сўради.

– Исминим Йўлдош, фамилиям Самадов, – деди ўрнидан туриб баланд овозда, қаддини ҳарбийлардек тик тутишга ҳаракат қилиб.

– Бемалол ўтириб жавоб бераверинг, – деди Собиржон кулгиси қистаб.

– Хўп, нимани сўрамоқчисиз ўзи? – деб у қайта жойига ўтирди.

– Жураевнинг хотини Лайлони 4 август, шанба куни ўзингизнинг машинангизда онасиникига ташлаб ўтган экансиз.

– Ҳа, ташлаб ўтганман.

– Соат нечаларда?

– Қоронғи энди тушаётганди, соат 7-8 лар эди чамамда. Туни билан киракашлик қиламан, шунинг учун кечки овқатни уйда еб, энди машинани ўт олдираётсам, Лайлохон уйдан шошилиб чиқаётган экан, мени онамларникига ташлаб ўтинг, деди. Мен уни ташлаб ўтдим.

– Улар билан қачондан бери қўшни бўлиб яшайсиз?

– Туғилиб ўсган жойим ҳозирги шу уйим бўлади. Султон акани эсимни танигандан бери биламан. У киши ён қўшнисининг уйини сотиб олиб, ҳовлисини кенгайтириб олганига ҳам 15-20 йиллар бўлиб қолди. Энди, у киши бир умр савдода ишлаган-да...

– Султон аканинг собиқ хотинини ҳам танирмидингиз?

– Ҳа, албатта, жуда яхши аёл эди. Ўғли Санжарни ҳам яхши биламан.

– Яхши аёл бўлса, эри нимага ажрашиб, бошқага уйланди экан?

– Э, ака қизиқмисиз, севги дейдилар буни, у ёш ҳам танламайди. Султон ака Лайлохонни севиб қолган-да, ахир. Башорат опа бечорани 16 яшар ўғли билан бирга икки хонали домга кўчириб юбориб, ўзи Лайлохон билан мазза қилиб яшаётганди. Лекин Санжар дадасини ҳеч ҳам кечиролмади, у кишига қўл ҳам кутарган, шундан кейин Султон ака инсульт бўлиб қолган, дейишади. Яна ким билади дейсиз, лекин Санжар ёмон бола эмасди...

– Лайло машинада кетаётиб, «Бугун онамларникида қоламан», демаганмиди?

– У машинага чиққанида ранги бир аҳволда эди. Нима бўлди, тинчликми десам, онамнинг мазалари қочиб қолибди, деди. Онамларникида қоламан, дега-

нини эслай олмайман, балки айтгандир, энди қўшничилик, йўлда бошқа одам ҳам олмадим. Иложи бори-ча, манзилига тезроқ олиб бориб қўймоқчи эдим. Дадам раҳматли, болаларим, бу дунёда қилган савоб ишларинг ва бировга қилган яхшилигингни айтиб сени эслашса, дунёга бекорга келмаган бўласанлар, дердилар. Бировга яхшилик қилиш савоб-да, ака...

– Лайло онасиникига бормаса, балки бу воқеа юз бермасмиди, нима дейсиз?

– Ким билади, балки унда иккалисиниям... Э, Худо асрасин...

– Майли, Йўлдош ака, безовта қилганимиз учун узр, – деб Собиржон у билан хайрлашди.

\* \* \*

Собиржон билан Фарҳод Башорат опанинг уйига бориб, эшик қўнғироғини босишганда ичкаридан кет-яшман, деган овоз эшитилди ва бир оздан кейин 60 ёшлардаги азадор аёл эшикни очди. У йигитларнинг саломларига алик олгандан кейин, танимай турибман, дегандай қаради.

– Биз вилоят прокуратурасидан терговчилармиз, – дея ўзларини таништирганларидан кейин, Башорат опа уларни ичкарига таклиф қилди.

– Келинлар, Султон аканинг иши бўйича келган бўлсанлар керак? – деб у кўзига ёш олди.

– Ҳа, хафа бўлмайсиз, хизматчилик, опа, – деди Собиржон.

– Нимага хафа бўламан, қайси аблаҳ бу ишни қилганини аниқламоқчи бўлиб юрибсизлар-да, тўғри-ми?

– Ҳа, шундай. Сиздан ҳам айрим нарсаларни билиб олмоқчи эдик.

– Бемалол сўрайверинг, ўғлим, – деди Башорат опа кўз ёшларини артиб.

– Султон ака билан нима учун ажрашгансизлар?

– Э, болам, бу тақдир экан-да.

– Илтимос, опа, Султон ака билан турмушларингиз қандай бўлган эди, нима сабабдан оилангиз бузилиб кетди, ҳаммасини бизга сўзлаб берсангиз.

– Майли, агар буни билишларингиз ишларингизда ёрдам берса, сўзлаб бераман. Биз бир-биримизни яхши танимасдан ота-онамизнинг хоҳиши бўйича турмуш қурганмиз. Султон акани яқиндан била бошлаганимдан кейин у кишини яхши кўриб қолганман, улар жуда оққўнғил, олижаноб инсон эдилар. У киши ҳеч кимнинг кўнглига озор етишини хоҳдамасдилар. Улар асло бундай ўлимга лойиқ эмасдилар...

– Нима сабабдан ажрашгансизлар?

– Биз жуда бахтли яшаётгандик. Султон акани жонимдан ортиқ кўрардим, унинг ҳар бир хоҳиши мен учун қонун эди, лекин тан оламан, ношуд ва овсар эдим, унинг устига кўримсиз, саводсизман. Султон ака бўлса ўқимишли, маданиятли, санъатни тушунадиган инсон эдилар. Улар Лайлохонни санъаткор бўлгани учун яхши кўриб қолганлар. Лайлохон консерваторияни тугатган, бир-иккита кўшиқ айтиб, телевизорда ҳам чиққан, жуда чиройли аёл... Султон акадан ҳомиладор бўлиб қолгандан кейин, унга уйланишга мажбур бўлдилар.

– Сизнинг ҳам ўғлингиз бор эди, шундайми?

– Ҳа, Санжар ўғлимиз бор. Султон ака уни жонидан ортиқ кўрарди, ўғлимизни ўйлаб, Султон акага қанча ялиниб-ёлвордим, майли, сиз Лайлохон билан яшайверинг, лекин мен билан ажрашманг, бу ўғлимизга ёмон таъсир қилади, бизнинг олдимизга келиб-кетиб турсангиз бўлди, шунақа яшаётганлар ҳам бор-ку, деб. У киши қулоқ солмадилар. Лайлохон қонуний никоҳдан ўтсамгина сиз билан яшайман деяпти, мен эса усиз яшай олмайман, дедилар, ҳатто йиғладилар ҳам... Мен эса у кишининг азоб чекишларига чидай олмадим, ажрашишга рози бўлдим. Агар ким чин дилдан бировни яхши кўрган бўлса мени тушунади, чунки ин-

сон яхши кўрган одамнинг фақат бахтли бўлишини  
истайди...

– Бунга ўғлингиз Санжар қандай қаради?

– У дадасини жуда яхши кўрарди, унинг бошқага  
уйланиб, бизни бошқа уйга кўчиришларига сира кўни-  
ка олмади, улардан нафратланадиган бўлиб қолди,  
қанча тушунтирсам ҳам фойдаси бўлмади. Улар Сан-  
жарни кўришга келсалар ҳам гаплашмасди, чиқиб  
кетарди. Бир куни уни мажбурлаб ўтқазиб қўйиб, гап-  
лашмоқчи бўлганларида, ҳатто, уларни силтаб ташлаб  
чиқиб кетди. Султон ака йиқилиб тушдилар, шундан  
кейин уни кўришгаям келмай қўйдилар...

– Унга дадасининг ўлими қандай таъсир қилди?

– Ўғлим бечора ҳеч нарса демади, у дадасининг ўли-  
мидан кейин бошқача бўлиб қолган, ҳеч ким билан гап-  
лашмайди, бир нарса сўрасам бош қимирлатиб қўяди,  
холос... Худди гаранг одамларга ўхшаб юрибди.

– Санжар ишлайдими?

– Худо хоҳласа бу йил институтни тамомлайди,  
ўқишлари яхши, зеҳни ўткир, дадаси раҳматлига  
ўхшайди.

– 4 август кечаси Санжар уйдаими?

– У кечаси 10-11 ларда уйга келди. Ўртоқларим би-  
лан ўтиргандим, – деди.

– Башорат опа, Султон аканинг ўлимида бирорта-  
сидан шубҳангиз борми?

– Йўқ, ҳеч кимдан шубҳам йўқ, у киши ҳеч кимга  
ёмонлик қилмаганлар, ҳайронман, бу ишни ким қилди  
экан?

– Башорат опа, Санжарга айтинг, эртага эрталаб соат  
9 да прокуратурага борсин, у билан ҳам гаплашиши-  
миз керак, – деб Собиржон Башорат опага чақирув  
қоғозини узатди.

– Майли.

Уларнинг йўлакда турган машина томон кетаётиб,  
ўриндиқда гаплашиб ўтирган икки аёлга кўзлари туш-  
ди.

Жувонлардан бири:

– Ана, чиқишяпти, – деди уларни кўрсатиб.

– Нима гап, тинчликми опа? – деди Фарҳод.

– Санжарни излаб келган бўлсанглар керак, деяп-миз.

– Нимага Санжарни излашимиз керак, унга нима қилибди? – деди Фарҳод аёлларнинг рўпарасида тўхтаб.

– Сизлар жиноят қидирув ходимларимисизлар, ахир?

– Хўш, сизлар-чи, мабодо фолбин эмасмисизлар? – деди Фарҳод кулиб.

– Йўғ-э, ука, буни билиш учун фолбин бўлиш шарт эканми, Султон акани ўлдириб кетишганини эшитганимиздан бери Санжарни қидириб келсанглар керак, деб ўйлаётувдик, – деди улардан ёши каттароғи. Собиржон ҳам тўхтаб, бир чеккада уларнинг гапига кулоқ солиб турди.

– Очикроқ гапиринг кеннойи, нимага Санжарни қидиришимиз керак экан? – деди Фарҳод ўриндиқдаги бўш жойга ўтираркан.

– Ие, хабарларингиз йўқми. Ахир Санжар дадаси билан гаплашмасди. Бир куни «дом»да шунақа жанжал кўтаришди, вой нимасини айтасиз. Санжарнинг, «ўша бузуқ хотинингиз билан иккалангизниям ўлдириб ташлайман!» деб бақирганини бутун «дом»дагилар эшитди.

– Ўзи жанжал ниманинг устида бўлган экан?

– Султон ака ва Башорат опа ажралгандан бери Санжар дадаси билан гаплашмаётган эди, ўша куни Султон ака ўғлини гаплашишга мажбур қилмоқчи бўлган экан-да.

– Шу воқеадан кейин ота-бола ярашиб кетишдимми?

– Қаёқда дейсиз ука, баттар бўлишди, Санжар Султон акани силтаб ташлабди, шундан кейин у бечора инсульт бўлган, дейишяпти, қаранг, ўз ўғли шунақа қилса-я...

– Э, Шоира опа, Султон аканинг қилган иши ҳам одамнинг иши эмас-да, ҳалиям бунга шўрлик Башорат опа чидаб келяпти...

– Гапингиз тўғрию, лекин минг қилсаям фарзанд отага қўл кўтариши оғир гуноҳ бўлади, эгачи, бунақа гуноҳ қилишдан бандасини Худонинг ўзи асрасин!

Аёллар Фарҳодни эсдан чиқариб ўзлари гапга тушиб кетганларидан кейин у ўрнидан туриб:

– Майли, хайр ҳамкасабалар, – деди Фарҳод.

– Хайр ука, жиноят қидирувдан бўлсангиз ҳам ҳазилкаш экансиз, – деб қўйди ёши каттароқ аёл.

Йўлда Фарҳод Собиржонга:

– Собиржон ака, сиз қандай фикрдасиз билмайману, лекин назаримда Башорат опа ўзини жуда олижаноб қилиб кўрсатишга ҳаракат килди.

– Нима қилди?

– «...Оққўнғил, ишонувчан эдилар. У киши ҳеч кимга ёмонлик қилмаганлар» дейди, ўзига-чи, ўзига нисбатан қилган иши яхшилиқми, шунча йил яшаб, қаригандан кейин уни ташлаб, ёш, чиройли аёлга уйланиши?

– Бунга ҳақиқий муҳаббат дейдилар.

– 50 яшар қария 25 яшар қизни яхши кўриб қолиб, оиласини бузишини-я!

– Йўқ, мен Башорат опанинг муҳаббатини айтяпман, қайсидир бир файласуф айтган-ку «Севги – ўзга одамга бахт тилашдан бошқа нарса эмас», деб.

– Собиржон ака, кейинги пайтларда ўзингиз ҳам файласуфларга ўхшаб кетяпсиз, сиз ҳақингизда гапирганларида, машҳур файласуф детектив Мирзаев, дейишса-я! Нима деб ўйлайсиз, Санжар дадасининг ўлимига сабабчи бўлганмикан?

– Фарҳоджон, ҳали Санжарнинг қанақалигиниям билмаймиз-ку, уни кўрмаган бўлсак?

– Лекин эътибор берган бўлсангиз, ҳеч ким Санжар тўғрисида яхши фикрда эмас. У билан гаплашиб кўрайлик-чи...

Эшикдан «Мумкинми», деб кириб келган йигит ўзини таништирмаса ҳам Санжар эканлигини Собиржон дарров фаҳмлади. Чунки у дадаси Султон акага жуда ўхшарди.

Собиржон уни ўтиришга таклиф қилгандан кейин:

– Санжар, сени дадангнинг ўлими юзасидан айрим нарсаларга аниқлик киритиш учун чақирганмиз, – деди.

– Майли.

– Даданг билан муносабатингни гапириб бер-чи.

– Дадам билан муносабатимиз ҳақида одамлардан нимани эшитган бўлсангиз ҳаммаси тўғри, мендан сўрашнинг нима кераги бор?

– Санжар, онангнинг айтишича, бу йил олийгоҳни тугатиб, ишга тушаркансан. Демак, энди сен ёш бола эмассан, ҳамма нарсани тушунадиган ёшдасан. Биз прокуратурага ҳеч кимни бекорга чақирмаймиз, бу ерга чақирилган киши саволларга аниқ жавоб бериши керак, ҳар бир жавоб бизга бирор нарсани аниқлашда ёрдам беради. Марҳамат қилиб саволимга жавоб бер, одамлар сени дадаси билан муносабати ёмон эди, дейишяпти, шу тўғрими?

– Ҳа...

– Нима учун?

– Биласизми, дадам тирик бўлганларида бу саволингизга жавоб берардим, лекин энди у киши йўқ, бу ҳақда гапирсам уларни ёмонлаган бўламан...

– Демак, нима учун муносабатингиз ёмон бўлганлигини айтмоқчи эмассан, шундайми?

– Шундай.

– Дадангни охирги марта қачон кўргандинг?

– Бир йилча бўлди.

– Инсулт бўлиб қолганидан кейин кўрганмидинг?

– Йўқ.

– Дадангнинг ўлими тафсилотлари билан танишми-сан?



- Ҳа.
- Бунга ким сабаб бўлган, деб ўйлайсан?
- Билмайман.
- Бирорта одамдан шубҳанг борми?
- Йўқ...
- Дадангнинг кейинги уйланган хотини билан муносабатинг қандай эди?
- Уни ёмон кўраман.
- Даданг ҳамма мол-мулкени, уй-жойини кичик ўғли Шоҳжаҳонга мерос қолдирганидан хабаринг бормиди?
- Ҳа.
- Сен буни қаердан билган эдинг?
- Охирги учрашганимизда дадамнинг ўзлари айтгандилар.
- Дадангнинг бу ишига қандай қарайсан?
- Фарқи йўқ, чунки дадамнинг нарсаларининг менга ҳечам кераги йўқ.
- Санжар, менга айтадиган бошқа гапинг борми?
- Ҳа, дадамини ҳеч қачон ёмон кўрмаганман, унга бўлган муносабатим учун ўзимни кечиролмайман, – деди Санжар кўзлари жиққа ёшга тўлиб.
- У чиқиб кетганидан кейин Собиржон хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Санжарнинг ҳар бир гапини, ҳаракатларини, руҳий ҳолатини фикран таҳлил қиларди... Собиржон шу аснода қанча юрганини билмайди, фақат Фарҳод кириб келгандагина юришдан тўхтади.
- Фарҳод, бирор янгилик борми?
- Милиция тезкор гуруҳи, суриштирув ва бошқа-бошқаларнинг ҳеч қайсисида бирорта янги гап йўқ, болалар роса меҳнат қилишяпти.
- Ҳа, лекин натижасиз...
- Ўзингизда-чи, катта ўғил билан бўладиган суҳбатдан кўп нарса кутаётгандингиз, нима бўлди?
- Айтарли ҳеч нарса...

– Собиржон, Жураев Султоннинг ўлими юзасидан олиб бораётган тергов ишларингиз ҳақида ахборотингизни эшитамиз, марҳамат, – деди тергов бўлимининг бошлиғи Фозил ака Раҳматов.

– Тергов ишларини олиб боряпмиз, марҳумнинг қариндошлари, оила аъзолари, унинг ажрашган оиласи аъзолари, гумон қилинган шахслар ва шу ишга озгина бўлса ҳам алоқаси бор, деб ҳисобланганларнинг ҳаммаси сўраб-суриштирилди, айримлар назоратимиз остида.

– Хўш, шу иш юзасидан бир ойдан бери қилган ҳаракатларингизнинг натижалари ҳақида гапирингчи, – деди вилоят прокурори.

– Айтарли асосимиз бўлмагани учун ҳеч кимни гумондор сифатида қамоққа ололмаёпмиз.

– Мирзаев, сизни тушунмадим, жиноятчини қўлга олиш учун сизга далил, исботларни, асосни ким топиб бериши керак?

– Албатта, ўзимиз. Ҳаракат қиляпмиз.

– Ундай бўлса, нимага ҳаракатларингизнинг натижаси ноль! Собиржон, тушунсангиз-чи, сиз жиноятчини қамоққа олишни пайсалга солишингизнинг жабрини унинг хотини, боласи тортяпти. Демоқчиманки, биз жойни муҳраб қўйганимиз, албатта, сизнинг талабингиз асосида, шу сабабли улар уйига киролмай ҳар жойларда яшаб юришга мажбур бўлишяпти. Иккинчи томондан олиб қарасак, жиноятчи жазодан қочиб, яшириниб олса, унга ким айбдор бўлади, албатта, сиз. Шунинг учун менинг маслаҳатим, жиноятчини тезроқ қамоққа олинг, – деди тергов бўлимининг бошлиғи.

– Жиноятчи деганда кимни назарда тутяпсиз, Фозил ака? – сўради Собиржон.

– Албатта марҳумнинг катта ўғли Санжарни-да.

– Уни қотилликда айблашга ҳеч қандай асосимиз йўқ-ку.

– Ҳозиргина ўзингиз ахборотингизда, унинг дадасига хотинингиз иккалангизни ҳам ўлдираман, деб бақирганини, дадасини ёмон кўрганидан у билан гаплашмай юрганини айтиб ўтдингиз, ундан ташқари, фақат биз эмас, балки таниган одамларнинг кўпчилиги уни дадасининг қотили, деган фикрда. Шунинг учун ҳам биз уни қамоққа олсак, ҳеч ким бундан ажабланмайди.

– Биз фақатгина одамларнинг фикрига асосланиб, уни жинойтчи деб қамоққа ололмаймиз, ахир.

– Айнан жинойт содир қилинган пайтда Санжарнинг уйида бўлмагани-чи, бунга нима дейсиз?

– Биз буни яхшилаб ўрганиб чиқдик, текширдик, уларнинг бирга кафеда ўтирганликларини ўртоқлари тасдиқлашди, у ерда ишлайдиганлар ҳам.

– Танишларининг биз бирга эдик, деган кўрсатмалари, унинг гапи тўғрилигини исботлай оладими, ахир улар Санжарнинг ўртоқлари-ку. Қисқаси, Мирзаев, сиз Санжарни жинойтчи эмас, деб ҳисобласангиз уни қамоққа олманг, ҳақиқий жинойтчини топиб қамоққа олинг. Лекин эртагаёқ мазкур жинойт иши бўйича қотиллик ва талончилик қилган кимса ёки кимсалар қамоқда бўлиши керак. Мени тушундингизми?

– Тушундим, лекин, фикримча, қамоққа олиш учун яна озгина шошилмаслик керак...

– Собиржон, ишни тергов қила бошлаганингизга бир ойдан ошиб кетди, шу пайтгача бирор хулосага келишингиз керак эди, бу ишни яна қанча судраб юрмоқчисиз, аксинча, шошилиш керак, – деди бўлим бошлиғи қизишиб.

– Фозил ака, эртага бу ишни ўзингиз терговчилар билан биргаликда ҳал қилинг, – деди прокурор қатъий оҳангда.

## Гумондор

Вилоят прокурори иштирокидаги муҳокамадан кейин Собиржоннинг боши қотиб қолди.

Санжарни қамоққа олиш учун уйига борганларида унинг: «Йўқ, фақат отасини ўлдирган, деган айб қўйманглар, илтимос, бошқа нима деб айбласанглар ҳам розиман, фақат отасини ўлдирган, деб эмас!» дея эзилиб йиғлаши, Башорат опанинг «Худо ҳақи, ишонинглар, Санжар бунақа иш қилмайди, унга отасининг мол-мулки керак эмас эди. Султон ака охириги марта келганларида унга ҳамма мол-мулкни сенинг номингга ўтказмоқчиман, деганларида у рад қилган. Менга бир чақангиз ҳам керак эмас, деб силтаб ташлаган. Ўтиниб сўрайман, илтимос уни қамаманглар», деб ялиниб-ёлворгани Собиржоннинг қулоғи остидан кетмасди. Бундай хаёллар гирдобидан чиқиш учун ўзига ўзи:

– Ҳа, энди, она бўлгандан кейин боласининг қамалишини хоҳламайди-да, қайси она бундай вазиятда бепарқ бўлиши мумкин? – дерди.

Лекин, унинг ички туйғулари, йўқ, Башорат опа ёлгон гапириши мумкин эмас, дерди.

Кутилмаганда эшикни тақиллатиб, Лайло кириб келди. Унинг ташрифидан ҳайрон бўлган Собиржон салом-алиқдан кейин:

– Ҳуш, хизмат? – деди.

– Кечирасиз, Собиржон ака, сизниям безовта қилиб қўйдим, лекин олдингизга келишдан бошқа чорам қолмади-да, – деди хижолат бўлиб.

– Майли, ҳечқиси йўқ, тинчликми?

– Хабарингиз бор, уйимиз муҳрланганлиги учун киролмаяпмиз, онамларникида яшаяпмиз, ўғлим Шохжаҳон бунга кўника олмай нуқул уйга кетамиз, деб хархаша қилгани-қилган. Ойимларнинг мазалари йўқлиги учун жуда ноқулай бўляпти. Энди жиноятчи қамоққа олинган бўлса, уйимизни очиб берасизларми деб, келган эдим.

– Бунинг ҳеч иложи йўқ.

– Нимага?

– Чунки, бу иш фақат суднинг ҳукмидан кейин амалга оширилади.

– Ҳа, шунақами? Мен бўлсам... Майли, хайр, – деб Лайло чиқиб кетди.

Собиржон, ёмон хабар тез тарқалади, деганлари рост экан. Санжарни қамоққа олганимизга икки соат бўлар-бўлмас, ҳамма эшитиб улгурибди, деб ўйлади. У нима учундир ўрnidан туриб, дераза олдига келди ва Лайлонинг тез-тез юриб прокуратура биносидан чиқиб кетаётганини кўрди:

– Бу аёл худди мумтоз санъат асарига ўхшайди-я, – деди овоз чиқариб.

Собиржон бирпас хаёлини бўлган Лайлони миясидан чиқариб ташлаб яна Санжарни ўйлай бошлади ва бирдан такрорий тинтув қилишимиз керак, деган фикрга келди. У бориб Фозил акага фикрини айтганида, Фозил ака норози бўлди:

– Собиржон, марҳумнинг уйининг тит-питини чиқариб тинтидик-ку, яна нима изламоқчисиз?

– Фозил ака, биласиз, бекорга бир нарсани илтимос қилмайман, демак, такрорий тинтув қилиш керак.

– Майли, қайтадан тинтувга ордер оламиз, зора излаган нарсангизни топсангиз.

– Лекин иложи борича тезроқ бўлса яхши бўларди, Фозил ака.

– Хўп, ҳаракат қиламиз.

Марҳум Жураевнинг уйида қайтадан тинтув бошланди, Собиржон бу тинтувдан аниқ бир нарсани топишни ўйламасди, лекин масалани ойдинлаштирадиган, яъни чигалликнинг ечимини топа оладиган бирор далил топиш илнжида эди. Чунки Санжар қамоққа олингани билан ҳеч нарса ўзгармаган эди. У қамоққа олингандан кейинги сўроқ қилинганида ҳам аввалги кўрсатмасини ўзгартирмади. Ҳалиям Жураевнинг ўлими жумбоқлигича қолган эди.

Эрталаб бошланган тинтув, кечгача давом этди, ҳеч қандай янги нарса топилмади. Ҳамма ниҳоятда чарчади, бундан безор бўлиб кетган Фарҳод:

– Собиржон ака, бутун туни билан марҳумнинг нарсаларини яна неча марта текшираамиз ўзи, ҳамма нарса уша-уша-ку, – деди.

Собиржон ҳам тинтувдан натижа чиқмаганидан ҳафсаласи пир бўлаётганди, шунинг учун Фарҳодга жаҳл қилиб:

– Нима сиздан бошқа чарчамади, деб ўйлайсизми, ўзим ҳам ҳаммасини кўриб турибман, – деди.

Шу пайт марҳум ўтирадиган кресло ўриндиғи ёстиқчасининг бир-икки сантиметрча сўтилган жойига кўзи тушиб:

– Шошмай туринг-чи, бу нима экан, – деб Собиржон сўтилган жойни катталаштириб, қўлини охиригача тикди, ҳеч нарса чиқмади, яна бир тарафига икки бармоғини тикқанди қўли қоғозга ўхшаган алақандай нарсага тегиб кетди. Собиржон ёстиқчанинг йиртиғини катталаштириб, қоғозни тортиб олиб, шошиб ўқий бошлади. У қоғозда нима ёзилганини айтиш ўрнига: «Ҳа, ўзим билгандим шунақалигини, чунки сезгиларим мени ҳеч қачон алдамаган», – деди.

– Нима ҳақда ёзилган экан? – сўради Фарҳод.

– Ниҳоят калаванинг учини топдик, шекилли, – деб Собиржон варақни унга узатди.

– Ҳа, гап бу ёқда экан-да, нима бўлганини тушунгандай бўляпман, – деди Фарҳод.

– Энди тинтувни тўхтатсак ҳам бўлади, – деб эълон қилди Собиржон. У ишидан кўнгли тўлганидан чарчоғини ҳам сезмас, энди кейинги бажариши лозим бўлган вазифаларнинг режасини тузарди.

\* \* \*

Собиржон эрталаб Фарҳоднинг ишга келишини кутиб турганди, уни кўриши билан:

– Фарҳод, Башорат опаникига борамиз, – деди.

– Ундан яна нимани сураш мумкин, ахир уч марта суроқ қилдик-ку, учаласидаям кўрсатмаси бир хил, ўзгариш йўқ...

– Суроқ қилганларимизнинг деярли ҳаммасини қайтадан чақиришга тўғри келади, шекилли.

– Шунақами?

Улар Башорат опанинг уйига етиб келганларида соат эрталабки 10 бўлиб қолганди. «Дом»даги бекорчи хотинлар эрларини ишга кузатиб қўйиб, уч-тўрттаси йиғилиб йўлак четига қўйилган ўриндиқларга ўтириб олиб аллақачон гапга тушиб кетишган эдилар. Улар орасида тунов кунни Фарҳод билан гаплашган аёллар ҳам бор эди.

– Қаранглар, анави кунги жиноят қидирув ходимлари яна келишяпти, – деди улардан бири.

– Энди кимни қамоққа олишмоқчи эканлар-а?

– Шўрлик Башорат опани олиб кетишса-я.

Фарҳод уларнинг гапларини чала-чулпа эшитса ҳам, гап ўзлари ҳақида эканлигини билиб:

– Ассалому алайкум, ҳамкасабалар, яхшимисизлар, – деди.

– Наҳотки, Башорат опаниям қамасанглар? – деди аёллардан биттаси.

– Йўқ, бу сафар фолингиз тўғри чиқмади, Башорат опа билан саломлашиб кетишга келяпмиз.

– Саломлашишга эмиш, гапини қаранг, секрет-да, айтишмайди, фақат кейин маълум бўлади, – деди ёнидаги ўртоғига қараб.

– Майли, ука, бораверинглар, Башорат опа уйида.

Башорат опанинг ранги анча синиқиб қолган, у қора кийимларини ҳали ҳам ечмаган эди. Йигитлар билан қисқагина сурашиб, хўш, яна нимага келдинглар, дегандай Собиржонга қаради.

Собиржон буни сезиб:

– Узр, Башорат опа, сизни яна безовта қилишга тўғри келди. Сиздан сураб, айрим нарсаларни аниқлаб олишимиз керак бўлиб қолди.

– Билганларимнинг ҳаммасини айтганман.

– Йўқ, ҳаммасини эмас, нима сабабдан Султон ака бир йил олдин сизларникига келганида ҳамма мол-мулкени Санжарга мерос қилиб қолдирмоқчи эканлигини айтмагансиз.

– Сиз буни қаердан биласиз?

– Санжарни олиб кетаётганимизда ўзингиз айтгандингиз, лекин нима сабабданлигини айтмагандингиз, шунинг учун сиздан қайтадан сўраяпман.

– Ҳа, шунақа дегандай бўлувдилар, лекин сабабини айтмагандилар.

– Балки, Санжар билан муносабатларини яхшилаб олиш учун шунчаки айтгандир?

– Билмадим...

– Буни Санжар қандай қабул қилди?

– Унинг баттар жаҳли чиқиб кетди, менга сизнинг мол-мулkingиз эмас, ўзингиз кераксиз, наҳотки шу нарсани ҳалигача англаб ололмаган бўлсангиз? – деб дадасини силтаб ташлаб чиқиб кетди.

– Шу воқеадан кейин улар учрашдиларми?

– Йўқ, шундан кейин Султон ака бизникига келмади, улар инсульт бўлиб қолдилар, деб эшитдик.

– Санжар-чи, кўргани бормадими?

– Ўғлим, бу саволни учинчи марта беришингиз бўлса керак, йўқ, қанча айтсам ҳам Санжар боришни хоҳламади.

– Ҳеч бўлмаса телефонда сўрашгандир?

– Йўқ, у телефонда гаплашишни ҳам хоҳламади, Султон аканинг соғлигини Лайлохондан телефон орқали сўраб турдим, холос...

– Башорат опа, сиз билишимиз керак бўлган яна бирор нарсани хотирлай оласизми, билсангиз биздан яширмасдан айтинг, илтимос?

– Мен сизлар билмаган бир нарсани айта оламан, бу ҳам бўлса фақат – дадасининг ўлимида Санжарнинг айби йўқлиги.



– Кимнинг айби бору кимнинг айби йўқлиги тез орада маълум бўлиб қолади, хавотир олманг, Башорат опа, – деди Собиржон.

– Яккаю яғонам, айбсиз ўғлим қамоқда ётади-ю, қандай хавотир олмаслигим мумкин, буни айтиш осон, болам...

Йигитлар Башорат опа билан хайрлашиб йўлга чиқшди, йўлак четидаги ўриндикда аёллар сони кўпайганди. Улардан бири:

– Хайрият, Башорат опани олиб кетишмади, – деса, яна бири:

– Ким билади, балки кейинги келганларида...

– Э, оғзингиздан шамол учирсин, намунча гапингиз совуқ бўлмаса...

Собиржон уларнинг гапларига эътибор бермай, Башорат опа билан бўлган суҳбатни хаёлан такрорлаб машинага ўтирди. Фарҳод ҳам худди шуни ўйлаётганиданми, нима учундир у ўз одатига хилоф равишда ортиқча саволлар бермасдан жим ўтирарди.

### Шоҳжаҳон

Собиржон йўл-йўлакай Лайлонинг онаси уйига бориб, ундан ҳам айрим нарсаларни сураб, масалага ойдинлик киритиб ўтишни режалаштирди ва бу ҳақда Фарҳодга ҳам фикрини айтди. Ҳамкасби унинг фикрига қўшилиб:

– Огоҳлантирмасдан боряпмиз, ишқилиб Афродита уйда бўлсин-да, – деб қўйди.

– Фарҳод, илтимос ҳар кимни ўз исми билан айтинг, буни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин!

– Қизиқсиз-а, Собиржон ака, Афродита деганимнинг нимаси ёмон экан, грек мифологиясида бу суз севги ва гўзаллик маъбудаси, деган маънони англатади. Лайлонинг гўзаллиги ҳеч қандай сир эмас, бу ҳаммага кўриниб турган нарса-ку.

– Лекин бизнинг касбимиз ўта аниқликни ва жиддийликни талаб қилади.

– Бегоналар олдида жуда жиддийман-ку, фақат узимиз қолгандагина озгина ҳазил-ҳузил қилиб тураман, холос шуни ҳам кўп кўрдингизми?

– Майли, билганингизни қилинг!– деди Собиржон бу маҳмаданага гапирганимнинг фойдаси йўқ, дегандай қилиб.

Собиржон эшик очиқ турган бўлса ҳам кўнғироқни босди, Лайлонинг укаси чиқиб улар билан саломлашди ва унинг уйдалигини айтди. Лайло чиқиб уларни ичкарига таклиф қилиб:

– Собиржон ака, терговни тугатай, деб қолдингизми? – дея сўради.

– Ҳа, оз қолди. Сизга ҳам айрим саволаримиз бор эди. Яна безовта қиялпмиз, узр.

– Майли, агар шу билан ёрдамим тегса, бемалол...

– Ойингизнинг соғликлари яхши бўлиб қолдими?

– Раҳмат, яхши, ётибдилар, манави хонада, – деб онаси ётган хонани кўрсатди.

– Сўрашиб чиқсак майлими?

– Бемалол, – деб Лайло хонанинг эшигини очиб, – ойижон, бу йигитлар прокуратурадан келишибди, – деди.

Собиржон кампир ётган хонага кириб ундан ҳолаҳвол сўради.

– Хола, соғликларингиз яхшими?

– Раҳмат, ўғлим, бир нави ётибман, ўзларингиз яхши юрибсизларми?

Улар кампир билан сўрашаётганларида олдларига 8-9 ёшлардаги бола кириб:

– Бувижон, мен мактабдан келдим!– деди.

– Ўғлингизнинг боласими?– деб сўради Собиржон.

– Йўқ, Лайлонинг ўғли – Шоҳжаҳон.

– Э, бу ёққа кел-чи, полвон бола, бугун неча баҳо олдинг, – сўради Собиржон боладан.

– Мен фақат бешга ўқийман, – деди Шоҳжаҳон мақтаниб.

– Ундай бўлса сен жуда ақлли бола экансан-ку, мактабдан ҳам ўзинг келдингми? – деб Собиржон Шоҳжаҳоннинг бошини силади.

– Йўқ, адажон олиб келдилар! – деди Шоҳжаҳон.

– Нима? – деди Собиржон ҳайрон бўлиб.

– Жиянларим укамни «Адажон» дегани учун, у ҳам тоғасини «Адажон» дейдиган бўлиб қолди, – деди Лайло Собиржоннинг ҳайрон бўлганига қараб.

– Шунақами?

– Онамларникида яшаётганимизга ҳам икки ойча бўлиб қолди, ахир.

– Ҳа, анча қийналиб қолдинглар, шекилли.

– Майли, ҳаммаси ўтиб кетади.

– Лайлохон, сиздан сўрамоқчи бўлган нарсам, Санжар ҳақида эди.

– Аввал ҳам сизга айтдим-ку, у ҳақда мендан сўраманг, бошқалардан сўранг, деб.

– Бошқалардан ҳам сўрадик, бу фақат сизга тааллуқли савол, айтинг-чи, Санжар билан ўрталарингда жанжал келиб чиққанми?

– Йўқ, у мен билан бирор мартаям гаплашиб кўрмаган.

– Султон ака билан-чи, уришиб қолганини кўрганмисиз, телефонда бўлса ҳам?

– Йўқ, у бизникига умуман келмаган.

– Ундай бўлса, дадаси билан муносабатининг ёмонлигини қандай билгансиз?

– Вой, Султон акам бунинг учун қанча сиқилганлар, Санжарни исмини айтмаган кунлари йўқ эди-ку, ишонасизми, ҳатто йиғлардилар ҳам.

– Касал бўлиб қолганларида хабарини олдимми?

– Қаёқда дейсиз, Султон акам бечора, эрталабдан кечгача унинг қўнғироғини кутардилар, уларга қанчалик раҳмим келарди, ўшанда, – деди Лайло йиғламсираб ва кўзини бармоқлари билан артиб қўйди.

– Сиз-чи, сиз уларнинг муносабатларини яхшилашга ҳаракат қилмадингизми?

– Бир марта Султон акамга раҳмим келганидан Санжарга қўнғироқ қилиб, дадаси унинг қўнғироғини кутаётганлигини, ҳеч бўлмаса касал бўлганлари учун ҳол-аҳвол сўрашиб қўйишини илтимос қилувдим.

– Ҳуш?

– У ҳеч нарса демасдан телефонини ўчириб қўйди.

– Тушунарли, – деди Собиржон ўйланиб.

Улар хайрлашиб, Лайлоларникидан чиқиб кетишди. Собиржон сўроқ қилиш керак, деб режалаштирганларининг ҳаммасидан деярли сўраб, ўзи кутган жавобларини олиб бўлди, энди фақат ҳамма далилларни, фикрларни умумлаштириб хулоса чиқариш қолганди, холос...

Собиржон кўпинча чувалашган фикрларини тартибга солмоқчи, ёки иш юзасидан муҳим қарорга келмоқчи бўлса прокуратура ҳовлисининг ичкари томонидаги боққа чиқарди. У ер анча овлоқ жой бўлгани учунми, Собиржон шу ерда фикрини жамлашни ёқтирарди.

Одати бўйича у бу сафар ҳам боққа чиқиб, дарахтларга қараб хаёл суриб қолди. Қизиқ, нима учун аввал эътибор бермаган эканман, ҳар бир дарахт ўзига хос ўсаркан, бир-бирига мутлақо ўхшамайди... Анави дарахт тўппа-тўғри ўсган, шохлариниям керакли жойларга қараб ёйган, боғбонгаям ортиқча меҳнат қилишига ҳожат қолдирмаган. Анавинисининг шохларини тўғрилаб эпақага келтирса бўлади, буниси бир томонга сал қийшайиб ўсибди. Мана бу дарахт эса яхши томир отибди, танасиям бақувват, лекин ўсишдан тўхтаб, чиройли бўлиб кўкка бўй чўзган дарахт томон ўзининг бесўнақай шохини ташлаб, унга чувалашиб, жуда кўримсиз бўлиб қолган. Боғбоннинг эса уни чопиб ташлашдан бошқа иложи йўқ. Бечора дарахт, ўз ҳаётига нуқта қўйилишига ўзи сабабчи бўлибди. Худди марҳум Султон акага ўхшаб...

Дарвоқе, эртага бу жинойт иши бўйича айбдорни қамоққа олишимиз лозим, ўйлади Собиржон.

## Лайло

Лайлонинг уйига эрталаб, «Тезда прокуратурага борар экансиз», деб келишлари уни ҳайрон қолдирди.

– Майли, бир оз кейин етиб бораман, – деди.

– Йўқ, бизга бирга олиб келиш буюрилган, – деди йигитлардан бири.

– Тинчликми, ўзи нима гап экан?– деди Лайло хавотирланиб.

– Бунисини билмаймиз, прокуратурага борганингиздан кейин билиб оласиз.

– Хўп, – деб Лайло улар билан машинага чиқаркан укасига: – Эркин, сен ҳам юр, – деди.

– Ҳозир машинада етиб бораман.

Лайло Собиржоннинг хонасига кирганида у компьютердан бошини кўтармай бир нарсаларни ёзар, Фарҳод эса қоғозларнинг ичига кўмилиб ниманидир қидирар, яна икки йигит ҳам ўз ишлари билан машғул эдилар, гўё улар Лайлонинг кириб келганини сезмадилар ҳам...

– Тинчликми, Собиржон ака, яна нимани сўрамоқчисиз, сўрайдиган нарса қолдимиз ўзи?– деди Лайло уларнинг ўзига нисбатан беписандлик қилиб, кириб келганига эътибор бермаётганига энсаси қотиб.

– Сўроқ қилиш энди бошланади, Лайлохон, – деди Собиржон ёзишда давом этиб.

– Нима?!

– Марҳамат қилиб ўтиринг, нимага таажжубланасиз, худди ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай? – деди Собиржон.

– Ўлай агар, ҳеч нарсани тушунмаяпман, нимани назарда тутяпсиз ўзи?

– Султон Жўраевнинг ўлимини...

– Уни ўлдирган жиноятчи қамоқда-ку.

– Йўқ, у қаршимда ўтирибди, бу – сиз! – деди Собиржон кутилмаганда.

– Менга бунақа айб қўйишга сизнинг ҳаққингиз йўқ, бу туҳмат, мен эримни яхши кўрардим!– деди Лайло талмовсираб.

– Яхши кўраман, деганда қайси эрингизни назарда тутаяпсиз?

– Мени қонунни тушунмайди, деб ҳар хил айбларни қўйиб, бўлмағур сўзлар билан ҳақоратлаш мумкин, деб ўйлайсизми, ҳар бир оғиз гапингиз учун жавоб берасиз, тушундингизми!? – деди Лайло энди талва-сага тушиб.

«Қалтисроқ гапирмадингизми?», дегандай қилиб Фарҳод Собиржонга қараб қўйди.

– Суроқ пайтида ҳимоячи қатнашишини талаб қилишингиз мумкин, биз бу талабингизни қаноатлантирамыз.

– Ҳимоячининг кераги йўқ, чунки мен жиноят қилмаганман!

– Эрингизни ўлдириш сиз учун жиноят саналмаслиги мумкин, лекин бу ҳаракат қонунда жиноят деб аталади.

– Марҳамат қилиб сиз менга айтинг-чи, нима учун мени ҳе йўқ, бе йўқ қотилга чиқармоқчи бўляпсиз, бунинг учун қўлингизда бирор далилингиз борми ўзи?! – деди Лайло тутақиб.

– Албатта бор, бўлмаса сизни қотилликда айблармидик.

– Қандай далил эканлигини менга ҳам айтинг-чи?

– Ундан олдин сиз бир бошдан Султон акани қандай қилиб урганингизни, жанжал нимадан келиб чиққанлигини ва ҳоказоларнинг ҳаммасини гапириб беринг! Балки сиз ҳаммасини ўз ихтиёрингиз билан қилмишингиздан пушаймонлигингизга, айбингизга иқроор бўлсангиз, бериладиган жазойингизга енгиллик буларди.

– Сиз қандай жиноят ва қандай жазо туғрисида гапираётганлигингизни билмайман, бу ҳақда ортиқ эшитишнIAM, гапиришнIAM истамайман! – деб Лайло ўрнидан турди.

– Жойингизга ўтиринг!– деди Собиржон овозини баландлатиб, – қотиллигингиз ҳақида гапиришни хоҳ-

ламасангиз майли, гапирмай қўя қолинг, лекин эшитишга мажбурсиз, ҳаммасини ўзим сизга бир бошдан, батафсил сўзлаб бераман.

Собиржон ўрнидан туриб, деразанинг олдига келди ва Лайлога қараб сўзлай бошлади:

– Сизнинг Султон ака билан бўлган никоҳингиз бошиданоқ ёлғонларга асосланган эди. Уни сиздан ҳомиладорман, деб алдаб, бечоранинг сизнинг ҳусну жамалингизга шайдо бўлиб қолганидан фойдаланиб, қонуний никоҳни расмийлаштиришга мажбур қилгансиз...

– Фирт тухмат!

– Боланинг отаси Ҳасанов Мансур бўлиб, сиз у билан муносабатингизни ҳеч қачон узмагансиз. Бечора Султон ака бундан беҳабар бўлган, сиз эса унинг телбаларча яхши кўришидан фойдаланиб, қачон бўлса ҳам барибир сирингиз очилишини билиб, бола икки ёшига кирганда ҳамма мол-мулкени Шоҳжаҳоннинг номига расмийлаштиришга муваффақ бўлгансиз...

– Бўхтон! Бас қилинг!– деб қичқирди ранги оқариб кетган Лайло.

– Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек сизнинг Мансур исмли шахс билан юришингиз Султон акага маълум бўлиб қолган, натижада ўрталарингизда келишмовчилик чиққан. Сизга Мансур билан учрашишни таъқиқласа ҳам у билан муносабатингизни давом эттиравергансиз. Чунки ўрталарингизда фарзандингиз Шоҳжаҳон бўлган, бундан ташқари бир-бирларингизни яхши кўргансизлар, қария вафот этгандан кейин унинг каттагина бойлигига Шоҳжаҳон орқали эга бўлиб, кейин бирга яшашга келишиб қўйгансизлар. Шунинг учун ҳам Мансур бошқага уйланмай сизни кутган...

– Ёлғон!

– Мана бу расмлар Султон ака вафотидан кейин олинган, булар Мансур билан қандай муносабатда

эканлигингизни кўрсатади, – деб Собиржон Лайлонинг олдига расмларни ташлади.

– Мени пойлаб юриш учун одам қўйишга ҳаққингиз йўқ эди, бу менинг шахсий ишим, – деб чинқирди Лайло.

– Қонунда бировнинг умрига зомин бўлиб қилинадиган иш шахсий эмас, балки жиноий иш деб аталади, – деди Собиржон ва сўзини давом эттирди: – Бундан икки йил олдин Султон ака Шоҳжаҳоннинг ўзининг боласи эмаслигини сезиб қолган ва бундан қаттиқ эзилган, чунки у сизни деб оиласидан, жонидан ортиқ кўрувчи ўғлидан кечган эди-да! У ҳамма нарсани бошидан бошламоқчи бўлган, ўғли Санжарга буларни тушунтиришга ҳаракат қилган, лекин отасининг қилмишидан қаттиқ ранжиган ўғил уни эшитишни истамаган. Сиз эса Мансур билан очиқ-ойдин юравергансиз, чунки олтмишга кирган чолни бошингизга урармидингиз. Сизнинг бу ҳаракатингиздан номусга қолиб, ғурури топталган Султон ака инсулт бўлиб қолган...

– Ҳаммаси ёлғон!

– Сизга уйланиб, ўзининг катта хатога йўл қўйганидан пушаймон бўлган Султон ака, кеч бўлса ҳам хатосини тўғриламоқчи бўлади ва Шоҳжаҳон ўғли эмаслиги учун унинг номига мерос қилиб қолдирмоқчи бўлган мол-мулк тўғрисидаги шартномани бекор қилишни ўйлайди. Бунинг учун эса у ҳақиқатан ҳам Шоҳжаҳоннинг ўзининг ўғли эмаслигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлган ва ДНК кўригидан ўтишлари учун йўлланма олган. Наҳотки, бу йўлланмага сиз сафсата деб қарасангиз!? Ахир, ДНК кўриги натижалари сизнинг тақдирингизни белгилар эди-ку, – деб Собиржон Лайлога тинтув пайтида топилган йўлланмани кўрсатди.

Лайло энди аввалгига мутлақо ўхшамас, унинг овози чиқмай қолганидан зўрға:

– Қаерда экан? – дея олди холос.



– Ҳа, сиз бунинг қаердалигини тополмай кўп қидиргансиз, биз ҳам касбимиз шу бўлгани учунгина икки кун қидириб зўрға топдик. Чунки Султон ака буни сиздан яшириб, ёстиққа тиқиб қўйган экан, агар шу ишни қилмаганида балки тирик қолармиди, ким билади. Ҳарҳолда ўша кунги жанжал худди шунинг устида келиб чиққанлиги аниқ. Сиз Султон акага ДНК кўригидан ўтишнинг кераги йўқлигини қанча айтсангиз ҳам, у кўнмаган, гап билан кўндира олмаганингиздан кейин, Мансур билан келишганларингиздай Султон аканинг ногиронлигидан фойдаланиб, унга куч ишлатгансиз. Унинг бошига, бўйнига жува билан ургансиз. Шунинг учун бечоранинг ҳам калтак зарби, ҳам севган кишиси, жонини беришга тайёр бўлган хотинидан хўрлик кўриши, унинг шафқатсизларча оёғи остида топталиши йиқилиб қолишига сабаб бўлган. Лекин у йиқилиб қолган вақтида тиббий ёрдам кўрсатилса, тирик қолиши мумкин эди. Сиз эса, уни ўлиб қолди, деб қўрқиб кетганингиздан қочиб кетгансиз.

Дарвоқе, сиз шу кунги жанжални илгаридан режалаштирганингиз учун Шоҳжаҳонни онангининг уйида қолдириб келгансиз. Бизга берган биринчи кўрсатмангизда катта хатога йўл қўйиб, ўғлим билан онамларникига кетдим, деб берган ёлғон кўрсатмангиз орқали биринчи марта сиздан шубҳаланишимга ёрдам бердингиз.

– Лайло Жўраева, энди бу ёғини ўзингиз давом эттирасизми ёки ўзим айтаверайми? – деб Собиржон унинг жавобини кутиб, бирпас қараб турди.

Лайло индамай бир нуқтага тикилиб ўтирарди, унинг гапириш нияти йўқлигини билган Собиржон сўзида давом этди:

– Сиз бўлган воқеани уйингиздагиларга, тўғрироғи укангизга айтиб бергансиз, у сизнинг жиноят қуролингизни, яъни жувани жиноят содир бўлган жойда қолдирганингизни ва эшикни марҳумнинг устидан

қулфлаб келганингизни эшитиб, сизнинг хатоларингизни тўғрилаш учун, тун ярмини кутган. Сизнинг соат тунги бирда қўнғироқ қилганингиз тўғри, лекин Султон аканинг аҳволини сўраш учун эмас, балки унинг ўлганлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўнғироқ қилгансиз. Гушакни ҳеч ким кўтармагандан кейин, укангиз калитни сиздан олиб келиб, эшикни очган ва калитни эшикнинг ичкари томонига жойлаштириб қўйишни ё унутган ёки ичкарида ётган мурданинг ваҳимаси босганиданми, ишқилиб калитни кираверишда турган телефоннинг ёнида қолдирган. У ҳамма ишни қўлига қўлқоп кийиб қилган, уйга босқинчилар кирган, деб ўйлашлари учун сейфдан пулларни олган, нима учундир бошқа хоналарга кирмаган, балки уйда мурда ётгани учун шошилгандир, лекин жиноят қуроли бўлган жувани олишни унутмаган.

– Сиз, эрталаб соат нечаларда уйга келдим, дегандингиз?– сўради Собиржон Лайлодан.

– ...

Лайло худди гунгга ўхшаб қолган эди, у гапиришни хаёлига ҳам келтирмасди.

– Сиз уй хизматчисидан анча олдин келиб, уни кутгансиз, унинг келаётганини деразадан кўришингиз билан, худди ҳозиргина келганга ўхшаб, қаттиқ қичқиргансиз, қўшниларнинг ҳам эшитиши учун ундан ҳам баланд овозда бақиргансиз. Кейин нима бўлганлиги ҳаммамизга маълум. Мана кўриб турибсизки, қилмишларингизни яшириш учун ҳеч нарсанинг фойдаси бўлмади, энди ҳаммаси учун жавоб беришингизга тўғри келади, битта ўзингиз эмас, албатта, Ҳасанов Мансур, укангиз Илҳом ҳам сиз билан биргаликда жинойий қилмишлари учун жавоб берадилар, – деб сўзини якунлади Собиржон ва:

– Агар менинг гапларимнинг нотўғри жойи бўлса ёки қўшимча қилмоқчи бўлсангиз, гапиринг, – деди Лайлога қараб, у индамади.

– Ҳаммаси тўғри бўлса, ўқиб чиқиб, имзо қўйинг, –

деб Собиржон узатган қоғозга Лайло кўз югуртириб, индамай имзо қўйиб берди.

Собиржоннинг ишораси билан Лайлони олиб чиқиб кетишди.

\* \* \*

Хонага чўккан жимликни одатдагидай Фарҳоднинг саволи бузди.

– Собиржон ака, жиноят қуроли топилмаган эди-ку, уни жува эканлигини қаердан билдингиз?

– Ошхонани кўздан кечирганимда жувадан бошқа ҳамма нарса жойида эди-да.

– Лайлонинг Ҳасанов Мансур билан бўлган муносабатини дарров қандай пайқаб қолдингиз? Унинг боланинг отаси эканлиги ҳақида қўлингизда ҳеч қандай далилсиз қандай қилиб бунча ишонч билан гапира олганингизга қойилман.

– Лайлони прокуратурага чақирганимиздан кейин чиқиб кетаётганида ўрнимдан туриб деразадан қарасам, оқ «Нексия»да кутиб турган кишини кўрдим. Унинг Лайлога нисбатан ҳаракатлари менда шубҳа уйғотди, кейин уларни кузатишга одам тайинладим. Унинг Шоҳжаҳоннинг отаси эканлигини эса сиз билан Лайлоларникига борганимизда Шоҳжаҳоннинг мактабдан адажон олиб келдилар, деганидан билдим, чунки ўша давлат рақамидаги оқ «Нексия»нинг болани ташлаб кетганини тасодифан яна деразадан кўриб қолган эдим-да. Фарҳод, агар бошқа саволлар бўлмаса, бир пиёладан аччиқ кўк чой ичсак, нима дейсиз?

Хўп, деб Фарҳод чой олиб келиш учун ўрнимдан турди. У бир қараган киши спорт устаси эканлигини дарров пайқашни мумкин бўлган гавдасини чаққонлик билан ҳаракатлантириб, эшик томонга юраркан, оқ-сарикдан келган кулгуга мойил, думалоқ юзига табассум ёйилиб, тўхтади ва Собиржонга қараб:

– Сиздан сўрамасдан, ўзим фаҳмлаб олган нарсамни ҳам айтиб қўйсам майлими?

– Хуш?

– Мен ҳазиллашиб Лайлони «Афродита» деганимга жаҳлингиз чиққанининг боиси, унинг қотил эканлигини сезганингизда экан-да, шунинг учун ҳам уни гузаллик маъбудаси, дейишимни хоҳламаган экансиз, тўғрими?

– Ҳа, шундай.

## САРАТОН

*Ўзингга раво кўрмаган нарсаларга  
ўзгани ҳам нолойиқ, деб бил.  
Конфуций.*

### Сирли кўнғироқ

Мастура хонадаги чангларни тозаларкан, тирсаги бехосдан бурчакда, кичик стол устида турган, Жаҳонгир иккаласининг никоҳ маросимида тушган суратларига тегиб, пастга тушиб кетди ва ойнаси чил-чил синди... Мастура ирим-сиримларга унчалик ишонмасди, лекин бу сафар у нима учундир, наҳотки Жаҳонгир акамга бир нима бўлса, деб ўйлади, кейин миясига келган бу фикрдан ранжиб, ўзини-ўзи койий бошлади:

– Нималарни ўйлаяпман ўзи, ахир касалланмайдиган одам бўладими, ҳозир шифохонада касалларини аниқлатаётган бўлсалар керак, менам борай десам, йўқ, деб туриб олмаганларида, бунақа ўй-хаёлларга бормай ҳаммаси жойидалигини билиб кўнглим хотиржам бўлган бўлармиди? Мастуранинг юраги барибир жуда ғаш эди... У ошхонага кириб ўйланиб қолди, Жаҳонгир акам еганларини қайт қиляптилар, суюқ овқат қила қолай, зора касаллари ўтиб кетса...

Ҳаммаси бинойидек эди-я, Худо берган гулдай ҳунарлари орқасидан уйли-жойли бўлдик, машинамиз бор, Худога шукр, мен ҳам ҳамма оғирликни ўзларига ташлаб қўйганим йўқ, уй юмушларидан ортган вақтимда бичиш-тикишни билганим учун оила иқтисодига озми-кўпми ёрдамим тегяпти, ҳеч нарсага зориқмаяпмиз, иккаламизнинг ҳам ота-онамиз, ака-укамиз йўқлиги унчалик сезилмаётганди. Одам бошига озгина ташвиш тушса, жигарларинг ёнингда бўлишини жуда истаркан, суянчиқ изларкансан...

Мастура сиқилганидан қўлидаги чанг артаётган латтани бир чеккага қўйиб, озфингина гавдасини кресло-

га ташлади. Унинг сариққа мойил, истарали юзини ташвиш аломатлари қоплаган эди.

Мастуранинг хаёлларини эшик қўнғироғининг жиринглаган овози бўлди. Мастура Жаҳонгир келишини кутаётгани учун индамасдан югуриб бориб эшикни очди, эрининг тушқун қиёфасини кўриб:

– Келдингизми дадаси, дўхтирлар нима дейишди, касалингиз ёмон эканми? – деди хавотирланиб.

– Йўқ, даволаниш керак, дейишди, – деб Жаҳонгир ичкарига кирди.

– Ўзи нима касалингиз бор экан?

– Мастур, ортиқча саволлар берма, илтимос.

– Мундоғ, очилиб гапирмаганингиздан кейин савол бераман-да ахир, нима қилай, хавотирланаман.

– Болалар қани? – деди Жаҳонгир ечинмасдан каравотга чўзиларкан.

– Кучада, ўйнаб юришибди, ҳозир овқатга чақираман.

Жаҳонгир Мастурага ўзига ҳам ҳозиргина маълум бўлган даҳшатли саратон касалига чалинганлигини қандай айтишни билмай эзиларди, ахир унинг менадан бошқа суянчиғи йўқ, айтсам қандай аҳволга тушаркан, ё айтмасаммикан, барибир тез орада маълум бўлиб қолади-ку. Чунки мен яқинда ўламан! Қандай даҳшат!... деб ўйлади у. Эртаси куни эрталаб, Жаҳонгир шифохонага ётиши кераклигини айтиб, нарсаларини йиғиштира бошлади.

– Мен ҳам бораман, сизни жойлаштириб қайтаман, – деди Мастура.

Жаҳонгир индамади, Мастура шифохона эшигининг олдига борганидагина ёзувни ўқиб, эрининг қандай дардга чалинганлигини билиб, қўрқиб кетди.

– Вой, мен ўлай дадаси, дардингиз шунчалик оғир экан-да, – деб йиғлаб юборди.

– Қўйсанг-чи, бунақа гапларингни, ҳозирги замон тиббиёти қай даражада илгарилаб кетганини билмай-

санми, балки бутунлай тузалиб кетарман, – деди Жаҳонгир хотинининг кўнглини кутариб.

Жаҳонгир шифохонада керакли муолажаларни олиб чиққанидан кейин ўзини сал енгил ҳис қилгандай бўлди, ёки тақдирга тан бердими, ишқилиб эрхотин касаллик ҳақида гаплашмасликка ҳаракат қилишар, иложи борича бу ҳақда камроқ эслашга уринишарди. Бекорчиликка ўрганмаган Жаҳонгир уйдаги майда-чуйда ишларни қилишга ҳаракат қилар, уй ишларига ёрдам беришга уринарди.

Мастура эрининг ҳамиша кулиб боқувчи кўзларидаги сўлфинликни, меҳнатда чиниққан, қотмадан келган гавдасининг сал эгилганини, соғлом юзининг анча синиқиб қолганини сезиб, унинг аҳволига қараб, ичичидан эзилар, унга раҳми келар, лекин буни билдирмасдан ўзини қувноқ тутишга ҳаракат қиларди...

– Жаҳонгир ака, бильярд ўйнашни яхши кўрардингиз шекилли, нимага бильярдхонага чиқмай қўйдингиз?

– Ҳа, тўғри айтасан, нима учундир эсимга келмабди, кечқурунги овқатни егандан кейин бильярд ўйнагани чиқаман.

Кўчанинг бошида жойлашган бильярдхонада одам унча кўп эмасди, ҳаммаси 5-6 киши бўлиб, уларнинг деярли барчаси Жаҳонгирга таниш эди.

– Э, келинг уста Жаҳонгир, кейинги пайтларда жуда камнамосиз? – деди Дониёр исмли йигит салом-аликдан кейин.

– Ҳа, энди тирикчилик дегандай, иш билан бўлиб чиқишга ҳам вақтим йўқ эди, энди бу ёғига вақтим бемалол...

– Дўстим, дам олишга ҳам вақт ажратиш керакда ахир, кечки овқатни егандан кейин, хотиннинг чакаги тинмай жаврашини эшитиб ўтирмасдан бу ерга келсангиз ҳам мазза қилиб бильярд ўйнайсиз, ҳам куни билан чарчаган асаблар озгина бўлса-да дам олади.

– Жуда тўғри! – деб унинг фикрига қўшилди яна бир йигит.

– Ушланг, – деб Дониёр Жаҳонгирга бильярд таёғи – кийни узатди.

Жаҳонгир ўйинга берилиб кетганидан, қўл телефонининг жиринглаши ҳам унга малол келди, узоқ жиринглаган телефонни ноилож кўтариб:

– Алло, – деди.

Гўшакдан нотаниш овоз эшитилди:

– Жаҳонгир акамисиз?

– Ҳа, ўзингиз кимсиз?

– Мени танимайсиз, сиз билан гаплашиб олишимиз керак.

– Пол, эшик, дераза тузатиш бўлса ҳозир қила олмайман, мазам йўқроқ. Шогирдларимнинг телефон рақамини беришим мумкин.

– Буни биламан, бошқа муҳим масалада гаплашмоқчиман.

– Биласиз? Унда нима масалада?

– Илтимос, учрашайлик, ҳозир бильярдхонадан чиқиб, чап томонга қараб юринг, сизни йўлакда кутиб тураман, – деб нотаниш одам гўшакни қўйди.

– Нима гап, тинчликми? – деди Дониёр ўйланиб қолган Жаҳонгирга қараб.

– Ҳа, тинчлик. Майли, хайр, кетишим керак бўлиб қолди, – деди Жаҳонгир ва бильярдхонадан чиқиб, сирли кўнғироқ ҳақида ўйлаб қолди:

– Қизиқ, ким бўлди экан-а, касаллигимдан ҳам хабари бўлса, демак, мени билади, дарвоқе, бильярдхонадалигимниям билади, бормасаммикан? Йўқ, бораман, нима иши бор экан, билишим керак, қизиқиб қолди Жаҳонгир ва чап томонга юра бошлади. У 15-20 метрча юрганидан кейин қаршисидан келаётган одамни куриб тўхтади, Жаҳонгир нима учундир уни кўнғироқ қилган киши шу бўлса керак, деб ўйлади, янглишмаган экан, у киши ҳам Жаҳонгирнинг қаршисида тўхтаб:



– Яхшимисиз, Жаҳонгир ака, – деди худди илгаридан таниш одамлардек.

– Яхшимисиз, – Жаҳонгир бу одамга бошдан-оёқ разм соларкан, уни умуман танимаслигига амин бўлди.

– Юринг, юриб гаплашамиз, – деб ҳалиги одам уни йўлакнинг дарахтлар қалинроқ жойлашган, қоронғи томонига бошлади. Жаҳонгир қарашлари аллақандай совуқ, сал букчайган, сочини тагидан олдириб ташлаганми ёки ўзи сочи аслида йўқми, боши ялтираб турган бу одамнинг ҳаракатларига қараб, мақсади нима экан ўзи бунинг, деб шубҳалана бошлади ва:

– Нима гапингиз бўлса, тез-тез айтинг, вақтим йўқроқ, – деди.

– Сиз мендан кўрқманг, Жаҳонгир, – деди нотаниш одам суҳбатдошининг фикрларини уққандай, – менинг мақсадим фақат сизга яхшилик қилиш...

– Тушунмадим, қанақа яхшилик?

– Сизнинг қандай касалга чалинганингиздан хабарим бор, энди сиз оғир меҳнат қила олмайсиз. Болаларингизнинг каттаси эндигина 9 ёшга тўлган, оилангизга ёрдамлашадиган оға-инингиз ҳам йўқ.

– Хўш, бу билан нима демоқчисиз? – деди Жаҳонгир бу нотаниш кимсанинг ўзи тўғрисида бунча куп нарсани билишига ҳайрон бўлиб.

– Демоқчиманки, сиз кичкинагина бир иш қилсангиз, каттагина пулга эга бўласиз, кейин болаларингизнинг келажаги ҳақида қайғуришингизга ҳам ҳеч қандай ҳожат қолмайди.

– Мен қилишим мумкин бўлган қанақа иш экан?

– Биладан, илгари сиз КАМАЗ юк машинасини ҳайдагансиз, яна шу даврларни эсга олиб, чекка бир вилоятга бориб келасиз...

– Қайси вилоятга, нима учун?

– Сурхондарёнинг Афғонистон билан чегарадош туманига бориб, у ердан бир нарса олиб қайтишингиз керак бўлди.

– Нима экан у нарса?

– Сиз у ердан бир КАМАЗ хурмо олиб келасиз.

– Нимага айнан менинг хурмо олиб келишимни хоҳлаяписиз?

– Чунки сиз КАМАЗ машинасини яхши бошқара оласиз ҳамда оғзингизга маҳкам одамсиз.

– Хурмо ортиб келишнинг нимаси сир бўлиши мумкин, балки унда наркотик яширингандир?

– Бу нарсанинг нима эканлиги билан ишингиз бўлмасин, у ерда ўзлари молни машинангизнинг тегишли жойларига жойлаштиришади, сизнинг вазифангиз фақат машина бошқаришдан иборат бўлади, холос.

– Айтаётган молингиз героинми ёки бошқа наркотикми?!

– У нарсанинг нималигининг сизга қандай фарқи бор, сиз бир бориб келишингиз учун элик минг доллар оласиз, ўйлаб кўринг-а, бу пулни топиш учун неча йил меҳнат қилишингизга тўғри келади, бундан ташқари соғлигингизнинг мазаси бўлмаса...

– Нима олиб келишимнинг нега фарқи бўлмас экан, мабодо олиб келган нарсам наркотик бўлса, ким деган одам бўламан ахир. Бир умр ҳалол яшадим. Яна қанча умрим қолди буни Худо билади, лекин қолган қисқа умримда ҳаром йўл билан пул топиш ниятим йўқ.

– Ким айтди сизга уни ҳаром пул деб, керак бўлса у пуллар шунча меҳнат қилиб топилган, она сутидан ҳам ҳалол пул ҳисобланади. Олдиндан ярми берилади, келганингиздан кейин қолган ярми, қарабсизки, икки кунда элик минг кўкидан ишлаб қўясиз ва ўғлингизга каттагина мерос қолдирасиз.

– Лекин, мен...

– Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўриб, жавобини айтарсиз. Сизни ўзим топаман.

У одам қандай тез пайдо бўлган бўлса шундай тез кўздан ғойиб бўлди.

Куз фасли бўлишига қарамасдан Жаҳонгирнинг атрофини совуқ, қаҳратон қиш ҳавоси қатлами ўраб

олгандай бўлди. У анча вақтгача ўзига келолмай туриб қолди ва сал нарида жойлашган, йўлак четидаги ўриндикқа кўзи тушиб, бориб ўтириб олди.

«Вой, аблаҳ, мени наркобизнесга аралаштирмоқчи бўляптими? Лекин нима учун айнан мени танлашган? Ҳамма нарсадан хабардор бўлишларига қараганда, улар мени анчадан бери кузатиб юришган кўринади. Бедаво дардга чалинганлигимдан фойдаланмоқчи бўлишяпти, чоғи. Ўлиб кетса оиласи моддий таъминланган бўлади, шу ишни қилишга мажбур, деб ўйлашган. Ундан ташқари, қўлга тушиб қолгудай бўлса ҳам барибир ҳеч кимни танимайди, шунинг учун ҳеч кимни сота олмайди ҳам, бунинг устига ўлими яқин, ҳеч ким ҳеч қандай зарар кўрмайди, деб режалаштиришган».

Эй, Худо, булар қандай тошбағир кимсаларки, бир инсон умрининг қолган саноқди кунларидан ҳам ўзларининг жирканч ишларида фойдаланмоқчи бўладилар. Умрим қисқа бўлса ҳам ҳалол яшадим-ку, боқий дунёга ёруғ юз билан бораман, деган илинжда ўлимига рози бўлиб ўтирган одамни, катта пул ваъда қилиб, ўзларининг қабоҳат оламларига олиб киришмоқчи, умрининг охирги дақиқаларида кечирилмас, катта гуноҳга ботирмоқчи бўладилар. «Ўғлингизга каттагина мерос қолдирасиз», дейди. Қайтар дунё дейдилар, шу мерос ҳисобига ўғлим гиёҳванд бўлиб қолса-чи. Худо асрасин. Ҳаромдан Худо асрасин. Яхшилаб ўйлаб қарасам, аслида мен, бедаво дардга учрадим, деб, хафа бўлмасам ҳам бўларкан, чунки бу дунёга келган ҳар бир жонзот эртами-кеч, барибир бир куни оламдан кўз юмади. Мен ҳам шу-да...

Яхши ном билан яшаш, ибратли из қолдириш, ҳамма учун керакли инсон бўлиш ва ниҳоят сенинг ўлимингга ҳамманинг қайғуриши... Менимча бу бахтли ҳаётнинг ниҳояси.

Гиёҳванд бўлиб вафот этсам нима бўларди, Худо кўрсатмасину оилангга, яқинларингга етказган озор-

ларинг туфайли, ҳамма сендан безор, жирканч нарсага қарагандек қарашади. Наркотик учун ишинг уйдан фақат болаларингнинг ризқини ўғирлаш бўлиб қолади, рўзгорда ҳеч вақо қолмагандан кейин эса наркотик сотиб олиш учун кўча-кўйда ўғирлик қилишдан бошқа чоранг қолмайди. Ҳатто, энг яқинларинг ҳам ўлимингни кутишади... Мабодо ўлиб қолсанг, ҳамма ич-ичдан қувонишади, биз ҳам қутулдик, ўзи ҳам қутулди, дейишади. Бу аянчли ва бахтсиз ҳаётнинг ниҳояси бўлади...

Ҳа, Худонинг менга берган бахтли ҳаётига ҳам, берган дардига ҳам мингдан-минг шукр қилишим керак! Дарвоқе, бояги кимса билан бўлган воқеани эртага эрталаб бориб, милицияга айтиб бераман.

Э-э.., қоронғида унинг афтиниям яхшилаб кўролмадим-ку. Бундан ташқари унинг билан бўлган суҳбатимизни исботлайдиган ҳеч қандай далилим ҳам йўқ! Эҳ, ўқимаган, ҳеч бўлмаса телефонимнинг диктафонини ишлатмабман-а! Тўхта, ахир у, «ўйлаб кўринг, ўзим сизни топаман», деди-ку. Демак, кейинги учрашганимизда хатоимни тўғрилашимга вақт бор экан.

Жаҳонгир шундай хаёллар билан бўлиб, атроф қоп-қоронғи бўлиб қолганини, ўтиб-қайтаётган йўловчилар ҳам камайганини сезиб, бу ерда анча ўтириб қолганини пайқади ва Мастура хавотир олаётган бўлса керак, деб уйига қайтди. Бўлган воқеани хотинимга айтсаммикин, деб ўйлади Жаҳонгир. Йўқ, кераги йўқ, ўзи менинг касалим учун эзилиб юргани ҳам етарли, бу гапни эшитса баттар хавотир олади, кейинроқ айтарман, деб ўйлади у.

### Сунқасд

Жаҳонгир ҳар куни кечқурун бильярдхонага чиқадиган бўлди, у ерда ўртоқлари билан бильярд ўйнаб, касаллиги туфайли дилига жойлашиб қолган гапликни

тарқатишга ҳаракат қиларди... Телефони жиринглаб қолди, рақамига қараса, кўча телефонидан кўнғироқ қилишяпти, тунов кунги нотаниш кимса бўлса керак...

– Алло.

– Жаҳонгир ака, сизни кутиб турибман, бирпасга чиқиб кетинг...– гўшакдан хирилдоқ ёқимсиз овоз эшитилди.

– Хўп, – деди Жаҳонгир овоз эгасини таниб, калбошнинг худди ўзи, деб ўйлаб, телефоннинг диктофонини тўғрилади ва кўйлагининг чўнтагига солиб кўйди. У бильярдхонадан чиқиб, йўлак бўйлаб юра бошлади. Унинг қаршисида худди осмондан тушгандек анави кунги калбош пайдо бўлди.

– Соғлиқларингиз яхшими, Жаҳонгир ака, айтганларимни ўйлаб кўрдингизми? – деди у тўғридан-тўғри мақсадга ўтиб.

– Сиз менга, Сурхондарёнинг Афғонистон билан чегарадош туманидан нима олиб келишимни аниқ айтмадингиз-ку?

– Буни билишингиз шарт эмас, дегандим.

– Молнинг нима эканлигини билмасам, жавобини айтолмайман, ахир.

– Айтайлик, наркотик, хўш? – деди нотаниш одам-ва атрофга хавотирланиб аланглади.

– Бунинг учун менга қанча таклиф қилган эдингиз?

– Элик минг доллар, ўйлаб кўрдингизми?

– Ҳа, ўйлаб кўрдим, қачон йўлга чиқиш керак?

– 4 ёки 5 кундан кейин, демак, розисиз, шундайми?

– Розиман, демадим-ку, – деб Жаҳонгир чўнтагидан телефонини чиқариб сездирмасдан уни расмга туширмоқчи бўлди. Буни пайқаб қолган калбош:

– Ундай бўлса нима учун ўзинг билган нарсаларингни қайтариб сўрадинг, итвачча, сотмоқчимидинг, ҳаммасини ёзиб олдингми, расмгаям туширдим, дегин! Э, сендақа Шерлок Холмсни!...– деб сўкиниб, Жаҳонгирнинг қўлидан чаққонлик билан телефонини юлиб олди

ва уни қайтариб олишга ҳаракат қилаётган Жаҳонгирга кнопкалик пичоғини чиқариб ураётганда, у бақариб юборди. Жаҳонгирнинг овозига атрофдаги бириккита одам, тинчликми, деб улар томонга кела бошлашди. Шошиб қолган калбош Жаҳонгирнинг чап бикинига ва қорнига пичоқ уриб, тезлик билан қочиб қолди, унинг юзини ҳеч ким кўролмади. Ҳамма инграб йиқилиб қолган Жаҳонгир билан овора бўлиб, унга унчалик эътибор ҳам беришмади. Биров милицияга, биров тез ёрдамга қўнғироқ қила бошлади. Анча одам тўпланиб қолди. Бир йигит:

– Калбошни қувиб етиш керак эди! – деди.

– Нимага пичоқ урди экан, талончилик қилиб бир нарсасини олиб қочди, шекилли? – дерди яна бири.

Бильярдхонадагилар ҳам бу воқеани эшитиб, тўпланиб турган одамлардан сўрашди:

– Кимни пичоқлаб кетишибди?

– Ие, уста Жаҳонгир-ку! – деди йиғилганлардан бири уни таниб. – Ким унга пичоқ урди экан?

– Ҳеч ким уни кўролмай қолди, фақат орқасидан кўрдик, сочи йўқ, калбош эди.

Жаҳонгирни тез ёрдам машинаси олиб кетди, милиция ходимлари тўпланганлардан бўлган воқеани сўраб-суриштира бошлашди.

Жаҳонгир кўп қон йўқотганлиги учун шифохонада ҳам кўзини очмади, операция хонасига олиб кириб кетишди. Мастура касалхона йўлагига ўтириб унсиз йиғларди. Ўзининг дарди етмасмиди, бечорага пичоқ уриш кимга керак бўлиб қолди экан? Ким? Нимага, нима учун, деган саволлар уни қийнарди. Бунинг устига милиция ходимларининг: «Эрингизнинг душманлари бормиди?», «Эрингизнинг ёнида қимматбаҳо нарсаси бормиди?», «Шубҳали шахслар билан алоқаси йўқмиди?» каби саволлари уни безор қилиб юборди. Мастура пичирлаб, Жаҳонгирнинг операция хонасидан эсон-омон чиқишини Худодан илтижо қилиб сўраб, йўлакда қўйилган стулда уни олиб кириб ке-

тишган хонадан кўзини узмай қараб ўтирарди. Сал нарироқдаги стулга қўлида сумкаси билан бир йигит келиб ўтирди, бир оздан кейин яна бир йигит келиб унинг ёнига ўтираркан:

– Ичкаридан ҳеч қандай хабар йўқми? – деб сўради.

– Йўқ, ҳеч ким чиққани йўқ.

Шу пайт операция хонасидагилар бирин-кетин чиқиша бошлашди. Мастура югуриб бориб уларнинг биридан:

– Жаҳонгир акам тирикмилар? – деб сўради.

– Ҳа, тирик, – деди ҳорғин овозда 50-60 ёшлардаги врач, – Беморнинг хотинимисиз?

– Ҳа, аҳволлари яхшими?

– Яхши десам, ёлғон гапирган бўламан, бу ёғига энди Худонинг ўзи шифо берсин...

Йўлақда кутиб ўтирган йигитлар врачнинг хонасига унинг кетидан кириб боришди.

– Мумкинми? – деди улардан бири.

– Кириб бўлдингиз-ку, кираверинг.

– Биламан, чарчагансиз, лекин нима ҳам қилардик, хизматчилик, кечирасиз...

– Чарчаш ҳам гапми, ука, ўзиям операция роса уч соат давом этди-да. Хўш хизмат? – деди врач ўзини ўриндиққа ташларкан.

– Мен, вилоят прокуратураси катта терговчиси Со-биржон Мирзаев бўламан, бу йигит терговчи Фарҳод-жон.

– Мен, хирург Шарипов Содикжон акангизман, марҳамат, ўтиринглар.

– Султоновнинг жароҳати оғирми?

– Ҳа, жуда оғир, уни ўлдиришга уринишган чоғи, ҳозирчагина яшаяпти, соғайиб кетишига умид йўқ, дейишим мумкин, тагин Худо билади...

– Қандай қурол ишлатишган?

– Махсус тузатишган, жуда ўткир, икки томонлама тигли пичоқдан фойдаланишган кўринади, юрагини мулжаллаб урган-у, лекин шошилган шекилли, сал па-

строқ кетган. Иккинчи жароҳат ҳам жуда оғир, ҳаёт учун хавфли...

– Нима деб ўйлайсиз, наркоздан чиққандан кейин гапириши мумкинми?

– Бир нарса дейиш қийин, агар беморда саратон касаллиги бўлмаганда эди, ҳа, мумкин дердим, ўзи касаллиги туфайли қони камайиб, анча ҳолдан тойган экан-да.

– Ие, Султонов саратонга чалинган эканми?

– Ҳа, яқинда касалхонадан чиққан экан.

Собиржон Мастурадан ҳам у-бу нарсаларни сўради, лекин, барибир Жаҳонгирни ўлдиришга ким, нима учун суиқасд қилган бўлиши мумкин, деган саволга жавоб топа олмади.

Собиржонга Жаҳонгирнинг шахси топ-тозадек туюлди, лекин унда ўлими кимга керак бўлган бўлиши мумкин? Қимор ўйнамайди, ҳеч кимдан катта пул олди-бердиси йўқ. Ёки наркобизнесга аралашиб қолдимикан? Наҳотки, шундай бўлса? Агар шундай бўлса, унинг ўлмай қолганидан хавотирга тушиб қолишади ва албатта келишади... Ҳозироқ жонасига соқчи қўйиш керак!

Собиржоннинг фикрини эшитган Фарҳод:

– Шунча одам, милиция ходимлари юрганига қарамай чала қилган ишини тугатишга келишади, деб ўйлайсизми? – деди.

– Менимча, шунга ҳаракат қилишади.

– Соат тунги икки бўлиб қолибди, энди уйга кетсак ҳам бўлади, – деди Собиржон Фарҳодга қараб.

– Ҳа.

Собиржон соқчиларга жуда хушёр бўлишларини қайта-қайта тайинлаб чиқиб кетди. Улар эрталаб келишганларида соқчилар ҳеч қандай шубҳали шахсларнинг келмаганлиги ёки шунга ўхшаш ҳаракатларни сезмаганликларини айтишди. Жаҳонгирнинг аҳволини сўраш учун уни даволаётган шифокори олдига кирди.



- Жаҳонгир ҳалиям комадами?
- Ҳа...
- Беморнинг аҳволида ўзгариш борми?
- Ўзгариш бор, афсус фақат салбий томонга.
- Энди гапириши мумкин эмасми?
- Йўқ, энди ҳеч қандай умид йўқ.

Собиржон ўйланиб қолди ва бирпасдан кейин:

– Содиқжон ака, вазият ниҳоятда жиддий, бу ерда фақат сизнинг ёрдамингизга таянишимиз мумкин, – деди. Шифокор унинг гапларига унчалик туншунмай:

– Қўлимиздан келган ҳамма ёрдамни бердик, Собиржон, – деди.

– Буни биламан, беморни назарда тутмаяпман, энди сиз бизга ёрдам қилишингиз керак.

– Қандай қилиб?

– Сиз, Жаҳонгирнинг аҳволи оғирлашиб қолганини ҳеч кимга, ҳатто унинг оиласига ҳам айтмаслигингиз керак, ходимларингизга, беморнинг хотинига унинг эрта-индин гаплашишига рухсат беришингизни айтинг, ҳамда ҳамшираларга унинг олдига фақат ўзингизнинг рухсатингиз билангина кириш мумкинлигини қаттиқ тайинланг.

– Қандай бўларкан, ахир беморнинг жони узилаётганлигини хотини ҳам сезяпти-ку?

– Доктор, жиноятчини топишда бизнинг бошқа ҳеч қандай чорамиз қолмади, ахир кўчада бир одамни ўлдирмоқчи бўлиб, тичоқлаб кетишдан бирор мақсад бўлиши керак. Жаҳонгир қайсидир разил мақсадли кимсалар қурбони бўлган бўлиши мумкин, эртага яна биров унинг аҳволига тушиб қолса нима бўлади? Шунинг учун, илтимос, ёрдамингизни аяманг.

– Тушундим, майли ука, қўлимдан келганича ёрдам бераман, фақат бу ҳақда бош шифокорга ҳам айтиб қўйинг.

– Албатта, бош шифокор билан гаплашаман, сиз у ёғидан хавотир олманг.

Собиржон шифокор билан Жаҳонгир ётган жонлантириш хонаси томонга боришаркан кўзлари эшик олдида утирган Мастурага тушди, улар ҳол-аҳвол сўрашди.

– Мен билан юринг, – деди шифокор жувонга.

– Нима, Жаҳонгир акам оғирлашиб қолдиларми? – сўради Мастура тез-тез юриб уларга етиб оларкан.

– Йўқ, Жаҳонгирнинг аҳволи аввалгидек, лекин сиз уйингизга кетишингиз керак, барибир унинг олдига сизни кўя олмаймиз, – деди шифокор гапни нимадан бошлашини билмай.

Буни сезган Собиржон Мастурага аҳволни тушунтири бошлади.

– Ана шунақа гаплар Мастура опа, агар сиздан кўча-кўйда қўшнилар, таниш-билишлар Жаҳонгир ҳақида сўрашса ҳам ҳаммага бирдай, аҳволлари яхши, эртага у киши билан гаплашишга рухсат беришаркан, денг. Бу – биринчидан бизга берган ёрдамнингиз бўлади, иккинчидан яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришталар омин дейишади, дейдилар-ку, балки ҳақиқатан ҳам Жаҳонгир тузалиб кетар, чиқмаган жондан умид қилиш керак, ахир.

– Айтганингиз келсин, ҳаммасини тушундим, – деди йиғлаб Мастура.

### **Тўртинчи тергов тахмини**

Прокуратурада Султонов Жаҳонгирнинг соғлигига қасддан етказилган оғир жароҳат иши бўйича бўлаётган муҳокамада Собиржон жабрланган шахснинг аҳволини, унинг қандай қурол билан жароҳатланганлигини, ҳозирча ҳеч кимдан гумон қилишга асос тополмаётганликларини айтиб ўтди.

– Қандай тергов тахминларингиз бор, қайсилари устида қандай ишладингизлар? – сўради вилоят прокурорининг ўринбосари.

– Ҳодиса жойини ва унинг теварак-атрофларини кўздан кечириш жараёнида вилоят ИИБнинг кинолог

мутахассиси томонидан хизмат-қидирув ити қўлла-нилади, лекин бу иш ижобий натижа бермади. Тергов-тезкор гуруҳи ишлаяпти.

Биринчи тергов тахмини Султонов Жаҳонгир қимор ўйнаб катта пулга ютқазиб, қиморбозлар ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида уни пичоқлаган бўлишлари мумкин, деган тахмин эди. Бу тахминимизни ҳар томонлама обдан текшириб чиқдик, Султоновнинг қиморга умуман алоқаси йўқлиги аниқланди.

Иккинчи тергов тахминимиз, унинг ёнида бирор қимматбаҳо нарса ёки пул бўлса, уни жинойтчи талончилик йўли билан эгалламоқчи бўлганда, Султонов қаршилиқ қилгани учун уни пичоқлашган. Лекин бу тахмин бўйича унинг хотинини, бильярдхонадагиларни сўраб-суриштирганимизда, у ҳам нотўғри бўлиб чиқди.

Учинчи тергов тахмини, бу Султоновнинг бировдан катта пул олди-бердиси натижасида уни пичоқлашган, деган. Аниқлашимизча бу ҳам нотўғри бўлиб чиқди.

Тўртинчи тергов тахминимиз, Султонов наркобизнесга аралашиб қолмадимикан, деган. Ҳозир айнан шу тахминимизни текширяпмиз... Агар бу тахминимиз тўғри бўлиб чиқса, бизга масъул соҳа ходимларининг ёрдами керак бўлади.

– Ҳа, албатта, уларнинг ёрдамисиз ҳеч нарса қила олмаймиз, улар ҳамма вақт ёрдамга тайёр, – деди прокурор. – Бу тахминингиз тўғри ёки нотўғрилиги қачон маълум бўлади?

– Бугун ёки эртага маълум бўлиб қолса керак, деб ўйлайман.

– Албатта, сизга ишонамиз, бу соҳада тажрибангиз катта, қандай ёрдам керак бўлса, бемалол сўрайверинг, – деди прокурор.

Яна бир-икки масалаларни муҳокама қилишиб, ҳамма тарқалишди. Собиржон билан Фарҳод тўғри касалхонага йўл олишди.

– Машинани шу ерда қолдириб, бошқасида кетамиз.

– Бизни кимлардир кузатяпти, – деб ўйлайсизми?

– Балки шундайдир, ҳарҳолда жуда эҳтиёт бўлишимиз керак...

– Бугун жиноятчиларнинг Жаҳонгирдан хабар олишларига жуда ишониасиз, тўғрими?

– Мен жиноятчиларнинг ҳеч қандай из қолдиришмаганига, уларнинг жуда айёр эканликларига ишонч ҳосил қилдим, биз ҳам буёғига айёрлик қилишимиз керак, шекилли.

Собиржон Жаҳонгирнинг аҳволини сўраш учун шифокорнинг олдига кирди.

– Ҳозиргина ёнидан чиқдим, аҳволи ёмон, – деди шифокор.

– Тушунарли, Содикжон ака бизга Жаҳонгир ётган хонага яқин жойдан, уни кузатиш мумкин бўлган, битта хона ҳамда оқ халат беринг, қисқаси, бизни ўзингизга ўхшаган дўхтирларга айлантинг, илтимос, бу жуда зарур.

– Майли, ҳаракат қиламан, лекин жонлантириш хонасини фақат фаррошларнинг у-бу нарсаларини қўйиб оладиган жуда кичик хонасидан туриб кузатиш мумкин, бошқа ҳеч қайси хонадан у ерни кузатиш мумкин эмас.

– У хонанинг катталиги қанақа?

– Кенглиги бир ярим метр, узунлигиям бир ярим метрча келади...

– Ишқилиб баландлигиям бир ярим метр эмасми? – деди Фарҳод.

– Йўқ, баландлиги сал баландроқ, шекилли.

– Майли, шу хонани тартибга келтириб, кузатишга қулай қилиб бера қолинг.

– Икки киши учунми?

– Йўқ, фақат бир киши учун, менимча, у ерга бир кишидан ортиқ сизмаса керак, – деди Фарҳод.

– Менимча ҳам шундай, – деб Содиқжон ака хона-ни тартибга келтиришларини айтишга кетди.

– Собиржон ака, сиздан бир нарса сўрасам бўлади-ми? – деди Фарҳод.

– Нима экан?

– Нима учун ҳеч кимга ишонмайсиз, ҳамманинг ишига шубҳа билан қарайсиз, ҳамма ишга фақат ўзим масъулият билан қарайман, деб ўйлайсизми?

– Тушунмадим, нимага унақа деяпсиз?

– Жаҳонгирни қуриқлаш учун соқчилар қўйилган, битта ёки иккита эмас, тўртта соқчи-я! Бу ерда бизнинг фаррош таёқчасининг ўрнини эгаллаб ўтиришимизнинг ҳожати бормикан?

– Сизга қолинг, демадим, шекилли?

– Ҳалиям қолмоқчи эмасман, сизга раҳмим келганидан гапиряпман.

– Э-э, шунақами, ундай бўлса раҳмингиз келмай қўя қолсин. Биласизми, бир файласуф нима деган?

– Ҳуш, нима деган экан?

– Ҳамма нарсадан камида бир марта шубҳалан, ҳатто «Икки карра икки – тўрт» деган оддий ҳақиқат ҳам бундан ҳоли бўлмаслиги мумкин, деган. Бизнинг ишимиз ҳам худди шундай фикр юритишни тақозо қилади, Фарҳод.

– Лекин яна бир файласуф айтганки, «Шубҳа ҳушёрликка тенг бўлмоғи жоиз, акс ҳолда у хатарли тус олади», бунга нима дейсиз, Собиржон ака.

Собиржон кулиб қўйди. Содиқжон ака уларнинг ёнига келиб:

– Куринглар-чи, хона қалай бўлибди? Ходимларга ҳамма гапни тушунтирдим, – деди.

– Бўлади, – деди Собиржон унга унча эътибор бермай.

– Жуда шинам хона экан, иккита стул бемалол сиғади, фақат қимирламасдан, эҳтиёт бўлиб ўтириш керак, тўғрими Собиржон ака?

– Қолиш ниятингиз йўқ эди, шекилли?

– Устознинг битта ўзини ташлаб кетиш ҳам инсофдан эмас-да.

Соат кечки унларда Содиқжон ака Жаҳонгир ётган хонадан чиқиб туғри Собиржоннинг олдига келди:

– Юринг, гаплашиб олишимиз керак.

– Нима гап, тинчликми?

– Жони узилди... Хотинини уйига юборганмиз, унга хабар бериш керак...

– Худо раҳмат қилсин, – деб Собиржон юзига фотиҳа тортди ва Содиқжон аканинг хонасида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, кейин тўхтаб: – Содиқжон ака, буни сиздан бошқа яна ким билади? – деб сўради.

– Соқчигаям айтмадим, фақат ўзим хабар олгани киргандим, ҳозирча ҳеч ким эшитмади.

– Ундай бўлса ҳеч кимга айтмай туринг, Жаҳонгирга қилиниши керак бўлган укол, дориларнинг ҳаммасини бекор қилинг, шунда унинг ёнига ҳеч ким кирмайди.

– Майли, лекин унинг оиласига хабар беришимиз керак...

– Мастура опанинг олдига Фарҳодни жунатаман, – деди Собиржон.

– Фарҳод ўзингиз Мастура опага бориб аҳволни тушунтиринг, эрталабгача бу ерга келмасдан тайёргарлигини кўрсин, у ҳам эрталабгача ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очмай турсин, бу эрининг қотилини топиш учун жуда зарурлигини яхшилаб тушунтиринг.

– Бундай вазиятда тушунтириш жуда мушкул бўлса ҳам, майли, ҳаракат қиламан, – деди Фарҳод ва Мастура опаларникига кетди.

Собиржон кузатувни давом эттирди, қўл телефонининг соатига қаради, ун иккидан ошяпти... Шифохона йўлагига навбатчи ҳамшира бир нималарни ёзиш билан овора, уйқуси келган шекилли, эснаб-эснаб қўяди. Палаталардан беморларнинг инқиллаши, айримларининг йўталгани эшитилади, Собиржон яна соатга қарайди, тунги икки. Наҳотки, бу са-

фар сезгиларим панд берса-я, деб ўйлади. Навбатчи ҳамшира ҳам жойида йўқ, йўлакда ҳеч ким кўринмайди.

### Ҳамшира

Собиржон бирдан Жаҳонгирнинг хонасига кимдир кириб кетганини кўриб қолди, соқчи эса укол қилиш учун кирган ҳамширага эътиборсиз қараб ўтирар эди. Собиржон тезда унинг орқасидан кирди. Ҳамшира қиз қўлида шприцлар солинган патнисча билан турарди.

– Ҳуш, нима гап? – деди Собиржон.

– Биласизми, мени кузатишяпти...– деб йиғлаб юборди у.

– Ким кузатяпти, тушунтириброқ гапиринг?

– Ишдан кейин уйга бориш учун кўчада турган эдим. Бир машина келиб тўхтади ва мени бирдан тортиб машинага ўтқазишди... Ҳозиргача мени шаҳар четидаги овлоқ бир жойда машинада олиб ўтиришди.

– Нима учун?

– Ўзим ҳам билмайман, бошида сочи йўқ бир киши аввал Жаҳонгир аканинг аҳволини сўради, мен эртага гаплашишига рухсат беришларини айтдим. Кейин бўғзимга пичоқ тиради... Агар мен айтган ишни қилмасанг, ўзингни ҳам, оилангни ҳам ўлдириб юбораман, деди, – деб қиз ҳиқиллаб йиғларди.

– Нима қилишингизни айтишдимиз?

– Ҳа, қўлимга мана буларни тутқазишди, шприцдаги уколни Жаҳонгир акага уришимни айтишди...

– Ҳуш, укол урмоқчимидингиз?

– Йўқ, ҳеч қачон! Нима бўлсаям ҳеч қаёққа чиқмасдан шу ерда биров келишини кутиб, қимирламасдан ўтирмоқчи эдим.

– Агар айтганларини бажармасангиз нима қилишларини айтишмадимиз?

– Агар бу ишни ими-жимида қилсам, беш минг доллар беришларини, агар бировга айтиб, уларни сотиб

қўйсам, мени кузатиб туришларини ва шу заҳоти ота-онамни ўлдиришларини айтишди. Мен сизга ҳаммасини айтиб қўйдим... Энди нима бўлади? Ахир улар мени кузатишяпти, ота-онамни ўлдиришади-ку! – ҳамшира қиз қўрққанидан дир-дир титраб йиғларди.

– Қўрқманг, ҳеч ким кузатаётгани йўқ, улар сизни қўрқитиб, айтганларини қилдириш учун ёлғон гапиришган.

Ҳамшира қиз ўзини анча босиб олди, шекилли:

– Кечирасиз, сизни, танимаяпман? – деди, бунақа доктор йўқ эди-ку дегандек, оқ халатдаги Собиржонга ҳайрон бўлиб қараб.

– Мен вилоят прокуратураси катта терговчиси Собиржон Мирзаев бўламан, – деб Собиржон чўнтагидан ҳужжатини чиқариб кўрсатди.

– Энди нима қилишим керак, менга ёрдам бера оласизми?

– Албатта ёрдам берамиз, энди сиз бизнинг кўрсатмамиз билан ҳаракат қиласиз, фақат ҳеч нарсадан қўрқмасдан, ишонч билан ҳаракат қилишингиз керак. Айтинг-чи, сиз улар айтган ишни бажарганингиздан кейин, уларга буни қандай билдиришингиз керак эди?

– Мен укол уриб тезда орқага қайтишим ва таксилар тўхтайдиган жойга бориб уларга буни билдиришим керак, шунда улар менга Жаҳонгир ака ўлганлигига ишонч ҳосил қилганларидан кейин, ваъда қилган пулларини беришларини айтишди...

– Сиз худди улар айтгандай қилинг.

– Нима, Жаҳонгир акани ўлдиришим керакми?!

– Энди уни ўлдиришга ҳожат қолмади, унинг жони узилганига анча бўлди.

– Наҳотки? – қиз юзига фотиҳа тортиб, Жаҳонгир ётган тарафга қаради. У қўрқиб ўзини йўқотиб қўйганидан юзи чойшаб билан бекитиб қўйилган Жаҳонгирга ҳатто қараб ҳам қўймагани энди эсига келди.

– Сиз менинг айтганларим бўйича ишлашингизга тўғри келади, шундагина Жаҳонгирнинг қотилларини



ушлай оламиз, балки улар уюшган тўда бўлиши мумкин. Шунинг учун синглим, бизга берган ёрдамингиз жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Жиноятчиларни фош қилишда бизга ёрдам беришга тайёرمىсиз? Бу иш қўлингиздан келадими? Агар сиз рози бўлсангиз нима қилишингиз кераклигини бир бошдан тушунтираман.

Ҳамшира қиз ўйланиб қолди ва бирпасдан кейин:

– Мен розиман, – деди.

– Ўзим ҳам билгандим шунақа дейишингизни, исмингиз нима, синглим?

– Моҳира.

– Моҳира, сиз бир нарсани билиб қўйинг, мен берган топшириқларни бажараётганингизда жуда эҳтиёт бўлинг, лекин ҳеч нарсадан қўрқманг, чунки сизни бир неча киши сездирмасдан кузатиб, қўриқлаб юради. Улар орасида ҳаётингиз хавф остида бўлгани учун биз бунга масъулият билан қараймиз.

Собиржон Моҳирага нима қилиши кераклигини тушунтирди.

– Айтганларимнинг ҳаммасига тушундингизми?

– Ҳа, тушундим. Сиз айтгандай иш тутаман, – деди Моҳира. Энди у ўзига анча келган эди.

– Унда, тезроқ боринг, сизга омад.

– Хайр, – деб Моҳира чиқиб кетди.

Собиржон қўнғироқ қилиб, ҳозиргина унинг ёнидан чиқиб кетган қиз – Моҳирани кузатувга олишни, жуда эҳтиёт бўлишларини тайинлади.

Собиржон ўйланиб қолди. Жаҳонгирни беш минг доллар бериб ўлдиртирмоқчи эканлар, демак бу биз ўйлагандек оддий иш эмас, аҳвол жуда жиддий...

У бу ердан чиқиб ўзининг кузатиш хонасида қўл телефонида қўнғироқ қила бошлади. Мастура опага энди касалхонага келаверишлари мумкинлигини айтди. Фарҳодга тезда етиб келишини тайинлади. Прокуратурага қўнғироқ қилиб, жиноятчилар қимирлаб қол-

ганликларини, ўзининг кўрмоқчи бўлган чора-тадбирларини билдириб қўйди.

Соат тунги учлар, атроф қоп-қоронғи. Шифохона ҳудудидан чиқиб катта йўлга яқинлашаётган Моҳирани ваҳима босди, улар мени ҳамма ишни қилиб бўлганлигимни эшитибоқ ўлдириб ташлашса-я. Чунки, энди менинг уларга керагим бўлмай қолади-да... Терговчи, сизни кўриқлашади, деганди, ҳеч ким кўринмай-ку? Дарвоқе, сездирмасдан кузатадилар, деганди, шекилли. Кўринмай қандай кўриқлайди, ҳайронман? Эй, Худо, ўзинг асрагин. Ишқилиб ўша қотилларни ушлашда ёрдам беришимда менга ўзинг жасорат бергин. Ҳеч нимани билдириб қўймаслигим ва кўрқмаслигим керак. Моҳира ўзига ўзи сўз берарди, иложи борича ўзини босиб олишга ҳаракат қиларди. У таксилар турадиган жойга келиши билан бир машина унинг ёнига келиб тўхтади ва эшик очилиб кал бош одам:

– Тез чиқиб ол, – деб у чиқиши билан эшикни бекитди. Улар машинани қоронғи, деярли кўринмайдиган жойга ҳайдаб бориб қўйишди, бу ердан касалхона дарвозасидан ким чиққани-ю, ким киргани жуда яхши кўриниб турарди.

– Ҳўш, нима бўлди? Анча ҳаялладинг? – сўради кал бош Моҳирадан.

– Олдига доктор кирган экан, озгина кутиб туришга тўғри келди, кейин кириб, ҳаммасини сиз айтгандай қилдим.

– Ростданми? Ўлганига ишончинг комилми?

– Ҳа, албатта, уколни уриб, бирпас турдим, ўлиб қолганлигини кўриб, ундан кейин бу ёққа югурдим.

– Ҳеч ким сезиб қолмадими?

– Йўқ, бирорта жонзот кўринмади. Билиб қолишса-я, деб, ўзимам роса кўрққандим. Энди ваъда қилган пулларингизни берсангизлар, уйга кетардим, уйдагилар ҳам хавотирланиб ўтиришган бўлсалар керак. Қизимиз йўқолиб қолди деб, у ёқ-бу ёққа хабар бериб қўйишмасин, тағин.

– Жуда осон экан-да беш минг долларни олиб кетавериш?

– Ие, ҳали ваъдангизда турмоқчимасмисиз? Мен бу ишни сизлардан қўрққанимдан эмас, фақат пул учун қилдим, қочиб кетишим ҳам мумкин эди-ку, ахир. Беш минг долларни деб одам ўлдирдим-а!

– Чакагингни учириб ўтир, манжалақи, унинг ўлганига ишонч ҳосил қилмагунимча, бир тийин ҳам ололмайсан.

– Ҳақорат қилманг, ҳаммасини пул учун қилдим, камбағаллик жонимга тегиб кетди, ҳатто одам ўлдиришга ям рози бўлдим-а... Қизларга бой-бадавлат йигитлар учрайди, аксига олиб менга учраган йигитнинг ҳам ота-онаси йўқ, киссавур бўлиб чиқди, ўзи автодорожнийни тугатган, яхшигина шофёр, лекин ўғирлик қилишни ташламайди, қачон қамалиб кетишини билмайман. Камбағал қизга бошқа ким ҳам қарарди...

– Бирпас жим ўтира оласанми, дардингни дастурхон қилмасдан, кузатишимга халақит беряпсан, – деб калбош Моҳирага ўдағайлади.

– Хуп...

Улар ярим соатча ўтирганларидан кейин касалхона дарвозаси олдига машина келиб тўхтади. Машинадан Мастура ва яна иккита киши тушди, улар мурдани ўраб кетиш учун нарсалар кўтариб олишган эдилар. Мастура эса уввос солиб йиғлаб югурганича ичкарига кириб кетди. Буларни кўриб калбош қўл телефонини олиб:

– Алло, Босс, қилган хатомни тузатдим, у энди йўқ, – деди.

– Ҳа, алдамаган экансан, – деди Моҳирага қараб.

– Алдаган бўлсам пулимни беринг, деб ўтирармидим.

– Бунча пул-пул дейсан, оласан шу пулларингни...

– Ие, ҳозир бермоқчимасмисиз?

– Дервоқе, боя йигитинг ҳақида гапираётгандинг шекилли, ҳозир ҳам юрасизларми?

– Бошқаси булмагандан кейин юраман-да, нимаиди?  
– Ўша йигитингнинг телефон рақамини менга бер, учрашиб пулни ўша билан бервораман, хўпми?

– Йўқ, бунақаси кетмайди, у менга бермайди.

– Агар хоҳдамасанг, сенга пул ҳам йўқ, тушундингми, туш машинадан, тўрт томонинг қибла.

Калбош Моҳирани машинадан итариб туширди.

– Майли, розиман, – деб шошиб қолган Моҳира нима қилишини билмай ўзининг телефон рақамини бериб қўйди, чунки телефони ўчирилган эди.

Улар Моҳирани шу ерда қолдириб машинани ҳайдаб кетишди. Моҳира уйига борганида тонг ёришай деб қолганди, хавотирланиб ўтирган уйдагиларга, оғир касал келиб, ушланиб қолдим, деб қўя қолди.

– Ўзим ҳам шунақа бўлса керак, деб ўйлагандим, лекин сендан бошқа ҳамшира йўқ эканми, вақт алламаҳалда ёшгина қизнинг ўзини кўчада юриши яхшими? – деди онаси норози бўлиб.

– Ишхонанинг машинасида келдим-ку, ойи, – деди Моҳира ва ўзининг ёлғон гапираётганидан уялиб кетди.

– Ҳа, шунақа демайсанми? – деди онаси бир оз тинчланиб.

Моҳира ётоқхонасига кириши билан Собиржонга қўнғироқ қилиб, бўлган воқеани айтди.

– Ҳаммасидан хабарим бор, фақат телефон рақамингизни берганингизни билмасдим, энди телефонингизни ўчириб қўйишингизга тўғри келади.

– Майли.

Моҳира бутунги воқеалардан кейин бир кунда анча улғайиб қолганга ўхшарди... У жуда чарчаган бўлса ҳам кўзига уйқу келмас, кўзини юмса бутунги даҳшатли воқеалар кўз ўнгида акс этар, бу воқеаларни худди тушида кўргану, уйғониб кетиб, буларни ҳазм қила олмаётгандай эди...

– Ҳаммаси ўнгимда содир бўлди, бу ёғига ўзимни йўқотмаслигим керак! – деб пичирлади у.

Моҳира эрталаб ишга борганида уни Собиржон билан Фарҳод кутиб турарди. Буни кўриб, булар кечаси билан ухлмасдан, яна эрталаб келишибди-я, уйқусизликка қандай чидашаркан, менинг бошим эса тарс ёрилай деяпти, деб ўйлади.

– Кечаги кўрсатган жасоратингизга қойилман, синглим, энди бу ёғиниям худди шундай давом қилдиришингиз керак, яъни ролингизни яхши ўйнашингиз керак бўлади,– деди ва уни Содикжон аканинг хонасида кутиб ўтирган йигит билан таништирди:

– Бу киши сизнинг юрадиган «Киссавур йигитингиз», Фаррух бўлади.

– Худди ўзи-я, – деди Моҳира ҳайратланиб.

– Йигитингизними? – ҳазиллашди Фарҳод.

– Йўғ-е, ўшанақа йигитларга жуда ўхшаркан, демоқчи эдим,– деди Моҳира қизариб.

Собиржон Моҳирага телефон сим карталарини Фаррух билан алмаштириб олишларини ва бундан кейин қилиниши керак бўлган ишларни тушунтирди. Бундан кейин Фаррухнинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилишини айтди.

## Фаррух

Ҳар куни Фаррух Моҳиранинг ишдан чиқишини бекатда кутиб турарди, у чиққандан кейин бирор кўзга ташланадиган жойларда овқатланишар, ёки иккаласи шунчаки айланиб юришарди. Ниҳоят, бешинчи куни Фаррухнинг қўл телефони жиринглади:

– Алло.

– Сен Фаррухмисан? – гўшакдан хирилдоқ товуш эшитилди.

– Ҳа, ким бу?

– Учрашишимиз керак, ўшанда айтаман кимлигимни...

– Кимлигингни айтмасанг, телефонимни ўчириб қўяман, ундан ташқари мен ҳозир бандман!

– Қандай бандлигингни биламан, ўша жононингни бирпас ёлғиз қолдирсанг ҳам бўлади, ўшанинг сендан бошқа ҳеч кимга керакмас!

– Эй... менинг қизим тўғрисида унақа гапирма, нақ бўғизлаб кетаман-а!

– Бўпти, бўпти, гапирмаганим бўлсин, майда-чуйда билан ўралашиб юрма, деб сенга каттароқ емиш таклиф қилмоқчи эдим.

– Тошингни тер!

– Эсингни йиғиб ол-да, келиб таклифимни эшит, агар сенга ёқмаса, тўрт томонинг қибла!

– Майли, кўп хирилламасдан қаерга боришим кераклигини айт!

– Жононингни кузатиб қўй, ўзим олдинга бораман!

– Бўпти.

Фаррух Моҳирани бекатгача кузатиб, унинг автобуси келгунча кутиб турди. Қиз автобусга ўтиргандан кейин бекатда, энди қаёққа юрсам экан, деб турганда қаршисида калбош пайдо бўлди.

– Фаррух, юр йўлакка! – деди тўғридан-тўғри.

– Сени танимайман, кимсан ўзи, нимага овчаркага ўхшаб изимда юрибсан?!

– Нима фарқи бор, ундан кўра таклифимни эшитсанг-чи, – деб калбош одам уни йўлакнинг одам камроқ жойига етаклади.

– Хўш, қандай таклифинг бор, қулоғим сенда?

– Юк машинаси ҳайдашни биласанми? Хужжатинг борми?

– Нима деяпсан, албатта биламан, детдомдан тўғри автодорожний коллежга ўтиб ўша ерда ўқиганман!

– Ростданми? – ишонқирамай қаради калбош.

– Ишонмаяпсанми, мана хужжатим! – деб Фаррух чўнтагидан ҳайдовчилик гувоҳномасини чиқариб кўрсатди.

– Майли ишондим, бир иш қилсанг, нақд қирқ минг кўкидан ишлайсан, – деди у Фаррухнинг қулоғига яқинроқ келиб шивирлаб.

– Демак, сен менга наркокуръерликни таклиф қилмоқчисан, топдимми?

– Секинроқ гапир, хуш, шунга ўхшашроқ, нима дейсан?

– Нима дердим, фақат олиб келиб беришимга қирқ минг таклиф қилишингга қараганда, анчагина миқдорда шекилли, жуда хавfli иш, қўлга тушсанг, умринг қамоқда чирийди, ундан кўра ўзимнинг ишим яхши, қўлга тушиб қолсам ҳам икки йилга қолмай қутуламан.

– Ставокани кутарсам-чи?

– Қанчага?

– Қирқ бешга..

– Атиги-я, элик бўлса майли, розиман!

– Бўпти, айтганинг бўла қолсин, кетдик!

– Қаёққа?

– Қаёққа бўларди, эрталаб йўлга чиқишимиз керак, бориб тайёргарлик кўрамиз.

– Ундай бўлса, Моҳирага буни айтиб қўяй,– деб телефонини қўлига олган эди, калбош телефонни унинг қўлидан юлиб олди:

– Нима қилмоқчисан, калланг ишлайдими, бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги керак!

– Мени аҳмоқ деб ўйлаяпсанми, фақат, эртага учраша олмаймиз, ишим чиқиб қолди, демоқчи эдим, холос.

– Ушла, ортиқча гапирма, – деб калбош унга телефонни узатди.

– Алло, Моҳи, жонгинам, эртага учраша олмаймиз, ишим чиқиб қолди...

– Қанақа иш? – деган овоз эшитилди.

– Узоқдаги бир ўртоғимникига бориб келишим керак.

– Яна қанақа ўртоғингиз, алдаяпсиз!

– Э, зарил кептими сени алдаб, ростини айтсам сендан қўрқаманми?!

– Унда мениям олиб кетасиз!

– Ишингни ташлаб-а, ишингдан айрилиб қолсанг, билангни ким боқади аҳмоқ, майли, хайр. Индингаям

учраша олмаймиз! – деб Фаррух гўшакни қўйди ва:  
– Сени ким деб чақирай, исмингни айтиш ниятинг бор-  
ми ўзи, – деди калбошга қараб.

– Исминг Толик, телефонингни бу ёққа бер, қайтиб  
келгунингча энди менда туради, кетдик!

– Сочинг туғилганингдан бери ўсиб чиқмаганми ёки  
кейинроқ кал бўлганмисан?

– Бунинг нима алоқаси бор?

– Менга қара, эй, лысый, ўзимни қизиқтирган ҳамма  
нарсани сўрашга ҳаққим бор, чидасанг шу, бўлмаса  
мен кетдим, машинани тўхтат!

– Эсинг жойидами ўзи, сочим йўқлиги сени шунча  
қизиқтирса майли айтаман, болалигимда офир касал  
бўлиб сочим тўкилиб кетган, кейин ўсиб чиқмаган,  
бўлдими?!– деди Толик ва ўйланиб қолди. Бунинг эси  
кирди-чиқди бўлса-я, ишни расво қилса нима бўла-  
ди? Босс нима деркан...

– Лысый, кўпам жиғимга тегавермагин, телефоним-  
ни олиб қўйибсан, индамаяпман, мен билан недоумок  
билан гаплашгандай гаплашма, пул зарур бўлгани учун  
таклифингга рози бўлдим, иш битгандан кейин менинг  
қорамни ҳам кўрмайсан!

– Кечирасан, мен ҳам буйруққа бўйсунаман, ўзи-  
мизнинг қонун-қоидаларимиз бор, – деди ва иш бит-  
гандан кейин қорангни ўзим ўчираман-ку, деб ўйла-  
ди.

– Ўргилдим сендақа наркобарондан!

– Ҳар бир гапингни эҳтиёт бўлиб гапиргин, деворда  
ҳам қулоқ бор, ахир!– деди Толик. Ишқилиб бошимга  
балони сотиб олмаган бўлай-да, агар, эпақага келмай-  
диган бўлса, асфалософилинга юбориб қўя қоламан,  
деб ўйлади.

– Хўп, ҳаракат қиламан...

Улар шаҳар чеккасида жойлашган эски, кўримсиз  
бир уйга келиб, машинани ҳам ичкарига олиб кириб  
қўйишди. Ичкарига киришлари билан Фаррух димо-  
гига урилган зах ва яна аллақандай кўнгилини айни-



тувчи ҳиддан боши айланиб кетди, у буни сездирмасликка ҳаракат қилиб:

– Бу сенинг уйингми, ҳарҳолда бошпананг бор эканку, менда шу қулба ҳам йўқ, лекин уйингнинг у ёқ-бу ёғига қарамайсанми, – деди.

– Энди Фаррух, эртага йўлга чиқадиган бўлсак, қилишимиз зарур бўлган ишлар ва бўйсунушимиз керак бўлган қоидаларни сенга ҳам тушунтириб қўйишим лозим. Биринчидан, машинада кетаётганда иккаламиз, қайтаётганда эса битта ўзинг бўласан. Бироқ, биз ҳам сен билан шу йўлда, бошқа машиналарда кузатиб борамиз. Керак бўлиб қолса йўлни ўзгартириш, тўхтаб туриш, орқага қайтиш каби топшириқлар берамиз. Буни сен бошқариб бораётган машинага яқинлашганимда ишорамдан ўзинг тушуниб олишинг керак, – деб Толик унга қайси ишора нимани англатишини тушунтирди.

Иккинчидан, сенинг ҳамма ёғингни тинтиб чиқаман, кераксиз нарсаларни олиб қўяман, ҳар эҳтимолга қарши, бунга хафа бўлма, чунки қоидамиз ўзи шунақа. Сенга яна бир нарсани айтиб қўяй, агар ишни қўйиллатиб бажарсанг, катталарга ёқиб қолсанг, балки биз билан қоларсан, бу ўзингни қандай тутишингга ҳам боғлиқ.

– Бунга албатта ҳаракат қиламан, Толик, энди очигини айтавер, мен қаерга бораман, олган молни машинанинг қаерига жойлаштираман, пулини ҳам ўзим тўлашим керакми, ахир буларни билишим керак-ку?

– Сен буларни билишинг шарт эмас, фақат КАМАЗга ортилган хурмоларни эсон-омон манзилга олиб келсанг бўлди, энди эса ухлаб дам олишимиз керак!

– Нима, ваъда қилган пулингнинг бир қисмини олдиндан бермайсанми?

– Агар берсам, ёнингда олиб юришинг хавфли, ёнимда олиб юрмайман десанг, қаерга ташлаб кетсан, шуларни ўйлаб, ҳаммасини эсон-омон қайтиб келганимиздан кейин берсаммикан, дегандим.

– Сенга ищонаман, лекин барибир 10 минг доллари бера қол, чўнтагимда турсин, куч бағишлайдида, нима дейсан?

– Хўп, эрталаб ҳал қиламиз, яхши ётиб тур!..

## Хатар

Тонг саҳарда Фаррух Толикнинг ким биландир хирлаб гаплашаётган овозидан уйғониб кетди, охирги сўзларини зўрға англаб қолди:

– ...Етим ўсган дедингми, агар, топган одаминг, операциямизни бузиб қўйса, унга қўшилиб сен ҳам йўқоласан, оиланг ҳам омон қолмайди, тушундингми?!

– Ҳаммасини тушундим, Босс!

– Унда кетдик, бизни кўздан қочирмасдан ҳайданглар!

– Хўп.

Демак, олдиндаги машинада энг катталари бораркан, деб ўйлади Фаррух ва секин эшикдан муралади. У ерда ҳеч ким қолмаганди, кўчадан машина эшикларининг бекилгани, кейин эса моторнинг ўт олган овози эшитилди, афсус, ҳеч қайсисини кўра олмадим, деб ўйлаб турганида, Толик кириб:

– Кетдик, – деди.

– Нонушта қилмаймизми, – деди Фаррух.

– Машинангда ҳаммаси тайёр, овқатинг, сувинг, бемалол овқатланиб бораверасан.

Қўлимда на телефон бор, на бошқа нарса, ишқилиб ҳаммасини кўздан қочирмай кузатаётган бўлсинларда, деб ўйлади Фаррух. Йўлга чиққанларига икки соат бўлишига қарамасдан, ўзларининг машиналари ёки одамларидан ҳеч ким кўринмасди. Наҳотки, кузатаётган бўлишмаса... Энди нима қилдим, алоқага чиқишнинг ҳеч қандай иложи йўқ...

Фаррух, йўлга чиққанзимизга беш соат бўляпти, тамом, энди ҳаммаси тамом, деб хафсаласи пир бўлиб турганда, кўзи машина ойнасидан орқада келаётган қора

«ЖИП»даги белгига тушиб севиниб кетди. Худога шукр, хайрият, ҳаммаси жойида экан! Фаррух целлофан пакетга кесиб солинган колбаса ва нонлардан ея туриб:

– Туриб қолган эмасми? – деб сўради.

– Йўқ.

– Ғалати ҳиди бор экан, лекин қорним ўлгудай оч, ейишга мажбурман.

Толикнинг телефони жиринглаб қолди:

– Эшитаман, Босс...

– Ҳозиргина ёнимиздан ўтиб кетган қора «ЖИП»ни кўрдингми?

– Ҳа.

– Шу машина анчадан бери биз билан изма-из келяпти!

– Балки йўлимиз бирдир...

– Унақага ўхшамайди, яна озгина юрайлик-чи, агар шубҳалироқ бўлса, тайёр тур, уларни чалғитамиз!

– Хўп!

Фаррух Толик телефонда катталари билан гаплашганини ва улар нимадандир хавотир олаётганларини сезиб:

– Тинчликми? – деб сўради.

– Ҳа.

Бир соатлардан кейин яна Босс қўнғироқ қилди:

– Худди айтганимдек бўлиб чиқди, изимизга тушишган, бу аниқ! Топган одаминг эргаштирган шеклли... 10 дақиқалардан кейин йўлнинг чап томонида бензин қуйиш шохобчаси чиқади, тезликни ошириб, унинг чап томонидан айланиб, орқа томонига ўтиб олинглаб, ўша ерда машина кўринмайдиган жой бор!

– Хўп! Фаррух, тезликни ошир! Яна ошир! Яна!

– Мен жонимдан тўйганимча йўқ!

– Айтганимни қил, бу зарур!

Фаррух Толикнинг буйруғи билан тезликни кучайтирди, темир йўл линиясини кесиб ўтаётганида, улар ўтиши билан қизил чироқ ёнганлигини кўриб қолди. Эҳ, улгуролмай қолишди-я. Наҳотки бизни йўқотиб

қўйишса... Энди нима бўлади, деб ўйлади. Толикнинг кўрсатмасига асосан бирдан қайрилиб, ёқилғи қўйиш шохобчасининг орқасида жойлашган пастроқдаги жойга тушиб олишди.

– Аблаҳлар, кузатиб келишаётганини наҳотки сезиб қолишган бўлсалар, Босс қаерда яшириниб турган экан, муттаҳам бир марта ҳам кўриниш бермади-я, қайси машинада келяпти экан, – деб ўйлади Фаррух ва машинадан тушмоқчи бўлиб эшикни очмоқчи эди, Толик:

– Машинадан тушмай ўтир! – деди.

Фаррух машинада ярим соатча ўтирди, энди нима қилсам экан, бизникилар объектни йўқотиб қўйганлари тайин, қандай қилиб бу ерда эканлигимизни билдирсам экан-а... У ўйлай-ўйлай боши қотди ва кўзи олдинги ўриндиқда ётган пакетдаги бўлакланган колбасага тушди, «хабар беришнинг йўлини топдим, шекилли, бир уриниб кўрай-чи», деб ўйлади. У Толикнинг машинадан тушма, деганига қарамасдан кабинадан тушиб қорнини ушлаб, букчайганича юра бошлади.

– Аҳмоқ, нега тушдинг?! Тез машинага чиқ! – деди Толик машинадан тушмасдан.

– Ўзинг аҳмоқсан, ақлинг жойида бўлганида димиққан колбаса ёнида тетроциклинми ёки бошқа дори ҳам қўярдинг!.. Менда отравление бошланди!.. Бир сония ҳам чидай олмайман! Заправканинг олдида туалет кўриниб турибди. Кетдим!

– Тўхта! Бошимга бало бўлдинг-ку, рухсат сўрай, ахир! – деб телефонда гаплаша бошлади.

– Фақат тез-тез юр, иккаламиз бирга борамиз! – деб Фаррух югура бошлади.

– Секинроқ, тўхта! – орқасидан ҳаллослаб югурди Толик.

Фаррух югуриб бўш кабинага кириб олди, иккинчиси эса банд эди. Толик нима қилишини билмай эшикни очганича Фаррухни кўздан қочирмаслик учун

қараб тураверди. Кабиналарнинг эшиги бўлмагани учун биринчисида утирган одамга ноқулай бўлди, шекилли:

– Оғайни, эшикни бекитиб туринг, бемалол ёзилайлик, – деди.

– Толик, унгда томонда «Дорихона» деган ёзувга кўзим тушганди. 15 метрча нарида, дори олиб тур, бўлмаса мени касалхонага олиб боришингга тўғри келади! – деди Фаррух.

Толик ҳожатхонанинг эшигини бекитди, оёқ товуши узоқлашди. Фаррух ҳожатхонадан чиқиб кетаётган кишига:

– Тўхтаб туринг, илтимос, қўл телефонингиздан фойдаланишимга рухсат беринг, – деб унга вазиятни тушунтириб, қўнғироқ қила бошлади:

– Алло, мен Хумоман, милиция подполковниги Шомирзаев, мурожаат этишга рухсат этинг, биз «Сайхун» маҳалласи деган ёзувдан 300 метрча кейин келадиган ёқилғи қуйиш шохобчасининг орқа томонида яшириниб турибмиз, сизларни сезиб қолдилар, шекилли, менимча, машиналарингизни алмаштиришга тўғри келади.

– Хайрият, алоқага чиқдингиз, тўхтаб турганларингга қанча вақт бўлди?

– Бир ярим соатча.

– Поездга тўғри келганимиз панд берди. Сизларни ўнгда бурилиб, кичик йўл орқали кесиб чиқмоқчисизлар, деб ўйлаб, ярмимиз у тарафга бўлиниб кетувдик, майли, ўзингга эҳтиёт бул!

– Хўп! – Фаррух телефонни эгасига узатди, унга телефон зарурлигини билган ҳалиги одам уни яна ўзига қайтарди:

– Мендан кўра сизга кўпроқ зарур шекилли, олинг.

– Раҳмат, албатта сизга қайтараман! – деб ички чўнтагига жойлаштириб қўйди.

Фаррух ҳожатхонадан чиққанида Толик қўлида дори билан югуриб келаётган эди.

– Кетдик машинага, тезроқ! Йўлга чиқишимизни айтишди, – деди у.

– Намунча эҳтиёт бўлмасанглар, ахир машинамизга мол ортилганича йўғ-у?

– Умуман овозингни ўчириб ўтир! Босс сенга ишонмаяпти, агар бирор кўнгилсизлик юз берса, иккаламизнинг ҳам калламиз кетади!

– Эй, лысый, биринчидан таклиф мендан эмас, сендан чиққан, иккинчидан мен сени эмас, сен мени топдинг, учинчидан иккаламиз учрашганимиздан кейин мен биронтаси билан на кўришдим, на гаплашдим, телефоним эса сенда. Тит-питимни чиқариб, обск қилиб олиб чиқдинг, менга ишонмаслигингга яна асос борми!?

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлаяпман, лекин, Босс бошқача фикрда...

– Тупурдим ўша Боссингнинг фикрига, жаҳдимни чиқарсаларинг, машинани ташлайману кетаман, пуларинг ҳам бошларингда қолсин, деб!

– Унақа дема, ишни охиригача тутатганингдан кейин ҳаққингни олиб кетасан, Босс ўзи шунақа, жуда эҳтиёткор одам.

«Одам эмас, инсон қиёфасидаги муттаҳам махлуқ, десанг тўғрироқ буларди, ҳалиям уни ер кўтариб турибди, худди ўз қаърига олишга жирканаётгандек... Бу аблаҳ қанча-қанча кишиларни заҳарлаган, қанчасининг ёстиғини қуритган, яна қанча-қанча оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлган... Энг ёмони – насл-насабимизнинг, авлодимизнинг бузилиб, ногирон фарзандлар дунёга келишига сабабчи бўлаяпти. Минг лаънат сенларга, ҳар қанча оғир жазо, дунёдаги энг ёмон ҳақорат сенларга камлик қилади!» Фаррух ўйларди, қани энди қонун йўл қўйса, манави ёнидаги мудраб ўтирган кимсани бўғиб ўлдириб ташласа!.. Кейин бунинг Боссини ҳайдаб бораётган КАМАЗи билан мажақласа!

Икки соатлардан кейин Фаррухга ҳамкасблари ўз белгиларини кўрсатиб кўриниш берганларидан кейин

унинг кўнгли хотиржам бўлиб, қўшиқ хиргойи қила бошлади.

– Нима гап, кайфиятинг яхши, қорнинг тузалиб қолдими, дейман? – деди Толик.

– Ҳа, доринг фойда қилди, шекилли, мусиқа эшитишга рухсат бермайсан, ўзим қўшиқ айтишдан бошқа иложим қолмади.

Улар ниҳоят шаҳардан чиқиб, тоғли айланма йўлларга ўтиб олишди, атроф қоп-қоронғи, зимистон қишлоқ йўлларида машинани бошқариш ҳам қийинлашиб қолди.

– Толик, етай деб қолдикми, бу ёғига катта машинада юргандан кўра яёв кетган яхшироқ, шекилли...

– Оз қолди.

Толик тўғри айтган экан, улар яна ўн дақиқаларча юргандан кейин:

– Шу ерда тўхта-чи, – деди.

Бу ёғига йўлнинг ўзи йўқ эди, кичкина йўл тоққа чиқадиган сўқмоққа айланиб кетган. Атрофда на уй, на бир инсон зоти кўринади. Эллик метрча нарида жойлашган хароба бир кулбани ҳисобга олмаганда одам оёғи етмаган жой, дейиш мумкин эди.

– Бу ерда буриларга ем бўлмайлик тарин, инсон боласи йўқлиги аниқ, – деди Фаррух.

– Сен шу ерда кутиб тур, орқамдан эргашиб борма! – деб калбош кулба томонга кетди.

Ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлгани учун Фаррух машина чироқларини ўчирмай турди.

– Машина чироқларини ўчир!– деди Толик қайтиб келиб.

– Ўчирсам ҳеч нарса кўринмай қолади-ку!

– Ишинг бўлмасин, айтганимни қилсанг-чи!

– Менга деса баттар бўлмайсанми?!– деб Фаррух машина чироқларини ўчириб қўйиб, кабинага чиқиб олди. Теварак-атроф қоронғи бўлгани учун кулбада нира-шира чироқ йилтилагани кўриниб қолди. У ерда кимдир бор экан-да, деб ўйлади Фаррух ва машина

ўриндигининг пастига ўтириб, қўнғироқ қила бошлади:

– Алло, мен Хумоман, биз манзилга етиб келдик, улар кулбада.

– Хавотир олманг, ҳаммаси кузатувимизда, тезда қўлга оламиз, улар қурооланган бўлиши керак, ўзингизни эҳтиёт қилинг!

– Хўп!

Фаррух кулбадан кўзини узмасдан қараб турарди. Ниҳоят Толикнинг шарпаси кўринди...

– Машина кузовларини тушириб, молни ортишга тайёрла! – деди ва ўриндиқ тагидан каттагина, ҳамма ёғи боғич билан маҳкамлаб ташланган қоғоз қутини олди ва кўтариб кулба томонга кетди.

– Хўп.

Кулба томондан иккита киши бир нималарни кўтариб келаётгани кўринди, улар яқинроқ келганларида Фаррух машинага ортаётган нарсалари қутилардаги хурмо эканлигини кўрди. Қараса яна икки киши қути кўтариб келяпти...

– Тез-тез бўла қолинглар, тонг ёришмасдан бу ердан чиқиб кетишимиз керак! – деб Толик уларни қис-таб қўярди. Шу пайт қутимагаанда тўрт тарафдан прожекторлар ёниб ҳамма ёқ ёп-ёруғ бўлиб кетди. Бир қанча қурооланган милиция ходимлари ва жангари йигитлар кулба атрофини ва КАМАЗни ўраб олишди, уларнинг бир нечаси кулбага кириб кетишди.

– Сизлар қуршовдасизлар! Қаршилиқ қилишларингиз бефойда! Қурооларни ташлаб таслим бўлинглар! – деб микрофонда гапираётган киши милиция подполковниги Шомирзаев эканлигини Фаррух яхши биларди. Шу пайт саросимага тушган Толик бирдан Фаррухнинг бўйнидан бўғиб олиб, бошига тўшпонча тиради ва:

– Биттанг яқинлашсанг, тепкини босаман! Машинага чиқиб тезда юргизмасанг, отиб ташлайман! Тез бўл! – деб жон ҳолатда бақира бошлади. Шу пайт ха-



роба кулба ичидан отишув эшитилди, бу узоқ давом этмади кулбадан беш, олти кишининг қўлларига кишан солган ҳолда олиб чиқдилар. Фаррух эса нима қилишини билмай қолди.

– Толик, тушир қуролингни, барибир энди фойдаси йўқ, ўзингга қийин бўлади, – деди.

– Сенинг исковуч эканлигингни қандай сезмадим-а, итвачча! Ҳозир отиб ташлайман! Юргиз деяпман!..

– Фаррух, айтганини қил! – деди Шомирзаев.

Жангари йигитлардан биттаси машина кузовига чиқиб кабина устидан жинойтчини қўлга олиш учун сездирмасдан ҳаракат қилаётган эди. Фаррух машинани секин юргизишга мажбур бўлди, чунки ҳамма нарсани бой берган Толикка энди барибир эди, у ҳеч нарсадан қайтмасди...

Шу пайт машина кабинасининг эшигини қутқарувчи йигитлардан бири очишга ҳаракат қилиб қолди, Толикнинг диққати сал чалғиганидан фойдаланиб, Фаррух унинг қўлидан чиқиб кетишга ҳаракат қилаётганда, Толик уни юриб бораётган машинадан итариб ташлади. Қутқарувчи йигитни эса кабина эшигини очиб, туртиб тушириб юборди. Рулни ўз қўлига олган Толик машина тезлигини оширди, айланма, тор тоғ йўлларида юк машинасининг бундай тезликда юриб, узоққа бора олмаслигини ҳамма сезиб, билиб турарди. Машина юз метрча юрмасдан тоғдан пастга қулади. КАМАЗ машинаси бўлаклари ҳар томонга учиб кетди...

– Машинадан юмалаганингизда билагингиз синибди, юзингиз шилинибди, жароҳатингиз унча оғир эмас, – деди шифокор Фаррухга.

– Хайрият омон қолдинг, баракалла! – деди подполковник Шомирзаев унга қараб жилмайиб.

– Улар-чи, нима бўлди?

– Жинойтчилардан бири отишмада ўлди, яна бири машина билан тоғдан қулаганида ҳалок бўлди, битти ходимимиз жароҳатланди, бошқа ҳамма соғ-саломат.

– Босс қўлга олинди-ми?

– Катта миқдордаги героин, анчагина АҚШ долларларидан иборат далилий ашёлар қўлга киритилди. Албатта, Босс ҳам, у қўлга олинмаса, уни қувмасдан бу ерда турармидик?..

\* \* \*

Эрталаб Фарҳод Собиржоннинг хонасига кириши билан:

– Собиржон ака, кечаги ғалабангиз билан табриклайман! – деди устозининг қўлини қисиб.

– Бу катта ғалаба, қанақасига меники бўлсин, барча йигитларнинг қандай ишлаганидан хабарингиз бўлди-ми? Ҳамкорликдаги катта меҳнатимиз натижаси.

– Гапингиз тўғри, лекин бунга асос сизнинг оқилона тергов тахминингиз эди-да!..

– Ҳа, албатта, менинг сезгиларим ҳеч қачон панд бермаган, бермайди ҳам!

– Ҳар доимгидай, жуда «камтарсиз»...

## ОЛМОСЛАР

*Ёмонлик жазосиз қолмайди. Ҳолбуки,  
бу иллатга эга бўлишнинг ўзиёқ –  
энг биринчи жазо.*

*Бозций.*

### Гавҳар

Собиржон катта канадан топилган мурданинг суратига қараб, «Бояқиш кўҳликкина қиз экан, 4 курс талабаси, 22 ёшда», деб қўйди. «Наҳотки жонига қасд қилган бўлса? Нима учун? Суд-тиббий экспертизаси ҳулосасига қараганда ҳеч қандай жароҳат изи ёки қотиллик белгилари кўринмайди, фақат суд-тиббий экспертизаси қон таркибида димедрол моддаси қолдиқлари топилганлиги ҳақида маълумот берган, холос...» Навбатчининг қўнғироғи унинг хаёлини бўлди:

– Мархума Гавҳар Шокированынг ота-оналари келишган экан, киришсинми?

– Ҳа.

Эшикда ғамдан боши эгилган ота ва қора кийинган, йиғлайверганидан кўзлари қизариб кетган она кўринди. Салом-алиқдан кейин Собиржон уларни ўтиришга таклиф қилиб, мархуманинг отасига:

– Мен вилоят прокуратураси катта терговчиси Собиржон Мирзаев буламан. Сиз Шокиров Пулат акасиз, тўғримми?– деди.

– Ҳа...

– Бошингизга тушган кулфатга ҳамдардман, лекин бир-икки нарсаларни сўраб олишга тўғри келади. Сизларни чақириб безовта қилдим, узр...

– Ука, ўзи сиз чақирмасангиз ҳам прокуратурага келмоқчи бўлиб турувдик, – деди аёл ва қўшиб қўйди, – мен Гавҳарнинг онаси – Насиба опа буламан.

Эри унга бемаврид гапга аралашма, дегандек қараб қўйди. У бунга эътибор ҳам қилмасдан сўзини давом эттирди:

– Қизим ўзини сувга ташлаб, жонига қасд қилган эмас, уни ўлдиришган!.. Ҳа, уни ўлдиришган, – деб аёл йиғлаб юборди.

Собиржон унга сув бериб, тинчлантиришга ҳаракат қилди.

Пўлат ака:

– Насиба, энди йиғлаганингни фойдаси йўқ, ўзингни қўлга ол!– деди босиқлик билан.

Насиба опа бир оз тинчланганидан кейин Собиржон:

– Нима учун ўлдиришган, деб ўйлайсизлар, бунга асосларингиз борми?

– Чунки, қизимиз ақлли қиз эди... Бундан ташқари, унинг жонига қасд қилишига ҳеч қандай сабаб йўқ.

– Қизимнинг қимматбаҳо тақинчоқларини олиб, ўзини ўлдириб юборишган. Шу куни ўзи кўнглим бир нарсани сезувди. «Гавҳар, бунча кўп тақинчоқ тақибсан, дегандим-а»... деб Насиба опа рўмолчасини олиб, кўз ёшларини артди.

– Насиба опа, илтимос ўзингизни босиб, ўша куни Гавҳар уйдан қачон чиқиб кетди, қаерга бораман деб кетган эди, ҳаммасини батафсил сўзлаб беринг, – деди Собиржон.

– 14 июль, якшанба эди. Кундузи соат 11-12 ларда қизгинам жуда чиройли бўлиб кийиниб чиқди. «Ойи, сизнинг тақинчоқларингиздан ҳам олиб турсам бўладими?», деди. Қарасам қулоғида бриллиант кўзли зираги, қўлида битта бриллиант ва янтар кўзли узуклар, бўйнида тилла занжир. Ҳаммасини тақиб олибсан-ку, ясаниб қаерга бормоқчисан ўзи?!– дедим. «Э, ҳали айтмадимми, бутун пешинда Наргизларникида уч-тўртта қиз ўтирмоқчи эдик... Биласизу ойижон, қизлар фақат нарсаларини мақташади... Мен ҳам уларни бир қойил қолдирмоқчи эдим, ойижон, илтимос, йўқ деманг», деб ҳоли-жонимга қўймаганидан кейин, майли, олақол, дедим. Шундан кейин у яна бўйнига тилла занжириمنى ҳам, қўлига бриллиант кўзли иккита узу-

гимни ҳам тақиб олди. «Ойижон, икки-уч соатларга қайтаман», деб чиқиб кетди...

Қоронғи тушиб қолди ҳамки, Гавҳардан дарак бўлмагач, хавотир ола бошладим. Кечки соат тўққиз-унларда қизимнинг қўл телефонига қўнғироқ қилсам, жавоб бермади. Шундан кейин, Наргизаларнинг уйига қўнғироқ қилиб, Гавҳарни сўрасам ойиси:

– Насиба опа, нималар деяпсиз, қанақа қизлар, Наргизанинг ўзи кеча институтдан кела солиб холасиникига кетган-ку, холаси касал, эртага ўқишигайм ўша ердан кетади...– деди.

Гавҳарнинг йўқолиб қолганини билиб, эрталабгача уни қидирдик, суриштирмаган жойимиз қолмади... Эртаси куни эса унинг жасади каналдан топилди... Битта ҳам тақинчоғи йўқ экан, болагинамни шу ордо-на қолгур тақинчоқлар учун ўлдиришган...

– Ҳаммаси бўлиб тақинчоқларнинг тахминан нархи қанча эди?

– Ўн, ўн икки миллион бўлса керак...

– Насиба опа, айтинг-чи, қизингиз димедрол дорисини истеъмол қилиб турармиди?

– Йўқ, ҳеч қачон дори-пори ичиб юрмасди, яхши ухларди, нима учун сўраяпсиз?

– Чунки унинг қони таркибидан димедрол дорисининг қолдиқлари топилган.

– Ҳаммасидан Наргизгина ўлгурнинг хабари бор! Дорини ҳам ўша ичирган!..

– Нима учун шунақа деб ўйлаяпсиз?

– Бунга аниқ биламан, чунки, қизим ҳеч қачон ёлғон гапирмаган, бизни алдаб бошқа жойга кетмаган, Наргизларникидан бошқа жойга бормаган... Ўша, қизимнинг мурдаси топилган куни, уларникига бориб Гавҳарни ким ўлдирганлигини айт, деб уни буға бошлаганимда қўрққанидан бир нимани айтмоқчи бўлувди. Уни қўлимдан тортиб олганларидан кейин ҳеч нимани айтмади. Наргизни қамоққа олинлар! Ана шунда у ҳамма гапни айтиб беради!..

– Хавотир олманг, кимдан шубҳалансангиз ҳам-мани сўраб-суриштирамиз, текширамиз. Насиба опа, айтинг-чи, сизнинг бошқа болаларингиз ҳам борми?

– Ҳа, бир қизим 9-синфда, ўғлим 6-синфда ўқийди.

Собиржон яна айрим нарсаларни сўраб олгандан кейин улар билан хайрлашди.

– Нима деб ўйлайсиз, Собиржон ака, Гавҳарнинг Наргиза исми дугонасини сўроқ қилганимиздан кейин бирор нарса аниқланиши мумкинмикин? – сўради Фарҳод.

– Менимча, Наргизадан олдин Гавҳарнинг синглицси билан суҳбатлашганимиз маъқул. Чунки, опа-сингиллар бир-бирларига кўпроқ яқин бўладилар. Гавҳар онасига айта олмаган гапларини балки синглицсига айтгандир.

– Ким билади, балки...

Гавҳарнинг синглицси ҳам худди ота-онаси сингари «Наргиздан яқинроқ ўртоғи йўқ эди. Ўғил болалардан ҳеч ким билан яқин эмас эди, бу тўғрида эшитмаганман», деди.

– Энди ҳамма умидимиз Наргизадан, ундан ҳам бирор жўяли жавоб ололмасак, ишимиз янада қийинлашади, – деди Собиржон.

– Наргизани эртага соат нечаларга чақирамиз?

– У билан бугун гаплашамиз.

– Бугун улгуролмаймиз, соат 6 бўляпти, шу пайт уни қандай чақирамиз, Собиржон ака?

– Уни чақирмаймиз, уйига борамиз, шу баҳонада оиласи қанақалигини билиб оламиз, кечки маҳал ҳамма уйда бўлади.

Улар боришганда Наргизадан бошқа ҳаммалари уйда эканлар. Собиржон теварак-атрофга синчковлик билан назар ташлади. Ҳамма нарса оддий, лекин жуда саранжом-сариршта эди. Отаси ўқитувчи, онаси шифокор бўлиб ишларкан, укаси 8-синфда ўқир экан. Наргизани эса холасиникида эканлигини айтишди.

– Бизни Наргизанинг олдига бошлаб бора олмай-сизми?

– Албатта, лекин Гавҳарнинг онаси келиб, қизимни ким ўлдирди, деб уни дўшпослагандан кейин Наргиза шўрлик кўрқиб қолган. Илтимос, эҳтиёт бўлиб гаплашинглар...

– Хуп.

Наргиза бегона одамларни кўриб, нима гап, дегандай отасига қаради.

– Қизим, булар прокуратурадан келишибди. Ўртоғининг ўлими бўйича сендан у-бу нарсаларни сўраб олмоқчилар, шекилли...

– Мен ҳеч нарсани билмайман, нимага мендан сўрашади?! – деб Наргиза йиғлаб юборди.

– Илтимос хавотирланманг, сиздан фақат билган нарсаларингизни сўраймиз, холос, – деб Собиржон уни тинчлантирмоқчи бўлди. – Наргиза, айтинг-чи, сиз 14 июль, якшанба, яъни Гавҳар йўқолиб қолган кун, у билан кўришдингизми ёки телефон орқали гаплашдингизми?

– Йўқ... Мен у билан шанба куни дарсдан кейин бирга қайтганман, шундан кейин кўрганим ҳам, гаплашганим ҳам йўқ...

– Қўл телефонингиз ёнингизда бўлса бериб туRING.

– Менда қўл телефони йўқ...

– Сиз, Гавҳарнинг яқин ўртоғи экансиз, у кейинги пайтларда бошқачароқ бўлиб қолганини сездингизми ёки қандайдир шубҳалироқ гапларни гапирмадими, бир эслаб кўринг-чи?

– Йўқ, мен ҳеч нарсани сезмаганман...

– Сиз 14 июль куни нималар билан шуғулландингиз?

– Холамнинг товлари йўқ бўлгани учун олдиларидан кун бўйи кетмадим, уларга қарадим.

– Ҳеч қаёққа чиқмадингизми?

– Йўқ...

Собиржон Наргизага саволларни ҳар хил шаклда, турли йўл билан бериб кўрди, фойдаси бўлмади. Бун-

дан хафсаласи пир бўлиб, индамай у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Юришдан тўхтаб, хонага чўккан жимликни бузиб:

– Холангизнинг олдига кирсак бўладими? – деди.

– Улар ётибдилар...

– Қайси хонада?

Наргиза қўли билан холаси ётган хонани кўрсатди. Собиржон хонага кираркан, ранглари синиққан аёлга салом берди.

– Кечирасиз, сизни безовта қилиб қўйдик... Сиздан бир нарсани сўраб, аниқлаб олмоқчи эдим. Айтингчи, Наргиза 14 июль, яъни якшанба куни, сизнинг олдингиздан бирор ёққа чиқдимиди?

– Йўқ, ҳеч қаерга чиқмади, умридан барака топсин, дарсларини ҳам қилмасдан фақат менга қарайди, дориларимни ичиради, овқатимни едиради. Тинчликми, болам?

– Ҳа, тинчлик, хола, яшшилаб эсланг-чи, биррўвга-ям ҳеч қаёққа чиқмадимиди?

– Ҳа, болам, қарилик кўрсин, эсимдан чиқибди, дорига чиқиб келувди-я.

– Соат нечаларда кетувди, тахминан, қанча вақтга бориб келди, айта оласизми?

– Чамамда соат иккилар, тушлик қилганимиздан кейин эди. Ҳа... бир ярим, икки соатларда келди. «Намунча ҳаялдинг» десам, «Ўртоғимни кўриб, гаплашиб туриб қолибман, холажон», деди.

– Дорихона узоқ эмасми?

– Йўғ-э, 10 дақиқалик йўл, – деди хола ҳеч нарсага тушунмай, буларни нега сўраяпсизлар, дегандай Собиржонга қаради.

– Раҳмат, холажон, – деб ташқарига чиқаркан Фарҳодга қараб:

– Кетдик, – деб ишора қилди Собиржон.

– Наргизанинг уйдан чиқиб кетган вақти Гавҳарнинг сувда чўккан пайтига тўғри келади, – деди Фарҳод машинада кетаётиб Собиржонга.



– Ҳа... Уни кузатувга олишимиз керак.

– Ҳар бир қадамини кузатамиз...

\* \* \*

– Собиржон, сизни танимай қоляпман. Бир ойдан бери нима билан шуғулланыпсизлар ўзи!? Ёшгина қизнинг қимматбаҳо тақинчоқлари талончилик йўли билан олиниб, ўзи сувга чўктириб ўлдирилса-ю, жиноятчи топилмаса... Тўғри, буни оддий шахс эмас, пихини ёрган жиноятчи ёки жиноятчилар тўдаси қилгани кўриниб турибди. Лекин икки машҳур терговчимиз ҳали ҳам қалаванинг учини тополмасдан гаранглар!– деди қизишиб вилоят прокурори.

– Ҳаракат қияпмиз, Мансур Жўраевич...

– Ҳаракатингизнинг натижаси кўринмаяпти-ку, ёрдам керак бўлса, суранг. Барча кучни жиноятни тезроқ очишга қаратиш керак, тушунарлими?!

«Ҳа, вилоят прокурорининг танбеҳи жуда ўринли. Ҳақиқатан ҳам қалаванинг учини тополмай гарангман. Тезкор қидирув ҳаракатлари, суриштирувларнинг ҳаммаси натижасиз... Бу нима деган гап. Бир одам сувга чўктириб ўлдирилади-ю, кўрган, эшитган, билган ҳеч ким йўқ!», дея боши қотиб ўтирган Собиржоннинг олдига Фарҳод кирди.

– Собиржон ака, мана, 15 кишини лақиллатиб, пулини олган мошеница Шамсия Ходдорованинг жиноят иши. Фирибгар қўлга олинган, ҳозирги вақтда ҳибсда сақланмоқда. Тергов қилиб, ишни судга оширар эканмиз, – деб материаллар жилдини Собиржоннинг столи устига қўйди. У кайфияти йўқлигидан индамай жилдни суриб қўя қолди.

– Хафа бўлманг, нима ҳам қилардик. Кеча билан кундузнинг фарқига бормаи ишлаймизу, битта жиноят изи сал чўзилса дарров пўстагимизни қоқишадди...

Собиржондан ҳеч қандай садо чиқмагандан кейин, Фарҳод секин чиқиб кетди.

## Фирибгар

Бу аёлни кўрган киши «Зиёли экан, деб ўйлаши аниқ. Одамлар қандай қилиб унинг қўлига йиққан пуллари уйламасдан тутқазиб қўйишаркан», деб ҳайрон бўлган эдим, гап бу ёқда экан-да, ўйлади Собиржон.

– Хуш, мана 15 та ариза билан танишдингиз, эътирозингиз йўқми? – деди Собиржон ўзини худди ҳеч нарсадан хабари йўқдай тутиб ўтирган аёлга қараб.

– Ҳайронман ука, нима десам бўлади, бу одамларни ҳам тушуна олмай қолдим, ўзлари қўярда қўймай пул беришади-да, кейин сенинг устингдан шикоят қилиб юришади...

– Шавкат Қодировдан Кореяга боришингга ёрдамлашаман, танишим бор, деб 1000 доллар олганлигингиз тўғрими?

– Ахир ўша танишимга пулни берганлигимни ўзи кўрди-ку, унинг бир тийинини ҳам ўзимга олиб қолмадим, эй, Худо, бу қандай инсофсизлик!

– Қодиров ташқарида кутиб ўтирибди, унинг ўзига шу гапингизни исботлаб бера оласизми?

– Албатта.

Аёл эшикдан кириб келган Қодировга қараб:

– Ука, Худодан қўрқмайсизми, яхшиликка ёмонлик экан-да, сизга яхшилик қиламан десам, мени қамоққа тикмоқчи бўляпсиз-а, – деди.

– Қанақа яхшилик, шунча пулимни олиб қўйиб, қочиб юришингиз яхшиликми?

– Пулингизни бериб чиққанимни кўрдингиз-ку. Ўша одамдан олинг пулингизни. Мени нимага айблайсиз?

– Сиз унинг олдига мени лақиллатиш учунгина кирган экансиз. Мен аҳмоқ бўлиб, ундан пулимни сураб юрибман-а. У одам ўз ўрнида ўтирибди. Берган бўлсангиз, олиб беринг.

– Шунча вақтдан кейин қайтариб берармиди... Айбсиз бўлсам ҳам буни ўз бўйнимга олишга мажбурман энди... – деди аёл йиғламсираб.

– Демак, Қодировдан алдаб 1000 доллар олганингизга тўла иқдорсиз, тўғрими Холдорова?

– Нима ҳам дердим...

– Қодиров, кетишингиз мумкин.

– Пулларимни олиб кетмайманми?

– Энди суднинг ҳукмини кутасиз. Ҳозирча бораверинг.

– Латофат Халиловадан, қизингни институтга ўқишга киритаман, деб 500 доллар олганингиз тўғрими?

– Йўқ, аслида бунақа бўлмаган, гаплашиб ўтириб, суҳбат орасида шу институтда таниш домлам борлигини айтсам, у керак эмас, десам ҳам қўярда-қўймай 500 долларни чўнтагимга солиб қўйди. «Қизим бу йил институтга кирмаса бўлмайди, чунки унинг янаги йил тўйини қилишим керак. Қолганини ўқишга киргандан кейин оласиз», деди.

– Ҳўш, кейин нима бўлди?

– Нима бўларди, қизи ўқишга киролмади.

– Пул-чи?

– Пул бўлгандан кейин майда-чуйдага ишлатилиб кетади-да, жойида турармиди...

– Демак, режангиздаги иш бўлмабди-да, қизи ўқишга кирса, мен киритдим деб, қолган пулини ҳам олиб кетмоқчи эдингиз, тўғрими?

– ...

– Ўқишга кирса яна қанча бериши керак эди?

– 1500 доллар...

– Ўзи танишингиз бормиди?

– ...

– Жавоб бера олмайсиз, чунки, ҳеч қандай танишингиз бўлмаган. Демак, Латофат Халиловадан товламачилик йўли билан 500 доллар олганингизни бўйнингизга оласиз?

– Илтимос ука, товламачи деган хунук сўзни ишлатманг, 500 доллар олганлигим тўғри...

– Қилган ишингиз хунук бўлгандан кейин чиройли сўз ишлатолмайман-да.

– Хуш, яна кимларнинг аризаси бор эди, – деб Собиржон яна бир аризани қўлига олди.

Фуқаро Ҳанифа Назарова... Менга бўйнидаги олтин занжир ва билагидаги брослетини кўрсатиб, «Синглим, менга пул жуда зарур бўлиб турибди, ўғлимни чет элга ўқишга юборяпман, агар хўп десангиз сизга арзонга сотиб кетаман. Мана визиткам, анави кўриниб турган бинода, лойиҳалаштириш институтида ишлайман», деди. Унга ёнимда пулим озроқ эканлигини айтдим, шунда у 300 000 сўмча заклад бериб, қолган 400 000 сўм пулни эртага олиб келсам, шу ерга тақинчоқларини олиб келишини айтди. Шу кетганича у аёлни топа олмадим... деб ёзибди. Ёзганлари тўғрими?

– 300 000 сўм олганим тўғри, лекин тақинчоқларни сотмайдиган бўлдим, деб пулини қайтариб бериш учун унинг олдига борган эдим. У аёл жойида йўқ экан.

– Ҳанифа Назарова кирсин.

– Сиз 300 000 сўмни битта визиткага ишониб, Холдорованинг қўлига қандай тутқаздингиз?

– Визиткада кўрсатилган иш жойи, телефон рақамига қўнғироқ қилиб, -Муниса Мухторова шу ерда ишлайдими десам, ҳа, дейишди-да. Бу муттаҳамнинг Шамсия Холдорова эканлигини қаердан билибман...

– Ҳақорат қилмай гапиринг синглим, – деди Холдорова.

– У пулларни қийналиб, меҳнат қилиб топганман. Болаларимнинг ризқи эди. Мени алдаб кетганинг учун сени мақтаб гапирайми, виждонсиз,– деди тутақиб Назарова.

– Хуш, Назаровадан олган пулларингиз қаерда?

– Бунга икки ойча бўлди шекилли, шунча вақтдан буён пул қоладими, ишлатиб юборганман...

– Ие, ярамас, нимага менинг пулларимни ишлатасан?

– Бақирманг, бераман ўша пулларингизни.

– Мумкинми, – деди бир аёл эшикдан бошини суқиб Собиржонга қараб.

– Сизни чақирганмизми, исм, фамилиянгишни айтиш?

– Мени чақирмагансизлар, ўзим келдим. Шоира Ризаеваман.

– Қайси иш бўйича?

– Худди мана шу иш бўйича-да ука. Бу товламачи аёл менинг ҳам 100 000 сўм пулимни олган.

– Қандай қилиб?

– Қандай бўларди, жуда «культурний» қилиб олганда. Айтсам ишонмайсиз, мендан 5 кило гуруч сотиб олиб, сўраб қолди, мабодо олмос кўзли узук оладиган танишларингиз йўқми, ҳозир пул зарур бўлиб қолувди, мана шу узукни сотмоқчиман, деб қўлидаги узукни кўрсатди. Мен йўқ унақа танишларим йўқ, дедим. Эртаси куни кўчанинг нариги бетида арзонроқ сомса сотадиган жой бор эди. Тушлик пайти шу сомсадан оламан, деб бораётсам бу хонимни яна кўриб қолдим. Учратмасам шунча пулим ёнимга қоларди-я... Мен аҳмоқ «Ҳалиги узукни сотмадингизми», деб ўзим сўрадим. Бу киши йўқ, дедилар, озроқ пул бериб қўйсам, сотмаслигини айтди. Мен лақма ўлгур 100 000 сўмим борлигини айтиб, унга бериб ўтирибман-а. Бу сахий, арзончи хоним яна 300 000 сўм олиб келсам, олмос кўзли узукни бериб юборишларини айтдилар. Мен овсар тўрт кунда 300 000 сўм пулни минг машаққатлар билан йиғиб, бу хоним айтган лойиҳалаштириш институтига борсам, Муниса Мухторовани чақиришди. Қайси кўз билан кўрайки, у бутунлай бошқа аёл экан. Уларга бу хонимнинг ташқи кўринишини тасвирлаб берган эдим, «Бу ерда унақа хотин ишламайди, яқинда бошқа яна бир жувон ҳам Муниса Мухторовани сўраб келиб, сизнинг аҳволингизга тушган эди», дедилар.

Шундан кейин алданганимни тушундим. Дардимни кимга айтишимни билмай юрсам, гуруч бозорида растанинг бошида ўтирадиган ўртоғим гап орасида бир хотин уни чув тушириб кетганлигини айтиб қолди.

Қанақа аёл, десам худди мана шу хонимни тасвирлаб берди. Билсак, иккаламизни ҳам бир олғир алдаб кетган экан. Ханифа бугун менга «Фирибгар хотиннинг устидан ёзган аризамиз бўйича прокуратурага чақиришибди», деган эди, мен ҳам унга қўшилиб келавердим. Ана шунақа гаплар, ука...

– Сиз, опа, исмингизни қайтадан айтиб юборинг?– деди Холдорова беписандлик билан Шоира опага қараб.

– Алдаб пул олганларингиз сони кўплигидан исмларимиз ҳам эсингизда турмайди-да, фирибгар хоним. Мен Шоира опаман, исминимни сўрагунча 100 000 сўмимни қайтариб берсангиз жуда яхши бўларди!

– Ҳозиргина сўзингизнинг орасида ўзингизга аҳмоқ, овсар, лақма деб жуда тўғри баҳо бериб ўтдингиз. Билиб қўйинг, мен сизни танимайман, умуман кўрмаганман ҳам!

– Нима дединг, муттаҳам! Ундай бўлса мен бу ерда нима қилиб ўтирибман!..

– Нима қилардингиз, ўртоғингиз билан эрмакка келгансиз-да.

– Прокуратура эрмакка келадиган жойми, ноинсоф, ҳаромхўр!

– Ҳақорат қилманг, нима мени билмайди, деб ўйлайсизми, ҳамма Шамсиядан пул ундираётган экан, мен ҳам бир нарсали бўлиб қолай, деб келгансиз. Мен эса сизни танимайман, яна такрорлаб айтаман!

– Сен хотиннинг пулларимни олган қўлларинг шол, танимайман, деб турган кўзларинг кўр бўлиб қолмаса, асло рози эмасман!..

– Бу ер сизга ҳар хил сўзлар билан қарғайдиган жой эмас, менга 100 000 сўм пул берганингизни қандай исбот қиласиз, гувоҳингиз борми? – деди Холдорова ўзини худди қонун доирасидан четга чиқмайдиган одамдай тутиб.

– Ўргилдим сендақа шарманда билимдондан, хонимнинг ўзларига сичқоннинг ини минг танга бўлиб

Ўтирибдию, яна тилларининг бурролигини-чи! Пулларимни қайтариб бер, товламачи!

– Ҳақорат қилманг, гувоҳ, далилингиз бўлса гапиринг, – деб Собиржонга қараб, – илтимос, мен бу аёлни танитайман, ҳақорат қилишига йўл қўйманг, – деди.

– Шоира опа, яхшилаб ўйлаб кўринг-чи, пулни бераётганингизни балки таниш-билишлардан бирортаси кўриб қолгандир? – деди Собиржон.

– Таниш-билиш йўқ эдию, лекин манави товламачининг ёнида битта қиз бор эди, мард бўлсанг олиб кел ўша қизни, ҳаммасини кўриб турганди!

– Қанақа қиз туғрисида гапиряпсиз, тушунмадим?

– Қанақа буларди, чап қошининг устида мошдек холи бор қиз-чи, муғомбирлик қилма, ўзинг яхши билиб турибсан ҳаммасини...

– Бу аёлни мен умуман кўрмаганман!

– Сизга суд бўладиган куни хабар берамиз, пулингизни ундириб бериш масаласи ўша ерда ҳал бўлади, мана бу жойга имзо қўйиб, кетаверишингиз мумкин, – деди Собиржон Шоира опага ручкани узатаркан.

– Мана, раҳмат ука, агар сизлар бўлмаганингларда нима қилардик. Мана бунақа алдамчилар ҳамманинг пулини олиб, чув тушириб юраверарди.

– Э, тўхтанг опа, манзилингизни, телефон рақамингизни айтиб кетинг, – деди Собиржон ва Шоира опа айтганларини тез-тез ёзиб олди.

Собиржон шу куни Холдорова устидан тушган яна бир қанча аризалар бўйича иш олиб борганидан қаттиқ чарчаганди.

### Хол хосияти

Стул устидаги яшил муқовали китобга кўзи тушган Собиржон ошхонада овқат сузаётган Азизадан:

– Бу қанақа китоб, янгими? – деб сўради.

– Ҳа, янги, кеча олгандим.

– Сенга мазза, хоҳласанг китоб ўқийсан, хоҳласанг кино кўрасан. Менинг бадий китоб ўқимаганимга ҳам юз йил бўлгандир-ов.

– Йўғ-э, унчалик эмасдир...

– Ҳеч бўлмаса янги китоблар нима ҳақда эканлигини билиб қўяй, нималарни ёзишибди?

– Қизиқарли экан, икки ака-ука 41-йиллардаги уруш пайтларида ота-онасидан ажралиб, бошқа-бошқа етимхоналарга олиб кетилади. Ўшанда уларнинг бири 6, яна бири 8 ёшда бўлишади. Улар бир-бирларини мутлақо кўришмай вояга етиб, улғайишади. Ишонасизми, ака-ука орадан 60 йил ўтганидан кейин топишишади.

– Қандай қилиб? – сўради Собиржон сомсани тишлаб еркан.

– Неваралари туфайли. Улар бир-бирларини яхши кўриб қолишади. Совчиликка борганларида учрашадилар.

– Орадан 60 йил ўтган бўлса бир-бирини қандай танишади?

– Шифокорлар холни хосиятсиз дейишади-ю, лекин унинг хосиятли томонлариям бор-да. Агар укасининг қулоғининг пастида мошдек холи бўлмаганида акаси уни танитай, ака-укалар бир-бирларини тополмай бу дунёдан армон билан кетишарди...

– Холидан таниган, дегин... – деб Собиржон ўйланиб қолди. Унинг эсига нима учундир фирибгар аёлдан пулини ундириб беришни сўраб келган Шоира опанинг гапи тушиб кетди, «чап қошининг устида мошдек холи бор қиз», деганди... Бировни тасвирламоқчи бўлсанг, биринчи холи айтилади... Дарвоқе, сувга чуқиб ўлган қиз Гавҳарнинг ҳам холи бор эди, шекилли, ҳа бор эди, қошининг устида! Қайси қошининг устида эди-я?... Ўнгми ёки чапми? Собиржон эслай олмади. У ўрнидан туриб, қўл телефонида кўнғироқ қила бошлади:

– Фарҳоджон, ҳозир қаердасиз?



– Қаерда булардим, ҳар доимгидай, ресторанда ул-фатчилик қилиб ўтирибман!

– Беҳазил, зарур гап чиқиб қолди.

– Эрталабгача бўлсаям ишлаб, қўлимдагини тугатиб қўймоқчиман, нима гап, тинчликми?

– Сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим, Гавҳар Шокированинг иши қаерда турганлигини биласиз, ичида қизнинг расми бор эди. Қаранг-чи Фарҳоджон, унинг холи чап қошининг устидами?

– Қизларнинг холи билан қизиқиб қолибсизми, ҳалиям сўраётганингиз бу дунёда йўқ, бўлмаса кеннойимдан баалога қолардингиз.

– Илтимос, тезроқ бўлинг, кутиб тураман.

– Хўп, мана кетяпман...

– Топдингизми, Фарҳоджон?

– Ҳа, мана, чап қошининг устида экан ...

– Наҳотки шундай бўлса..., наҳотки... Фарҳоджон кетмай туринг, ҳозир етиб бораман, – деб Собиржон дастурхондан қўлига тўртта сомса олиб, чиқиб кетди. Азиза ҳеч нарсага тушунмаган бўлса ҳам, эрининг бундай ҳаракатларига ўрганиб қолгани учун, индамай эшикни бекитиб қолди.

Собиржон хонасига кириб, иш материаллари орасидан Гавҳарнинг расмини ва Шоира опанинг манзини олиб:

– Кетдик, – деди Фарҳодга.

– Вақт алламаҳал бўлиб қолди-ку Собиржон ака, унинг устига қорним ҳам улгудай оч, – деди Фарҳод норози оҳангда.

– Қачон соатга қараб ишлаганмиз, уйдан сизга сомса олиб чиққанман, машинада.

– Ҳа, ҳар тугул...

Улар Шоира опанинг уйига келиб, эшик қўнғироғини босишди. Эшикни очишга Шоира опанинг ўзи чиққанди ва Собиржонни куриб ҳайрон бўлиб қолди.

– Шоира опа, узр, бемаҳалда сизни безовта қияп-миз...

– Ҳечқиси йўқ, лекин қандай топиб келдинглар...  
Ҳа, эсим қурсин, манзилни биласизлар-ку, чақирсангиз ўзим эртага борардим, овора бўлибсизлар...

– Сиз айтган, чап қошининг устида холи бор қиз шу эмасми? – деб Собиржон Гавҳарнинг расмини курсатди.

– Худди ўзи, ҳа, шу қиз эди. Яхши изқувар экансиз, бир кун ҳам ўтмасдан менга гувоҳ топибсиз-а, ука.

– Нима гап, тинчликми, ким бу йигитлар?

Шоира опанинг эри хотини ҳаяллаб қолганига хавотирланиб, унинг изидан ташқарига чиққанди.

– Дадаси, ишонасизми-йўқми, булар прокуратурадан. Мартабалари баланд бўлсин, пулимни ундириб бериш учун гувоҳ топиб келишибди.

– Ҳа, шунақами...

– Сиз менга прокуратурага бекорга борибсан, барибир пулингни ололмайсан, дегандингиз... Ука, у қиз билан қандай учрашсам бўлади, ёки ўзларингиз чақирасизларми?

– Афсус, у қиз билан учраша олмайсиз...

– Ие, нимага?

– Чунки, у ўлган, тўғрироғи ўлдирилган.

– Вой, бечорагина қиз...

– Шоира опа, у қизни қачон, қайси куни курганингизни эслай оласизми?

– Июль ойи, туш пайти, якшанба куни эканлиги аниқ эсимда, чунки савдо яхши бўлган эди-да. Тушгача 100 000 сўм ишлагандим.

– Улар Шамсия Холдорова билан бирга эдиларми ёки у қиз сизлар гаплашиб турганда ўтиб кетдимми, шуни яхшилаб эсланг, илтимос?

– Вой, бу аниқ эсимда, улар бирга келаётган эдилар. Мен қолган пулни иложи борича тезроқ топиб беришимни айтаётсам, хоним гапимни ҳатто охиригача эшитмасдан, ёнидаги ўша қизга қараб, «Кетдик, ўғлим кутиб қолмасин», деди.

– Шунақа дедими, ўғлим кутиб қолмасин, дедими?

– Худди шундай деди. Сизга яна бир нарсани айтиш эсимдан чиқибди, у аёл менинг овсинимга ҳам тақинчоқ сотган.

– У ҳам ариза берганми?

– Йўқ, у ариза бермаган, ҳамма гап шунда-да, ука, менга алам қилгани ҳам шу-да. Агар у аёл овсинимни менга ўхшатиб алдамасдан, тақинчоқларни арзонгинага сотиб кетмаганда эди, унинг устидан шикоят қилиб, прокуратурага бормасдим.

– Унга нималар сотган экан?

– Битта катта олмос, битта янтар кўзли узукни арзимаган пулга бериб ўтирибди. Овсиним кийим-кечак бозорида савдо қилади-да, мени бўлса аҳмоқ санаб, лақиллатиб ўтирибди-я, бу ҳар кимга ҳам алам қилади-да.

– Ўша овсинингизнинг уйи узоқ эмасми?

– Мана, қўшнимиз-ку...

– Шоира опа, бошлаб боринг, илтимос...

– Ишонмадингиз-а ука, майли, ўзидан сўрай қолинг унда.

Шоира опа қўшни уйнинг қўнғироғини босиб:

– Кароматхон-у-у! – деб қичқирди.

– Тинчликми, Шоира опа? – деди ичкаридан ҳовлиқиб чиққан аёл.

– Булар прокуратурадан келишибди, ўша аёл сизга тақинчоқларни сотганига ишонишмаяпти, – деди Шоира опа.

– Тақинчоқ сотиб олганимга прокуратуранинг нима алоқаси бор экан?

– Алоқаси шундаки, Холдорова сотган узуклар унинг ўзига тегишли эмас, балки ўғирлик нарсалар бўлиши мумкин, деб гумон қилиняпти, шунинг учун узукларни бизга олиб чиқиб, кўрсатишингизни сўрайман, – деди Собиржон.

– Кўрсата олмайман, чунки уларни қизимнинг сенига қўшиб юборганман...

– Уларни қизингизникидан олиб келишингизга ўғри келади.

– Вой, узук сотиб олмай менгина ўлай... Келин бўлиб тушганига бир ой ҳам бўлмаган қизимдан узукларни қандай оламан!? – деди Каромат опа тиззаларига уриб.

– Каромат опа, унда сиз эртага бир йўлини қилиб, қизингиздан узукларни олиб, соат эрталабки 9 да прокуратурага боринг, акс ҳолда қизингизнинг уйига ўзимиз боришимизга тўғри келади, – деди Собиржон ва қўлига чақирув қоғозини ёзиб, тутқазди.

– Наҳотки булар, яъни тилла узуклар, Гавҳар Холдорованинг ўлимига алоқадор бўлса? – деди Фарҳод.

– Ҳарҳолда калаванинг учини топдик, шекилли, – деди Собиржон.

Собиржон эрталаб келиб, ҳали иш ўрнига жойлашиб улгурмасидан эшикдан:

– Мумкинми, – деб Шоира опа кириб келди.

– Келинг, лекин сизни чақирмагандим-ку, – деди ҳайрон бўлиб Собиржон.

– Овсинимни бошлаб келдим, келаверинг, Кароматхон, – деди у орқасига ўгирилиб, худди ҳеч қандай хавф йўқ, дегандай.

– Яхшимисиз ука, мана узуклар, бир амаллаб қайнонасига билдирмасдан олдим, – деб рўмолчага ўралган иккита узукни узатди. Собиржон узукларни олиб:

– Имзо қўйинг, – деди ва Каромат опа имзо қўйгандан кейин:

– Кетаверишларингиз мумкин, – деди.

– Узуклар нима бўлади...

– Жиноят иши судда кўрилганда узуклар масаласи ҳал қилинади.

– Ана, айтмадимми сизга, терговчи йигит ҳамма нарсани билади деб, судда пулларимизни ўша жодугардан қайтариб олиб беришади, кетдик, овсинжон.

\* \* \*

Собиржон Насиба опаларникига борганида уйининг кўча эшиги ланг очиқ тургани учун тўғри кираверди. Уй бекаси супада бир нуқтага тикилганича ўтирарди

– Ука, бирор нарсани аниқладингизми, Наргиз Улуурни қамоққа олмадинглар-ку!? – деди.

– Аниқлашга ҳаракат қияпмиз. Насиба опа, Гавҳар нечанчи ўлчамда узук тақарди?

– 17...

– Узукларни танияпсизми? – Собиржон унга иккити узукни кўрсатди.

– Вой, Гавҳаргинамнинг узуклари-ку! Топдингларми? Ким экан болагинамни ўлдирганлар?

– Ҳозирча маълум эмас, фақат узуклар топилди...

– Бу нима деганингиз, нимага узукларни топиб, қотилни топмайсиз?!

– Тез орада қотилнинг кимлиги ҳам аниқланади...

### Ота касби

– Узукларни Гавҳарнинг онаси танидимми? – сўради Фарҳод Собиржондан.

– Ҳа, қизимники, деди. Ўлчами ҳам унинг айтганига тўғри келди.

– Қизиқ, мошеница бунга нима деркан, уни бутун чақиртирамизми?

– Йуқ, ундан олдин Холдорованинг яшайдиган уйига бориб кўрамиз, кетдик...

Тинчлик кўчаси, 44-уй, 14-квартирани топиш унча қийин бўлмади. Холдорова уйининг ташқаридан кўришишига, тўкилиб кетай, деб турган эшигига қараб:

– Бу аёл одамлардан олган пулларини нимага сарфлар экан-а? – деди Фарҳод.

– Ҳозир, ичкарига киргандан кейин, буни аниқлаб оламиз, – деб Собиржон эшик қўнғироғини босди. Ичкаридан:

– Ҳозир, боряпман, – деган овоз келди, бир оздан кейин анча букчайиб қолган, озғин, 70-80 ёшлардаги кампир эшикни очди.

Собиржон кампирга ўзларини таништириб, нимага келганликларини айтди.

– Уйда сиздан бошқа биров ҳам яшайдими?

– Ҳа, эрим бор, у ўзининг хонасидан чиқмайди, оёқлари шол...

– Қизингиз, Шамсия Холдорова шу уйда рўйхатда тураркан, бирга яшармидингизлар?

– Йўқ, у фақат бизникида рўйхатда туради, холос, лекин бошқа жойларда яшайди.

– Қаерларда, айта оласизми?

– Э, болам, у менга қаерда яшашини айтармиди, йилда бир, икки марта келади, шунда кураман, холос...

– Майлими, ичкарига кирсак?

– Киринглар, остонада туриб қолдинглар, – деб ичкарига таклиф этди кампир.

– Қизингизнинг нима иш билан шуғулланиб юрганини билармидингиз?

– Ҳа, жуда яхши биламан...

– Наҳотки, билиб индамаган бўлсангиз?

– Индамаган дейсизми? Турмушга чиққанимдан бери умрим азоб-уқубатда ўтаётганини билмайсизларда. Аввал унинг отасини, кейин эса қизини бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилиб, умрим ўтиб бўлди.

– Ие, эрингиз ҳам товламачими ҳали?

– Болам, сиз нимага ўтирмаяпсиз, ўтиринг, – деб кампир Фарҳодни ўтиришга таклиф қилиб, стулни суриб қўйди.

– Онахон, гапингизни эшитиб, қотиб қолдим–да, қандай ўтираман, – деди Фарҳод.

– Ҳеч кимга ёрилмаган дардларимни бугун сизларга айтаман, айтмасам ичимга сиғдиролмайман... Мени тинглашга вақтларингиз борми?

– Ҳа, гапираверинг, ўзи сизни эшитишга келганмиз...

– Ҳозир 75 ёшдаман, Шамсиянинг отасига 17 ёшимда турмушга чиққанман, кейин билсам, у фирт товламачи экан. Уни тўғри йўлга бошлаш учун қанча ҳаракат қилдим, фойдаси бўлмади. Ажрашишдан бошқа

чорам қолмаганди. Фарзанд кутаётганим учун ота-онам бунга рози бўлишмади. Яккаю ягона набирамиз етим бўлиб ўсмасин, дедилар. Эрим содда одамларнинг пулларини ҳар хил йўллар билан алдаб олар, улар пулларини сураб уйга келишса, яшириниб оларди. Қимматбаҳо буюмларимдан бирор нарса қолмади, уларнинг ҳаммасини сотиб, эрим бировлардан олган пулларни тўладим.

– Фирибгарлиги учун уни қамашмадимми?

– Бир марта қамашмоқчи бўлганди, роса кўп одам йиғилиб уйга келди, пулларимизни қайтариб бермасанг, ҳозир ариза ёзиб, прокуратурага борамиз, дейишди. Аслида ўшанда унинг қамалиб кетишига йўл қўйиб беришим керак экан. Қизимнинг ярим етим ўсишидан қўрқиб, отамдан қолган ҳовлимизни сотиб, каталакдек икки хоналик уйга қамалиб ўтирибман-а. Балки бу ишни қилмаганимда, Шамсия ҳалол инсон бўлармиди, энди кеч. Бу менинг катта хатоим экан.

– Демак, қизингиз ота «касби»ни қилган экан-да, – деди Фарҳод.

– Ҳа, шундай. Эрим билан 53 йил бирга яшаган бўлсам, шунинг 40 йилини нопок қилиғини ташлаши учун курашиб ўтказдим...

– Бундан чиқди 40 йиллик меҳнатингиз натижасиз қолмабди-да?

– Йўқ, бу меҳнатимнинг натижаси эмас, менга Худонинг раҳми келганидан бўлса керак.

– Тушунмадим?

– 13 йилдан бери унинг оёқлари шол бўлиб қолган. Шундан бери кўчага чиқолмайди.

– Тушунарли... Эрингиз одамларни алдаб олган пулларини нимага сарфларди?

– У бу пулларга ўзига яхши, қимматбаҳо кийимлар оларди, ресторанларда ўтирарди, бир тийинини ҳам рўзғорга ишлатмаган. Бунга йўл ҳам қўймасдим, ўзим 23 ёшимдан то нафақага чиққунимча ҳар хил жой-

ларда фаррош бўлиб ишладим, Худога шукрки, унинг ҳаром пулидан луқма емаганман...

– Қизингиз вояга етгандан кейин уни узатишга ҳаракат қилмаганмисиз?

– 19 ёшида узатганман, узоқроқ қариндошимиз эди. Шамсиянинг зеҳни ўтқир эди, институтда ўқирди. Бироқ талабаларни алдаб, уларнинг пулларини олгани учун ўқишдан ҳайдалиб кетди. Нимаям қилардик. Майли, оиласи билан яхши яшаса бўлди, деб юрсам, нима бўлди, денг. Одамларни авраб, пулларини ола бошлабди. Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Қудаларим Шамсиядан воз кечишди. Кейин у турмуш қурмади.

– Бирор ерга ишга киргандир?

– Йўқ, ҳеч қаерда ишламасди, фақат кимни алдаб пулини олсам экан, деган фикр билан яшарди.

– Қизингиз қачондан бери сиз билан яшамайди?

– Ўн йилча бўлди, уйда яшамаяпти, чунки одамлар бу ерни билишади. У ижарада турган жойини ҳам тез-тез алмаштириб тураркан...

– Охирги марта сизнинг олдингизга қачон келган?

– Аниқ эсимда йўқ, икки ойча бўлди, чамамда. Июль ойи эди, шекилли, кун жуда иссиқ эди... Кириб муздай сув сўради, мен бердим. Илиқ экан, деб ичмади ва совутгичга ўзи сув қўйиб:

– Бирпасдан кейин келаман, шунгача совуб туради,– деб чиқиб кетди. – Бир соатлардан кейин ёшгина бир қиз билан келиб, сув ичиб, чиқиб кетишди. Шундан бери қўрмагандим. Яқинда милициядан келиб, Шамсиянинг қамалганини айтишди, балки қамалгани яхши бўлгандир. Одамларга озор бериб, пулларини олиб юргандан қўра, тинчгина қамоқда ётгани яхшироқ, деб ўйлайман...

– У сизга ҳеч нарса бермадимми?

– Нимани назарда тутаётганингизни билмайману, Шамсияга айтганман, қачон ишга кириб, иккита нон келтирсанг оламан, шунгача уйга ҳеч нарса олиб келма. Ҳаромдан ҳазар қиламан, деганман.



Собиржон кетиш учун ўрнидан тураркан, совутгич устида ётган расмга кўзи тушди. Суратдаги йигит жуда келишган бўлиб, ҳар қандай кишининг ҳам диққатини ўзига торгарди.

– Бу йигит ким, қариндошингизми?

– Йўқ, танимаيمان, охирги марта келганда Шамсиянинг қўлида эди. Сув ичаман деб, шу жойга қўйганидан кейин эсидан чиқариб кетган, шекилли.

– Бу расмни олиб кетамиз, – деди Собиржон.

– Майли...

Собиржон кетаётиб:

– Эрингизни кўрсак бўладими? – деб сўради.

– Бемалол.

Хонада оппоқ кўйлақ кийган, кун иссиқ бўлишига қирамай галстук таққан, оппоқ сочини орқага силлиқ қилиб тараган, зиёлинамо бир чол ногиронлар арава-часида олдига чойшаб ташлаганича газета ўқиб ўтирарди. У йигитларнинг саломларига аяк олиб:

– Хўш, хизмат? – деди.

– Қизингизнинг жинойи иши юзасидан келган эдик, онахондан у-бу нарсаларни сўрадик...

– Ҳа, Шамсия жуда бўлмағур ишларга аралашиб қолибди, эшитиб хафа бўлдим...

– Майли, узр, биз кетдик, – деди Собиржон бу одам билан гаплашиш бефойда эканини билиб.

– Ё, тавба, академикка ўхшаб ўтирибди-я, қари «мошенник». Тўғриси айтсам, Собиржон ака, шўрлик кампирга жуда раҳмим келди. Қандай қилиб шу одам билан 53 йилдан бери яшаб келяпти экан, ҳайронман? – деди Фарҳод машинага ўтираётиб.

– Ҳа...

– Бечора кампир бир умр офир меҳнат қилганиданми ёки ота-қиз «мошенник»ларни тўғри йўлга бошлай олмай қийналибми, қадди букилиб қолган. Унинг қўлларига эътибор бердингизми, қўлларининг катта-лигига... Жисмоний меҳнат қилган-да, бир умр...

– Ҳа...

– Кампир бечоранинг жуда катта хатоси «мошенник» эри ва қизига кескин чора кўрмаганида, деб уйлайман...

Собиржон Фарҳоднинг гапларига унчалик эътибор бермасди, чунки у Холдорованинг онаси билан бўлган суҳбатни хаёлан таҳлил қилаётганди.

## Қотил

Собиржон навбатчига қўнғироқ қилиб:

– Маҳбусни олиб келишдимиз? – деб сўради.

– Ҳа, олиб келишди.

– Бу ёққа олиб чиқишсин.

– Хўп.

Холдорованинг қўлларидан кишанларини ечиб олиб келишди, Собиржон уни зимдан кузата бошлади. Тавба, худди отасига ўхшаркан, юзига қараб, қандай кайфиятда эканлигини билолмайсан. Кўзлари айёрона боқади, узини улуғвор режалар билан юрган одамдай тутади. Қизик, бунақалар қандай пайдо бўлишаркан–а...

– Хўш, ука, бугун терговни тамом бўлган, деб ҳисоблаб, менга расман айб эълон қилмоқчимисиз?– деди Холдорова қоғозларни тартибга келтираётган Собиржоннинг гаплашишга шошилмаётганига ҳайрон бўлиб.

– Холдорова, шошилиб қаерга борасиз, тергов энди бошланади...

– Гапингизни тушунмадим, кимдан пул олган бўлсам ҳаммасига иқрорман, тагин барчасини қайтариб беришга розиман. Яна қанақа тергов, энди ишимни судга ошириш қолиб турибди–ку?..

– Ҳаммасига иқрор эмассиз, шекилли?

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Шоира опадан олган пулингизни айтаман–да...

– Ахир мен у аёлни ҳеч қачон кўрмаганман, ишонаверинг!

– У эса сизни жуда яхши эслапти.

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, ука, сиз ҳамма нарсани тушунасиз, кенг доирада ўйлай оласиз, шунча катта пулларни олганимга иқрор бўлсаму, шу аёлнинг арзимаган 100 000 сўмига иқрор бўлмайманми?

– Мен ҳам шунга ҳайронман–да, нима сабабдан шу арзимаган пулни олганингизга иқрор бўлмаяпсиз экан–а? Бунинг қанақа сабаби бўлиши мумкин?

– Ҳеч қанақа сабаби йўқ, фақат мен, у аёлни танимайман!

– Балки кўрқаётгандирсиз?

– Мен кўрқаяпманми?

– Наҳотки, кўрқмаётган бўлсангиз?

– Бошқа ҳеч қандай жиноят қилмаганман!

– Сизга ҳеч қанақа жиноят ҳақида гапирмадим, шекилли. Яна қанақа жиноятни айтяпсиз?– деди Собиржон Холдорованинг ортиқ асаблари дош беролмай, кўллари қалтираб кетганини кўриб.

– Ўзингиз нимага шаъма қияпсиз, очиқроқ гапиринг?

– Очиқроқ айтадиган бўлсам, Шоира опадан 100 000 сўм пул олганингизга иқрор бўлсангиз, у сизни Гавҳар Шокирова билан кўрганини айтса, қотиллигингиз фош бўлишидан кўрқаяпсиз!

– Қанақа... қотиллик ҳақида...гапиряпсиз?– деб Холдорованинг ранги кув учиб, лаблари титраб кетди.

– 22 ёшли Гавҳар Шокирова деган қизнинг қимматбаҳо тақинчоқларини олиб, ўзини сувга чўктириб ўлдирганингизни айтаяпман.

– Йўқ... ҳеч қачон, мен бунақа иш қилмаганман!..

– Демак, қотиллигингизга иқрор эмассиз?!

– Нима, очилмай ётган ҳамма жиноятларни менинг бўйнимга юклаб юбормоқчимисиз, қотилликни ким қилганини топиб, ўша одамга айтинг бу гапингизни!..

– Сиз, бу қотилликни битта ўзингиз қилгансиз, шунинг учун бошқа одамни топиш шарт эмас! Холдоровна, сиз қотилсиз, қотилликни нима учун қилганингиз

ни, қандай йўл билан содир этганингизни ўзингиз бир бошдан гаприб берасизми ёки мен айтайми?

– Устингиздан шикоят қиламан, мана адвокатим ҳам кўриб ўтирибди, ҳеч қандай далил, исботсиз, юклатилмоқчи бўлган айб – бу тухмат ҳисобланади. Демак, сиз менга тухмат қиляпсиз, бунинг учун жавоб берасиз!– деди Холдорова бўғилиб.

Фарҳод Собиржонга, бу ёғига нима дейсиз, дегандай қараб қўйди.

– Демак, ўзингиз гапириб беришни хоҳламаяпсиз, ундай бўлса диққат билан эшитинг. Қотиллигингиз ҳақида ўзим гапириб бераман, фақат сўзимни бўлмай эшитинг. Нотўғри, деб ҳисоблаганингизни фақат гапириб бўлганимдан кейин айтасиз! – деб Собиржон ўрнидан туриб, хонада у ёқдан бу ёққа юриб, бир оздан кейин Холдорованинг қаршисида тўхтагач, сўз бошлади:

– Ўқишга кириш учун тест синовлари олинаётган пайтларда сиз кимларнидир алдаб, пулини олиш мақсадида институт биноси олдида изғиб юрганингизда, кўзингиз қимматбаҳо тақинчоқлар таққан Гавҳар Шокировага тушган. Ундаги олмослар кўзингизни ўйнатади ва сиз буларни қандай қилиб олиш йўллари излай бошлайсиз. Қизнинг шу институтда ўқишини ва ҳали турмушга чиқмаганини билиб олганингиздан кейин, режаларингизни амалга ошириш учун ҳаракатга тушгансиз. Қаердандир мана бу чиройли, ҳар қандай қизнинг ақлини ўғирлаши мумкин бўлган йигитнинг расмини топгансиз, – деб стол устида ётган расми Холдоровага кўрсатди. Жувон расми кўриб, сесканиб кетди. Собиржон эса сўзида давом этди:

– Сиз, ўзингизга маълум ҳийлалар ишлатиб, содда қиз билан тил топишишга мушарраф бўлгансиз. У билан сўзлашиб ўтириб, яккаю ягона ўғлингиз борлигини, унинг миллий хавфсизлик хизматида ишлашини, уйлантирмоқчи эканлигингизни, лекин у сиз кўрсатган қизларни ёқтирмаётганлигини айтгансиз. Оққун-

гил қизга сумкангиздаги бояги расмни ўғлимнинг расми, деб кўрсатгансиз. Шўрлик қиз эса, йигитнинг ҳуснига маҳдиё бўлиб қолганидан гапларингизни таҳлил қилиб кўришга ҳам ақли етмаган. Сиз бундан фойдаланиб, ўғлим билан учрашиб кўргин, агар сени ёқтириб қолса, келин қиламан, дегансиз. Қиз бунга албатта рози бўлган. Лекин сиз, бу учрашувни ҳеч ким билмаслиги керак, сени ўйлаб шундай қиялман, дегансиз. Қиз нимага, деб сўраса, ўғлимни биламан, сени ҳам ёқтирмаслиги мумкин, кейин ота-онанг ёнида юзинг шувут бўлиб юрма деяпман, дегансиз. Мабодо, ўғлим сенга уйланишга рози бўлса, ундан кейин бу ҳақда ота-онангга айтсанг яхши бўлади, деб қиз бечорани лаққа туширгансиз. Гавҳарга 14 июль, якшанба куни, тушга яқин энг яхши кийимларингни кийиб, албатта, кўпроқ тақинчоқларни тақиб, уйдагиларга «дутонамникига кетяпман», деб айтгин. Сени ўғлим билан учраштираман, дегансиз. Ҳа, шу куни қабиҳ режангизга кўра ҳаракат қилиб, йиллаб хабарини олмайдиган ота-онангиз яшайдиган уйга боргансиз ва идишдаги сувга димедрол дорисидан кўп миқдорда солиб, онангизга «музхонага сув қўйдим, бирпасдан кейин келиб, ичаман», деб чиқиб кетгансиз. Тақинчоқларни қўша-қўша тақиб чиққан Гавҳарга «қизим, уйимизда хизмат қиладиган кампир мана шу «дом»да яшайди, агар қарши бўлмасанг унинг ҳолидан хабарлашиб, дуосини ҳам олиб чиқамиз», деб ўзингизга эргаштириб боргансиз. Кун иссиқлигидан фойдаланиб, Гавҳарга муздай бўлиб турган димедролли сувни ичиргансиз. Катта каналнинг овлоқ жойида ўғлингиз кутиб турганини, тезроқ бориш кераклигини айтиб, йўлга чиққансиз. Бозорни кесиб ўтаётганингизда тасодифан Шоира опа учраб қолган. Бу тасодифдан ҳам унумли фойдаланиб, ундан 100 000 сўмни олиб, бошқа гапларини эшитишни ҳам хоҳамасдан йўлингизда давом этгансиз. Чунки дори ўз таъсирини қилиб, Гавҳарнинг йўлда йиқилиб қолишидан кўрққансиз-да.

Шоира опани хонамда кўрганингизда, ўша заҳоти таниганингизни, лекин кейинчалик «танайман», деб туриб олганингиз менда шубҳа уйротган эди. Қаранг, ишни шундай пухта режалаштиргансизки, қиз бечора канал бўйига етиб борар-бормас боши айланиб, қаттиқ уйқуга кетган. Сиз эса унинг қимматбаҳо тақинчоқларини тез-тез ечиб олиб, ўзини сувга қўйворгансиз. Қотиллигингиз фош бўлишидан кўрқиб, Гавҳардан ечиб олган тақинчоқларни сақлаб қўймасдан, биринчи учраган одамга арзон-гаровга сотиб, йўқотиш пайига тушгансиз. Тасодифни қарангки, Шоира опанинг овсини Каромат опага мана бу узукларни сотгансиз. Буларни Гавҳарнинг онаси Насиба опа қизиники эканлигини дарров таниб олди, – деб Собиржон рўмолчадан узукларни олиб, Холдоровага кўрсатди. У эгилиб қолган бошини секин кўтариб, узукларга қаради ва дарров кўзини олиб қочди.

– Нима учун узукларга қарашга кўрқяпсиз. Виждонингиз қийналяптими, десам сизда у нарсанинг ўзи йўқ-ку?

– Мен... аслида у қизни ўлдириш режамда йўқ эди, деди Холдорова пиқиллаб йиғлаб, энди у ўзига умуман ўхшамас, ердан кўзини узолмаганидан кўз ёшлари кўйлагининг этагига томчилар эди.

– Хўш, гапиринг, унда нима учун ўлдирдингиз?!

– Ҳақиқатан ҳам ундаги олмослар менинг ақлушимни олиб қўйган эди. Фақат шуларни олмоқчи эдим, холос...

– Гавҳарни ўлдиришга сизни нима мажбур этди?

– Қизнинг тақинчоқларини ечиб олгандан кейин уйласам, катта хатога йўл қўйган эканман. Энди шу хатоимни, уни йўқ қилиб тузатишим мумкин, деб уйлаган эдим...

– Нима экан у хато?

– Онамнинг олдига борганлигим...

– Хўш?

– Гавҳар уйқуга кетгандан кейин, тақинчоқларни олмақчи эдим. Ўйлаб қарасам, уни ўзим рўйхатда турдиган уйга олиб борибман. Уйғонганидан кейин кимлигимни осонгина топиб олиб, прокуратурага ариза бериши мумкин, деб ўйладим ва ўша ернинг ўзида уни йўқ қилиш фикри миямга келди.

– Кейин, хатоимни тўғриладим, деб ўйладингизми?

– Ҳа, шундай, деб ўйлаган эдим... Аслида эса аввалги хатоимдан ҳам каттасига йўл қўйибман...

– Олиб кетинглар, – деди Собиржон Холдорованинг афтига ҳам қарагиси келмай, тескари томонга ўгирилиб.

\* \* \*

– Собиржон ака, табриклайман, бу ишни ҳам одатдагидай қойиллатдингиз. Лекин икки нарсани тушунолмадим, биринчиси, Холдорованинг «Ўғлим миллий хавфсизлик хизматида ишлайди», деганини қаердан билдингиз?

– Чунки товламачиларнинг аксарияти миллий хавфсизлик хизматида ишлайман ёки ишлайди дейишни яхши кўришади-да...

– Иккинчи тушунмаганим, нима учун Холдорова онасини «Хизматкоримиз», деб таништирди, дея ўйладингиз?

– Ўзини осмонда, деб ҳисоблаган қаллоб аёл иккаламиз кўрган ғариб аҳволдаги кулбада яшайдиган кампирни бошқа ким деб таништириши мумкин...

## БИРИНЧИ ИШ

Ҳар бир ишнинг бошланиши шу ишнинг деярли ярми бажарилгани билан баробардир.

Арасту.

### Кичик хато

Аъзамжон ўғли Фаррухнинг, ким биландир дўппослашиб, милицияга тушибди, деган хабарни эшитиб, қулоқларига ишонмади. Ахир у ўғлини ҳаммадан яхши биларди-да. Фаррух унча-мунчага жаҳди чиқмайди-ган, босиқ йигит. Ёки ўртоқлари билан... Ҳозир дарс-да бўлиши керак эди? Шу каби хаёллар билан у шаҳар ички ишлар бўлимига бориб қолганини ҳам сезмади. Навбатчига:

– Мен, Фаррух Иброҳимовнинг... – дейиши билан у:

– 5-хонага киринг, – деди гапни чўрт кесиб.

– Раҳмат.

Аъзамжон хонага кирганида 3-4 нафар милиционер нималарнидир ёзишар, Фаррух яна бир йигит билан уларнинг қаршисида ўтирган эди.

Аъзамжонни кўриши билан Фаррух:

– Дада... – деди.

– Келинг, Фаррух Иброҳимов сизнинг ўғлингизми?

– Ха, нима гап ўзи, тинчликми?

– Милиция капитани Ҳайдаровман, – деб ўзини таништирди у.

– Аъзам Иброҳимовман.

– Ўғлингиз, мана бу йигитни дўппослаб, унга енгил даражадаги жароҳат етказган, – деб милиция капитани қўли билан ўғлининг ёнида ўтирган йигитни кўрсатди.

У кўзи атрофи муматалоқ йигитга қаради.

– Шу сенинг ишингми?

– Ҳа...



- Нимага?
- Уришдик.
- Кўриниб турибди. Оғиз-бурун ўпишмагансизлар. Лекин нимага уришдинглар?

Фаррух индамади.

– Аъзам ака, иккаласини кўчада, одамлар серқатнов жойда дўппослашаётганларида ходимларимиз ушлаб, олиб келдилар. Ўғлингизга ҳеч қандай жароҳат етмаган, буниси эса кўриб турганингиздек, жароҳат олган.

– Нега уришишган эканлар?

– Биз ҳам шу саволга жавоб ололмаяпмиз. Иккаласи ҳам жим.

– Фаррухни нима қилмоқчисизлар?

– Ҳеч нима.

– Хайрият, раҳмат сизга, – деди Аъзамжон енгил тортиб.

– Раҳматни менга эмас, Зарифга айтинг. У «Фаррухга даъвоим йўқ, айб ўзимда бўлди», деяпти. Шунинг учун иш очилмади.

– Раҳмат, Зарифжон, яхши йигит экансан, – деди Аъзамжон унинг кўлларини олиб.

– Унчалик эмас, ака, – деб қўйди Зариф жилмайиб.

– Сизни чақиришимиздан мақсад, ўғлингизнинг қилган иши яхши эмас, шуни билиб қўйганингиз маъқул, дедик-да.

\* \* \*

Уйгача ота-бола жим келишди.

– Бунақа одатинг йўқ эди-ку? – деди ота ўғлига.

– Ўзидан бўлди...

– У нима қилди?

– Нима кераги бор сўрайверишнинг, ҳаммаси яхши бўлди-ку?

– «Дўппослашиб милицияга тушибди», деган хабарни эшитиб, қандай аҳволга тушганимни биласанми, ўзи? Бу гапларни ойинг эшитса нима бўларди, юраги-

нинг мазаси йўқлигини биласан-ку! Худо кўрсатмасин, устингдан жиноят иши очилса нима бўларди? Эндигина биринчи курс бўлсанг.

– Биладан.

– Билсанг, нимага номаъқулчилик қилиб қўйдинг? Ақлинг жойида эмасмиди?

– Зариф сиз тўғрингизда хунук гап айтди, шунга ўзимни босолмай қолдим...

– Нима деди?

– «Даданг жиноят қилиб қамалган», деди. Мен унақа эмас, десам, «Сен унда жуда ёш бўлгансан, дадангнинг ўғрилигини ҳамма билади», деди. Кейин... Мен ҳам ёмон кўраман куча-кўйда дўппослашиб юришни.

– Уни дўппослаш шарт эмас эди, гапини исботлаб беришини талаб қилсанг бўларди-ку?

– Лекин, сиз қамалмагансиз, тўғримми?

– Зарифнинг гапида жон бор... Ёшлигимда шунга яқинроқ иш бўлган.

– Дада, нималар деяпсиз?

– Ҳа, бундан 17 йил аввал кичкина бир хатони деб учта ўртоғим ва мен талончилик жиноятида айбланишимизга озгина қолган эди...

– Наҳотки?

– Ҳа, ўғлим, тўрт ўртоқ ресторанда ўтириб, меъеридан ортиқча ичиб қўйганмиз. Ҳамма кўнгилсизликлар шунинг натижасида бошланди.

– Дада...

\* \* \*

Ўша, тўртта йигит учун жуда ёмон тушга ўхшаб бошланган кун сентябрь ойининг ўн саккизинчи куни эди.

Тўртовлон ҳеч кимга айтмасдан Шохруҳнинг туғилган кунини ресторанда нишонламоқчи бўлдилар. Ҳайдар одатдагидек ҳаммага ароқ қуярди. У:

– Тўртта шиша бўшаб қолибди, балки бошқасини очмасмиз, – деди.

– Оч, утириш энда қизиди-ку, – деди Рафқат.

– Ҳа, тўғри, – унга қўшилди Аъзам.

Улар яна қанча ичганларини ўзлари ҳам билмайди.

– Келинлар, ўзимизнинг мусиқамизни эшитамиз!

– деб қолди Шоҳруҳ ўзи билан олиб келган магнитофонни стол устига қўйиб.

– Албатта, бугун сенинг байраминг-ку, нима десанг шу.

Улар магнитофоннинг овозини баралла қўйиб, ўртага чиқиб ўйнашга тушдилар. Ресторанда ўтирганлар безовталана бошладилар. Лекин уларнинг қулоғига гап кирмас эди. Шунда иккита милиция ходими уларнинг ёнига келиб:

– Магнитофон кимники? – деб сўради.

– Меники, – деди Шоҳруҳ.

Милиция ходимлари йигитларга ўзлари билан бўлимга боришларини айтишди. Улар эса бош тортдилар. Шунда бўлимдан ёрдамга бошқаларни ҳам чақириб, уларни мажбурлаб олиб кетдилар. Улар ИИБга борганларида:

– Магнитофон кимники? – деб яна сўрадилар.

– Меники, агар керак бўлса ола қолинглар, – деди оёғида зўрға турган Шоҳруҳ.

– Магнитофонни қаердан олгансиз?

– Магазиндан сотиб олганман.

– Қайси магазиндан?

– Эсимда йўқ...

Улар магнитофонни қаергадир олиб кетишди. Тўртовлон ўтирган жойларида мизғишарди.

– Қани, тўғри ўтиринглар-чи! – деди милиция майори Шарипов.

Улар кўзларини зўрға очишди.

– Яхшилаб қаранг, шуларми, – деди Шарипов қора кийинган аёл ва унинг ёнидаги ёшроқ қизга қараб.

– Билмайман, уларнинг ниқоби Бор эди, – деди хотин.

– Ўринларингиздан туринглар, – деди Шарипов уларга бақириб.

Туртгаси ҳам оёқларида зўрға турардилар.

– Энди, яхшилаб қаранглар-чи?

– Ойи, мени тепиб, деворга қаратиб қўйгани мана бу бўйи узунига ўхшайди, – деди қиз.

Аъзам ҳеч нарсани тушунмай, ёнидагиларга қараб, елкасини қисиб қўйди.

– Сиз яхшилаб қаранг, бирор жойини ўхшатарсиз, – деб қистади Шарипов аёлни.

– Бир нарса дея олмайман, ўшанда улар бошқача эдилар, – деб аёл кўзига ёш олди.

– Илтимос, бизни қўйиб юборинглар, бугун менинг туғилган куним эди, уйдагилар кутиб ўтиришибди, – деди Шоҳруҳ зўрға тили айланиб.

– Хўп, фақат, мен айтган сўзларни ёзиб, имзо чекиб берсанг, ундан кейин кетаверасан, – деди битта милиционер.

– Мен тайёрман, айтинг, – деди Шоҳруҳ.

– Ёз, қўлимдаги шу қизил магнитофонни 1990 йилнинг 12 июль кечаси Абдували аканикидан олиб чиққанман. Ёздингми?

– Ҳа, ёздим, лекин бундай бўлмаган-ку, – деди Шоҳруҳ фирт маст бўлса ҳам эътироз билдириб.

– Имзо қўй.

– Мана, қўйдим, энди кетаверайми?

– Ўртоқларинг ҳам ёзишсин кейин бирга кетасанлар. Сизлар ёзинглар, шу куни биз тўртталамиз Абдували аканикига бирга борганмиз, олиб чиққан бошқа нарсаларни яшириб қўйибмиз. Ёздингларми?

– Ёздим, лекин мен ҳеч нарсани тушунмаяпман. Бу нимага керак, – гудранди Аъзам.

– Имзо қўйинглар, кейин тушунтириб бераман.

Имзо қўйишди. Шундан кейин уларнинг ёзганларини йиғиб олишди.

– Жуда соз, энди айтинглар-чи, қайси биринг Абдували аканинг оғзига латта тиқиб, қўл-оёғини боғладинг? Қайси бирингиз унинг хотинининг қўлини, қайси бирингиз қизининг қўлини боғладингиз? Ҳар

бирингиз ўзингиз қилган ишни алоҳида айтиб берингчи?

Фирт маст йигитлар бу гапдан сал сергак тортишди.

– Нималар деяпсиз, биз ҳеч нарсани тушунмаяпмиз?

Биз бу ишларни қилмаганмиз?

– Ҳозиргина Абдували Икромовнинг хотини ва қизи ўзларининг магнитофонларини таниб олишди. Бу сенинг қўлингдаги магнитофон эди,– деди Шоҳруҳга қараб милиция ходими.

– Ўша Абдували ака деганингизнинг ўзи келсин-чи, кимнинг магнитофони эканлигини унга ўзим айтаман, – деди Шоҳруҳ.

– Афсус у кела олмайди. Сизлар талончилик қилган кечаси унинг оғзига латта тиқиб қўйгансизлар, қўллари боғлиқ бўлган, нафаси қайтиб, асфекциядан ҳалок бўлган.

## Тергов

Аъзамжон эрталаб кўзини очганида зах камерада ётганини кўриб, ўйлаб қолди. Ўзи кеча нима бўлган эди. Шоҳруҳнинг туғилган куни... Ресторанда тўрттаси ичишди, кейин нима бўлган эди... Бу ёғини Аъзамжон элас-элас эслай бошлади. Уларни нима учундир милиция ходимлари олиб кетишди. Кейин нималарнидир ёздиришди. Демак, ҳушёрхонага тушибман-да, ўйлади Аъзамжон. Лекин бошқалар қаерда, наҳотки улар мени ташлаб кетишган бўлса! Аъзамжон оғриқдан боши ёрилгудай бўлиб, кичкина деразадан тушиб турган хира ёруғликка қараб ётганида, кимдир эшикни очиб:

– Иброҳимов, бу ёққа чиқ! – деб қолди.

Аъзамжон қўйиб юборишади, шекилли, деб ўйлади. Аммо у камерадан чиқиши билан қўлларига кишан солишди.

– Ие, нима қиляпсизлар?! – ҳайрон бўлиб сўради Аъзамжон.

– Жим бўл! – туртиб қўйди ёнида турган соқчи.

– Ўзи нима гап, тушунтириб беринглар, ахир?

– Биздан ҳеч нарса сўрама, ҳозир ўзлари тушунтиришади, – деди соқчилардан бири.

Уни бир хонага олиб киришди.

– Иброҳимов Аъзаммисан? – деди гавдали бир милиция ходими.

– Ҳа.

– Кеча ёзган тушунчангни ўқиб чиқдим, лекин жуда қисқа ёзибсан. Хўш, энди менга ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бер-чи?

– Нимани?

– Нимани бўларди; винзаводнинг директори Абдували Икромовнинг уйига қандай қилиб кирганларингизни, талончилик жинойтини қандай амалга оширганларингизнинг ҳаммасини ўз ихтиёринг билан гапир.

– Сиз нима деяётганингизни тушунмаяпман, мен ҳеч қандай жинойт қилмаганман.

– Сенингча, Икромовнинг қўл-оёғини боғлаб, оғзига латта тиқилиши натижасида ўлиши, унинг оила аъзоларини қийнаб, қўл-оёқларини боғлаб ташлаб, уйдаги ҳамма қимматбаҳо нарсаларнинг олиб кетилиши жинойт эмасми?!

– Жинойт?

– Нимага бўлмаса жинойт қилмадим, деяпсан?

– Бу жинойтга менинг нима алоқам бор, ахир?

– Ўзингни овсарликка солма, мана бу тушунчани сен ёзганмисан?– деб у бир варақ қоғозни Аъзамжонга жуда яқин олиб келиб кўрсатди.

– Тушунмадим...

– Нимани тушунмайсан, ўз қўлларинг билан ёзган тушунчангни тушунмайсанми?

– Кеча маст бўлганмиз, нимани ёзганимизни билмаганмиз...

– Сен фақат ўз номингдан гапир, шерикларинг ҳаммасини айтиб беришди.

– Қанақа шерик?

– Менга айт-чи, сени бу жиноятга ким бошлади?

– Мен ҳеч қандай жиноят қилмаганман!

– Энди бу гапларинг бефойда, ундан кўра айбингни буйнингга олсанг, ўзингга анча енгил бўлади...

Худди шундай савол-жавоблар бир неча кун давом этди. Аъзамжон камерада ўтириб ўйларди: уччаласини ҳам худди менингдек сўроқ қилаётган бўлсалар керак. Демак, кимнингдир уйида содир қилинган жиноятни бизга тункашмоқчи!

– Иброҳимов, чиқ!

Аъзамжон яна ҳар кунги сўроқ бўлса керак, деб ўйлаб камерадан чиқди. Лекин нима учундир уни машинада бошқа ёққа олиб кетишди. Олиб келишганида бинодаги ёзувга кўзи тушди: вилоят прокуратураси, хайрият, ўйлади Аъзамжон, бу ердагиларга жиноят қилмаганимни тушунтирадиган бўлдим, зора улар қўйиб юборишса...

– Қаерга боряпмиз? – сўради Аъзамжон соқчидан.

– Энди прокуратура терговчисининг олдига, – деди соқчи.

Терговчининг хонасига олиб киришди. Нималарнидир ёзиб ўтирган йигит уни ўтиришга таклиф қилди:

– Ўтиринг, мен вилоят прокуратураси катта терговчиси Собиржон Мирзаев бўламан.

Терговчини кўриб Аъзамжоннинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди.

«Бунча омадсиз бўлмасам, она сути оғзидан кетмаган бола-ку, унга айбсизлигимни қандай қилиб тушунтираман!»

Терговчи унга ҳимоячи чақирishi мумкинлигини, бошқа тегишли ҳақ-ҳуқуқларини шошилмасдан тушунтирди.

– Жиноят иши бўйича ҳозиргача тупланган материалларни кўриб, тушунчангизни ўқиб чиқдим. Ту-

шунчани ўз қўлингиз билан ёзганмисиз? – деб Собиржон уни Аъзамжонга кўрсатди.

– Ҳа, лекин, бу тўғри эмас...

– Нима учун?

– Тушунчаларни фирт маст аҳволда эканлигимизда ёздиришган.

← Қаерда бунча ичган эдингиз?

– Бўлган воқеани бошидан ҳаммасини сўзлаб берсам бўладими?

– Ҳа, фақат тўғриси, – деди Собиржон.

Собиржон Аъзамжоннинг гапларини диққат билан эшитиб:

– Бу гапларингизнинг тўғри-нотўғрилигини аниқлаймиз, – деди.

Аъзамжон «Терговчи боланинг» бирор нарсани аниқлашига кўзи етмасди, фақат ҳимоячисидан нажот кутарди. Талончилик жиноятида гумон қилинаётганларнинг ҳаммаси деярли бир хил жавобни такрорлар эдилар.

Собиржон, улар келишиб олмадилармикин, деса алоҳида камераларда сақланыптилар, дея калаванинг учини тополмасди. Сўнгра ёзилган тушунчаларни солиштира бошлади. Учтасида ҳам бир хил сўзлар такрорланган. Биттаси бошқачароқ. Собиржоннинг мустақил иш бошлаганига уч ой бўлган эди. Бу унга топширилган биринчи катта иш эди. Талончилик билан боғлиқ тергов унга оғирлик қиларди. Лекин у буни билдирмас, жуда қийналганда бўлим бошлиғи Абдулла акадан маслаҳат сўрарди. У ҳозир ҳам бўлим бошлиғи олдида эди.

– Гумонланувчиларда ҳақиқатан ҳам айб йўқмикан, деб ўйлаяпман – деганида Абдулла ака:

– Жабрланувчилар нима дейишяпти? – деб сўради.

– Магнитофон бизникига ўхшайди, дейишяпти.

– Гумонланувчиларни танишяптими?

– Икромовнинг хотини аниқ бир тўхтама келолмаяпти, қизи «Бўйи узун менинг қўлларимни боқ-



лаганга ўхшайди», деб Аъзам Иброҳимовни кўрсатмоқда.

– Ҳа, айблаш учун булар етарли эмас, – деди Абдулла ака.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаяпман.

– Собиржон, бу ишда шошилиб бир фикрга кела олмайсан, бундай қилишга ҳаққинг йўқ. Жабрланувчилар, гувоҳлар билан суҳбатлашиб, ишонч ҳосил қилишинг керак.

– Ҳўп, шундай қиламан.

– Сен ҳаминча бир нарсани эсингдан чиқармагин. Оғир жиноятда айбланаётганларни сўроқ қилиш ҳам оғир бўлади. Бу иш жуда сергакликни талаб қилади.

– Тушундим.

– Тезкор гуруҳ ишляпти, ИИБ ходимларининг диққати шу ишда. Сен ҳам бор билим ва маҳоратингни ишга сол. Унутма, бу сенинг терговчи сифатидаги биринчи ишинг ахир.

– Тушунарли.

– Айтмоқчи, мана бу ишнинг ҳам терговини тамомлаб, тезроқ судга ошир, – деб тергов бўлими бошлиғи унинг қўлига қоғоз жилдни тутқазди.

– Лекин... – Собиржон эътироз билдирмоқчи бўлди.

– Нима демоқчи эканингни биламан, бошқа иложимиз йўқ, ҳозир ҳамма иш иккита терговчига қараб қолган. Энг кам иш фақат сенда экан. Қўрқма, унча катта иш эмас, – деб хотиржам қилиб қўйди Абдулла ака.

Собиржон қўлидаги жилдни столга қўйиб, уни варақлай бошлади. Фирибгарлик экан. «Жиноят ишининг тергов муддати тугашига оз қолибди-ю... Шунинг учун Абдулла ака тезда судга ошир деяётган экан-да», ўйлади у. Собиржон иш билан боғлиқ бўлганларни эртага прокуратурага етиб келишини сўраб, телефон қила бошлади.

Фирибгарликда айбланаётган аёл ёшгина терговчини кўриб севиниб кетди.

– Ўғлим, яқинда ишга тушган кўринадан, мартабанинг  
кундан-кунга ортаверсин!

Бошини кўтармай ёзаётган Собиржон аёлга:

– Ўтиринг, – деди.

Аёл унинг таклифини кутмасдан ўтириб олган эди.

– Сиз Барно Толиповамисиз, – деди Собиржон унга  
қараб.

– Ҳа, ўғлим.

– Мен вилоят прокуратураси катта терговчиси Со-  
биржон Мирзаевман.

– Жуда яхши, ўғлим.

– Фамилиямни айтиб мурожаат қилишингизни  
сўрайман.

– Хўп, ўғлим.

– Толипова, сизнинг фуқаро Манзура Ражабовадан  
20 000 сўм пул олганингиз тўғрими?

– Ҳа.

– Пулни нима учун олган эдингиз?

– Унга тўрт хоналик коммунал квартира олиб бер-  
моқчи эдим.

– Сиз бунга масъул ходим эмассиз-ку?

– Танишларим бор эди.

– Кейин нима бўлди?

– Пулни биттасига бердим, лекин у мени алдаб кет-  
ди. Пулни олиб қайтариб бўлди.

– Демак, пулни эгасига қайтармадингиз, тўғрими?

– Тўғри.

– Хўш, навбатдаги фирибингизга ишонган ким  
экан. Мастура Султонова.

– Э, сиздан кўнглим қолди, ўғлим мен мутлақо фи-  
рибгар эмасман. Мастуранинг ўзи мени кўярди  
қўймай, 15 000 сўмни чўнтагимга солган. Барака топ-  
кур, мен билакузукларни олиб келай, пулни унда  
кейин берасан, деганимга қарамай пул тиқиштирди.

– Унинг пулни нима қилдингиз?

– Биттаси арзонроқ баҳода тилла буюмлар топиб  
бермоқчи эди, шунга бердим.

– У ким эди?

– Исмини айтмаслигимни қаттиқ тайинлаган, айта олмайман.

– Кимлигини айтмасангиз гапингизга қандай ишонаман.

– Пулни Санжарга бергандим.

– Санжар ким?

– У менга арзонроқ баҳода тилла буюмлар бермоқчи эди.

– Топиб бердимиз?

– У пулни олиб қолиб, тилла буюмларни бермади.

– Нимага?

– Тилла буюмларни Уфага олиб кетишибди. Майли, ундай бўлса пулларни қайтар, десам у «Мабодо улар харидор топмаса бу миждозларни ҳам йўқотиб қўйишни хоҳламайман. Уфадагилар молларни сотиб бўлганликларини айтганларидан кейин пулларни қайтараман», деди.

– Каримова Саодат, Тўхтаева Наргиза, Раимова Шафоат – буларга ҳам тилла буюмлар ваъда қилиб, пул олгансиз.

– Ҳа, ҳаммасининг пули ўша Санжарда.

– У тилла буюмларни қаердан олади, ўзи?

– Билмайман, тилла олди-сотдиси билан шуғулланади, шекилли.

– У қаерда яшайди?

– Мен унинг қаерда яшашини билмайман, бозорда юришини биламан, холос.

– Демак, сиз Санжардан пулларни олсангиз, эгаларига қайтаришингиз мумкин, шундайми?

– Албатта қайтараман, агар Санжар берса...

Собиржон Толипова чиқиб кетганидан кейин унинг ишларини ўйлаб қолди ва бирдан ўрнидан туриб, Абдулла аканинг олдига шошилди.

– Тинчликми, Собиржон?

– Толиповани суроқ қилганимда Санжар деган шахс туғрисида гапирди.

– Хуш?!

– У Толиповага арзон нархда куп миқдорда тилла буюмлар топиб беришга ваъда қилиб, пул олган эмиш.

– У ўша пул олган шахснинг аниқ манзили, исм, фамилиясини айтдимми?

– Фақат исмини айтди.

– Бу фирибгарнинг оддий баҳонаси бўлса-чи?

– Унақага ўхшамайди.

– Нима демоқчисан?

– Ахир ўша Санжар шунча тилла буюмларни қаердан олган бўлиши мумкин?

– Сен нима деб ўйлайсан?

– Икромовнинг уйида содир этилган талончиликни шулар содир қилган бўлса-чи?!

– Бунинг тагига етишга ҳаракат қилиб кўришимиз керак.

– Қандай қилиб?

– Собиржон, сен шундай бир иш қилгинки, ўша аёл ишонсин. Уни эса кузатувга ол.

– Хўп.

Эртаси куни Толиповани олиб келишди.

– Хуш, Толипова бугун ҳам кечаги гапларингизни такрорлайсизми ёки айбингизни бўйнингизга оласизми? – деди Собиржон.

– Қанақа айб, кеча сизга ҳаммасини айтиб бердимку. Пуллар Санжар деган йигитда. У пулларни менга бериши билан эгаларига қайтараман.

– Толипова, сиз прокуратура терговидасиз, мени алдамоқчи бўляпсизми?

– Ўлай агар, гапим тўғри.

– Агар гапингиз тўғри бўлса, ҳозир сизни қўйиб юборсам, пулларни олиб кела оласизми?

– Олиб келсам, мени бутунлай қўйиб юборасизларми?

– Агар сиз жабрланувчиларнинг пулларини қайтариб бериб, уларни рози қилсангиз, сизни қамоқда сақлаб ўтиришнинг нима кераги бор.

- Ҳаммасини қайтара олмасам-чи?
- Уриниб кўринг. Ҳаммасини жой-жойига қўйиш керак.
- Ундай бўлса ҳаракат қилиб кўраман.
- Фақат эрталабгача рухсат, билиб қўйинг, мен сизга ишондим-а.
- Албатта.

### Талончилар

Кузатувдаги Толипова прокуратура биносидан чиқиши билан Санжарнинг уйига борди. Уни уйда «йуқ» дейишди, шекилли, дарров қайтиб чиқди. Ошхонада тамадди қилиб, икки соатлардан кейин яна Санжарнинг уйига борди. Бу сафар ҳам уйга кирмасдан остонадан қайтди. У Санжарни кутишга қарор қилди, шекилли, кўздан панароқ бир жойда ўтириб олди. Ниҳоят кечга яқин у пойлаб ўтирган уйга бир йигит кириб кетди. Толипова югуриб унинг кетидан кирди. Жувоннинг ичкарига кирганига беш дақиқа ўтмай, фуқаро кийимидаги милиция ходимлари ҳам киришди. Кутилмаган вазиятдан саросимага тушиб қолган Толипова:

- Кимсизлар, сизларга нима керак? – деди.
- Улардан бири ҳужжатини кўрсатиб:
- Биз билан юринглар, – деди.
- Мени кузатаётган экансизлар-да?
- Сиз айтган Санжар деган йигит шу бўладими?
- Ҳа, шу...
- Мен сизга «Айтманг» дегандим-ку, Барно опа.
- Мен айтмаганман, ўзлари кузатиб юришган экан.
- Аҳмоқ бўлиб, терговчига ишониб юрибман-а!
- Иккалангиз ҳам биз билан юринглар. Ҳаммасини ўша ерда ҳал қиламиз.
- Пулларимни қайтариб олмоқчи бўлиб турувдим, бирпас шошманглар, ахир.
- Майли, пулларни ҳам олиб юринглар.

– Пулларни берганимдан кейин, у ёққа бориб нима қиламан, ҳисоб-китобимиз тўғри бўлади-ку? – деди Санжар кўзлари олазарақ бўлиб, утирганича ўрнидан турмасдан.

– Кетдик, бир-икки саволга жавоб бериб қайтасан, деб унинг қўлтиғидан кўтарди милиция ходими.

– Сенга неча марта айтдим, қулоғингга кирмади, Анвардан узоқроқ юр деб, мана оқибати. Энди сени ҳам қамаб қўйишади-ку, – деб Санжарнинг онаси эшикка суяниб турганича йиғлар эди.

– Анвар деганингиз ким?

– Ўтириб чиққан битта жувонмарг бор, боламни ўз ҳолига қўймайди.

– Ойи!

– Хавотир олманг, унинг айби бўлмаса, қўйиб юборамиз.

– Кошкийди, шундай бўлса...

Санжарни Собиржоннинг хонасига олиб киришлари билан:

– Мен Барно опанинг ҳамма пулларини қайтариб бердим, энди мени қўйиб юборишларингиз керак, бошқа нарсани билмайман, – деб тинмай гапирарди.

Собиржон унга бир оз қараб туриб:

– Ўтириб, ўзингизни босиб олинг-чи, – деди.

– Раҳмат, – Санжар стулга ўтирди.

– Исмингиз, фамилиянгиз?

– Маҳмудов Санжарман.

– Толипова Барнодан олган пуллар қанақа пуллар эди?

– Пулдақа пул-да!

– Бу пулларни ундан нима учун олган эдингиз?

– Бунинг нима аҳамияти бор, пулларни қайтариб бердим-ку?

– Аҳамияти бўлмаса сўрамасдим, хўш, нима учун?

– Унга бир-иккита нарса топиб бермоқчи эдим?

– Қанақа нарса, номини айтинг, нима учун «Тилла буюмлар», деган сўзни айтмаяпсиз?

- Барно опа ҳаммасини айтибди-да.
- Сиз унга қанча миқдорда, нечта дона тилла буюмлар топиб бермоқчи эдингиз?
- Мен буни билмайман.
- Билмасангиз қандай қилиб бировдан пул олдингиз? Ўзингиз сотмоқчи бўлган тилла буюмларни кўрганмидингиз?
- Йўқ. Фақат менга... менга кўп миқдорда, дейишган эди.
- Ким?
- Буни айта олмайман.
- Нима учун?
- У одам менга бу ҳақда «Бировга айтсанг, ўласан», деган.
- У одам сенга тилла буюмларни сотиш учун харидор топ, деганми?
- Ҳа, харидор топганингдан кейин, наржини айтиб, сенга бераман, мени аралаштирмай ўзинг пуллайверасан, деган.
- Қанчасини сотдингиз?
- Ҳеч қанча, чунки мен харидор топиб келсам, у тилла буюмларни Уфага бериб юборибди.
- У харидордан пулини олиб тур, деганми?
- Йўқ, мен пулларни қайтаргим келмай, мабодо у ёқда сота олмасалар, ўзим сотаман, деб ўйлаган эдим.
- Тушунарли, танишингиз тилла буюмларни қаердан олган экан, билмадингизми?
- Йўқ.
- Бу нарсалар ўғирлик бўлса-чи?
- Билмадим...
- Сиз, танишингизнинг исмини айтмоқчи эмассиз?
- Айтишга кўрқаман.
- Ўғирликда айбланиб, қамалишдан кўрқмайсизми?
- Мен ўғирлик қилганим йўқ-ку.
- Лекин сиз ўғирлик қилган кишини била туриб, унинг кимлигини айтишдан бош тортяпсиз. Бу ўғирликка шериклик ҳисобланади.

– Мени қамамоқчимисиз?

– Ўша тилла буюмларни сотмоқчи бўлган танишингизнинг исмини, манзилини айтмасангиз, бошқа иложимиз йўқ.

– Фақат, мен айтганимни билмаслиги керак, илтимос айтманглар.

– Хўп, ундан нима учун бунча қўрқасиз?

– Улар ҳар бало қилишлари мумкин...

– Улар қўпчиликми?

– Улар тўртта, бирга юришади.

– Исmlарини айтинг-чи.

– Фақат Анварнинг манзилини биламан, бошқаларининг қаерда яшашини билмайман. Харик дегани бор. Яна бири Толик, кейин Фарид.

– Улар, ҳозир ҳам Анварникига келиб туришибди-ми?

– Менимча, Уфага учаласи ҳам кетишган, кўринмай қолишди.

Собиржон улар тўғрисида керакли маълумотларни ёзиб олиб:

– Санжар, энди сиз кетаверишингиз мумкин, лекин бизнинг суриштирганимизни ҳеч кимга айтманг, тушундингизми?

– Тушундим.

Шу кун кечаси Анвар қўлга олинди. У исми, фамилияси, илгари ўғирлик қилиб, судланганидан бошқа ҳеч нарса ҳақида гапирмади. Мана уч кундан бери қанча сўроқ қилинмасин, ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтишдан наруга ўтмади.

Шу уч куннинг ичида Собиржон Санжар айтган Фаридни қидириб топди. Ота-онаси унинг Анвар исмли ўртоғи борлигини, Уфада кичик ўғли яшашини айтишди. Фарид ҳозир тоғасиникида эканлигини маълум қилишиб, унинг манзилини беришди. Улар Фариднинг қилмишидан мутлақо беҳабар эдилар.

Фаридни қўлга олиш учун Уфага гуруҳ жўнатилди. Уфа ИИБ ходимларининг ёрдами билан Фарид, Харик



на Толикни ҳам қўлга олишди. Улар сотиш учун мулжаллаб олиб кетган тилла буюмларни кўрсатишга мажбур бўдилар. Бу ерда нафақат тилла буюмлар, балки Икромовникидан ўғирланган қимматбаҳо нарсаларнинг деярли ҳаммаси бор эди.

Жиноятчилар Ўзбекистонга боши эгик ҳолда келишди.

Собиржон Фариддан:

– Бу нарсаларни қаердан олгансизлар? – деб сўради.

– Ўртоқларим билан бозорда айланиб юрган эдим. Нотаниш бир киши «Ҳозир менга пул зарур бўлиб турибди, шунинг учун сизларга мана шуларни арзон нархда сотаман», деди. Учаламиз пулларимизни қўшиб, шу нарсаларни сотиб олдик.

– Шунча нарсани сотиб олиб нима қилмоқчи эдингизлар?

– Уларнинг қиммат эканлиги кўриниб турарди. Сотиб анча пул ишламоқчи эдик.

– Нимага сотмадингизлар?

– Ўзимиз ўйлаган нархда сотолмадик. Уфада яхши кетса керак, деб ўйладим.

– Ҳуш, сотдингларми?

– Йўқ, ҳали бозорга олиб чиқмаган эдик.

– Лекин буларнинг ҳаммаси Абдували Икромовнинг уйидан талончилик йўли билан олиб кетилган нарсалар эканлигига нима дейсан?

– Менинг бундан хабарим йўқ.

– Анварни танийсанми?

– Қамалиб чиққан Анварми?

– Ҳа.

– Танийман, уйдагилар унинг билан ўртоқ бўлишимни хоҳлашмайди. Шунинг учун кам кўришамиз.

Собиржон Харик билан Толикни сўроқ қилганида ҳам худди шундай жавоб олди. Демак, мабодо қўлга тушсалар, айтиш керак бўлган гапларни келишиб олишган, ўйлади Собиржон.

Анварни яна терговчининг олдига олиб келишди.

– Бугун сиздан ҳеч нарса сўрамайман, – деди Собиржон ўзини бамайлихотир тутиб.

– Ниҳоят, жинойт қилмаганимга ишонч ҳосил қилиб-сиз-да?

– Аксинча, Уфага кетган шерикларингиз ҳаммасини айтишди.

– Қанақа шерик тўғрисида гапиряпсиз, тушунмадим?

– Харик, Толик, Фаридлар тўғрисида...

Собиржон Анварнинг ранги оқариб кетганини сизди. У ўзини Анварга эътибор бермагандай кўрсатиб, қоғозларни тартибга келтира бошлади. Анвар эса безовталанар, ўз ёғига ўзи қовурилаётганидан асабийлашарди.

– Мендан сўрайдиган нарсангиз бўлмаса, нимага бу ерга олиб келдингиз? – деди.

– Улар ҳеч нарсани сотишга улгуришмади. Шерикларингизни олиб кетган нарсалари билан биргаликда қайтариб келишди.

– Қанақа нарсалар ҳақида гапиряпсиз, тушунмаяпман?

– Тўртта олмос кўзли билакузук, саккизта тилла узук... Ундан ташқари Японияда ишлаб чиқарилган магнитофон...– Собиржон кўлидаги қоғоздан бош кўтармай ўқий бошлади.

– Менинг бу нарсаларга нима алоқам бор? – деди қўллари қалтираб Анвар.

– Ана, кўрдингизми, бугун сиз савол беряпсиз, мен эса жавоб... Икромовнинг уйидаги талончиликка уларни сиз ундагансиз. Марҳум Икромовнинг оғзига латтани ҳам сиз тикқансиз. Жабрланувчининг нафаси қайтиб, бўғилиб ўлган.

– Ёлғон.

– Энди сиз одам ўлдириш жинойти, улар эса фақат ўғирлик жинойти билан айбланадилар. Яна сизнинг гарданингизга уюшган жинойтга раҳбарлик қилиш моддаси ҳам қўшилади.

– Ёлгон, латтани унинг оғзига Толик тикқан, мен фақат хотинининг қўлини боғлаганман.

Анварни олиб чиқиб кетишишди. Собиржоннинг ишини кузатиб ўтирган Абдулла ака мамнун бўлиб:

– Баракалла, Собиржон, пишиққина терговчи бўлиб қолибсан, – деди.

– Раҳмат, Абдулла ака, сизнинг маслаҳатларингиз-сиз ҳеч нарса қила олмасдим.

– Сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

– Марҳамат.

– Сен аввалги тўртта йигитни биринчи сўроқ қилиш-даёқ айби йўқлигини қандай қилиб билдинг?

– Буни сездим холос, сезгиларим эса ҳеч қачон алдамайди...

– Шунақами? – деди Абдулла ака жилмайиб.

\* \* \*

Фаррух дадасининг ҳикоясини диққат билан эшитди.

– Дада, ўша Собиржон исмли терговчи йигит бўлмаса, талончиликда айбланиб, қамалиб кетаркансиз-да? – деди.

– Ҳақиқат ҳамиша қарор топади, ўғлим. Собиржонга ўхшаган ҳалол инсонлар уни тезлаштиришади, холос.

– Олийгоҳни тугатганимда кейин, ўша Собиржон акага ўхшаган терговчи бўлишни жуда хоҳлардим.

– Орзуингга етишингга ишонаман, ўғлим.

## НАФИС НОМЛАНГАН ЁВУЗЛИК

*Яхшилик қилиш қанчалар қийин бўлса,  
тубанликка юз туттиш шунчалар осон.*

*Ал- Мааррий Абул Ала.*

### Тилшунос

Ишга шунғиб кетган катта терговчи Собир Мирзаевнинг диққатини «Нимага ўлдиришади, нима учун, ахир у ҳеч кимга, ҳатто, ҳеч нарсага озор бермайдиган аёл эди-ку?», деган эркак одамнинг йиғлаб гапирган овози бўлди.

– Сизнинг олдингизга келишган экан, – деб навбатчи уни қолдириб чиқиб кетди.

– Ўтириб ўзингизни босиб олинг, – деди Собиржон дағ-дағ титраб йиғлаётган йигитга сув узатаркан. – Нима гап, бир бошдан сўзланг-чи?

– Мен, Асқар Туробовман, телевидение орқали берилган хабар бўйича келгандим. Канализация қудуғидан топиб олинган мурда амакимнинг қизи Мунира опамнинг мурдаси экан. Инсон боласи қилиши мумкин бўлмаган бу ваҳшийликни ким қилиши мумкин?

Мунира Туробова 32 ёшида, ёлғиз она, 8 яшар қизи бор, шу шаҳарда яшаган, инглиз ва рус тилларини яхши билган. Санкт-Петербургда қайсидир бир фирмада вақтинча ишлаб юрган. Шахси аниқланмаган мурда туғрисида Собиржон ниҳоят дастлабки маълумотларга эга бўлди ва яна бирор нарса аниқлаш илинжида Туробовга саволлар бера бошлади.

– Мунира Туробованинг сиздан бошқа яқинлариям борми? – сўради терговчи.

– Унинг мен билан қизидан бошқа ҳеч қандай қариндоши йўқ. Ота-онаси ўлиб кетишган, ўзи ёлғиз қиз эди. Мен ҳам ёлғиз ўғилман, уни туғишган опамдан ҳам яхши кўрардим...

– Марҳума Санкт-Петербургдан қачон келган эди?

– 5 март куни келган эди. Мен эртаси куни ишга чиқиб кетдим. Узоққа қатнаб, ўз шахсий машинада киракашлик қиламан. 2 кундан кейин келиб, Мунирани сўрасам, хотиним «Тошкентга бориб келадиган ишим бор деганди», деди. Биз уни Тошкентга кетган деб ўйлагандик.

– Марҳуманинг қизчаси қаерда?

– Мунира Санкт-Петербургга кетаётганда қизи Ноилани бизнинг тарбиямизга ташлаб, «Менинг уйимда яшаб, қизимга қараб туриналар», деб илтимос қилган эди. Шундан бери у биз билан туради.

– Мунира сизга ёки хотинингизга ким биландир келишмай юрганини ёки катта миқдорда пул олдибердиси борлигини ёки ишлаётган фирмасида қандайдир нохушликлар борлиги ҳақида гапирмаганмиди? – сўради Собиржон.

– Йўқ, бунақа нарсалар ҳақида гапирмаганди. Кайфияти ҳар доимдагидек жуда яхши эди, – деди Асқар. У Собиржондан жиноятни тезроқ очишни илтимос қилиб, қандай ёрдам керак бўлса тайёр эканлигини айтиб, чиқиб кетди.

Прокуратура ходимларининг тинимсиз меҳнатлари, сўраб-суриштиришлар, милиция тезкор гуруҳининг ҳаракатлари ўз натижасини берди. Мурда топилган жойга яқин жойлашган 14-қурилиш ташкилотида навбатчиликка тушган қоровул 6 мартдан 7 мартга ўтар кечаси соат 2-3 ларда маҳалладоши Рашид Валиев сув сўраб олдига келганини, унга «Фанта»дан бўшаган идишга сув солиб берганини айтди. Бу Туробованинг ўлдирилган вақтига туғри келарди. Собиржон ишни Валиевнинг шахсини аниқлашдан бошлади, унинг ўғирлик жинояти учун 3 йил қамалиб чиққанлиги маълум бўлди.

Рашид Валиев 30 ёшида, 2000 йилда жаҳон тиллари олийгоҳининг япон тили факультетини тугатган, уйланмаган. Онаси билан туради. Ҳозирги пайтда те-

мир йўл вокзалида юк ташувчи бўлиб ишлайди. Ундан Мунира Туробова ҳақида сўралганда ундай одамни танимаслигини, уни ким ўлдирганини ҳам билмаслигини, ўзи ҳам ўлдирмаганини айтиб туриб олди. Уйини тинтув қилинганда шимининг чўнтагидан битта тилла узук топилди. «Узук кимники», деган саволга «Узукни топиб олганман», деб жавоб берди. Собиржон узук балки Мунира Туробовага тегишлидир, деб ўйлаб прокуратурага Асқар ва унинг хотинини чақирди. Улар келишди ва ҳақиқатан ҳам узук Мунираники эканлигини айтишди. Эр-хотин иккаласи ҳам «Рашид Валиевни танийсизми», деган саволга «Йўқ», деб жавоб беришди. Валиев гумондор сифатида 2 кун қамоқда ушлаб турилгандан кейин сўроқ қилинганда терговчининг:

– Мунира Туробованинг узути сизда қандай пайдо бўлиб қолди? – деган саволига:

– Мен уни топиб олдим, бошқа нарсани билмайман, – деб жавоб берди.

– Валиев Мунира Туробова ўлдирилган кечаси мурда топилган жойга жуда яқин ерда сизни кўрган гувоҳ бор, ундан ташқари чўнтагингиздан марҳуманинг узути топилди. Сиз ёлгон кўрсатма берсам қутулиб кетаман, деб ўйлаб ҳам ўтирманг, унда ишни янада оғирлаштирасиз. Сиз Туробовани нима учун ўлдирдингиз, ёнингиздаги шеригингиз ким эди? Ҳаммасини рўйи-рост гапириб берсангиз ўзингизга анча енгиллик бўлади.

– Мен ҳаммасини айтиб бераман, фақат илтимос, менга ишонинглар... – деб йиғлай бошлади Валиев.

– Хўп, фақат тўғрисиани гапиринг – деди Собиржон.

– Мен 6 мартдан 7 мартга ўтар кечаси ишдан чиққандан кейин озгина ичган эдим. Тўйиб ичгим келди, лекин пулим йўқ эди. Уйга ҳам боргим келмади. Чамаси соат 2 лар эди, мен пиёдалар учун мўлжалланган зинапоялардан баландга чиқиладиган куприкнинг устида турсам, бир аёл ўтиб қолди. Олдига чиқиб пул сўрадим, у кўрққанидан мени итариб юбориб, қочиб

кетмоқчи бўлди. Оёғини зинапояга қўяман, деб нотўғри ташлаб юборди, шекилли, думбалоқ ошиб, пастгача думалаб кетди. Мен ёрдам бера олмай қолдим. Тушиб қарасам, пастда бошидан қон оқиб ётган экан. Томирини ушлаб кўрсам ўлиб қолибди. Унинг бўйнидаги занжири ва қўлидаги узугини ечиб олдим, кетаётиб ўйландим, «Мурданинг ҳамма ёғида бармоқ изларим қолди, буни кўриб, мени ўлдирган деб ўйлашади, мурдани йўқотишим керак». Атрофда ҳеч ким йўқ эди, бундан фойдаланиб, уни 100 метрча узоқликда жойлашган канализация қудуғигача судраб олиб бордим ва ташлаб юбориб, қопқоғини бекитиб қўйдим. Кейин қон изларини йўқотишим керак, деб ўйлаб, кўча бурилишида жойлашган бино олдида сув жўмраги борлигини кўрдим. Панжарадан ошиб тушсамми, деб турганимда қоровул чиқиб қолди, у бизнинг маҳаллада яшайдиган қўшнимиз экан. Мени таниб «Шу маҳалда нима қилиб юрибсан? Ичкилик сени адоёи тамом қилибди-ку», деб койиди. Мен сув сўрадим. У «Фанта»дан бўшаган идишга сув қуйиб, панжарадан узатиб юборди. Мен сув билан қон изларини йўқотишга ҳаракат қилдим, устидан тупроқ сепдим. Тонгга яқин уйга бордим...

– Сиз шунча ишни битта ўзим қилдим демоқчимисиз?– сўради терговчи.

– Ҳа, битта ўзим. Ўғирлик қилдим, мурдага ҳурматсизлик қилдим, лекин қотил эмасман, ўлай агар, менга ишонинглар, ишонинглар ахир! – деб талвасага тушиб, бақира бошлади Валиев.

– Сиз шунча иш қилгунингизча кўчадан битта ҳам одам ўтмадими?

– Икки йигит ўтиб кетди, мен ўзимни мастликка солиб турдим, улар эътибор бермай ўтиб кетдилар.

– Мурдадан олган занжирни нима қилдингиз?

– Эртаси қуни уни сотиб, ичдим.

– Бечора аёлнинг ўлимига сабаб булганингиз етмагандай, унинг тақинчоқларини ечиб олишга қандай

қўлингиз борди, озгина бўлса ҳам виждонингиз қийналмадими? – деди Собиржон, тубанликка юз тутганбу кимсага бундай савол беришдан ҳеч қандай наф йўқлигини билса ҳам, ўзини тута олмаган ҳолда бақриб.

– Олишга қўлим бормаганди, лекин эртага ичишга пулим йўқлигини ўйлаб, олишга мажбур бўлдим... – деган жавоби унинг ичкилик туфайли бутунлай одамийлик қиёфасини йўқотганлигини билдирарди.

– Фарҳоджон, суд-тиббий экспертиза ҳулосасига кўра Туробова қандай жароҳат натижасида вафот этган? – ўзи буни куриб чиққан бўлса ҳам нима учундир яна бир марта Фарҳоддан такрорлашни сўради Собиржон.

– Марҳума бошига тўмтоқ нарса бир неча марта урилиши ва қулоғининг орқасига қаттиқ нарса урилиши билан боғлиқ жароҳат натижасида ўлган. Спиртли ичимлик ҳам истеъмол қилган экан. Шунинг учун ҳам зинапоядан думалаб кетаётганда ўзини ўнглаб ололмаган бўлса керак, – деди Фарҳод ва қўшиб қўйди, – агар Валиевнинг сўзлари рост бўлса...

– Юринг, Фарҳоджон, суд-тиббий экспертиза ҳулосасида кўрсатилган жароҳатни, воқеа содир бўлган жойда олиш мумкинми эканлигини ўша ерга бориб аниқлаймиз.

– Кетдик, – деди Фарҳод.

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечираркан Собиржон:

– Бир оз ғалатироқ... лекин яна нима бўлган бўлиши мумкин? – деди.

– Марҳума спиртли ичимлик ичгани учун ўз мувозанатини сақлай олмай, ҳар бир зинага боши урилиб, қулоғининг орқаси зинапоянинг қиррасига теккан бўлиши мумкин, – деди Фарҳоджон.

– Бўлиши мумкин...

Собиржон Рашид Валиевга тергов ишлари тамом бўлганлигини билдириб, айбланувчини иш материал-



лари билан таништириш учун қамоқхонага борди. Айбланувчининг онаси учрашувга келганлигини айтишди.

Собиржон уларнинг учрашувини кузатиб ўтирди.

– Озгина бўлса ҳам фойданг тегиб турганди, энди мен нима қиламан? Сенинг бу жиноятингга ким билди неча йил беришади, унгача мен ўлиб кетаманми, ўлигимни ким кўмади?!– деб йиғларди Рашиднинг онаси Маъмура Валиева.

– Сиз Ҳамиднинг оддига боринг, у укамдай бўлиб қолган, албатта ёрдам беришади. Шу пайтгача «Хокку»нинг ҳурматини сақлаб келдим-ку, ахир...

### Она ўрнаги

Собиржон Рашид Валиевнинг жиноят иши терговини тамомлаб, судга юборган бўлса ҳам, шу ишдан кўнгли тўлмагандай, қаердадир хато қилгандай бўлиб туюларди. У уйида кечки овқатга ўтирганида ҳам халёи шу иш билан банд эди. Ўзи билмаган ҳолда беихтиёр «Хокку, хокку... хоккунинг ҳурматини сақлаб келдим...» – деб овозини чиқариб айтиб юборди. Чой келтириб, пиёлага қуяётган Азиза буни эшитиб:

– Ҳа, дадаси, тинчликми, япон шеърияти оилан қизиқиб қолибсиз? – деди кулиб.

– Буни шеърятга қандай алоқаси бор? – ҳайрон бўлиб сўради Собиржон.

– Япон поэзиясида хокку услуби бор, бунда 3 мисра шеър бўлиб, биринчисида воқеа бошланади, иккинчисида ривожланади, учинчи мисрада тугайди.

– Демак «хокку» уч мисра...учлик...дегани экан-да. Буни сен қаердан биласан?

– Адабиётчиман-ку, эсингиздан чиқдим, масалан:

**Трехстишия (хокку)**

*Цветы увяли*

*Сыплются, падают семена*

*Как будто слезы...*

Шунақа ёзилган русчасини ўқигандим, овқатни сузиб келаверайми? – деб Азиза ошхонага кириб, овқат сузаркан, Собиржон эшитмай қолмасин, деб овозини баланд қилиб хокку ҳақида тинмай гапирарди.

– Дадаси, биласизми, яқинда газетада бир шеър ўқиб қолдим, буни хокку услубида ёзилган деса бўладими-йўқми, билмайман, аёл киши ёзган экан, исми эсимдан чиқибди, мана эшитинг, эсимда қолганини айтаман:

*Мен соғиндим дея олмайман,  
Назаримда бу оддий бир сўз  
Кўргим келар соғинчим ҳадсиз.*

– Худди шундай учликлар давом этган, эсимда қолгани шу, холос. Ўзи сизни хокку нима учун қизиқтирган эди, дадаси? – деб Азиза овқат кўтариб келса, Собиржон жойида йўқ.

– Ие, дадаси қаерга кетдингиз? – деб ташқарига қараганида, машина турган жойида йўқлигини кўриб, Собиржоннинг кетиб қолганини билди.

\* \* \*

Собиржон йўлда кетаркан, «балки эртага эрталаб бошласам бўлармиди шу ишларни, деб ўйлади. Йўқ, эртага қолдиришнинг асло иложи йўқ. Наҳотки, улар одам ўлдириб қўйиб, бемалол озодликда юришибди! Ҳа, Рашид Валиев бизни чув туширмоқчи бўлибди-да. Агар сезгиларим алдамаса, уларнинг ҳатто бир кечаям озодликда қолишга ҳақлари йўқ! Хатоимни ҳозироқ тузатаман!

– Фарҳоджон, тайёр бўлиб туринг, олиб ўтаман, – деди телефонда Собиржон.

– Шу маҳалда-я, тинчликми, Собиржон ака?

– Ҳаммасини йўлда тушунтираман, майлими.

– Хуп.

Улар Маъмура Валиева эшигининг қўнғироғини босишди. Маъмура опа ким деб сўрамасдан ҳам эшикни очди, ундан ароқ ҳиди гупиллаб келиб турарди.

– Ўғлим қамалиб кетди, аламимдан ичиб ўтирибман. Сизларга нима керак, нега келдинглар?

– Безовта қилганимиз учун узр, Маъмура опа, менга Рашиднинг ўртоғи Ҳамиднинг манзили керак бўлиб қолди, илтимос айтинг, – деди Собиржон.

– Нимага, у ҳам жинойт қилибдими?

– Йўқ, Рашиднинг илтимоси бор эди, шунини айтиб қўймоқчи эдик.

– Ҳа, шунақами, «Шалола» дўконининг ўнг тарафидаги кўп қаватли бинонинг 19-уйида яшайди, хонасининг рақами эсимда йўқ, бўлдимми?! – деб эшикни бекитиб қўйди.

Рашид 5-синфда ўқиб юрганида дадаси автоҳалокат туфайли вафот этганди. Эрининг ўлиmidан кейин Маъмура опа ёмон йўлга кириб кетган, кўп ичадиган бўлиб қолганди, буни Собиржон эшитгани учун унинг аҳволидан ҳайрон қолмади. Рашид ёшлигида қобилиятли бола бўлгани учун қийналмай жакон тиллари олийгоҳига ўқишга кирди, унга амакиси олийгоҳни тугатгунча ёрдам бериб турди, кейин амакиси ҳам вафот этиб кетди. У олийгоҳни тугатиб, икки йил ҳам ишлай олмади, чунки у ҳам онасига ўхшаб ичмаса туролмайдиган бўлиб қолганди. Ичишга пули қолмаганда ўғирлик қила бошлади, онасига эса ўғли пулни қаердан топаётганининг фарқи йўқ эди. 3 йил қамалиб чиққандан кейин эса бутунлай тубанликка юз тутди.

## Сўқир

Асқар Туробовнинг онаси Дилбар опа ақл-фаросатли, зиёли аёл, эри ўғли гўдаклигида ўлиб кетган бўлса ҳам фарзандим ўксимасин, деб бошқа турмуш қурмади. Асқар олий маълумотли, оққўнғил, ишонувчан йигит бўлиб ўсди. Замира исмли қизни яхши кўриб,

уйланаман деб туриб олди. Дилбар опа қизнинг оиласини унча ёқтирмаган бўлса ҳам, ўғлим хафа бўлмасин, деб орзу ҳавас билан уйлантириб қўйди. Дилбар опа Замирага худди ўз қизидек муомала қилишга ҳаракат этар, лекин келин арзимаган нарсага ҳам қовоқ-тумшуқ қилиб олар, Дилбар опанинг ораста, саранжом-сариишта яшаши унга ёқмас, атайлабми ёки ўзи ифлос яшаб ўрганганиданми, пала-партиш иш қиларди. Эрининг ишонувчанлигидан фойдаланиб, қайнонасини ёлғон сўзлар билан ёмонлар, ўзини жуда эзилган, ҳақоратланган қилиб кўрсатар эди. Асқар онасига қаттиқроқ гапирса қувончи ичига сиғмас эди. Бир йилдан кейин Дилбар опа неварали бўлиб, уни еруқуқка ишонмай соғлом ўстиришга ҳаракат қилса, бу ҳам Замирага ёқмади. У ҳеч тап тортмасдан «Бола меники бўлганидан кейин ўзим хоҳлагандай ўстираман, сиз умуман аралашманг!»— деди. Асқар ишдан келиши билан «онангиз мени сиғиштирмаяпти, ортиқ чидай олмайман, агар алоҳида уй топиб чиқмасак боламни олиб онамникига кетаман», деб туриб олди. Қизчасини жонидан ортиқ яхши кўрадиган Асқар ўйлаб ҳам ўтирмасдан онасига:

– Сиз Замирани сиғиштирмаётган экансиз, биз алоҳида чиқмасак барибир тинч яшай олмаймиз, – деди.

Дилбар опа ўғлига ҳақиқатни тушунтиришга ҳаракат қилди, лекин у хотинига кўпроқ ишонишини айтди. Дилбар опа ўғлига жуда ачинди, лекин қўлидан ҳеч нарса келмади. Майли, ўғлим бахтли бўлса бўлди, деб бир умрга оз-оздан йиққан пулларига икки хонали квартира сотиб олиб, алоҳида чиқарди.

Асқар лабораторияда ишларди, маоши оилани боқишга бемалол етса-да, бу Замирани қониқтирмади. У қайнонаси олиб берган уйни сотиб, машина олишга эрини кўндирди.

– Ўзимизнинг машинада узоққа қатнаб, киракашлик қилсангиз каттагина пул топасиз, кейин пул йиғиб ўзимизга уй сотиб оламиз, – деб маслаҳат берди.

– Уйни сотсак қаерда яшаб турамыз? – суради Асқар боши қотиб.

– Ойимларнинг олдларига яна кўчиб борамиз. Ўзи ойим бечора оғир ишларини қўшниларга илтимос қилиб қилдираётганларини эшитиб, раҳмим келиб юрибди. Улар ҳам хурсанд бўладилар, – деди муғомбирлик билан Асқарни авраб.

Улар қайнонасининг уйига яна кўчиб келгандан кейин ҳам Замира Дилбар опани ёмон кўришда давом этди. Дилбар опа бир куни овқатдан кучли заҳарланиб, касалхонага тушиб қолди. 10 кун даволаниб, зўрға бир ўлимдан қолди. У бу ишни ким қилганини билса ҳам ўғлига айтмади. Чунки, у барибир ишонмасди, бировларга айтишга эса ор қиларди. Дилбар опанинг боши қотиб қолганди. Шу орада марҳум қайноғасининг Санкт-Петербургда ишлаб юрган қизи Мунира уйига қараб туриш учун одам излаётганини айтиб қолди. Буни эшитган Замира дарров:

– Опажон, ҳозирги пайтда бегонани уйга киритиб бўлар эканми, мана ўзимиз қараймиз, Ноилани ташлаб кетсангиз унга ҳам қарайман, – деди хурсанд бўлиб.

– Ноиланинг мактаби нима бўлади, деб турувдим, уйда яшасанглр мен ҳам беҳавотир юраман, жуда яхши, – деди Мунира қувониб.

– Мен кейинги ойдан ишга жойлашмоқчи бўлиб турувдим, агар сиз фақат Ноиланинг тарбияси билан шуғуллан десангиз, майли ишга бормай қўя қоламан, бунинг учун ойига 50 долларча берсангиз етади, – деди Замира юзсизлик билан.

Бу Мунирага қаттиқ ботса ҳам, майли, қизимга яхши қараса бўлгани, деб кўнди. Улар Муниранинг уйида яшай бошлагач, Замира укаси Ҳамидни ҳам ёнига кўчириб олиб келди. Замира Муниранинг Асқар ва қизи Ноиладан бошқа ҳеч кими йўқлигини биларди. Бир куни у укасига:

– Биласанми, Муниранинг отасидан қолган 4 хонали уйи бўлиб, уни ижарага бериб қўйишган экан, яна дукониям бор экан. Қара, бир бошига шунча мол-мулк...

– Бизда бўлса уларнинг биттасиям йўқ. Ота-онамиз билан 3 хонали уйда тиқилишиб яшаб ўтирибмиз! – деди Ҳамид нолиниб.

– Бир нарсани ўйлаб юрибман... Қарасам, қайнонам деган жодугар ҳам ҳали-бери ўладиганга ўхшамайди. Овқатига қўшиб берган доримнинг ҳам фойдаси бўлмади, ўғли даволаттириб, тузатиб олди. Кампир бир нарсани сизди, шекилли, мени ёнига йўлатмай қўйди, фақат ўғли ва невараларини кўргиси келса чақиради, холос. Бир нарсани режалаштириб юрибману, лекин эплай оламизми, йўқми билмайманда...

– Нимани режалаштириб юрибсиз, опа, айта қолинг?– қизиқиб қолди Ҳамид.

– Фақат сен оғзингга маҳкам бўлишинг керак! – деди Замира овозини пасайтириб. – Мунирани Санкт-Петербургда келиши билан тинчитамиз, шунда унинг ҳамма бойлиги бизга қолади, чунки унинг поччангдан бошқа ҳеч кими йўқ. Қизи бўлса ҳали гўдак, мол-мулк даъво қиладиган ёшга етгунча у ҳам касал-масал бўлиб, ўлиб кетиши мумкин, – деди кўзини қисиб.

– Лекин бунга поччам кўнармикин, – деди Ҳамид.

– Калланг ишлайдими, аҳмоқ, буни поччангга билдириб бўларканми, унинг қанақалигини билмайсанми?! – деди Замира жаҳли чиқиб.

– Иккаламиз эплай олармиканмиз?..

– Мен ҳам шуни ўйлаб турибман. Сенинг ишончлироқ, шунақа ишлардан хабари бўлган танишинг йўқми, – сўради Замира. Ҳамид ўйланиб қолди ва:

– Бирга ишлайдиган, яқинда ўтириб чиққан биттаси бор, – лекин у кўп ичади, озгина нарсага рози бўлиши мумкин. Бироқ оғзидан гуллаб қўймасмикин, деб кўрқаман... – деди Ҳамид ишонқирамай.

– Ўзи ҳам шу ишга араллашиб қолгандан кейин гулламайди, мен айтган вақтимда уни олдимга олиб кел, – деди Замира.

– Қачонга режалаштирдингиз?

– Мунира келгандан кейин, поччанг узоққа кирakashликка кетган кечаси ишни амалга оширамиз. Поччангга «Мунира Тошкентда қиладиган ишларим бор эди», дея кетди, деб қўя қоламиз.

Мунира келгандан кейин Замира айтган вақтда Ҳамид Рашидни бошлаб келди. Замира унга режасини тушунтира бошлади.

– Пулини келишсак рози бўламан, – деди Рашид.

– Ҳозир бир қисмини, ишни бажаргандан кейин қолганини оласан, – деди Замира.

– Учлик бўларканмиз-да, биласизми, бу япон шеъриятида «Хокку» дейилади, – деди Рашид ишшайиб, у гап одам ўлдириш ҳақида кетаётганига эътибор ҳам бермасдан. Фақат қўлидаги пулга ичишни ўйларди, холос...

– Йиғиштир шеърят-периятингни, агар оғзингдан гуллаб қўйсанг, билки, тирик қолмайсан! – деди Замира пўписа қилиб.

– Опажон, мен бунга яхши тушунаман, мабодо қўлга тушсак ҳам бу ишда сотиш кетмайди, сиз ҳам тушуниб олинг! – деди Рашид ўзини малакасини пеш қилиб.

Улар кечқурун тайёр бўлиб туришга келишиб тарқалдилар.

6 март кўни кечқурун Замира яхшилаб стол безади, спиртли ичимликлар қўйди.

– Мунира опа кеча келган бўлсангиз ҳам, эсон-омон келганингизни яхшилаб нишонламадик. Келинг, опажон бир мазза қилайлик, – деб Замира Мунирани столга таклиф қилди. У ўтиришлари давомида Мунирага кўп қўйиб, уни маст қилишга ҳаракат қиларди. Муниранинг кайфи ошиб қолди. У ошхонага чиқиб совуткичнинг эшиги чизилганини, хона деворлари ҳам ифлос бўлиб кетганлигини кўриб жаҳли чиқди.

– Одамга ўхшаб яшашни билмас экансизлар, уйим-ни расво қилибсизлар! – деди.

– Сиз хафа бўлманг, ҳаммасини тозалаб, тузатиб қўямиз, – деб Замира унинг ёнига яқинлашаркан Ҳамидга ишора қилиб қўйди. Ҳамид кутилмаганда ошхона қозони билан Муниранинг бошига туширди, ширакайф жувон кучли зарбадан гангиб қолди. Кетма-кет урилган 2-3 зарбадан кейин у бемажол йиқилди. Ҳамиднинг олдиндан тайёрлаб қўйган болтанинг тўмтоқ тарафи билан қулоғининг орқасига уриши натижасида бечора Мунира ҳатто овоз чиқармасдан жон таслим қилди. Онасининг олиб келган совғаларини қучоқлаб олган Ноила энди онажонини кўра олмаслигини билмасдан ширингина ухларди. Мурдани йўқотишга ёрдамлашиш учун Рашидни чақирди. У Муниранинг қонга беланиб ётган мурдасини кўриб, сесканиб кетди. Замира ўликнинг бўйнидан занжирини ва қўлидан узугини ечиб олаётганини кўриб:

– Худди каннибалларга ўхшайсиз-а... – деди Рашид.

– Йиғиштир унақа гапларни, тезроқ ҳаракат қилинлар, болалар уйғониб қолмасин! – деб Замира унга узук ва занжирни узатди. Ҳамид билан Рашид мурдани эски наматга ўраб, кўтариб кетишди, уни 300 метрча узоқликдаги канализация қудуғига ташладилар. Ҳамид уйига тезда қайтиб кетди, Рашид эса келишилганидек ҳеч қандай из қолмаганига ишонч ҳосил қилгандан кейин уйига кетишини айтди.

Инсонийлик қиёфасини йўқотган бу кимсалар, ҳамма ишни ими-жимида қилдик, ҳеч ким билмади, мақсадимизга етдик, деб хурсанд эдилар. Улар кимки жиноят, гуноҳ қилса, бу дунёда содир этган жинояти учун қонуний жазога, у дунёда эса Яратганининг жазосига муқаррар маҳкум эканлигини хаёлларига ҳам келтиришмасди...



## Тилдан илдинди

Маъмура Валиеванинг айтган манзили буйича келиб, қўнғироқни босган Собиржон эшикни ким очганигини кўриб ҳайратдан қотиб қолди. Чунки у Асқарнинг хотини Замира эди! Собиржон бу ишларда унинг қўли борлигини тушуниб етди, лекин сир бой бермай, саломлашиб, Асқарни қидириб юрганини айтди. Шу пайт:

– Ким экан, опа? – деб бир йигит чиқиб келди.

– Поччангни қидириб келишибди, Ҳамиджон, – деди Замира йигитга қараб.

Рашиднинг ҳамтовоғи Ҳамид Асқарнинг хотини Замиранинг укаси экан-да! Наҳотки опа-укалар ва Рашид учлиги Мунирани ўлдирган қотиллар бўлса?!.. Собиржон хаёлига яшин тезлигида келган бу фикрни билдирмай:

– Мунира Валиеванинг жиноят иши терговини тамомлаб, ҳужжатларни судга юборяпмиз. Шунга айрим расмиятчиликлар учун Асқаржон керак эди, – деди.

– Улар эртага келадилар, бу манзилни қаердан билиб келдингизлар?– сўради Замира.

– Кўрсатилган манзилингизга борган эдик, у ердан ҳеч кимни топа олмадик, қўшнилاردан сўрасак шу ерни айтишди...– деди Собиржон сир бой бермай.

– Агар Асқаржон бўлмаса, сизнинг боришингизга тўғри келади, чунки тергов муддати бугун тугайди, – деди у Замирага қараб.

– Ҳеч нарсадан хабарим бўлмаса, мен нима қила оламан, – деди Замира ҳадиксираб.

– Бемаҳалда безовта қилганимиз учун узр, лекин бизни ҳам тушунинг илтимос, бу кичкина расмиятчилик, холос, хоҳласангиз укангизни ёнингизда олиб боринг, – деди Собиржон.

Замира бир оз ўйланиб туриб, кейин:

– Майли, борсам бора қолай, юр, Ҳамиджон...– деди ноилож.

Собиржонда Замира билан укаси Ҳамидни қотилликда айблагга ҳеч қандай асос бўлмаса ҳам кучли ички ишонч билан уларни сўроқ қилишга қарор қилди. Шунинг учун ҳам ута эҳтиёткорлик билан муомала қиларди.

Улар прокуратура биносига киришгандан кейин Собиржоннинг ишораси билан, опа-укани алоҳида хоналарга олиб киришди. Собиржон Замиранинг тикка турганини кўриб, ўтиришга таклиф этди:

– Марҳамат, ўтиринг.

– Раҳмат, бўла қолинг тезроқ, нима қилиш керак бўлса қилайлик, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди! – деди Замира норози оҳангда.

– Фарҳоджон, янглишмасам, Мунира Туробова ҳам худди шу маҳалда ўлдирилган эди, тўғрими? – деди Собиржон Фарҳодга қараб.

– Ҳа, тахминан шу вақтга тўғри келади.

– Сиз нима дейсиз, Замира, шунақа пайтмиди ёки сал кейинроқмиди? – деди Собиржон Замирага синчковлик билан тикилиб.

– Буни қаердан биламан, нимага буни мендан сўраяпсиз?! – деди Замира кутилмаган саволдан саросимага тушиб.

– Чунки, Мунира Туробовани сиз, укангиз Ҳамид билан иккалангиз ўлдиргансизлар, соат нечаларда ўлдирганларингиз эсингизда борми, деб сўраяпман! – деди Собиржон дангалига.

– Бу нима деганингиз, нима учун менга тухмат қиляпсиз, нима учун биз уни ўлдиришимиз керак экан?!

– Мен ҳам худди шуни билмоқчиман, нима учун Мунира Туробовани ўлими укангиз билан иккалангизга керак бўлиб қолди?!

– Уни Рашид ўлдирган-ку!

– Йўқ, уни Рашид ўлдирмаган, у мурдани йўқотишга ёрдамлашган, холос. Рашид Валиев бизга ҳаммасини айтиб берди. Биз «хокку»нинг, яъни учлигингизнинг

нима иш қилганини биламиз, фақат сиздан эрингизнинг амакисининг қизи Туробовани нима мақсадда ўлдирганингизни сўраяпман!

Собиржоннинг бундай босиқлик ва ишонч билан гапиришидан Замира ўзини йўқотиб қўйди ва шаллақилик қила бошлади:

– Устингиздан арз қиламан, мени алламаҳалда иш жойингизга олиб келиб, тўхмат қилишга, нотўғри айб қўйишга нима ҳаққингиз бор?! Терговчиман, нимани хоҳласам шуни қиламан, деб уйлайсизми, сизларниям текширадиганлар бор, кимлигимни кўрсатиб қўяман сизларга!

– Сиз бегуноҳ бир аёлни ўлдириб, кимлигингизни кўрсатиб бўлдингиз, ҳаммасини Валиев айтиб берди. Укангиз Ҳамид иккалангиз қотил эканлигингизни биламиз. Рашид қотилларни яширмай тўғрисиани гапиргани учун балки уни озодликка чиқаришимиз ҳам мумкин...

– Сотқин, ярамас ароқхўр, яна шунча пул сўрагани-чи! Замира Рашид сотиб қўйганидан азбаройи жаҳли чиқиб, беихтиёр айтиб юборган гапидан пушаймон бўлиб, оғзини бекитди, лекин энди кеч эди. Собиржоннинг усталик билан қилган ҳаракатлари қотил аёлни чув туширди.

– Энди яширишнинг, ёлғон гапиришнинг фойдаси йўқ, чунки Рашиднинг мурдани йўқотиши учун пул сўраганини айтиб қўйдингиз. Мунира Туробовани нима мақсадда, қандай қилиб ўлдирганингизни бир бошдан айтиб беришдан бошқа иложингиз қолмади!

– Сиз мени айбдор, деб ҳисоблаяпсизми?! Ҳеч қачон, мен айбдор эмасман, уни укам билан ўлдириб тўғри қилдик. Айтинг-чи, нима учун бизда ҳеч нарса йўқ, унда эса керагидан ҳам ортиқ!! Биз беш-олти одам 3 хоналик уйда тиқилиб яшаймиз-у, унда эса қизи иккаласи учун 3 хонали уй, бу ҳам етмагандек отасидан қолган 4 хонали уй ҳам бор. Қайнонам бўлса мени уйига киритишни истамайди! Сизнингча, мен шу ноҳақ-

ликка, инсофсизликка чидаб яшайверишим керакми-ди?!.. Айтинг!

\* \* \*

Замира ва Ҳамидни олиб кетишгандан кейин, Собиржон:

– Бутун вужудини кўролмаслик, ҳасад, ёвузлик эгаллаб олган бу аёл ўзининг кечириб бўлмас айбларини шу сўзлари билан оқлашга ҳаракат қилмоқчимми? Ваҳоланки, ҳеч қайси замонда, ҳар қандай жамиятда гаразли мақсадда қасддан одам ўлдиришдай оғир жиноятни кўрсатилган ҳар қандай важ оқлай олмаган-ку, ахир! – деди уйчан қиёфада.

– Албатта, бу аксиома, лекин тонг яқинлашиб қолганини ва қорнимизнинг очлигини ҳисобга олган ҳолда бутунги галабамизнинг триумфини нишонласак, нима дейсиз Собиржон ака, – деди Фарҳод ҳазил аралаш.

– Жуда тўғри фикр, кетдик бизникига! – деди Собиржон Фарҳоднинг елкасига қоқиб.

## ТУШ

*Кўрдимки, экмаган ўрмайди.  
Шафқат қилмаганга шафқат  
қилинмайди.*

*Нажмиддин Кубро.*

Собиржон пастки қаватда навбатчиликда ўтирган Фарҳоднинг олдига тушликни бирга қилиш мақсадида тушаётиб, унинг кимгадир баланд овозда жаҳл билан сўзлаётганини эшитиб, тўхтаб қолди.

– ...Нима, бу ерга кираётиб бинонинг тепасидаги ёзувга кўзингиз тушмадими? Вилоят прокуратураси, дебми ёки тушлар таъбири билан шуғулланувчи идора деб ёзилганми?! Ғалати аёл экансиз-ку, бу ердагиларнинг худди бошқа иши йўқдай, қаёқдаги гаплар билан бошимни қотирасиз!

– Тинчликми Фарҳод, овозингиз иккинчи қаватга ҳам эшитиляпти-ку, – деди Собиржон Фарҳодга секинроқ гапиринг, деган маънода. Уни кўриши билан кираверишда омонатгина ўтирган ёшгина жувон хижолат бўлиб ўрнидан турди.

– Майли, кечирасиз, безовта қилиб қўйдим, узр, – деб кетиш учун эшик томонга юра бошлади. Собиржон унинг кийинишидан азадор эканлигини англади, агар бирор жиддий сабаб бўлмаса шу аҳволда бу ерга келармиди, деб ўйлаб:

– Кечирасиз синглим, тўхтаб туринг, ўзи нима гап эди? – дея сўради. Аёл тўхтаб, секин Собиржон тарафга қаради ва:

– Айб ўзимда бўлди, гапни тушдан бошламаслигим керак эди... Илтимосимни қандай тушунтиришни билмай қолдим, аслида ўзи бунақа майда-чуйда гаплар билан сизларнинг бошларингизни қотирмаслигим кераклигини билардим, лекин бошқа ҳеч иложим қолмаганидан кейин – ...деб гапни нимадан бошлашини билмай довдираб, калавасининг учини йўқотиб қўйди.

– Синглим, шошмасдан ўтириб олинг-да, бемалоо ҳаммасини бошдан гапираверинг. Сизга қўлимдан келганича ёрдам беришга ҳаракат қиламан, – деди унга далда бериб Собиржон.

– Раҳмат, – аёл чеккада турган стулга ўтириб, кейин гапира бошлади: – Гап шундаки, бундан уч кун бурун биз опам билан қизчаси иккаласини дафн қилдик, улар дам олишга борган жойларида сувга чўкиб... шунақа бўлишган...– деб кўз ёшларини рўмолчаси билан артиб давом этди: – Тақдир экан, нима ҳам қилардик, лекин поччамнинг ишлари ўлганнинг устига тепган бўляпти, унинг феъли бунчалик торлигини билмаган эканман. Бугун эрталаб Қуръон тиловат қилдиргани домла олиб борсам, уйга киритмай ўтирибди-я, қаранг, шу ҳам инсофданми? Маҳалла фаолларига мурожаат қилсам, уларнинг гапини ҳам бир тийинга олмади...

– Нима учун бундай қиляпти, бирор сабаби борми?

– Унинг ўзи, раҳматлининг руҳига атаб ҳар куни Қуръон тиловат қилаётган эмиш, бегоналардан кўра, ўзининг тиловат қилгани савоб бўлармиш. Маъракаларни ҳам ўтказишимга қарши эмиш, ортиқча сарфхаражатлар кимга керак, дейди. Бу ёқда опам, тушимга кириб, бир нарсалардан безовталаниб, менга ниманидир кўрсатмоқчи бўлиб, қўлини узатиб, тушунтира олмай қийналиб юрибди. Эримга ёрдам беринг, десам у киши, уй талашияпти, деган гапга қолишни хоҳламайман, дейди...

– Тушунмадим, қанақа уй? – яна унинг сўзини бўлиб савол берди Собиржон.

– Поччам бизни киритмаётган уй, аслида ота-онамиздан қолган, уни бизга кераги йўқ, Худога шукр уй-жойимиз ўзимизга етиб ортади. Маҳалла оқсоқоли ҳудуд нозиридан ҳам ёрдам сўради, гапга қулоқ солишни истамайди, фаоллардан бири секингини менга, прокуратура ходимларидан танишларингиз йўқми, бу бетавфиқ зора улардан пича ҳайиқса, деб қолди.

Эримдан бу ҳақда сўрасам эшитишни ҳам истамади, аксинча, агар милиция, прокуратурага бориб, шикоят қилиб юрадиган бўлсанг, уйга келма, менга унақа хотин керак эмас, деб дўқ урди. Аросатда қолдим, нима қилишим керак, опамдан айрилганимга куйганим етмагандек, поччаннинг қилиғини қаранг!..– деб аёл ўзини тутолмай хўнграб юборди. Жувон ўзини сал босиб олгандан кейин Собиржон:

– Синглим, ҳаммасини тушундим, менга поччангининг телефон рақамини айтинг, исми, фамилиясини ҳам, – деди.

– Иё, нима қилмоқчисиз, Собиржон ака? – деди Фарҳод, «поччанинг» ҳаракати қонунга хилоф эмас-ку, бунга прокуратура аралашуви тўғри бўладими, деган маънода. Собиржон Фарҳодга эътибор бермасдан аёлнинг айтганларини ёзиб олди ва телефон рақамларини тера бошлади.

– Алло, менга Турди Эшбоев керак эди.

– Мен бўламан, Турди Эшбоев, ким сўраяпти? – деган овоз эшитилди гўшақдан.

– Сизни вилоят прокуратурасидан терговчи Мирзоев Собиржон безовта қияпти.

– Нима бўлди... Тинчликми? – деган хавотирли овоз эшитилди.

– Ҳа, тинчлик, бутун менинг олдимга вақт топиб кела оласизми ёки ўзим борайми?

– Сабаб... сабабини, кечирасиз, билсам бўладими?

– Сиз билан гаплашиб қўйишни маҳалла фаоллари мендан илтимос қилишувди. Уларнинг айтишича, сиз мархуманинг синглиси ва бошқаларни уйингизга киритмаётган экансиз... Шу масалада гаплашмоқчи эдим.

– Э, шунақа демайсизми, сизни безовта қилишибди-да, овора бўлиб келиб юрманг. Майли, мен розиман, хоҳлаганча маъракаларини қилаверишсин, қизим ва хотинимнинг ўлимидан кейин чуқур қайғуга ботганимдан бўлса керак, ҳеч кимни кўргим келмай

қолди. Шунинг учун уларни уйга қўймаётган эдим, лекин ўйлаб қарасам уларда нима гуноҳ, майли, майли... келаверишсин.

– Унда учрашмасак ҳам бўлади, шекилли.

– Ҳа, албатта, албатта, кўнглингиз хотиржам бўлаверсин, овора бўлиб юрманг!

Собиржон гушакни қўяркан аёлга қараб:

– Ана, масала ҳал бўлди, поччангиз қанча маърака ўтказсангиз ҳам ҳаммасига рози бўлди, – деди.

– Барака топинг, мушкулумни осонгина ҳал қилдингиз, ҳаммасидан ҳам, менга маҳалла фаоллари айтди, деганингиз яхши бўлди, бўлмаса эримдан балога қолар эдим. Сизларга минг раҳмат, яхшилигингиз Худодан қайтсин, – деб аёл чиқиб кетди.

– Фарҳоджон, биз фақат прокуратура ходими эмас, инсон эканлигимизни, мушкул вазиятда қолган инсонларга озгина одамгарчилик қилсак нур устига нур бўлишини эсимиздан чиқармаслигимиз керак, тўғрими?– деди Собиржон ўрнидан тураркан.

– Тўғри айтасиз, лекин, тушлик расво бўлгани жуда ёмон бўлди-да,– деди Фарҳод норози қиёфада.

– Ҳа, бир кун енгилроқ овқатлансак ҳам ҳеч нарса қилмас...

Собиржон эрталаб ишга келиб, одатдагидек хонасининг деразаларини очди. Ҳаво эрталабдан бунча куйдирмаса, яна икки соатдан кейин фақат кондеционерни ишлатиб, жон сақлаш мумкин, деб ўйлаб, иш ўрнига эндигина ўтирган эди, очиқ турган эшикни кимдир тақиллатиб:

– Мумкинми? – деди.

– Ҳа, кираверинг.

Эшикдан кириб келган аёлга қараб, ҳайрон қолди. «Об-бо, ёрдам берар экан деб, тортинмасдан ҳар куни қатнайверар экан-да», деб ўйлади, тунов куни поччасидан шикоят қилиб келган аёлни кўриб.

– Яна нима гап? – сўради Собиржон совуққина оҳангда.



– Сизнинг олдингизга борсамми, бормасамми, деб роса икки кун ўйландим, бу ҳақда эримга ҳам айтдим. У қийналаётганимга раҳми келди шекилли, келишимга рухсат берди...– деб аёл индамай қолди.

– Ҳўш...– деди Собиржон, тез-тез гапиринг вақтим йўқ дегандек.

– Сизга айтсам, опам раҳматлининг руҳига фотиҳа ўқитиб, худойи қилсам ҳам фойдаси бўлмади. У барибир тушимга киравериб, мени тинч қўймапти. Кўзимни юмсам, бўлди, «тур ўрнингдан, ётма, бор, бор...», – дейди, лекин қаергалигини айтмайди. Тўғриси, опамнинг сувга чуқиб ўлганига ишонмайман, уларни кимдир ўлдирган, деб ўйлайман...

– Нимага асосланиб, тушингизгами?

– Чунки, опам сувда жуда яхши сузарди, ҳатто, қизчасигаям ўргатганди, уларнинг ўлими қандайдир сирли...

– Экспертиза хулосаси билан танишганмисиз?

– Ҳа, танишдим, ўзи чуқиб ўлган, деган хулосага келишган, лекин улар ҳам хато қилиши мумкин-ку!

– Лекин, нима учун менинг олдимга келдингиз, юридик маслаҳатхоналарга борсангиз, у ерда сизга йўл-йўриқ кўрсатишарди.

– Билмайман, назаримда, сиздан бошқа менга ёрдам беролмайдигандай туюлди. Ёки эримнинг айтганидай, ҳақиқатан ҳам ақлдан озяпманми ёки жинни бўлиб бўлдимми, ким билади... Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, қандай қилиб экспертизанинг хулосасини тўғри ёки нотўғрилигини билиш, унга ойдинлик киритиш мумкин?

– Нима, экспертиза хулосасига ишонмайман, демоқчимисиз?

– Ҳа, ишонмайман!

– Ўшанда ёки кейинроқ нима учун айтмагандингиз, опангизнинг ўлимида бировдан шубҳаланиб қолдингизми? – сўради Собиржон, жигаридан айрилиб, ақлдан озишига сал қолиб турган аёлга раҳми келиб.

– Йўқ, унақа эмас, гумон иймондан айиради, дейишади-ку... бир нарса дея олмайман... – деди аёл иккиланиб.

– Агар сиз, экспертиза хулосасини нотўғри, деб ҳисобласангиз, мурдани эксгумация қилиш керак.

– У нима дегани?

– Мурдани қабрдан олиб, бошқадан текшириш керак, демоқчиман.

– Беш кун бўлди дафн қилганимизга, бошқача текширишнинг ҳеч қандай иложи йўқми?

– Йўқ, ҳеч иложи йўқ.

– Майли, мен розиман, ҳақиқат шунда ойдинлашадиган бўлса, розиман. Лекин бунинг учун мен нима қилишим керак?

– Вилоят прокурори олдига ариза билан киришингиз керак, – деб маслаҳат берди Собиржон аёлга.

Вилоят прокурори аёлнинг аризасига розилик билдириб, ишни олиб боришни Собиржонга топширди...

– Собиржон ака, азадор аёлга ёрдам бераман деб, роса балога қолдик-ку! Ўзингиз ўйлаб кўринг, 40 даража иссиқда беш кун олдин кўмилган мурдани қазиб олиб, текширишнинг ўзи бўладими, ҳидига қандай чидаймиз. Эй, Худо, фақат тушларига ишониб юрадиган ўша аёл олдимга келганида сизни учратмасдан бурун қувиб юборсам бўлмасмиди, – деб Фарҳод асабийлаша бошлади. – Экспертиза ҳеч қандай хатоликка йўл қўймаган бўлса-чи...

– Мархуманинг эрини бундан хабардор қилишимиз керак, илтимос Фарҳоджон, уни бу ерга чақиринг. Эртага эксгумация билан шуғуллансак, бугун қўлимдаги ишимни ниҳоясига етказиб қўйишим керак, – деб Собиржон столи устидаги қоғозларни тартибга сола бошлади...

– Мумкинми? – деб кириб келди Эшбоев Фарҳоднинг қўнғироғи буйича. – Яна нимага чақирдингизлар, ҳамма нарса улар айтгандек бўляпти-ку, – деди норози оҳангда.

– Сизни чақиримиздан мақсад, хотинингиз Мақсуда Ғаниеванинг синглиси Ақида Ғаниева опаси ва жиянининг ўлими ҳақидаги экспертиза хулосасига норози бўлиб, вилоят прокуратурасига ариза берган, шунинг учун мурдани эксгумация қилиш тўғрисидаги қарор билан сизни таништирамоқчимиз. Эртага мурда қайтадан экспертиза қилинади, – деб тушунтирди Собиржон.

– Бу ҳақда мендан ружсат сўралмайдими, ахир мен унинг эриман-ку!? Мен бунга мутлақо норозиман, унинг руҳини чирқиратиб, мурдасини қабрдан олишларига йўл қўймайман, – деб Эшбоев бақира бошлади.

– Ўзингизни босиб олинг! Қаерда ўтирганингизни унутманг, биз фақат қонун доирасида иш кўрамиз, шунинг учун бу қарорни индамай қабул қилишингизга тўғри келади, – деб Собиржон унга зимдан назар солди. Унинг юзи қанақадир касалга ўхшаб, кўкимтир эди. Пешонаси шилинганми, тирналганми, яқинда олган жароҳатнинг изи ҳали битмаган эди.

– Пешонангизга нима қилди? – сўради Собиржон.

– Ўша... Бошимизга мусибат тушган куни қоқилиб кетдим, бир нимага тегиб, шилинибди, – деди Эшбоев пешонасига қўлини теккизиб. Кейин ўрнидан турди-да:

– Кетсам бўладими? – деди Собиржонга қараб.

– Ҳа.

– Ниҳоят такрорий суд-тиббий экспертизасининг хулосаси ҳам тайёр бўлибди. Мана танишинг, деярли аввалгисидан фарқ қилмайди. Спиртли ичимлик ичганлиги тўғри, сувда нафас ололмай бўғилиб ўлган, ҳеч қандай жароҳат излари йўқ. Биров ўлдириб, сувга ташламаган ахир! Буни, ўша аёлга қандай тушунтириш мумкин? – деб Фарҳод экспертиза хулосасини Собиржоннинг столига қўйди.

– Ҳа, аввалгидан фарқ қилмайди... – деди Собиржон хулосани диққат билан кўздан кечираркан, ҳафсала-

си пир бўлиб. – Афсус, шунча меҳнатимиз... Тўхтанг, тўхтанг, ие... бу нарсага эътибор бермаслигимиз мумкинми, – деб Собиржон сакраб ўрнидан туриб кетди.

– Нима экан, мен пайқаман, – деб Фарҳод яқинроқ келди.

– Мана, мурданинг ўнг қўл кўрсаткич бармоғидаги тирноғи остидан икки дона қора соч толаси олинган, унинг узунлиги бир сантиметр.

– Чўкиб бораётган қизини қутқариш учун сочидан ушлаган бўлса, балки бу унинг сочидир... – деди Фарҳод.

– Йўқ, қизининг сочи сариқ бўлган, топилган соч толаси эса қора, аёлнинг ўзининг сочи ҳам сариқ рангда бўлган, кўряпсизми соч толаси бутунлай бегона одамники...

– Бу топилма учун экспертга минг марта раҳмат айтса арзийди, Фарҳод, тушуняпсизми?

– Ҳа, Собиржон ака, бу сочнинг эгасини топиш, мурдани эксгумация қилишдан ҳам қийинроқ эканлигини тушуняпман. Мабодо, топилганда ҳам унинг ўлимига алоқаси борлигини исботлаш ундан ҳам мушқулроқ... буни ҳам тушуняпман... – деди Фарҳод умидсизланиб.

– Асосийси, бизда марҳуманинг ўлимида кимнингдир қўли бор, деган шубҳа уйғонди, энди бу шубҳамизни далиллар билан исботлашга киришсак бўлади! Агар сезгиларим алдамаса, қотилни топиш биз учун, сиз ўйлаганчалик унча қийин бўлмайди... – деди Собиржон бир нимани ўйлаб, қатъий оҳангда.

– Қотилликни ким қилган деб ўйлайсиз? – қизиқди Фарҳод.

– Бу тез орада маълум бўлиб қолади.

– Майли, айтмасангиз кўяверинг, ўзим билиб олам, – деди Фарҳод Собиржоннинг ҳеч қачон шубҳасини олдиндан айтмаслигини билгани учун.

Собиржон Ақида Ғаниевани такрорий суд-тиббий экспертиза хулосалари билан таништирар экан, ундан сўради:

– Опангизнинг кўп ичадиган одати бормиди?

– Йўқ, опам умуман ичмасдилар, чунки 50 грамм ичсалар ҳам дарров маст бўлиб, ётиб қолардилар. Аҳволларини ўзлари билгандан кейин ароқни офизларига ҳам олмасдилар. Спиртли ичимлик ичган, деб хулосада нотўғри ёзилган бўлса керак. Шунинг учун биринчи экспертиза хулосасига ишонмагандим, энди такрорий экспертизаям шунақа, деб ёзибди-я, – деди Ақида.

– Опангизнинг ўлимида кимдандир шубҳангиз борми, яхшилаб ўйлаб, жавоб беринг, бу жуда муҳим.

– Бир нарса дея олмайман... Агар нотўғри бўлса тўхмат ҳисобланади, бу офир гуноҳ... Мен сизга аввал ҳам айтганман, гумон иймондан айиради... Йўқ, шубҳам йўқ...

Ҳа... шубҳаси бору, айтмаяпти, барибир атмайди, сиқувга олганимни фойдаси йўқ, ўйлади Собиржон.

– Майли, бораверинг, агар иш бўйича айтадиган гапингиз чиқиб қолса, дарров менга қўнғироқ қилинг, хўпми.

– Энди марҳуманинг эри Эшбоевни сўроқ қилишим керак. Ундан олдин бир, иккита нарсани тайёрлаб қўйишимиз зарур, Фарҳоджон. Айтмоқчи, уни соат нечага чақиргандингиз?

– Соат ўн бешга, ҳозир келиб қолади, – деб соатига қаради ва, – унгача мен айтганларингизни тайёрлайман, – деб чиқиб кетди.

Собиржон Эшбоевнинг келишини кута бошлади, хонада у ёқдан бу ёққа юриб, унга берадиган саволларининг режасини тузиб олди. Жойига эндигина ҳам ўтирган эдики, эшикдан Эшбоев кўринди.

– Келинг, марҳамат ўтиринг, – деди Собиржон у билан саломлашаркан.

– Чақирган экансизлар, – деди Эшбоев Собиржонга савол назари билан қараб.

– Ҳа, бир, иккита расмиятчилик дегандай...

– Турди ака, Мақсуда Ғаниева билан турмуш қурганингизга неча йил бўлган эди?

– Эҳ, сўраманг ака, турмушимизнинг олти йиллигини нишонлаш учун дарё бўйига чиққан эдик-да... Қанақа воқеалар бўлиб кетди...

– Ўша куни, тўйларингиз бўлган кун экан-да, қаранг-а. Лекин қизингизнинг ёши еттида, деб ёзилган-ку?

– Қизча Мақсуданинг аввалги турмушидан, уни ўз қизимдай яхши кўрардим...

– Ўша куни нима бўлганини бир бошдан сўзлаб беринг-чи?

– Дам олиш кунларимиз гоҳ-гоҳида бориб турадиган, шаҳар четида, дарёга яқин ерда овлоқ жой бор эди. Ўша куни дам олиш бўлгани учун Мақсуда дарё бўйига боришни таклиф қилди, мен рози бўлдим. Учаламиз жўнаб кетдик. У егуликлар билан бирга ароқ ҳам олган экан, озгина ичдик. Шунда қўл телефонимга кўнғироқ қилишиб, жўнатилган юк етиб келганлигини, қабул қилиб олишим кераклигини айтишди...

– Қанақа юк?

– Мен запчасть сотаман, танишларим Россиядан жўнатишади, мен қабул қилиб оламан, шуни айтишди. Уларни дарё бўйида қолдириб, тез қайтиб келишимни айтиб, шаҳарга жўнадим. Икки-уч соатлардан кейин қайтиб борсам, улар иккаласи ҳам йўқ. Қаерга кетишди экан деб, атрофни қидирдим, тополмадим, қоронғи тушгунча ахтардим, тополмагандан кейин ёрдам сўрадим. Эрталаб иккаласининг мурдасини топдик...Кўргулик экан...

– Иккаласи бирга сувга қандай фарқ бўлган экан-а, сиз нима деб ўйлайсиз?

– Мен ҳам шуни кўп ўйладим, Муниса сувга тушиб кетган бўлса, Мақсуда уни қутқараман деб, ўзи ҳам чўкиб кетган, шекилли. Уларни ҳам ўзим билан бирга олиб қайтсам булар экан, бундай бўлишини қаёқдан ҳам билибман...

– Мақсуда ичган экан, у спиртли ичимлик ичишни яхши кўрармиди?

– Ҳа, кайфият учун ичиб турарди...– деди Эшбоев. Собиржон ўйланиб қолди.

– Яшаётган уйингиз кимнинг номида?

– Қизиқ, бунинг нима алоқаси бор, менинг номимда.

– Демак, турмуш қурганларингиздан кейин Мақсуда сизнинг уйингизга кўчиб келган экан-да, тўғри-ми?

– Йўқ, унақа эмас, уй Мақсуданинг ота-онасидан қолган. Ўтган йили у қўярда қўймай уйни менинг номимга ўтказган эди...

– Нима учун?

– Керак эмас десам ҳам, у, ўзингизни бировнинг уйида яшаётгандек ҳис этмаслигингиз учун шундай қиялпман, деган эди раҳматли...– деди Эшбоев йиғламсираб.

– Майли, Турди ака, сизга рухсат, яна айрим расмиятчиликлар бор, ундан кейин уйингизга кетаверишингиз мумкин, – деди Собиржон ва Фарҳодга қаради. У, тушундим, дегандек бошини қимирлатиб қўйди ва Эшбоевга:

– Юринг, – деди.

Нариги хонага ўтиб, Эшбоевнинг сочидан озгина қирқиб ва текшириш учун қонидан ҳам намуна олишди. Собиржон экспертиза хулосасини кута бошлади. У қўлига соч толаларининг бир одамга тегишли эканлиги тўғрисидаги экспертиза хулосасини олгандан кейингина, Эшбоевни олиб келишликни тайинлади.

– Нимага ҳе йўқ, бе йўқ прокуратурага, деб олиб келишади. Хотинимдан айрилиб ўтирганим етмагандек, сизларнинг ҳаракатларингиз ҳаммасидан ўтиб тушди-ку... Инсоф борми ўзи сизларда! Аввалги сафар кичкина расмиятчилик, кечирасиз, дединглар, индамадим. Нима, хоҳлаган ишимни қилавераман, хоҳлаган фуқарони хўрлайвераман, деб ўйлайсизми?! – деб дўқ ура бошлади Эшбоев Собиржонга қараб.

– Йўқ, хоҳлаган фуқарони эмас, бир аёл билан кичкина қизчани сувга чўктириб ўлдириб, унинг уйида

бемалол яшаб ўтирган кимсани прокуратурага олиб келишга тўла ҳаққимиз бор, деб ўйлайман! – деди Собиржон қатъий оҳангда.

– Бу фирт тухмат! – деди бўғилиб Эшбоев Собиржонга яқинлашаркан.

– Фарҳод, Эшбоевнинг ўтиришига ёрдамлашиб юборинг, – деди Собиржон.

Фарҳод уни эгнидан босиб, стулга ўтқазиб қўйди.

– Жойлашиб олдингизми, энди мени яхшилаб эшитинг! Ҳозир сизга Мақсуда Ғаниевани қандай қилиб ва нима мақсадда ўлдирганингизни айтиб бераман. Сиз хотинингиздан қутулишни бир неча йил бурун ўйлаб қўйгансиз. Шунинг учун уни авраб, уй-жойини ўзингизнинг номингизга ўтқазиб олгансиз. Ўша куни қабиҳ режангизни амалга ошириш учун Мақсудани дарё бўйига дам олгани чиқишга кўндиргансиз. Уни озгина спиртли ичимлик ичса ҳам маст бўлиб қолишини билганингиз учун, мажбурлабми ёки алдабми, ароқ ичиргансиз, маст бўлиб қолганидан кейин бошини осонгина сувга босиб тургансиз. Ўлганига ишонч ҳосил қилганингиздан кейингина сувга қўйиб юборгансиз. Бечора ҳимоясиз қизчани ҳам ҳаммасини кўриб турганлиги учун шу усулда ўлдиргансиз...

– Фирт тухмат! Уларни нима учун ўлдиришим керак экан. Ҳаммаси ўрни-ўрнида, уй-жой ўзимнинг номимда бўлса, – деди Эшбоев Собиржоннинг сўзини бўлиб.

– Шошилмай эшитинг, ҳозир ҳаммасини айтиб бераман. Балки сиз, гиёҳвандлик касалига чалингунча ҳаммаси жойида бўлгандир, лекин сиз бу бедаво дардга йўлиққанингиздан кейин хотинингиз билан келиша олмай қолганингиз аниқ. Охир-оқибат хотинингиз никоҳни бекор қилиб, сизни уйдан ҳайдаб юборишини билгансиз. Балки бу ҳақда у сизга айтган ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун хотинингиз ва унинг қизчасидан қутулиб, уйда ўзингиз хоҳлаганингиздек яшамокчи бўлгансиз...



– Бас қилинг, чўпчагингизни! Хоҳлаганимча бировга тухмат қилишим мумкин, деб ўйлайсизми!? Ҳеч қандай далил, исботсиз менга бунақа гапларни айтишга ҳаққингиз йўқ!

– Хотиржам бўлинг, сиз айтган далил, исботимиз керагидан ортиқ, улардан биттаси – пешонангиздаги тирналган жойингиз бўлади. Сиз Фаниеванинг бошини куч билан сувга босиб турганингизда, бечора жон талвасасида унғ қўли билан бошингизга ёпишганда, кўрсатгич бармоғининг тирноғи пешонангизни тирнаб, соч толаларингиз тирноғининг орасига жойлашиб қолган. Экспертиза соч толалари сизники эканлигини тасдиқлади. Қонингиздан эса гиёҳванд модда истеъмол қилишингизни тасдиқловчи маълумотлар аниқланди. Яна қанча далил керак, қотиллигингизни исботлашга?

– Ҳаммасига ўзи айбдор... Менга, агар бир ой ичида гиёҳвандликдан қутулмасангиз, уйимни бушатинг, деб шарт қўймаганида, бу ишни қилмаган бўлардим, – деди Эшбоев бошини чангаллаб...

\* \* \*

Эшбоевни олиб кетишганидан кейин Фарҳод Собиржондан:

– Сиз Эшбоевнинг қотил эканлигини қаердан билган эдингиз? – деб сўради.

– Уни биринчи марта кўрганимдаёқ гиёҳванд эканлигини сезгандим. Кейинги учрашганимда эса у ёлғон гапириб, умуман ичмайдиган хотинини, кайфият учун ичиб турарди, – деди. Шундан бўлса керак... – деди Собиржон.

## «АРВОҲ»

*Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб, гумроҳ бўлур...  
Аҳмад Яссавий.*

### Қўрқув

Собиржон билан Фарҳод ишхоналарига яқин жойдаги муъжазгина ошхонанинг ташқарида, тоза ҳавога қўйилган столида овқатланиб ўтиришарди. Ёз тугаб, куз бошланган бўлишига қарамасдан ҳаво анча иссиқ эди.

– Собиржон ака, бугун овқатни шошилмасдан, бемалол гаплашиб ўтириб, еяверсак ҳам бўлаверади-ку, – деди Фарҳод, одатдагидек тез тез овқатланаётган Собиржонга.

– Тўғри, лекин мен тез овқатланишга ўрганиб қолганман.

– Айтишларича, яхши чайнамай овқатланиш соғлиқ учун кони зарар экан.

– Балки тўғридир...

– Бугун санъат музейидаги жиноят ишининг терговини тамомлаб, судга оширганимиздан кейин елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди.

– Ўзиям чўзилиб, одамни безор қилиб юборди-да.

– ~~Циркнинг~~ Собиржон ака, бир ғаламиснинг гапи билан музей директорини ҳам жиноятга алоқадор, деб топишимизга озгина қолди-я.

– Ҳа, кўп вақтимиз шу одамни кузатишга кетди.

– Директорни шарманда қилиш унга нима учун керак бўлиб қолди, тушунолмадим?

– Бир донишманд, ҳалол одамни таъқиб қилиш мумкин, лекин уни шарманда қилиб бўлмайди, – деб жуда тўғри айтган.

Улар овқатланиб бўлишгач, Фарҳод қўл телефони-нинг соатига қараб:

– Менда бир фикр туғилиб қолди, ҳали анча вақтимиз ҳам бор экан, нима дейсиз, Собиржон ака?

– Хуш, қандай фикр экан?

– Санъат музейига бориб, бир томоша қилмаймизми?

– Қандай бўларкан?

– Биринчи марта, иккаламизнинг ҳам қўлимизда жиноят иши йўқ. Балки бундай фурсат иккинчи марта ҳеч қачон бўлмас...

– Туғри, лекин иш вақтида, қандай бўларкан?

– 20 та кам 14, балки улгурармиз.

– Кетдик.

– Қандай яхши, агар билсангиз, биринчи марта менинг таклифимга рози бўлишингиз, раҳмат сизга.

– Шунақами? – деди Собиржон жилмайиб. – Ростини айтсам, жиноят ишини тергов қилаётганимда музейга бориш ниятим бор эди, сиз айнан менинг кўнглимдаги гапни айтганингиз учун ҳам рози бўлдим.

– Тушунарли...

Улар санъат музейига кириб, экспонатларни томоша қила бошладилар.

– Қаранг, Собиржон ака, асар яратилганидан бери қанча вақт ўтган бўлса ҳам жуда табиий ва гўзал, – деди Фарҳод бир расмни томоша қилаётиб.

– Ҳа, аслик ва гўзаллик мезонлари ҳамма замонларда ҳам бир хил бўлиб келган.

– Бу ўзингизнинг сўзларингизми?

– Қайсидир бир донишманднинг сўзлари.

– Собиржон ака, ўзингиз ҳам кейинги пайтларда донишманд бўлиб кетяпсиз, шекилли, деб кулди Фарҳод.

Собиржоннинг қўл телефони жиринглаб қолди:

– Эшитаман.

– Собиржон, қаердасиз? Фарҳод ҳам хонасида кўринмайди? – гўшакдан Фозил аканинг овози эшитилди.

– Музейдамиз.

– Музейнинг ишини тамомладинглар-ку?  
– Томоша қилишга кирган эдик...  
– Нима, иш вақтида-я! Тез етиб келинглар!  
– Хуп, ҳозир борамиз.  
– Фозил ака «иш вақтида музейда нима қиласизлар»  
деб койидими?

– Тез келинглар, деди. Кетдик.

Машинада кетишаркан, Фарҳод:

– Туни билан ишлаб, тонг саҳарда хонангдан чиқсанг ҳам ҳеч ким сенга «Иш вақтидан кейин нимага ишляпсан, бугун кечаси уйингга бормасдан ишлабсан, кетиб дамнингни ол» демайди. Лекин 5 дақиқа ишда кўринмасанг, «тезда кел» дейишади.

Собиржон кулиб қўйди. Фарҳод гапини давом эттириб:

– Ана, ишонмасангиз соатга қаранг, 5 та кам 14, – деб машинанинг соатини кўрсатди.

Улар ишхонага борганларида Фозил ака кутиб турарди.

– Иш вақтида айланиб юрадиган одатингиз йўқ эдику, – деди Собиржонга қараб.

– Кечирасиз, бир бўлиб қолди-да.

– Бир одам сизни кутиб ўтирибди, бошқа терговчиларимиз ҳам бор, десам, йўқ, Мирзаевга учрашим керак, деяпти, – деди Фозил ака.

– Нима гапи бор экан?

– Менга айтмади, ўзингиз гаплашарсиз.

– Майли.

Собиржон хонасига ўтиши билан ҳалиги одам унинг орқасидан кириб келди. Саломлашишганидан кейин:

– Мен, Қобулов Адҳамман, касбим муҳандис, деб ўзини таништирди.

– Мен, Мирзаев Собиржонман, прокуратура катта терговчиси.

– Биламан, сиз ҳақингизда эшитганман. Бу ерга келишдан олдин кўп ўйладим, борсам қандай бўларкан, деб...

– Үзи нима гап эди, гапираверинг.

– Ростини айтсам, гапни нимадан бошлашнйям бил-  
маяпман.

– Менинг вақтим бемалол, шунинг учун бир бош-  
дан айтаверинг, – деди Собиржон унга сўз бошлаши  
учун далда бериб.

– Раҳмат, ука. Биласизми, биз ота-онамиздан икки  
оға-ини қолган эдик. Укам Маҳкам бир йил бурун фо-  
жиали вафот этди.

– Қандай қилиб?

– У ўзини осиб қўйди.

– Касалмиди?

– Аслида у касал эмас эди, лекин хотини автоҳало-  
кат туфайли вафот этганидан кейин ғалати бўлиб қол-  
ган эди.

– Қандай?

– Ишхонасига кимдир қўнғироқ қилиб, хотинининг  
ҳалок бўлганини айтганидан кейин гапирмай қолган.  
Унинг ҳеч нарса билан иши бўлмай, жим ўтирадиган  
одат чиқарди. Уни руҳий касалликлар шифохонасига  
олиб бордим. У ерда узоқ даволанди. Ниҳоят шифо-  
корлар соғайиб кетганини, уйга олиб кетишим мум-  
кинлиги айтишди. Мен улардан:

– Касаллик бошқа қайталамайдими? – деб сўрадим.

– Укангиз бутунлай тузалиб кетди, – дейишди.

Бундан қувониб Маҳкамни уйга олиб кетдим. Уй-  
ларимиз бир-бирига теккизиб қурилган. Дадам раҳ-  
матли икки ўғлимнинг уйи ёнма-ён бўлса, бир-бирла-  
рининг оғир-енгилдан хабардор бўлишади, деб шун-  
дай қилганлар.

– Кейин нима бўлди?

– Касалхондан чиққандан 17 кун ўтганидан кейин  
эрталаб қарасак у ўзини осиб қўйибди.

Мен уни даволаган шифокорининг олдига бориб:

– Сиз, укамни тузалиб кетди, деган эдингиз, сиз-  
нинг гапингизга ишониб, унинг ўзини ёлғиз қўйган-  
ман. У эса ўзини осиб қўйди! – дедим.

Шифокор буни эшитиб:

– Бундай бўлиши мумкин эмас эди. Унинг бундай аҳволга тушиши учун худди аввалгидек фожиани бошидан кечирishi керак. Сиз эса ҳамма нарса жойида эди, деяпсиз, – деди.

– Укамнинг касалини яхши билмаганингиз учун унинг ўлимига сабаб бўлдингиз! – дедим.

– Укангиз оламдан ўтганига бир йил бўлган бўлса, менга нимани айтмоқчи эдингиз? – деди Собиржон.

– Мен сизга бошқа нарсани айтмоқчиман.

– Нимани?

– Укамнинг 12 яшар ўғли менинг қарамоғимда қолган. У ҳозир даҳшатли воқеаларни айтиб, мени ваҳимага соляпти.

– Нимани?

– Унинг айтишича, ярим тунда олдига раҳматли ойиси келар эмиш!

– Йўғ-э...

– Ҳа, келиб нуқул «юр, даданг иккимиз сени кутяпмиз, юр, кетдик», дермиш.

– Сиз, болани руҳшуносга олиб бордингизми?

– Ҳа, олиб борган эдим, бу ерга келишимни ўша руҳшунос маслаҳат берди-да.

– Ахир бунинг бизга қандай алоқаси бўлиши мумкин?

– Авваллари Шоҳруҳ эрталиб чиқиб, менга ойисининг руҳи келиб, олиб кетмоқчи бўлганини айтарди. Бир куни бошқача бўлди. У эрталаб нонуштада дастурхон атрофида кўринмади.

Унинг қаердалигини сўрасам, келинойингиз:

– У хонасида ухлаётган экан, уйғотмадим, – деди.

– Унинг хонасига борсам, ҳақиқатда ухлаб ётган экан. Яқинроқ бориб қарасам, зўрға нафас оларди. Ранги бир аҳволда, бўйни эса қизариб кетган экан. Дарров тез ёрдамни чақирдим. Улар тинчлантирувчи дори-дармон қилишиб, касалхонага олиб боришимизни айтиб кетишди. Шоҳруҳ ўзига келганидан кейин нима бўлганлигини сўрасам, у:

– Амаки, ойим мени ўзимни осишимга мажбур қилди, – деди.

– Қандай қилиб?

– У шифтга арқон ташлаб, ўзимни осиш учун мулжаллаб арқоннинг учини боғлаб қўйган экан, мен унинг бул тезроқ, ўзингни осақол, кейин бирга кетамиз, деб қистайверганидан кейин, бўйнимга арқонни илдим.

– Кейин нима бўлди?

– Кейин, бўғилиб нафасим қисилиб қолди. Мен тирчилдай бошладим, шунда арқон чўзилиб кетдим, нима бўлганини билмайман, ишқилиб оёғим ерга тегиб қолганини сездим, холос. Бошқа нарсани билмайман, бўйним ҳозир ҳам қаттиқ оғрияпти, – деди.

– Унинг бўйнига қарасам кўкиш, қизил излар бор эди. Нима қилишимни билмай уни руҳшуносга олиб бордим. У эса:

– Болада ҳеч қандай касал йўқ, прокуратурага бориб, бўлган воқеани айтиб беринг, деб маслаҳат берди.

Собиржон Адҳам аканинг сўзларини эшитиб:

– Сиз, Шоҳруҳ ётган хонани яхшилаб кўздан кечирдингизми? – деб сўради.

– Ҳа, ҳамма ёқни қараб чиқдим, ҳеч қандай арқон, ёки бирор из топа олмадим.

– Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, бу воқеа қандай содир бўляпти экан?

– Билмадим, укамнинг бирор душмани бўлса, шу йўл билан қасос олмақчимми?.. Бошим қотиб қолган.

– Укангизни ҳам худди шундай қилиб ўлдиришган бўлишлари ҳам мумкин-ку, тўғрими?

– Ростини айтсам, ўзим ҳам шуни ўйлаб, даҳшатга тушяпман.

– Ҳеч кимдан шубҳангиз йўқми?

– Йўқ...

– Шунақами? – деб Собиржон ўйланиб қолди.

– Собиржон ука, сиз қандай маслаҳат берасиз, мен нима қилай? – деди Адҳам ака жимликни бузиб.

– Сиз, бугун кечаси Шоҳруҳни ўзингизнинг ёнин-  
гизда олиб ётинг-да, эртага эрталаб менинг олдимга  
олиб келинг, – деди Собиржон.

– Ўзи кечаси иккаламиз ухляпмиз. Энг қизиғи  
арвоҳ унинг ёлғиз пайтида келаркан. Олдида биров  
бўлса келмасмиш...

– Шунақа эканми?

– Ҳа, буни бир неча марта синаганман.

– Майли, эртагача хайр, – деб Собиржон Адҳам ака  
билан хайрлашди.

### Қотил руҳ

Эртаси куни Адҳам ака жияни Шоҳруҳни олиб Со-  
биржоннинг олдига келди.

– Қалайсан, Шоҳруҳ, ўқишларинг яхшими? – сура-  
ди Собиржон.

– Яхши.

– Менга айт-чи, ўша кечалари сенинг олдингга ке-  
ладиган аёлнинг юзини аниқ кўрдингми?

– Йўқ, қоронғида аниқ кўринмайди, ундан ташқари  
у рўмол ўраб олган бўлади.

– Уни нима учун ойимнинг руҳи деб ўйлайсан?

– Чунки унинг кийимлари ойимникининг худди ўзи.  
Ҳатто рўмоли ҳам...

– Овози-чи?

– Овози ғалати, ўлган одамникидай.

– Ахир ўлган одамнинг овози бўлмайди-ку?

– Лекин, у гапиради, овозини эшитсам кўрққаным-  
дан қалтирай бошлайман.

– У қаердан кириб келишини сезмадингми?

– Йўқ, мен кўзимни очганимда тепамда туриб, ни-  
манидир гапираётганини кўраман, холос.

– Сен, уни ҳар куни кўришни, гаплашишини хоҳ-  
лайсанми?

– Йўқ, мен ундан кўрқаман!

– Сен, уни онанг деб ўйлайсанми?



– Билмайман...

– Адҳам ака, бизни озгина фурсатга ёлғиз қолдиришингиз мумкинми?– деди Собиржон.

– Албатта, – деб Адҳам ака чиқиб кетди.

– Шоҳруҳ сен тўғриси айт, чиндан ҳам уша арвоҳдан қутулишни хоҳлайсанми?

– Ҳа, жуда хоҳлайман.

– Мени яхшилаб эшит, сен ҳеч қандай арвоҳни кўрмагансан. У аёл сени ўлдирмоқчи бўлиб юрган жиноятчи.

– Ундай бўлса, тутиб қаманглар!

– Лекин, биз уни қандай қўлга туширишимиз мумкин, ўзинг уйлаб кўр, биз борганимизда, у келмайди-ку?

– Ундай бўлса, мен нима қилай?

– Сен, бизга ёрдам беришинг керак.

– Қандай қилиб, мен кўрқаман-ку?

– Сен, кўрқмаслигинг керак, қолаверса, ҳозир иккаламизнинг ўртамизда бўлиб ўтган суҳбатни ҳеч кимга, ҳатто, амакингга ҳам айтмаслигинг керак, тушундингми?

– Ҳа, тушундим, лекин нима қилишим кераклигини айтмадингиз-ку?

– Ҳозир ҳаммасини тушунтираман, фақат сен мен айтгандай қилишинг керак, ҳўпми?

– Ҳўп.

– Ҳеч нарсадан кўрқмасликка сўз бера оласанми?

– Билмайман...

– Агар, кўрқмасдан менинг айтганларимни қилсанг, дадангни ўлдирган, энди сени ҳам ўлдирмоқчи бўлиб юрган қотилни ушлаб, қонуний жазосини берамиз, нима дейсан?

– У дадамни ҳам ўлдирганми?!

– Ҳа, худди сени ўлдирмоқчи бўлган усул билан.

– Мен ундан кўрқмайман, уни албатта ушлайман!

– Баракалла, ўзим ҳам шундай дейишингни билган эдим.

Собиржон Шоҳруҳга нималар қилиши кераклигини тушунтириб бўлганидан кейин:

– Айтганларимни бажарганингдан кейин менга қўнғироқ қил, хўпми, – деб ўзининг телефон рақамини берди.

Кейин Адҳам акани чақирди.

– Энди биз нима қилайлик, Собиржон, – деди Адҳам ака.

– Ҳеч нима, Шоҳруҳ ўзининг хонасида алоҳида ётаверсин.

– Ахир уни...

– Ҳеч қандай арвоҳ йўқ, агар бўлган бўлса ҳам, энди келмайди.

– Нима учун бундай деб ўйлайсиз?

– Чунки у охирги марта келганида ҳеч нима қила олмаслигини билган, шунинг учун энди келмайди, деб ўйлайман.

– Хўп, айтганингиздай қиламиз.

Улар билан хайрлашгач, Собиржон Фозил аканинг хонаси томонга юрди.

Шу куни тунда Собиржон Шоҳруҳнинг қўнғироғини кутди, лекин у қўнғироқ қилмади. Демак, бу тун Шоҳруҳнинг хонасига арвоҳ ташриф буюрмаган бўлса керак, ўйлади Собиржон.

Эртаси куни тунда Собиржон қаттиқ уйқуда ётганида унинг қўл телефони жиринглади. Собиржон уйғониб, телефонни олавермаганидан кейин, Азиза гўшакни кўтарди:

– Алло, ким бу?

– Менга Собиржон ака керак эди, – деган аёл кишининг овозини эшитиб Азиза ҳайрон бўлди.

– Шу маҳалда-я, – деди у.

– Ҳа, илтимос, уларга гўшакни беринг.

– Хўп, – деб Азиза ухлаб ётган Собиржонни уйғотиб:

– Туринг, қўнғироққа жавоб беринг, сизни бир аёл сўраяпти, – деди.

– Бер-чи, у Шоҳруҳ бўлса керак, – деб Собиржон гўшакни олди.

– Эшитаман.

– Собиржон ака, ҳозиргина хонамга арвоҳ келди.

– Шоҳруҳ, ишқилиб, тирикмисан?

– Ҳа, ҳаммасини сиз айтганингиздай қилдим.

– Хўш, кейин нима бўлди?

– У деразадан тушиб, қочиб кетди.

– Ҳозир қаердасан?

– Амакимнинг олдиларидаман.

– Майли, хайр Шоҳруҳ.

Собиржон Фарҳодга қўнғироқ қилиб:

– Тезда етиб келинг, Шоҳруҳ қўнғироқ қилди, – деди.

– Арвоҳ овлашга борамизми? – деди Фарҳод уйқу-сираб.

– Ҳа, бугун уни қўлга туширамиз.

– Ҳозир бораман.

Улар Адҳам аканикига етиб борганларида уйнинг чироқлари ёниқ эди. Собиржон кўча эшигининг қўнғироғини босди. Адҳам ака эшикни очиб, Собиржон билан Фарҳодни кўриб ҳайрон қолди:

– Сизлар, уйимизни қандай топдинглар? – деди.

– Манзилингизни айтган эдингиз-ку, – деди Собиржон.

– Шоҳруҳ билан гаплашганингиздан кейин эртасига келарсизлар, деб ўйлаган эдим.

– Ҳозир келмасак, кейин фойдаси йўқ эди.

– Хўш, бу сафар Шоҳруҳ арвоҳдан кўркмадимми? – деб сўради Фарҳод.

– Йўқ, аксинча, хурсанд бўлиб ўтирибди-ку.

– Шоҳруҳ, нималар бўлганини бизга ҳам айтиб берчи, – деди Собиржон.

– Кеча ҳам, бугун ҳам тунни билан ухламасдан арвоҳни кутдим. Бугун соат тунги 3 ларда дераза секин очилиб, арвоҳ кириб келди. Мен ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. У ҳар доимгидек тепамга келиб, бир нима демоқчи бўлиб турувди, худди сиз айтгандек

қилиб, берган сиёҳингизни унинг юзига сепиб юбордим.

– Кейин-чи?

– Арвоҳ, вой, деб кўзини ушлаб қолди. Ўрнимдан туриб, чироқни ёқдим, у эса жуда чаққон ҳаракат қилиб, деразадан ошиб қочиб кетди.

– Унинг юзини кўра олдингми?

– Йўқ, у рўмоли билан бекитиб олган эди.

– Кейин нима қилдинг?

– Амакимни чақирдим, улар чиққанларидан кейин, сизга қўнғироқ қилдим.

– Сен ухлашга ётишдан олдин деразанинг ички томонидаги бекитгични кўрмаганмидинг.

– Деразанинг ичкаридан қулфланганлигини кундузи кўрган эдим, хонамга мендан бошқа кирмагани учун уни кечаси қайтадан текширмаганман.

– Тушунари.

– Қизиқ, уни ичкаридан ким очиши мумкин? – деди ҳайрон бўлиб Адҳам ака.

– Сизга бир савол берсам бўладими?

– Бемалол.

– Айтинг-чи, сизни Шоҳруҳ уйғотганида ёнингизда келинойим ухлаётганмиди?

– Йўқ, у мендан олдин Шоҳруҳнинг олдига чиққан бўлса керак.

– Кейин-чи, уни кўрдингизми?

– Эътибор бермабман, кўрмадим, шекилли...

– У ҳозир қаерда бўлиши мумкин?

– Тушунмадим, нима демоқчисиз?

– Демоқчиманки, келинойимиз қаёққа йўқолган экан?

– Сиз айтмоқчи бўлган гап менинг тушунишимча, хотиним...

– Ҳа, уни топиш керак, ана шундан кейин ҳаммаси ойдинлашади.

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас! – деб Адҳам ака ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди.

Унинг ўғиллари ҳеч нарсага тушунмай қараб туришарди.

Собиржон уларга қараб:

– Ойингизни кўрмадингизларми? – деб сўради.

– Ойим ювиниш хонасига кириб кетганларича қайтиб чиқмадилар, – деди Адҳам аканинг катта ўғли.

– Қачон кириб кетгандилар?

– Ўша воқеага уйғониб кетганимизда, улар шошапиша кириб кетган эдилар. Ойи, у ерда нима қияпсиз, десам ойимнинг: «Шошганимдан бўёқ тукилиб, ҳамма ёғимга сачраб кетди», деган овози келди.

– Буни дадангга айтдингми?

– Ҳозир шуни айтиш учун келган эдим, улар ташқарига отилиб чиқиб кетдилар.

– Менга ваннахонангизни кўрсатиб, кейин дадангни бу ерга чақириб келгин, хўпми?

– Мана, ювиниш хонаси, – деди Адҳам аканинг ўғли ва ўзи дадасининг орқасидан кетди.

Собиржон ювиниш хонасининг эшигини итарган эди, у ичкаридан берк экан. Тақиллата бошлади.

– Келинойи эшикни очинг!

– Қанақа одамсиз, ювиниш хонамга келиб, эшикни очинг, дейишга нима ҳаққингиз бор?! – деган овоз келди ичкаридан.

– У ерда нима қияпсиз?

– Сизнинг нима ишингиз бор, кетинг бу ердан!

– Сиз билан гаплашадиган гапимиз бор эди, эшикни очинг!

– Йўқ, мен ювиняпман, кетинглар!

– Ойи, сизга нима бўлди, нимага эшикни очмаяпсиз? – деди хавотирланиб уларнинг кичик ўғли.

Адҳам ака келиб:

– Муҳайё, тезда эшикни оч, бўлмаса эшикни синдираман! – деди.

– Дадаси, мен ювиняпман, бу ердан кетинглар!

Адҳам ака болтани олиб қелиб, эшикни 3-4 марта урган эди, у очилиб кетди. Ичкарида юзлари кўм-кўк

сиёҳга беланган Муҳайё уни кетказа олмай, ювинаётган эди.

– Қанча тозаласангиз ҳам энди фойдаси йўқ, – деди Собиржон.

Адҳам ака хотинининг аҳволини кўриб, қотиб қолган эди.

– Бу, сенмидинг, ярамас хотин! – деди у.

Собиржон Адҳам акани тинчлантириш учун унинг қўлидан ушлаб, юмшоқ ўриндиққа ўтқазиб қўйди:

– Адҳам ака, ўтиринг, ҳозир сизга ҳаммасини тушунтираман, – деди.

– Йўқ, менга сиз эмас, у тушунтириб берсин! – деди Адҳам ака қўли билан хотинини кўрсатиб.

– Эрингизга ҳеч нарса демоқчи эмасмисиз?

– Сиз, бизнинг оилавий ишимизга аралашманг!

– Наҳотки, қотиллик оилавий иш эмас, жиноят саналишини билмасангиз?

– Мен, қотиллик қилганим йўқ, нима қилишса ҳам улар ўзларини ўзлари қилишади.

– Овозингни учир, аблаҳ! Нима учун ахир, нима учун менинг жигарларимни йўқ қилишнинг кўйига тушиб қолдинг, ифлос?!

Муҳайё дадасининг ёнида ҳайратдан қотиб турган ўғилларини кўрсатиб:

– Улар учун шундай қилдим...– деди.

– Наҳотки укамнинг уй-жойини деб қотилликка қўл урдинг... Мен сўқир, укамнинг қотили билан яшаб юрган эканман-да...– Адҳам аканинг ерга қараганича ўксиб йиғлашига ҳеч ким дош беролмасди.

## ВАБО

*Гўзаллик – бахт ҳақидаги  
бир ваъда, холос.  
Стендаль.*

### Ваҳима

Жаҳонгирга хона дим бўлиб кетгандай туюлиб, деразаларни ланг очиб юборди. Август ойи ҳам роса иссиқ бўлади, шекилли, деб ўйлади у ва деразадан ташқарини томоша қилаётиб, тезроқ уйига кетгиси келди.

Жаҳонгирнинг кўричагини олиб ташлашганига ҳам беш кун бўлди. У жисмонан бақувват бўлгани учун ҳам жарроҳдик муолажаси унчалик қийин кечмади. Шундай бўлса-да, даволовчи шифокор уйига рухсат беришга шошилмасди. «Эртага қандай қилиб бўлса ҳам рухсат оламан», ўйлади Жаҳонгир. Эрталаб хонасига кирган даволовчи шифокордан:

– Доктор, бугун менга рухсатми? – деб сўради.

– Йўқ, сиз яна бир-икки кун даволанишингиз керак.

– Нимага, ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман-ку?

– Жаҳонгир тушунинг, сизга ҳозир рухсат беролмай-миз, – деди доктор чайналиб.

«Доктор нимага рухсат бермаяпти ёки бошқа ёмонроқ касалим бормикан», ўйлади Жаҳонгир. Унинг кайфияти тушиб, ўринга чўзилиб ётиб олди. Ҳамшира қиз эшикни очиб қарадию, яна бекитиб кетди. Бирпасдан кейин тағин оқ халатли икки аёл эшикдан бошларини суқиб, «туппа-тузук йигит экан», деганича кетишди. Уларнинг эшикни очиб бекитишлари Жаҳонгирнинг гашига тегиб:

– Нима, бу ерда томошақовоқ бор эканми? – деб қўйди. Тўхта, аёллар нимага шаъма қилишди, «туппа-тузук йигит экан», дегани нимаси. Ҳа, буни аниқ эшит-

дим, худди шундай дейишди. Ўзи нима гап, мендан нимани яширишяпти?! Жаҳонгир ўрнидан туриб тўғри даволовчи шифокорнинг олдига борди:

– Доктор, менинг қандай касалим бор? Нега мендан яширяпсизлар?! – деди.

– Бу гапни қаердан топдингиз?

– Ростини айтинг, доктор, хафа бўлмайман!

– Нималар деяпсиз, қанақа касал бўлиши мумкин? Яхшиси, боринг, жойингизга, дамингизни олинг. Наркоз таъсирида асабларингиз чарчаган, боринг.

Жаҳонгирнинг палатага кириб ётишдан бошқа чораси қолмади. Нима гаплигини қандай билиб олсам экан, ўйларди у. Қоронғи ҳам тушди, унинг томоғидан ҳеч нарса ўтмасди. «Наҳотки бедаво дардга йўлиққан бўлсам?» Унинг миясида ҳар хил даҳшатли фикрлар ғужрон ўйнарди, кўзига уйқу келмади. Соатига қаради, пешин бўлиб қолибди, секин хонадан чиқди. Йўлак охирида навбатчи ҳамшира мизғиб ўтирарди. Жаҳонгир секин юриб, унинг олдига келди:

– Тезда уйғонинг! – деди.

– Нима гап?

– Мени танидингиз-а?

– Ҳа, 14-палатадаги беморсиз...

– Ҳозир менинг айтганимни қилмасангиз, қўлимдан ҳамма иш келади, тушундингиз-а? – деди Жаҳонгир қўлларини мушт қилиб.

– Мендан нима истайсиз? – деди ранги ўчиб ҳамшира.

– Ҳозир менинг касалик тарихимни олиб чиқиб беришингиз керак!

– Уни нима қиласиз?

– Доктор мендан бир нимани яширяпти, шуни билмоқчиман.

– Мен уни билмайман, навбатчи врач билади.

– Бўлинг тез, билиб беринг, деяпман сизга!

– Бунга касалик тарихингизни олиб чиқмасдан ўзим айтиб қўя қолсам бўлмайдимми?



– Нима, бундан сизнинг ҳам хабарингиз бормиди?  
– Ҳа, фақат сир тутиш тайинланган эди.  
– Ўзи нима гап?  
– Гап шундаки, сизнинг қонингизда ОИВ инфекцияси борлиги аниқланган.

– Нима?!

– Бу биринчи ташхис, нотўғри бўлиши ҳам мумкин, шунинг учун иккинчи натижаларни кутаётгандик.

– Демак, мен ОИТС касалига чалинганман, шундайми?!

– Бу ҳали унчалик аниқ эмас, иккинчи таҳлил натижалари яхши бўлади, деган умиддамиз, хавотирланманг.

Жаҳонгир бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганидан гангиб ўзини каравотга беҳол ташлади. «Ўламан! Ажалим яқин! Ҳаммаси тамом!» Жаҳонгир шу учта гапни қанча такрорлаганини ҳам билмайди. У бу сўзларни такрорлашдан бирдан тўхтаб, ахир хотиним Муҳаббатнинг ой-куни яқин-ку! Энди нима бўлади?! Қизим Баҳоройнинг тақдири нима бўлади, ота-онадан етим қолиб, қандай ўсади? Ўғил кутаётгандик, унинг туғилиши гумон. Мабодо туғилганда ҳам ОИТС юқтириб туғилади. Бутун авлод – ажодимиз учун иснод. Қизимиз омон қолса бу иснодга қандай чидайдими?!» деган хаёллар исканжасидан қутулолмай охири хотинига қўнғироқ қила бошлади:

– Алло, ким бу?

– Бу мен, Жаҳонгирман.

– Тинчликми, дадаси, алламаҳалда, – деди уйқусираб Муҳаббат.

– Уйқум қочиб кетди, соатга эътибор қилмабман.

– Ўзингиз яхшимисиз?

– Ҳа, ҳомиланг яхши ривожланыптими, докторга чиққанмисан?

– Аҳвол сураган пайтингизни-чи, – кулди Муҳаббат.

– Ҳуш, чиққанмисан?

– Ҳа, уч-тўрт ой олдин, нимаиди?

– Докторлар нима дейишди?  
– Ҳаммаси яхши дейишди, қачон касалхонадан чиқасиз?

– Чиқиб қоларман, майли, Баҳоройни упиб қўй.  
– Яхши ётиб туринг.  
– Хайр.

Уч-тўрт ой олдин докторлар ҳаммаси яхши, дейишган бўлса, демак, хотини ва боласига юқмабди-да, ёки яхшилаб текширишмаганмикан?

### «Гўзаллик»

Собиржон ишдан кеч келгани учунми эрталаб ўрнидан тургиси келмай анча ётди. Қўл телефонининг жиринглашига ҳам эътибор бермади. Аксига олиб телефон тўхташни билмай жирингларди. Жавоб беришдан бошқа чораси қолмаган Собиржон:

– Эшитаман, – деди.

– Собиржон, йўлдамисиз? – деди тергов бўлимининг бошлиғи Фозил ака.

– Йўқ, ўрнимда ётибман!

– Ундай бўлса, тез ўрнингиздан туринг!

– Тинчликми?

– Олтинчи даҳа 41-уй, 4-хонадонда яшовчи битта қизни ўлдириб кетишибди.

– Қачон?

– Кечаси бўлган воқеа. Сиз тўғри айтилган манзилга бораверинг, хўпми? Мен йўлдаман, етай деб қолдим.

– Хўп.

Собиржон воқеа содир бўлган жойга етиб борганида, ҳамма йиғилиб бўлган эди. Тиббий эксперт Шариф ака ишни бошлаб юборганди.

– Нима бўлибди, Шариф ака? – сўради Собиржон.

– Бошининг орқа томонига қаттиқ жисм билан урилган.

– Ўлимга шу сабабчи бўлганми?

– Ұлим сабабларини экспертиза хулосаларида аниқ қилиб кўрсатамиз, шошилманг, – деди Шариф ака.

– Жиноят предмети топилдими?

– Йўқ.

– Марҳума ким билан яшаркан, шахси аниқми? – сўради шаҳар прокурори ҳудуд нозиридан.

– Ҳа, шахси аниқ, дугонаси билан яшаркан, шу уйда вақтинча ҳисобда турган экан, – деди ёшгина ҳудуд нозири ҳозиржавоблик билан.

– Нима билан шуғулланишар экан, ишлашадими, бирор жойда ўқишадими?

– Уй эгаларининг айтишича, у дугонаси билан олий-гоҳга кириш учун тайёрланаётган экан.

– Тушунарли.

– Воқеа содир этилганда марҳуманинг дугонаси қаерда бўлган экан? – сўради Собиржон.

– У қариндошиникига кетган, эрталаб келиб воқеани кўрган ва бизга хабар қилган, – деди ҳудуд нозири.

Собиржон хонасида Севара Турдиеванинг ўлими бўйича тўпланган иш материалларини кўздан кечи-раётган эди. Фарҳод бир қиз билан кириб келди.

– Собиржон ака, Жамила Қодировани чақирган эдик. Етиб қелибди, кирсинми?

– Ҳа, ўтиринг, – деди Собиржон.

Қиз калта юбка, ўзига ярашмаган ғалати кофта кийиб олган эди. У Собиржоннинг қаршисида турган стулга оёқларини чалиштириб ўтириб олди. Ўта жиддий бу йигитлар олдида шундай алфозда ўтириши ноқулай туюлди, шекилли, оёқларини тўғрилаб ўтирди.

– Хўш, исм, фамилиянгиз, қаерда, нима иш қиласиз? – сўради Собиржон.

– Мен, Қодирова Жамила, ишламайман, институтга кирмоқчиман.

– Ёшингиз нечада?

– 21 ёшдаман, – деди қиз паспортини Собиржонга узатиб.

- Вилоятдан шаҳарга қачон келдингиз?
- Икки йил бўлди.
- Дугонангиз Севара-чи?
- Бирга келганмиз, ўқишга кирмоқчи эдик...
- У нима билан шуғулланарди?
- Ҳеч нима, ўқирди...
- Ижара ҳақи қанча эди?
- Ойига икки юз минг сўм тўлардик.
- Пулни қаердан олардинглар.
- Севаранинг ўлимига бунинг нима алоқаси бор?
- Сиз марҳамат қилиб, саволга жавоб беринг, ишга алоқаси бўлмаган саволни бермайман!
- Қишлоқдан, ота-онамиз юборишади.
- Ота-онангиз қанча маош олишади?
- Улар маош олишмайди, далада ишлашади.
- Сиз, менинг ҳар бир саволимга фақат тўғри жавоб беришингиз керак! Нотўғри жавобингиз ўзингизга қийинчилик олиб келади, тушундингизми?– деб Собиржон компьютердан бошини кутариб Жамилага қаради.
- Хўш, Севара кундалик эҳтиёжига, яшашига, ижара ҳақига пулни қаердан оларди?
- Унинг танишлари, дўстлари ёрдам берарди...
- Қандай ёрдам?
- У жуда чиройли эди, бу ёғини ўзингиз биласиз-ку...
- Мен билмайман, хўш, давом этинг?
- Гузаллик оламини кутқаради, дейишади-ку...– деди қиз қаердандир қулоғига чалинган сўзларни ишлатиб.
- Аниқроғи?
- Унинг пулдор танишлари бор эди, Улар Севарадан пулни аямасдилар.
- Уларни бир бошдан, исм, фамилиялари билан айтинг-чи?
- Фуломов Шомансур, қайсидир бошқармада ишлайди. Илёсов Туроб, бизнесмен...

Собиржон Жамила айтган кишиларнинг манзилларини, телефон рақамларини ёзиб олди.

– Дугонангизни ўлдириб кетишган кечаси қаерда эдингиз?

– Узоқ қариндошимизникида эдим, – деб Жамила қариндошининг телефон рақами ва манзилини айтди.

– Севара уйда битта ўзи қолганмиди?

– Тўғриси айтсам, у Шомансур ака билан қолган эди. Эрталаб келсам, эшик очиқ, Севара ўлиб ётибди. Мен дарров Шомансур акага кўнғироқ қилдим. Булган воқеани унга айтган эдим, у «менинг исмимни ҳеч кимга айтма», деб илтимос қилди. Ҳатто пул ҳам ваъда қилди.

– Қанча ваъда қилди?

– Бир миллион бераман деди, мен буларни айтмасам дугонамга хиёнат қилган бўламан-ку, тўғрими? – кўзларига ёш олди Жамила.

– Ҳа, албатта. Сиз, ҳозир яшаётган манзилингизни, телефон рақамингизни айтганингиздан кейин кетаверишингиз мумкин.

Жамила чиқиб кетганидан кейин Собиржон, олийгоҳга кириш учун тайёргарлик кўришаётган эмиш, деб қўйди.

– Тезда Фуломов Шомансурни топишимиз керак, – деди Собиржон Фарҳодга.

Собиржон компьютерда ёзаётиб қаршисида ўтирган Фуломовга қараб қўйди. У ўзини бамайхотир тутишга ҳаракат қилаётган бўлса ҳам юзидан нимадандир хавотир олаётгани сезилиб турарди. Ўрта бўйли, озгина қорин қўйган бу одам 40 ёшлардан ошган бўлса ҳам анча ёш кўринарди. У алақандай олифтанамо эди.

– Ука, идорада ишларим кўп эди, мени тезроқ қайтарсангиз бўларди, – деди у ниманидир тез-тез ёзиб ўтирган Собиржонга қараб. Собиржон ишларини тугатиб бўлгандан кейин, Фуломовга ўтирилиб қаради:

– Бу қизни танийсизми? – Собиржон унга Севаранинг расмини курсатди.

– Билмайман... танишдай кўриняпти, ёш қиз экан...  
Ўзи нима гап?– деди Фуломов мужмал қилиб.

– Ўша «ёш қизни» ўлдириб кетишибди!

– Жуда ёмон бўлибди.

– 2009 йил 9 августдан 10 августга утар кечаси соат тунги 2-3ларда қаерда эдингиз?

– Қаерда бўлардим, уйда эдим!

– Бизга Жамила ҳаммасини айтиб берган, шунинг учун энди ҳақиқатни айтишингизга тўғри келади. Агар бирор нимани яширишга ҳаракат қилсангиз, бу сизга нисбатан гумонимизни янада оширади. Хўш, айтинчи, Севара билан қандай танишгансиз?

Фуломов икки қўли билан бошини чангаллаб, индамай анча утиргандан кейин:

– Ўтган йили сентябрь ойида Севара менинг олдимга келди. У ўқишга киролмаганини, иш излаётганлигини айтди. Унинг махсус маълумоти йўқлиги учун бизда ишлай олмаслигини айтдим. У чиқиб кетаётганда тўхтатдим... Ҳаммаси шундан бошланди. Ўшанда у кетиб қолиб, қайта кўришмасак ҳаммаси жойида бўларди... Лекин мен уни тўхтатиб, агар хоҳласангиз сизга ёрдам беришим мумкин, дедим.

– Қандай ёрдам? – деди у нозланиб.

– Олдимга тез-тез келиб турсангиз, бошқа жойда иш топилиб қолса, айтардим...– дедим.

Шундан кейин у олдимга келиб турди. Кейинчалик у ижарада яшайдиган уйга мен бора бошладим...

– 9 август кечқурун Жамила қариндошиникига кетганида сиз Севара билан қолганингиз тўғрими?

– Тўғри.

– Сиз у ердан қачон кетдингиз?

– Соат тунги иккиларда Севаранинг телефони жиринглаб қолди. У ким биландир гаплашди. Кейин, тез кетишингиз керак, акам келяпти экан. Сизни кўриб қолмасин, деб мен билан хайрлашди.

– Демак, сиз унинг уйидан тунги иккиларда чиқиб кетдим, демоқчисиз, тўғрими?

– Шундай.

– Агар билсангиз Севара худди шу пайтда ўлдирилган.

– Мен уни ўлдирмадим! Нима учун уни ўлдиришим керак, ахир?! – жон ҳолатда бақирарди Фуломов.

– Ўзингизни босиб олинг! Мен ҳам худди шу саволга жавоб излаяпман, уни ким ўлдирган бўлиши мумкин, охирги марта кўрган киши сиз бўласиз, ахир!

Фуломов жим бўлиб қолди, анчадан кейин секин гапира бошлади:

– Ука, ўзингиз ўйлаб кўринг, агар ишдагилар бу гап-сўзлардан хабар топишса, обрўйим бир пул бўлиб қолади! Энг ёмони яқинда қизимнинг тўйи бўлиши керак эди, қуда томон бу гапларни эшитса, тўйнинг тўхтатилиши аниқ, чунки бўлажак қудамиз нозик жойда ишлайди. Эй, Худо, қизимнинг бахтига зомин бўламан-ку! Бундан кўра, ўлганим яхши эмасми?!

– Шунинг учун Жамилага бир миллион сўм ваъда қилганмисиз?

– Ҳа, Севара билан алоқам бўлганлигини ҳеч ким билмасин дегандим-да. Энди унинг олифтагарчилигидан асар ҳам қолмаган эди.

– Шаҳардан ҳеч қаерга чиқмаслик ҳақидаги тилхатга имзо қўйиб, кетаверишингиз мумкин!– деди Собиржон.

## Хуштор

– Уни қўйиб юбормаслик керак эди, – деди Фарҳод Фуломов чиқиб кетганидан кейин.

– Қамоққа олиш учун эса далилларимиз етарли эмас,– деди Собиржон қўлларини икки томонга ёйиб.

– Фуломовдан бошқа ким ҳам қотил бўлиши мумкин?

– Севаранинг яна бир хуштори Илёсов Туроб Хитойдан келганича йўқ... Агар Фуломовнинг гапи рост

бўлса, ўша тунги соат иккида қўнғироқ қилган кимса унинг қотили бўлиши мумкин.

– Фуломовнинг гапи ғирт ёлғон, чунки мархуманинг ҳеч қандай акаси бўлмаган-ку.

Собиржон ўрнидан туриб у ёқдан бу ёққа юрарди. У одатига кўра бир қарорга келгунча юришдан тўхта-маслигини Фарҳод яхши билгани учун ўзининг хона-сига чиқиб кетди.

– Кетдик, – деди Собиржон ярим соатлардан кейин Фарҳоднинг хонасига кириб.

– Қаерга?

– Жиноят содир бўлган ўша жойни яна бир марта яхшилаб кўздан кечирамиз!

– Менимча ўтган сафар жуда яхши кўздан кечирувдик-ку.

– Зора бирор нарса топсак...

Улар муҳрни бузиб, жиноят содир бўлган хонадон-га кирганларида қоронғи тушиб бўлган эди.

– Наҳотки бугун вақтида уйга кетиб, мазза қилиб дам олсам, деб ўзимам ҳайрон бўлиб турган эдим. Хайрият, тунни зерикмасдан ўтказарканмиз...– деди Фарҳод.

– Сиз бўлмағур гапларни йиғиштириб, ишга алоқа-дор бирор нарса топишга ҳаракат қилинг, хўпми? – деди жаҳли чиқиб Собиржон.

Улар 3-4 соат уй ичини кўздан кечиришди. Собиржон ҳеч нарса топа олмаганидан хуноб бўла бошлади.

– Собиржон ака, озгина мизғиб олсам майлими, кейин тонгга қараб ишимни давом эттирардим, – деди Фарҳод эснаб.

– Бунча маҳмадана бўлмасангиз, ҳеч нима қилмасангиз ҳам жим бўлинг!

Собиржон вақтини бекор кеткизганига асабийлаша бошлади.

– Кетдик! – деб эшик томонга юра бошлади. У чиқиб кетаётиб, оёқ кийимларини қўядиган кичкина мебел орқасига секин мўралади. У деворга жуда яқин



турганди, Собиржон уни олдинга сал сурганди, орқасидан нимадир полга тушди, бу қўл телефони эди!

Собиржон қўл телефонига келган охирги қўнғироқни топиб, Жамиладан унинг ким эканлигини сўради.

– Бу Жаҳонгир аканинг рақами-ку. – деди Жамила.

– У ким?

– У ҳам Севаранинг хушторларидан бири эди-да, – деди эснаб Жамила.

– Нимага уни айтмагандингиз?

– У кўричагини олдириб, касалхонада ётганди. Жаҳонгир ака операциядан чиққунча, «ишқилиб эсон-омон чиқсин», деб Севара роса сиқилганди.

– Нимага?

– Чунки, Жаҳонгир ака унинг туғилган кунида уй совға қилмоқчи эди.

– Тушунарли...

Собиржон излаган нарсасини топганидан кўнгли жойига тушиб:

– Кўрдингизми, Фарҳод, менинг сезгиларим ҳеч қачон алдамаган, бунга сиз ҳам ишонишингиз керак! – деди.

Улар хонани қайта муҳраб чиқиб кетишди.

Эрталаб Собиржоннинг хонасига Жаҳонгирни олиб келганларида унинг ранги бир аҳволда эди.

– Ўтиринг, – деди Собиржон унга.

– Раҳмат.

– Бу қизни танийсизми? – деди Собиржон Севаранинг расмини кўрсатиб.

– Йўқ.

– Унга уй олиб бергандан кўра, ўлдириб қўя қолай, дедингизми?

– Нималар деяпсиз, қанақа уй?

– Туғилган кунида сиз совға қилмоқчи бўлган уйни айтяпман.

– Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман?!

– 9 августдан 10 августга ўтар кечаси тунги соат 2-3 лар орасида қаерда эдингиз?!

– Касалхонада ётган эдим.

– Севарага тунги соат 2 дан ўн дақиқа ўтганда кўнғироқ қилдингизми, шу рақам сизникими? – деди Собиржон унга Севаранинг қўл телефонидаги рақамини кўрсатиб.

– Ҳа, меники...

– Унда нимага Севарани танитайман, дедингиз?

– Янглишиб тушган бўлишим керак...– Жаҳонгирнинг қўллари қалтирай бошлади.

– Уни нима учун ўлдирдингиз?!

– Йўқ, уни ўлдирмадим!

– Кўнғироқ қилганингиздан кейин касалхонадан чиқиб, уни ўлдириб, яна касалхонага қайтгансиз.

– Йўқ!

– Жиноят содир бўлган жойда сизнинг бармоқ изларингиз қолган! – деди овозини кўтариб Собиржон.

– Ёлғон, ҳеч қандай из қолмаган! – бақирди Жаҳонгир.

– Тушунарли, демак бармоқ изларингизни йўқотгансиз, – деди унинг жавобидан Собиржоннинг кўнгли жойига тушиб.

– Бу сўзингизни инкор қила олмайсиз, хўш, энди бир бошдан айтиб беринг-чи, нима учун бегуноҳ бир қизни ўлдирдингиз.

Беихтиёр айтиб юборган бу гапидан кейин, Жаҳонгир энди қаршилиқ қилишнинг фойдаси йўқлигини билиб, жим бўлиб қолди. Ким билади, балки Севарани ўлдирган пайтдаги ўша манзара кўз олдига келдими, у қаттиқ совуқда қолган одамдай дир-дир титрар эди.

Унинг аҳволини тушунган Фарҳод стаканда сув узатди, Жаҳонгир қўли қалтираб, стаканни оғзига олиб бора олмади. У шу алфозда анча ўтирди, кейин секин сўзлай бошлади.

– Бегуноҳ, дедингизми, – деб у бошини чайқади.– Бегуноҳ... Мен ОИТСга чалинганлигимни билганимда қандай аҳволга тушганимни биласизми? Ахир менга

ОИВ инфекцияси фақат шу «беғуноҳ қиз»дан юқиши мумкин эди-да.

– ОИТС?! – деди Собиржон.

– Мен уни ўлдирмоқчи эмас эдим, фақат ўзини текширтганми ёки касалми шуни билмоқчи эдим. Борсам, унинг уйдан тунги соат иккиларда яна битта эркак чиқиб кетди. У қоронғида мени кўрмади. Ўзимни тутолмадим, бу ифлос яна қанча одамга ОИТС тарқатади, яна қанча одамнинг ёстиғини қуритади, бу чиройли қиёфали ВАБО яна қанча одамларнинг бошига битмас-туғанмас кулфатлар солади?! У эшикни очди, ҳеч нарса бўлмагандек:

– Келинг, Жаҳонгир ака, – деди ноз билан.

Кўзим кираверишда ётган гантелга тушди. Уни қўлимга олиб, бошига урдим... Жуда кучли зарб билан урдим, чунки иккинчи зарбага ҳожат қолмаслиги керак эди. Худди шундай бўлди. Мен қайтиб кетдим, унга заррача раҳмим келмади. Ҳалиям қўлимда гантелни қаттиқ қисиб кўтариб келаётганимни касалхонага кираверишдагина пайқадим ва уни улоқтириб юбордим.

– Сиз ОИТСга чалинганмисиз?! – сўради Собиржон.

– Касалхонада, қон таҳлилимда шундай бўлиб чиққан эди.

– Кейин-чи?

– Севарани ўлдирганимдан кейин эртаси куни такрорий қон таҳлилимда менда ОИВ инфекцияси йўқлиги маълум бўлди...

## ЙУҚОЛГАН ИЗ

*Одамлар! Энг аввало эзгу ахлоққа  
эга бўлишга ҳаракат қилинг.*

*Пифагор.*

### Шубҳа

Катта терговчи Собир Мирзаев қаршисида ўтирган йигитнинг 27 ёшга кирганига ишонқирамай, диққат билан қайта разм солди. Ёши катта кўринар экан, деган фикрга келди, кейин одатига кўра дангалига ўтиб:

– Қани Нусратжон, бир бошдан ҳаммасини сўзлаб беринг-чи. Ўзи нима бўлган эди, – деди унга сичковлик билан тикилиб.

– Ҳаммасини аризамда ёзганман, 11 декабрь куни хотиним Дилноза қизимиз Дилбарни онамга ташлаб, «Мен Тошкентга опамлар билан товар олиб келишга кетдим», деб кетган. У кетганда мен ишда эдим. Дилноза опалари билан кетмаган экан. Улар қайтиб келишди, 7 кун бўлди қидирмаган жойимиз қолмади. Ҳеч қаерда йўқ. Кимдан ёрдам сўрашни ҳам билмай қолдик.

Собиржон Мирзаев Нусратдан бирор жўяли фикр олиш умидида суҳбатдошини «Қачон, қандай турмуш қургансизлар? Оилада нечта фарзандсизлар? Ишларингиз яхшими? Маошингиз етарлими», деган саволларга кўмиб ташлади. Аммо ўзини қониқтирадиган бирор жавоб ололмади.

– Қизимиз туғилгандан кейин Дилноза алоҳида яшаймиз, деб туриб олди. Ота-онамиз «Майли, қаерда яшасангизлар ҳам тинч яшасангизлар бўлди, розимиз», деб бизни акамнинг уйига, уларни эса оиласи билан ўз ёнларига олдилар. Бунга ҳам 4 йил бўлиб қолди.

– Мактабда ишлар экансиз...

– Ҳа, маошим яхши. Ўзимизга бемалол етади, физикадан дарс бераман. Болаларни институтга киришга тайёрлайман.

– Турмуш ўртоғингизнинг бозордаги ишларидан хабардормисиз? Нима сотади?

– Тўғриси айтсам, мен Дилнозанинг савдо-сотик қилишига қарши эдим. Шу сабабли ҳам турмушимиз бузилишига сал қолган. Ўтган йили Дилноза «Бозорда савдо-сотик қилишимга рухсат бермасангиз сиз билан ажрашаман», деб қизимизни олдию, онасиникига кетиб қолди. Мен ҳам ажрашмоқчи эдим, лекин фарзандимизни тирик етим қилишдан қўрқдим. Онаминг «Келин ҳали ёш. Яна битта тўғса босилиб қолади, кўз очиб кўрганингдан айрилма болам», деганлари учун ниятимдан қайтдим. Шундан кейин бозорда кийим-кечак сота бошлади чоғи, очигини айтсам менга қизиги йўқ эди.

– Дилноза кимлар билан савдо-сотик қиларди? Биров ёрдам берармиди?

– Иккала опаси ҳам 6-7 йилдан бери савдо-сотик билан шуғулланишади.

– Унинг яқин дугоналарини биласизми, бирор шубҳалироқ ҳаракатларини сезмаганмидингиз?

– Йўқ, билмайман, тўғриси айтсам, кейинги бир йил ичида биз деярли гаплашмасдик. Фақат зарурат юзасидан «ҳа» ёки «йўқ», деб қўярдик, холос.

– 11 декабрь куни эрталаб у билан гаплашганмидингиз, кайфияти қанақа эди, соат нечада уйдан чиқиб кетган?

– Эрталаб мен Дилноза билан гаплашмасдан ишга кетдим. У уйда қолди. Онаминг айтишига қараганда, Дилбарни тушга яқин қолдирган экан...

– Нусратжон, яна бирор нарса эсингизга тушса ёки бирор нарсани менга айтишни лозим деб ҳисобласангиз хабар беринг.

Норгул ва Севаралар билан суҳбатлашганда ҳам Дилнозанинг ҳеч қандай шубҳали танишлари йўқлигини ёки унинг бирон бир шубҳали ҳаракатини сезмаганликларини айтишди. Улар суҳбат чоғида Дилноза «Сизлар кетаверинглар, мен орқаларингдан етиб

бораман, Тошкентда учрашамиз», деганини ҳам айтишди.

Бир ой давом этган тергов, сўраб-суриштириш ва қидирув ҳеч қандай натижа бермади. Дилнозанинг дараги чиқмади. Из тамоман йўқолган эди.

Собиржон кабинетида у ёққа – бу ёққа юрганича ўйлаб ўйига етмасди. Бу қандай оила бўлдики бир йилдан бери фақат мажбурият юзасидангина гаплашишса, ҳатто эри хотинини узоқ сафарга кетаётганиниям билмаса?

У Дилнозанинг ота-онаси билан яна бир марта суҳбатлашиш керак, деган фикрга келди.

## Эр

Собиржонни Дилнозанинг онаси Сожида опа кутиб олди. Уйда Севара ва Норгуллар ҳам бор экан. Суҳбат оддийгина бошланди.

– Қизингиз Дилноза оиласи билан қандай яшарди?– деди Собиржон салом-алиқдан сўнг, мулойимлик билан.

– Сизга айтсам, кейинги пайтларда оиласи нотинч эди. Бундай бўлишига куёвимиз сабабчи. Чунки Дилноза «Савдога чиқаман», дейиши билан у тўнини тесқари кийиб олди. Ҳайронман ука, савдони нимаси ёмон экан? Масалан, мана мен, ёшлигимдан савдодаман. Худога шукр, ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Мана, шу ўзингиз кўриб тургандай уйларда яшаймиз, қўша-қўша машиналаримиз бор. Хотингаям озгина ишониниш, унгаям озгина имконият бериб, уни ҳам хоҳиш истакларига қулоқ солиш керак-да, тўғрими, ука?! Ишқилиб қизим тирик бўлсин-да... Уйга эсон-омон кириб келсин-да...– деди Сожида опа йиғлаб.

Собиржон Дилнозанинг отасига сўзсиз қаради. Унинг уйда бор-йўқлиги билинмасди.

– Ғани ака, кейинги пайтларда Дилнозанинг шубҳалироқ ҳаракатини сезмаганмидингиз?

– Йўқ, сезмаганман, – деди кўз ости билан хотинига қараб, – Дилноза ҳам бошқа қизларимга ўхшаганиди, улар ҳамма нарсани билади...

У яна хотинига «Тўғри гапирдимми», дегандай қараб қўйди.

Собиржон суҳбатдан қониқмади. Фани ака бу оилада қўғирчоққа ўхшаб кўринди. Қамровни кенгроқ олиш керак, шекилли, деган фикрга келиб, энди кетишга отланганда, дарвозадан Дилнозанинг қайнонаси Омина опанинг қораси кўринди.

– Ассалому алайкум, яхши ўтирибсизларми? Ие, терговчи болам ҳам шу ерда экан-ку, Дилнозадан бирор хабар борми, деб келаётувдим...

– Ассалому алайкум, келинг, Омина опа, – деди Собиржон уйдагиларнинг миқ этмаганидан ноқулай аҳволга тушиб. Норгул салом-аликни ҳам йиғиштириб бидиллай кетди:

– Сиз хабарни ўғлингиздан сўранг! Синглим йўқолиб қолишидан икки кун олдин ўғлингиз «Сени ўлдириб ташлайман», деб жанжал кўтарганидан беҳабардай гапирасиз-а!

– Йўғ-е, қизим, нималар деяпсиз? – ажабланиб Норгулга қаради Омина опа.

– Ҳа, шунақа, Дилноза йўқолиб қолишидан икки кун олдин буни Севара иккимизга айтувди, лекин биз жанжалда айтиладиган шунчаки бир гап деб, эътибор қилмовдик. Синглим йўқолганига мана бир ойдан ошяпти. Ҳақиқатан ҳам ўғлингиз бир бало қилиб қўйганга ўхшайди!...

– Вой, мен бу гаплардан нега беҳабарман?! Яшшамагур... шундай деган эканми? Бу писмиқ хотин ўғли билан тил бириктириб қизимни ўлдириб қўйиб ҳеч нарсани билмагандай уйимга келиб ўтиришини қаранг. Қизимни уйга қаматтириб қўйиб, савдо-сотик қилишига рухсат бермай, не-не азобларга солган ҳам мана шунинг ўзи! Қизи 4 яшар бўлишига қарамасдан бўйигаям бўлмаётганиди.

Бунга фақат мана шу хотин айбдор...

Сожида опанинг важоҳатини кўриб Собиржон Омина опага яқинроқ келиб:

– Сожида опа, ўзингизни босинг, ҳали ҳеч нарса маълум эмас-ку, – деди.

– Худодан кўрқинг, Сожидахон, неварамни олиб қолиб Дилнозанинг ишларига ёрдамлашаётган эдим-ку?

– Ёрдаминг бошингда қолсин. Қизимни ўғлингга ёмонлаб ўлдиртиргансан!– деди Сожида опа жазавага тушиб.

Хотини ва қизларини тинчлантириб, вазиятни сал бўлса ҳам юмшатишга ҳаракат қилиш ўрнига Ғани ака галати овоз билан хотинининг гапларини ҳадеб так-рорларди:

– Ҳаммасига айбдор сизсиз. Яхши хотин бўлганингизда қизимни ўғлингизга ёмонлаб, унга ишонмай кўчага чиқармасдан кўярмидингиз? Сиз, Дилнозага кўп азоб бергансиз. Буни унинг ўзи айтмаган бўлса ҳам билардим. Сиз жуда ёмон хотинсиз...

Ғани ака Омина опани нимада айблаб, нима учун ҳақорат қилаётганлигини билмасди. Уйига келган аёлнинг айби бор-йўқлигини аниқ билмай туриб, мабодо айби бўлса ҳам уни бунчалик ҳақорат қилиб гаплашиш эркак кишининг иши эмаслигини англаб етмасди. У шу туришда ўз ўрнини йўқотган эрга ўхшар эди... Қизлар эса на отадан, на онадан ҳайиқарди. Собиржон Ғани аканинг аҳволини кўриб, унга ачинишиниям, ундан нафратланишиниям билмай қолди. Оилада унинг ўрни йўқлиги аниқ эди.

– Терговчи ука, мана ҳаммасини эшитдингиз, куёв ўлгурни қизимга: «Сени ўлдираман», деб юрганини билдингиз. Энди уни тезроқ қаманг, шунда у қизимни нима қилганини айтиб беради, фақат тезроқ қаманг, бўлмаса ўзим уни бир бало қилиб кўяман, – деди Сожида опа.

Собиржон уларни бир амаллаб тинчлантирди.



– Хўп, ҳаммасини текширамиз, аниқлаймиз, фақат сизлар ўзингизни босиб олинглар. Қизиққонлик қилсангизлар ишимизни чалкаштириб юборасизлар, – деди кетиш олдидан.

Собиржоннинг хаёлида «наҳотки Дилнозани эри ўлдирган бўлса?» деган фикр чарх урарди. Ниҳоят, 11 декабрь куни Эрматовнинг қаерларда бўлганини яхшилаб суриштириш керак, деган фикрда тўхтади.

Собиржон Эрматов ишлайдиган мактабга дарсга қўнғироқ чалинадиган пайтни мўлжаллаб борди. Ўқитувчилар хонасига бош суқди. Қўлидаги қоғозларни кўздан кечириб ўтирган қорачадан келган, озғин аёл бош кўтариб Собиржоннинг саломига алик оларкан, кираверинг, ишорасини қилди.

– Мен, Эрматов Нусратнинг ўртоғиман, ҳар замонда жўралар йиғилишиб турамиз. Унинг дарси энг кам кунини билиб беролмайсизми? Ўзидан сўрасак иши кўплигини баҳона қилиб, биздан қочгани-қочган. Вақтига қараб таклиф қилмоқчи эдик.

– Ҳа, бемалол, – деди аёл жадвалга қараб. – Сешанба куни дарси соат 11 га яқин тамом бўларкан.

– 11 декабрь куниям йиғилишиб ўтирувдик, Нусрат дарсларим кўп, деб баҳона қилиб бормаган, шу кунниям аниқлаб қўяй, илтимос қараб беринг.

– 11 декабрь сешанба экан-ку, дарси ўну қирқда тамом бўлган.

– Балки бошқа ўқитувчининг ўрнига дарсга киргандир?

– Мен ўқув ишлари бўйича директор ўринбосариман, ҳеч кимнинг ўрнига кирмаган.

– Катта раҳмат, опа. Мени келиб кетганимни айтиб қўйманг, илтимос.

– Хавотир олманг, айтмайман, – деди аёл гўё бундай суриштирувларни кўравериб кўникиб кетгандек.

Собиржон у ердан чиқиб, тўғри Омина опанинг олдига борди. У невараси Дилбар билан кўча супуриб юрган эди.

– Келинг, ўғлим, уйга киринг, бир пиёла чой ичинг, Дилноза тўғрисида бирор янгилик борми?

– Мен ҳам йўл-йўлакай сизларда бирор янгилик бормикин, деб келувдим. Неварангиз ҳам сизни қийнаб қўйгандир-а, Омина опа?

– Йўқ, Дилбар менга ўрганиб қолган, тушдан кейин дадаси келади. Биз бир амаллаб юрибмиз, ишқилиб келиним топилсин-да,– деди Омина опа куйиниб.

– Омина опа, эслай оласизми, ўша 11 декабрь куни келинингиз кетаётганда Нусратжон уйдаими?

– Йўқ, ишда эди. Эсимда, шу куни Нусратжон ишдан кеч қайтди. Дилбар «дадам келмади» деб роса хараша қилганди.

– Соат нечаларда қайтганди?

– Соат 3-4 ларда эди, шекилли...

Собиржон иш билан боғлиқ яна бир неча саволларга жавоб излаб, атрофни кузатган бўлди. Ишхонасига қайтгач, Нусратга телефон қилиб, навбатдаги суриштирувга чорлади. Собиржон суҳбат давомида уни чўчитиб қўймаслик учун масалага яқинроқ саволларни жуда эҳтиёткорлик билан сураб суриштиришга ҳаракат қиларди.

– Нусратжон, 11 декабрь куни эрталабдан кечгача нима ишлар қилганингизни яна бир эслаб кўринг-чи?

– Мен эрталаб ишга кетдим, дарсларим тугаши билан ота-онаминг уйига бориб, у ерда тушлик қилдим ва қизим Дилбарни олиб уйга келдим. Бошқа ҳеч қаёққа чиқмадим,– деб жавоб берди Эрматов.

– Эрталаб хотингиз билан жанжаллашмаганмидингиз?

– Йўқ!

– 9 декабрь кунги жанжал нимадан келиб чиққанди?

– Эсингизда бўлса, аввал ҳам айтгандим, Дилноза менга қулоқ солмай бозорга савдо-сотик қилишга чиққандан кейин муносабатимиз ёмонлашди. Биз деярли гаплашмасдик. Уйимиз ивирсиб ётадиган бўлиб

қолганди, хоналарни ўзим ёки онам келиб йиғишти-  
рардилар. 9 декабрь куни кийишга на тоза пайпоқ,  
на кўйлак тополмай асабийлашиб турганимда Дилно-  
за менга эътибор ҳам бермай ўзига оро бериб чиқиб  
кетишига чидаб туrolмай бақиргандим.

– Нима деб бақирдингиз?

– Сендақа исқирт хотин билан яшагандан ҳар нар-  
са бўлган яхши. Савдо-сотифингни йиғиштириб, уйга  
қара, дегандим.

– Дилнозага, сени ўлдираман деганмидингиз?– деб  
сўради Собиржон дабдурустан Нусратдан кўзини  
узмай.

– Дегандим, унинг башанг кийиниб, мени писанд  
қилмай чиқиб кетиши бошқача кўринди, шунда «агар  
сен ҳақингда бирон ёмон гап эшитсам ўлдириб таш-  
лайман», дегандим.

– Ўлдириш ниятингиз бормиди?

– Йўқ-е, дўқ қилгандим, холос.

– Бошқа ҳеч қандай гап бўлмадимми?

– Йўқ...

Собиржон бу гап ҳам арзигулик дастак топа олма-  
ганидан ижирғанди. Эрматов ниманидир яшираётган-  
га ўхшаб кўринарди...

## Изтироб

Собиржон тергов бўлимининг бошлиғи Фозил акага  
Худойқулованинг йўқолгани ҳақидаги иш юзасидан  
ўз фикрларини баён қилди:

– Иш бўйича сўралиши керак бўлган ҳамма одам-  
лар билан гаплашдим, натижа – ноль. Фақат ариза бер-  
ган Эрматов, яъни Дилнозанинг эрининг берган  
кўрсатмаларида ҳар хиллик бор, ўзини галатироқ тут-  
япти.

– Батафсилроқ гапиринг...

– Худойқулова йўқолиб қолишидан икки кун олдин  
эр-хотин жанжаллашган. Эри «сени ўлдириб ташлай-

ман», деган сўзларни айтган. Худойкулова буни опаларига айтган. Эрматов буни дастлаб биздан яширди. Бу – биринчиси, иккинчиси – у Худойкулова йўқолиб қолган куни «ишдан тўғри онамларникига келиб тушлик қилдим», деб нотўғри кўрсатма берди. У шу куни ишдан соат 11 ларда чиқишига қарамай, уйига 3-4 ларда келган.

– Ҳа, иккала факт ҳам шубҳаланишга арзийди. Собиржон, сиз ёнингизга икки ёрдамчи ва Эрматовнинг уйини тинтув қилишга ордер олиб, дарров ишга киришинг, – деди Фозил ака.

Тинтув пайтида енгида қон излари бор Эрматовга тегишли кўйлак топилди. Экспертиза берган хулосага қараганда, кўйлакдаги қон изи Худойкулованинг қон гуруҳига тўғри келаркан. Янги топилган дастаклар юзасидан Эрматовга:

– Кўйлагингизнинг енгидаги қон изи қаёқдан пайдо бўлди, – дея савол берди Собиржон Нусратга.

– Ўша, 9 декабрь куни, жанжаллашганимизда уни туртиб юборгандим, столга тегиб бурни қонаганди. Енгимга қон шундан теккан бўлса керак. Мен бунга эътибор ҳам бермаганман.

– 11 декабрь куни соат ўну қирқда дарсдан чиқиб, хотинингизни қаерда учратдингиз?

– Ишга кетганимдан кейин кўрмаганман.

– Ишдан ўну қирқда чиқиб, онангизнинг олдига соат 15-16 ларда борганлигингиз бизга маълум. Сиз биздан яширмоқчи бўлган 5 соат ичида қаерда бўлдингиз, нималар қилдингиз?

– Мен 11 декабрь куни эрталаб ишга кетаётганимда Дилнозанинг ясан-тусан қилиб юрганини кўриб, яна бир ёққа кетмоқчи эканини билдим, лекин ўзига ҳеч нима демадим. Чунки унга гапириш бефойда эди. Икки кун олдинги жанжалдан кейин яна ҳеч нарса бўлмагандек бунчалик ясан-тусан қилиб юргани менга қаттиқ таъсир қилди. Мактабда қандай дарс ўтганимни ҳам билмайман. Тўғри, мен ўну қирқда ишдан

чиқдим, лекин уйга бормадим, тўғри келган кўчаларда тентираб юрдим, йўл четидаги ўриндикда қанча вақт чекиб ўтирганимниям билмайман, кейин онамдан Дилбарни олиб уйга кетдим.

– Сиз бу гапингизни исботлай оласизми?

– Буни қандай исботлаш мумкин?– сўради Эрматов.

– Сизни шу ҳолатда кўрган бирор таниш-билиш, айтган гапларингизни тасдиқлайдиган гувоҳ борми, демоқчиман,– деди Собиржон.

– Биласизми, мен ҳаётдан шу қадар тўйиб кетгандимки, ҳатто яшагим келмай қолганди. Дилноза билан ажрашишим керак, деган қатъий хулосага келгандим, фақат қизимни отасиз тирик етим бўлиб қолишини ўйлаб, нима қилишимни билмасдим. Қайси эркак ўзининг бу аянчли аҳволини бировга айтиб, дийдиё қилиши мумкин?! Бу аҳволимни онамдан бошқа ҳеч ким билмайди. Мени 5 соат тентираб юрганимни исботлайдиган ҳеч қандай гувоҳим йўқ!

– Сиз, Эрматов, хотинингиз Худойқулованинг йўқолиб қолишида гумондор шахс ҳисобланасиз. Сизни эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаб турамиз. Сиз ўзингизга ҳимоячи олишингиз ва қонунда кўрсатилган ҳамма ҳуқуқлардан фойдаланишингиз мумкин, – деди Собиржон.

– Менга ҳимоячининг кераги йўқ, чунки мен ҳеч қандай жиноят қилмаганман!– Эрматов асабийлашар эди...

Ўғлининг қамоққа олинганини эшитган Сафар аканинг қон босими кўтарилиб, ётиб қолди. Бир томонда Нусратнинг қамоққа олиниши, иккинчи томондан турмуш ўртоғининг бош миясига қон қуйилиб касалхонага тушиши Омина опани оғир аҳволга солиб қўйди. Бу ҳам етмагандек қудаси Сожида опа келиб «Агар қизим топилмаса уруғларингни қуритаман, сенларга неварамни бериб қўймайман», деб Дилбарни ҳам олиб

кетди. Дилбарнинг «Бувижон мени олиб қолинг, мен кетмайман», деб йиғлашлари Омина опанинг юрагини тамом эзди.

### Қилмиш – қидирмиш

Собиржон ҳозиргина қамоққа олинган Нусрат тўғрисида уйларди. Онаси – Омина опа, бағрикенг, сабр-тоқатли, ақлли аёл. Отаси – Сафар ака касбини яхши кўрадиган, мағрур, фалсафадан дарс бергани учунми, мудом ахлоқ-одоб тўғрисида гапиришни яхши кўради. Опаси Оқила – жуда уятчан аёл, кам гапиради. Шундай оилада тарбияланган Нусрат наҳотки жиноятга қўл урган бўлса, одам ўлдириш унинг қўлидан келадими? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, лекин ҳамма далиллар унга қарши. Калаванинг учини тезроқ топишим керак!

Собиржон хонасида у ёқдан бу ёққа юравериб чарчаб, жойига ўтирди. У стол устида турган, бугун эрта-лаб ҳал қилиш учун берилган, янги аризани кўлига олиб ўқий бошлади. «Эрим Ҳотамов Зокир, ёши 36 да. У 11 декабрь куни қора «Нексия» машинасида чиқиб кетиб, қайтиб келмади...»

– Дилноза ҳам шу куни йўқолган-ку!– деб юборди беихтиёр Собиржон. Иккала йўқолиш бир қулфга банди этилгандек эди. Қани ўша қулфнинг калити?!

У аризада кўрсатилган манзилга кўнғироқ қила бошлади, гўшакни аёл киши кўтарди.

– Менга Ҳотамова Сарвиноз керак эди.

– Эшитаман, менман.

– Сарвиноз опа, эрингизнинг йўқолиб қолиши тўғрисидаги аризангиз бўйича кўнғироқ қилаётган эдим. Ҳозир олдимга, прокуратурага кела оласизми?

– Йўқ, афсус, бугун бора олмайман, ўғлимнинг тоби йўқ...

– Ундай бўлса ўзим борсам майлими?

– Ҳа, бемалол, келаверинг.

Собиржон ҳар эҳтимолга қарши Дилнозанинг расмини олиб, Сарвинозларникига жўнади.

– Сарвиноз опа, нима учун шу пайтгача ариза бермадингиз, эрингиз йўқолганига анча бўлган экан? – сўради Собиржон.

– Улар авваллари ҳам 15-20 кунлаб йўқ бўлиб кетардилар, телефонда ҳам гаплаша олмасдик, кейин ўзлари келиб қолардилар. Яна шунақа бўлади, деб ўйладик, қидириш керак бўлган жойлардан ўзимиз изладик. Ҳеч қаердан топа олмагандан кейин ариза беришга мажбур бўлдим.

– Зокир ака нима билан савдо-сотик қиладилар?

– Улар Россиядан тахта-ёғоч олиб келиб сотадилар.

– 11 декабрь куни Россияга кетганмидилар?

– У куни «Ўртоқларим билан ўтираман, балки бугун сафарга ҳам кетишим мумкин», деган эдилар.

Собиржон Ҳотамов Зокирнинг расмини Дилнозанинг опаларига, таниш-билишларига кўрсатди, улар танимасликларини, Зокир деган исмни Дилнозадан эшитмаганликларини айтдилар.

\* \* \*

Собиржон Сарвиноз опага қўнғироқ қилди.

– Сарвиноз опа, сизга Зокир акага алоқадор бирор янгилик ёки эсингизга тушган бирор гап бўлса менга дарҳол айтинг, дегандим, ҳеч қандай янгилик йўқми?

– Йўқ... Ҳа, эсимдан чиқибди, анави куни эски дазмолни олиб чиқиш учун болохонага чиқсам Зокир акангизнинг қўл телефони ётган экан. Буни сизга айтаман деб, эсимдан чиқарибман.

– Қўл телефони, дедингизми, уйда бўлиб туринг, илтимос, ҳозир борамиз! – деди-да Фарҳоджон билан тезда йўлга отланди.

Сарвиноз опа эшикдан кириб келган Собиржон ва Фарҳоджонларга қараб:

– Шунча тез етиб келдингизларми? – деди ҳайрон қолиб.

– Қани уша қўл телефон?– шошиб сўради Собиржон.

– Мана,– деб телефонни узатди Сарвиноз.

Собиржон телефондан охирги қўнғироқ рақамини топди ва тез ёзиб олиб, Сожида опанинг уйига қўнғироқ қилди.

– Сожида опа, Дилнозанинг қўл телефонининг рақамини айта оласизми? – деди. Маълумотни олиши билан гўшакни қўйди.

– Ўзим ҳам худди шундай деб ўйлаган эдим, мени ҳеч қачон сезгиларим алдамаган, – деди кафтларини бири-бирига ишқаб. Фарҳод гап нимадалигини тушуниб етмаган бўлса ҳам, яхши янгилик борлигидан жилмайди.

– Сарвиноз опа, илтимос телефонни қаердан топиб олганингизни кўрсатинг, – деди Собиржон.

Улар болохонага чиқишди. Сарвиноз опа «Мана шу ердан топувдим», деб кўрсатган жойда ечиб ташланган бир жуфт пайпоқ ётарди. Собиржоннинг диққатини шу ерда ётган янги пайпоқ ёрлиқ қоғозининг парчаси тортди. У ўз тахминларини овоз чиқариб айта бошлади:

– Демак, шу ерда Зокир ака эски пайпоқни ечиб, янгисини кияётганда қўл телефони жиринглаган. Галлашганидан кейин пайпоқни кийгач, телефонни чўнтагимга солаяпман, деб ўйлаган, лекин адашган ёки эсидан чиқиб қолдириб кетган. Хўш, Фарҳоджон, нима деб ўйлайсиз, Зокир ака болохонага фақат пайпоқ алмаштиришга чиққанмикин?..

– Мен ҳам худди шуни ўйлаб турган эдим, – деди Фарҳод.

– Сарвиноз опа, болохонадаги лаш-лушларингизга яхшилаб қаранг-чи, нима йўқолиб қолган экан, – деди Собиржон. Сарвиноз опа болохонадаги эски-туски нарсаларга узоқ тикилиб қолди. Собиржоннинг хаёлидан «уч ойдан бери болохонага чиқмай, уни шу аҳволга тушгунча тозаламай қўйиш ҳам мумкин эканда», – деган фикр ўтди.



– Электр иситгич кўринмаяпти, ҳа, қизил рангда эди...– деди Сарвиноз опа.

– Айтинг-чи, сизнинг бошқа уйингиз ҳам борми?

– Йўқ, фақат шу уйимиз бор, холос.

– Дача-чи?

– Дачамиз ҳам йўқ ҳисоб.

– Тушунмадим, аниқроқ айтинг, борми ёки йўқми?

– Қайнимнинг номида битта эски дачамиз бор, таъмирланмагани учун у ерга бормаганимизгаям бир-икки йил бўлиб қолди.

– Фарҳоджон, кетдик ўша дачага, Сарвиноз опа, илтимос, бошлаб боринг, – деди Собиржон шошилиб. Дача унча узоқ эмас экан. Ичкарига киришлари билан Собиржоннинг кўзи қизил электр иситгичга тушди, тармоқда электр токи йўқ эди. Улар ташқарига чиқишди.

– Гаражнинг калити борми, Сарвиноз опа?– сўради Собиржон.

– Билмайман.

Собиржон гаражнинг эшигини тортган эди очилиб кетди ва ичкарида қора «Нексия» кўринди! Машинанинг орқа ўриндиғида шармандали ҳолда қотиб қолган икки нафар мурда ётарди. Улар ёпиқ гаражда машина ёқилғиси дудидан бўғилиб ўлган Дилноза ва Зокир эдилар. Бу жирканч манзарадан қотиб қолган Собиржон ташқарига интилди. Юзига баҳор шабадаси урилиб, ўзига келгач тегишли жойларга қўнғироқ қила бошлади.

## ЎФИРЛАНГАН ЧАҚАЛОҚ

*Инсон ўзи бурчли бўлган  
ҳамма ишни бажаришга қодир.  
Фихте.*

### Деярли ҳамкасб

Икки кундан бери Зикридин аканинг ҳовлисида хурсандчилик. Унинг ягона фарзанди Меҳридин ўфил кўрди! Бу кунни улар узоқ кутишди. Меҳридин Ноила билан 10 йил фарзанд кутиб яшадилар. Лекин, хотинининг фарзанд кўрмаслиги аниқ бўлгач ажрашишди. Меҳридиннинг Гулбаҳорга уйланганига ҳам икки йил тўляпти. Ниҳоят улар орзуларига етишдилар. Фазилат опа неварасига Зухридин, деб исм қўйиш ҳақида эри Зикридин ака билан маслаҳатлашиб олди. Эрталаб нонуштадан кейин ўғлига:

– Ўғлим, бугун неварагинамга туғилиш гувоҳномаси олишни унутма, – деб тайинлади.

– Хўп, ўзим хоҳлаган исмни ёздираверайми? – деди Меҳридин ҳазиллашиб.

– Асло, фақат мен айтган исм – Зухридин деб ёздирган, тушундингми?!

– Ҳа, ойижон!

– Худо хоҳласа, кейинги фарзандларингнинг исмини ўзинг танлашингга рухсат бераман, хўпми!

– Хўп, ойижон!

Ҳозир Меҳридиннинг кайфияти биров уришса ҳам хафа бўлмайдиган даражада кўтаринки эди. Унинг қўл телефони жиринглаб қолди.

– Эшитаман, хоним! – деди Гулбаҳор қўнғироқ қилаётганини билиб.

– Нима, нима дединг? – деди Меҳридиннинг ранги учиб, Фазилат опа ўғлига:

– Нима гап, айтсанг-чи?! – деб қистарди.

– Ҳозир етиб бораман! – деб Меҳриддин гўшакни қўйди.

– Тинчликми? Гапирсанг-чи, – деди Фазилат опа.

– Ўғилчамизни топища олмаётган эканлар...

– Нима?! Қандай қилиб?

– У ётган жойида йўқ эмиш!

– Унақа бўлиши мумкин эмас, кетдик, борайлик-чи!

Фазилат опа туғруқхонага кириб борар экан, туғри келган шифокордан:

– Неварам топилдими? – деб сўрар эди.

Шифокорлар нима бўлганини била олмай, у ёқдан, бу ёққа югуришар, бош врач чақалоқлар хонасига масъул бўлганларни йиғиб, улардан сўраб-суриштирарди.

– Сафарова, сиз кеча навбатчиликни топширганингизда бола бормиди?

– Ҳа, мен ҳаммасини Гулнорага топшириб кетганман.

– Гулнора, кечки навбатчиликни қабул қилиб олаётганингизда болаларнинг ҳаммаси борлигига эътибор берганмисиз?

– Ҳа, ҳаммаси тўлиқ эди, – деди ўзини йиғидан тўхтата олмай.

– Йиғлашни бас қилинг, ундан кўра фикрингизни бир жойга тўпланг! Кеча шубҳалироқ бирор нарса содир бўлмадимми?

– Мен, билмайман, ҳеч нарса сезганим йўқ, ахир!

– Ундай бўлса бола қани?!

– Энди мени қамашадими?...– деб Гулнора ҳўнграб юборди.

– Ҳозир прокуратурадан, милициядан келишади, балки ҳаммамизни қамашар, ахир биз бир чақалоқни йўқотиб, қўйдик-ку!– деди бош врач Ҳамида опа кўз ёшларини сездирмай артаркан.

– Ҳамида Восиқовна, прокуратураданмиз, дейиш-япти,– деди ҳамшира, тез-тез юриб келганидан ҳалослаб.

– Кираверишсин...

Прокуратурадан келганлар ўзларини таништириб:  
– Мен прокуратура катта терговчиси Собиржон Мирзаев, бу йигит эса ҳамкасбим Фарҳод.

– Мен бош врач Ҳамида Восиқовнаман.

– Биласизми Ҳамида опа, биз билан жиноят содир бўлган жойни текшириш, кўздан кечириш учун экспертлар, милиция ходимлари ва бошқа мутахассислар келишган, бизга зарур шароит яратиб беришингизни сўраймиз.

– Ҳўп.

Улар чақалоқлар хонасида ва текшириш лозим бўлган бошқа жойларда ишни бошлаб юбордилар. Собиржон бош врачдан бу ерда ишлайдиганлар ким, нимага масъул эканликларини аниқлаб олганидан кейин, Фарҳод билан сўроқ қилишни бошлади.

У сўрашни фаррош қиздан бошлади.

– Кеча сиз навбатчимидингиз?

– Ҳа.

– Чақалоқлар хонасини тозаладингизми?

– Ҳа.

– Соат нечаларда?

– Кечаси 10 ларда.

– Ўша пайтда йўқолиб қолган чақалоқ ўз ўрнида-миди?

– Мен эътибор бермабман, балки ўрнидадир...– деди қиз довдираб.

– Яхшилаб эслаб кўринг-чи?

– Мен эслай олмаяпман, билмайман!– деди қиз қалтираб.

– Нима учун бунча кўрқиб кетдингиз? – деди Собиржон.

– Ҳаммамизни қамашади, деганига...– деди қиз йиғлаб.

– Хавотир олманг, фақат айбдорлар қамалади, холос. Кетаверишингиз мумкин.

Дастлабки сўроқ натижасига кўра тонгги 5 дан 6 гача чақалоқлар хонасига ҳеч ким кирмаган. Назорат-

сиз қолдирилган ўша бир соат ичида бола ўғирланган бўлиши мумкин, деб ўйлади Собиржон. Навбатчи болалар врачлари бу пайтда йўлакда дераза олдига қўйилган стол-стулда ўтириб, чақалоқларга тунда қилинган муолажаларни ёзганини, ҳамшира эса кўзи илинганини айтди. Собиржон чақалоқни қаердан ўғирлаб олиб чиқиб кетиш мумкинлиги ҳақида ўйларди. Деразалардан олиб чиқиш умуман мумкин эмас, деб ўйлади у. Тунда фақат кўчадан кириш эшиги очиқ турар экан, у эшикнинг олдида бир аёл ўтириб кираётганда ва чиқаётганда эшикни очиб, қолган пайтларда қулфлаб оларкан.

Фарҳод у аёлни сўроқ қиларди:

– Исмин Каромат деганмидингиз?

– Ҳа, Каромат опаман.

– Айтинг-чи, Каромат опа, сиз тун билан ухламасдан шу ерда ўтирасизми?

– Албатта ухламайман-да, ухласам менинг бу ерда нима керагим бор?

– Демак, тун билан ухламай, ким нима олиб кирганию, нима олиб чиққанини кўриб ўтиргансиз, тўғрими?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, ўғирланган чақалоқни ким олиб чиқиб кетган.

– Ҳеч ким бу ердан чақалоқни олиб чиқмади.

– Балки кўрмай қолгандирсиз?

– Нима, мен кўрмидимки кўрмай қолсам, қанақа боласан ўзи, бир саволни ҳа деб қайтараверасан?!- деди Каромат опа жаҳли чиқиб.

– Сиз ўз ишингизга масъулиятлироқ бўлганингизда, бу ердан чақалоқ ўғирланмаган бўларди, тушундингизми?!

– Тушунмадим, мен сенга неча марта айтишим керак, ҳеч ким чақалоқ кўтариб ўтмади, деяпман-ку! Бу ерда 25 йилдан бери ишлайман, менинг навбатчилигимда ҳеч қачон кўнгилсиз воқеа содир бўлмаган!

– Чақалоқ айнан сиз навбатчиликка тушган пайтда ўғирланган-ку, демак бу кўнгилсиз воқеа ҳисобланмай-дими?– деди Фарҳод қизишиб.

– Ҳой бола, мен фақат эшикка жавоб бераман деяпман, гапга тушунасанми, ўзи?! Эшикдан ҳеч ким чақалоқ кўтариб ўтмади!

– Унда чақалоқни қаердан олиб кетишган, жавоб беринг?!

Собиржон уларнинг гапига қулоқ солиб туриб, секин гапга аралашди:

– Каромат опа, айтинг-чи, сизнинг навбатчилигингизда кимдир тутунми, каттароқ сумками, ишқилиб чақалоқ жойлашиши мумкин бўлган бирор нарса кўтариб ўтдими?– деб сўради.

Каромат опа бир оз ўйланиб:

– Йўқ, ҳеч ким унақа шубҳали нарса олиб ўтмади,– деди.

– Сиз бир нарса кўтариб ўтган кишини ҳатто бош врач бўлса ҳам яширмасдан бизга айтишингиз керак!– деди Фарҳод.

– Ҳой бола, ўзи сен одам билан гаплашишни биласанми? Сен менга бола ўғриси яширяпсиз, демоқчимисан!– деди Каромат опа астойдил хафа бўлиб.

Собиржон яна гапга аралашиб, вазиятни юмшатишга мажбур бўлди:

– Каромат опа, бу йигит кўп тилларни билса ҳам, ўзимизнинг тилда гаплашишга нўноқроқ. Ўзи ишга яқинда келган. Шунинг учун бизни айбга буюрмайсиз.– деди.

– Ҳа, ўзимам билувдим, янгилигини...

– Каромат опа, агар билсангиз, биз сиз билан деярли ҳамкасбмиз, – деди Собиржон унга қараб жиддий қиёфада.

– Қанақасига?– деди Каромат опа Собиржоннинг гапига ҳайрон бўлиб.

– Сиз туғруқхонада бу ернинг тартиб-қоидаларини сақлашни талаб қилсангиз, бизлар қонунларни бузган шахсларни жазога тортамыз.

– Тўғри айтасиз, ука, – деди Каромат опа ҳаммасини тушундим дегандек.

– Шунинг учун сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим.

– Айтаверинг ука, қўлимдан келганича бажаришга ҳаракат қиламан.

– Раҳмат, Каромат опа! Ўзи бошданоқ сизга ишонса бўлади, деб ўйлаб, янглишмаган эканман.

– Жуда тўғри ўйлабсиз!

– Мен айтмоқчиманки, сизнинг туғруқхонада йўқолиб қолган чақалоқни албатта топишимиз керак. Чунки бу кўнгилсиз воқеа сизнинг жамоангизнинг обрўсига ҳам путур етказди. Бу жинойтни очишда сизнинг ёрдамингиз жуда зарур.

– Мен қандай ёрдам беришим мумкин?

– Биринчидан, ўғирлик содир бўлган ўша тунда ўзингиз ҳам унча эътибор бермай, ўтказиб юборган шубҳали кимсани эслашга ҳаракат қилинг, эсингизга тушиши билан менга хабар беринг. Иккинчи илтимосим эса, бу ердаги ишчилар орасида ўзини тутиши сал бошқача бўлиб қолган ходимнинг, ёки бошқа бирор кимсанинг шубҳалироқ ҳаракатларини сезиб қолсангиз, эътибордан қочирманг.

– Хўп, ўзим кўз-қулоқ бўлиб юраман, хотиржам бўлаверинг, ука!

– Раҳмат, Каромат опа, хайр!

Улар машинада кетишаркан Фарҳод:

– Собиржон ака, айрим пайтлари сизга умуман тушунмай қоламан-да, – деди.

– Нимага?

– Аллақандай кампир билан гаплашганда шунча илтифот шартмиди, аслида унинг айби билан бола ўғирланган-ку!

– Жинойтчи режани анча пухта ўйлаган кўринади. У Каромат опадан бошқа эшикда ўтирганида ҳам ба-рибир болани ўғирлаган бўларди.

– Мени яқинда ишга келган, деб камситганингизчи!

– Агар хулоса чиқариб олишни хоҳласангиз, бу камситиш эмас, ўргатиш, тушундингизми!

## Шубҳа

Собиржон хонасида бирор натижа чиқиб қолармикан деган илинжда, чақалоқнинг ўғирланиши билан боғлиқ бўлган иш ҳужжатларини қайта кўздан кечириб, ўтирганида эшик тақиллаб, Меҳриддин кириб келди.

– Келинг, бирор янгилик топилдими?– деди Собиржон.

– Билмайман, бун ишга алоқаси борми-йўқми, лекин сизга айтиб қўйишим керак, деб ўйладим.

– Нима экан?

– Собиқ хотиним – Ноила кеннойиси билан йўрғакланганган чақалоқни кўтариб поездга ўтириб кетишганини кўришибди.

– Қаерга кетишибди?

– Билмайман, лекин дадаси кузатиб қолибди.

– Сиз, Ноила болани ўғирлаши мумкин, деб ўйлайсизми?

– Ким билади, ахир ҳаммамиз хом сут эмган бандалармиз-ку!

– Наҳотки...

– Ноила уйимиздан кетаётганида жуда норози эди.

– Шундай бўлиши табиий.

– Ойимларнинг айтишича, онаси қўшниларига бировни норози қилган одам, барибир, ҳеч қачон кулмайди, деган эмиш.

– Менга собиқ хотинингизнинг манзилини айтинг,– деди Собиржон ва Меҳриддин айтган манзилни ёзиб олди.

– Сизларда нима гаплар, ўзи болани излаяпсизларми?



– Ҳа, лекин ҳозирча янгилик йўқ, бўлса хабар қиламиз.

– Майли, мен кетдим, – деб Меҳриддин хайрлашиб кетди.

Собиржон билан Фарҳод Ноиланинг уйига боришди. Уларни қарши олган Меҳриддиннинг собиқ қайнотаси Зуфар акага ўзларини таништиришди.

– Прокуратурадан излаб келган экансизлар, жиддийроқ гап бор, шекилли, – деди Зуфар ака.

– Ҳа, собиқ куёвингиз Меҳриддиннинг боласи туғруқхонада йўқолиб қолган.

– Ҳа, шунақа гап қулоғимга чалинувди, лекин бунинг бизга нима алоқаси бор?

– Қизингиз Ноилани, келинингиз билан кичкина чақалоқ кутариб поездга ўтириб кетганини кўришибди.

– Кўришса нима қилибди, ахир, келинимнинг қўлида уч ойлик боласи бор-ку!

– Неварангиз бизнинг шаҳарда туғилганми?

– Йўқ, улар бошқа шаҳарда туради. Келиним неварам билан меҳмонга келган эди. Унинг таклифи билан Ноилани ҳам ўғлимникига юбордим.

– Нима учун?

– Чунки у Меҳриддинни яхши кўрар эди, унинг бошқа аёлдан фарзанд кўриб, тўй-томоша қилиб ўтиришига сиқилмасин, дедим-да...

– Лекин уларнинг болалари туғилиши билан йўқолиб қолди-ку, тўй-томоша ҳам қилиша олмади, буни ҳамма билади-ку.

– Ҳурматли терговчи, нима демоқчисиз, тушунолмаяпман?!

– Зуфар ака, хафа бўлманг, хизматчилик. Ўғлингизнинг манзилини айтсангиз, биз аниқлашимиз керак бўлган ишлар бор.

– Қудамдан ҳам, Меҳриддиндан ҳам жуда хафа бўлдим, наҳотки бизни шунақа пасткашликка боради, деб ўйлаган бўлсалар!

Зуфар ака ўгли яшаётган манзилни берди. Бу ури-ниш ҳам натижа бермади. Собиржон хонасида у ёқдан бу ёққа юрарди. Тергов бошланганига ҳам бир ойдан ошиб қолди, лекин ҳалигача жиноят очилганича йўқ. Наҳотки жиноятчи шунчалик пихини ёрган айёр бўлса. Ҳеч қандай изсиз, ими-жимиди, шунча одам ишлайдиган жойдан чақалоқни ўғирлаб кетишса-я! Собиржон кайфияти ниҳоятда ёмон бўлгани учун Фарҳоднинг кириб келганига ҳам эътибор бермади. Фарҳод Собиржонга ниманидир айтиш учун кирган бўлса ҳам, унинг қандай кайфиятда эканлигини билиб, гапни нимадан бошлашни ўйлаб олиш учун дераза олдига борди.

– Собиржон ака, бу ёққа қаранг! – деди у деразадан кўзини узмай.

– Фарҳод, илтимос, хонангизга бориб ишингизни қилинг!– деди Собиржон у ёқдан бу ёққа юришдан тўхтамай.

– Майли, мен кетдим, лекин деразадан «ҳамкасбингиз»ни кўрсатмоқчи эдим, – деб Фарҳод чиқиб кетди.

Қанақа «ҳамкасбим»ни айтяпти, деб Собиржон деразадан қаради. Унинг хонаси иккинчи қаватда жойлашгани ҳамда деразаси олдида дарахт йўқлиги учун куча тараф жуда яхши кўринарди. Собиржон пастга қараса тахта ўриндиқда Каромат опа елпиниб ўтирибди. Ие, қандай иш билан келди экан, ўйлади Собиржон ва унинг олдига бориш учун пастга тушиб кетди.

– Ассалому алайкум, Каромат опа! – деди Собиржон.

Каромат опа чўчиб кетди, шекилли:

– Вой, қаердан пайдо бўлиб қолдингиз?– деди Собиржонга қараб.

– Сизни деразадан кўриб қолиб, олдингизга югуриб тушдим. Бу ерларга айланиб келибсиз, тинчликми?

– Бугун эрталаб бир нарсга эсимга тушиб қолди. Сизга қўнғироқ қилиб шуни айтиб қўймоқчи эдим, лекин рақамингизни йўқотиб қўйибман. Кейин навбатчи-

ликдан чиққандан сўнг олдингизга ўтарман, дегандим. Мана келдим.

– Анча овора бўлибсиз-да.

– Овора бўлмадим, лекин эсим йўқлигидан хафа бўлиб кетдим, деб елпигичини айлантириб қўйди.

– Нимага?

– Прокуратурага келганимдан кейин, сизнинг олдингизга кирмоқчилигимни айтмоқчи бўлсам, ҳечам исмингиз эсимга келмаса, денг. Соқчи болага терговчининг олдига кираман десам, бу ерда терговчилар кўп, исми, фамилиясини айтинг, ундан кейин киришга рухсат берамиз, деди. Ёнингиздаги анави ёш йигитнинг исми ҳам эсимдан кутарилибди. Кейин эҳ, қариб қолибман-ку, деб бошимга бир уриб, мана шу ерда ўтирибман. Зора, терговчи укамнинг ўзи чиқиб қолса, деб ўйлаётган эдим.

– Қаранг, Каромат опа, ниятингиз холис экан!– деди Собиржон.

– Ҳа, ука...

– Юринг, хонада гаплашамиз.

– Ҳўп.

Улар ичкарига киришди.

Фарҳод Собиржонни кутиб турган эди, у ҳам хонага кириб, Каромат опага салом берди.

– Яхшимисан, ука,– деди Каромат опа.

Собиржон Каромат опани ўтиришга таклиф қилиб:

– Чой ичасизми?– деб сўради.

– Ҳа, бир пиёла чой яхши бўларди, – деди Каромат опа.

– Фарҳод, илтимос, Каромат опага чой келтиринг,– деди Собиржон.

– Ҳўп.

– Наҳорда ошни кўпроқ ебман, шекилли, чанқаб кетдим, – деди Каромат опа.

– Эрталабдан ошни қаердан едингиз?

– Ўзи аслида, сизнинг олдингизга келишимнинг ҳам сабаби, ўша ош бўлади.

– Ош?

– Ҳа-да, агар Турсунхўжаевларникидан наҳорда ишхонамизга ош келмаганида, мен ҳам сизнинг олдингизда ўтирмаган бўлардим!

– Тушунмадим?

– Ҳозир тушунтираман, бугун тонгда эшик тақилаб қолди, бирор аёлни тўлғоқ тутиб келди, шекилли, деб эшикни очсам, тўртта эркак киши турибди. Улар ҳар бири биттадан катта қоғоз қутиларни кўтариб олишган эди. Мен улардан «булар нима», деб сўрасам:

– Турсунхўжаев неварасига бешик тўй қиляпти, сизларга наҳорги ошидан бериб юборишди, – дейишди.

Мен уларнинг ҳаммасини қабул қилиб олиб қолдим. Очиб қарасам, тоғораларга солинган, яхши гуручлардан дамланган палов, қази дейсизми, қарта дейсизми, иссиққина патирлар дейсизми, ҳаммасини жойлаштиришибди.

– Кейин-чи?– деди Собиржон ҳеч нарсага тушунмай.

– Кейин нима бўларди, ҳамма ходимлар ўтириб маза қилиб палов едик. Унинг неварасига узоқ умр тилаб дуо қилдик.

– Турсунхўжаев деганлари ўзи ким бўлади?

– Шаҳримиздаги энг катта савдогар-ку!

– У нима учун туғруқхонага ош берганлигига тушунмаяпман.

– У ерда ишламасангиз буни қаерданам тушунардигиз, ҳозир буни сизга тушунтириб бераман. Турсунхўжаевнинг яккаю ягона қизи Маликахоннинг яқинда кўзи ёриган эди. Бечора туға олмай роса қийналди. Охири уни операция қилишларига тўғри келди. Бола тирик эдию, лекин жуда нимжон, дейишди. Шўрликнинг бачадонини ҳам олиб ташлашган. Бу ёғини энда ўзингиз тушунган бўлсангиз керак?

– Тушунмадим,– деди Собиржон Каромат опанинг айтаётган гапларининг йўқолган чақалоққа қандай алоқаси борлигини топа олмай боши қотиб.

– Нимага тушунмайсиз, ахир бачадонини олиб ташлаганларидан кейин Маликахон бечора бошқа фарзанд кўра олмайди-ку! Туғилган чақалоқнинг ҳам яшаб кетиши амри маҳол дейишаётгандилар. Шунинг учун Турсунхўжаев бешик тўйини бермасдан, чақалоқнинг соғайиб кетишини кутиб турди. Чақалоқ 40 чилласидан ўтганидан кейин унинг яшаб кетиши маълум бўлган. Бунга тўлиқ ишонишганларидан кейингина катта қилиб бешик тўйи қилишган-да.

– Шунақами?

– Ҳа, ана шунақа гаплар, ука. Янглишмасам Маликахоннинг боласи ўғил эди. Майли, умри узоқ бўлсин, ўзи битта бўлса ҳам, шохи мингта бўлсин, – деб Каромат опа юзига фотиҳа тортиб қўйди.

Собиржон Фарҳод дамлаб келган чойдан Каромат опага узатиб:

– Чойдан ичинг, – деди.

– Раҳмат, ука, – деб Каромат опа чойдан хўплар экан, – Собиржон ука, ўша ўғирланган чақалоқ ҳақида ҳеч қандай янгилик йўқми, – деди.

– Ҳозирча йўқ, лекин сиз менга бир нарса айтмоқчи бўлиб келдим, дегандингиз? Нимани айтмоқчи эдингиз?

– Ие, ҳали айтмадимми?

– Йўқ, кутиб ўтирибман.

– Ўша Турсунхўжаевникидан келган чиройли қоғоз қутиларга қараб ўтириб, бир нарса эсимга тушиб кетди.

– Нима эсингизга тушди?

– Чақалоқ ўғирланган куни сизлар текширишга бординглар, тўғрими?

– Тўғри.

– Сизлар келишингиздан сал олдин фаррош қизимиз Роҳила худди шу қоғоз қутига ўхшаган қутига ахлат солиб ташқарига олиб чиқиб кетган эди. Мен ундан:

– Булар нима? – деб сўрадим.

– Ҳозир органдан текширишга келишаётган экан, улар ўтирадиган хонани йиғиштирдим, ахлатини олиб чиқиб ташламоқчиман – деди Роҳила.

– Қутига қарасам ичи тўла қоғоз, латта-путта экан. Роҳила ахлатни ташлаб кейин тезда қайтиб, ичкарига кириб кетди.

– Шунақа денг...

– Тўғри, Роҳила қутини кўтариб чиққанида чақалоқ ўғирланиб бўлган эди, мен ундан заррача шубҳа қилаётганим йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам, ичкаридан бир нарса кўтариб чиққан ягона одам – шу қиз эди, холос.

– Шунақа денг...

– Балки бунинг сизларга ҳеч қандай кераги йўқдир, лекин мен барибир айтиб қўйишим керак, деб ўйладим.

– Ҳа...

Собиржон жим бўлиб қолди. У ёқдан бу ёққа юрарди. Каромат опа анча ўтириб қолди. У чойнакда қолган охирги пиёла чойни ичиб бўлганидан кейин:

– Бўлмаса, Собиржон, менга рухсат, бора қолай, – деб ўрнидан турди.

Собиржон юришдан тўхтаб:

– Қутилар ҳозир қаерда?– деди.

– Агар ташлаб юбормаган бўлсалар, турган бўлиши керак.

– Роҳила-чи?

– Нима, Роҳила?

– У қаерда демоқчиман?

– У навбатчиликдан чиқиб, уйига кетган бўлиши керак.

– Тўхтанг, Каромат опа, бирга кетамиз.

– Қаерга?

– Тўғруқхонага, кетдик, Фарҳод!

## Қоғоз қути

Улар туғруқхонага етиб келишлари билан Собиржон Турсунхўжаевларникидан олиб келинган қоғоз қутиларни сўради.

Фаррош аёл бунга ажабланиб:

– Унинг сизларга керак эканлигини билмабман, – деди.

– Нима, ташлаб юборганмидинг? – деди Каромат опа.

– Йўқ, чиройли қути бўлгани учун, ташлашга кўзим қиймай, бир чеккада олиб қўйган эдим.

– Илтимос, уларни олиб келинг! – деди Собиржон ва ўзи бош врач хонасига кириб кетди.

Ҳамида опа Собиржонни кўриши билан ўрnidан туриб:

– Келинг, Собиржон, йўқолган чақалоқнинг дараги чиқдимиди? – деди.

– Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим?

– Нимани?

– Чақалоқ йўқолиб қолганидан кейин, биз текширишга келишимизни билиб, хона ажратиб, уни фаррош қиз Роҳилага тозалашни айтганмисиз?

– Йўқ, буни уйламаганман ҳам.

– Айтдинг-чи, янги туғилган чақалоқни қандайдир дори билан 4-5 соат қимирлатмасдан ухлатиб қўйиш мумкинми?

– Ҳа, агар чақалоқ соғлом бўлса...

– Нима деб уйлайсиз, йўқолган чақалоқ соғломми-ди?

– Ҳа, соғлом эди.

– Турсунхўжаевнинг невараси қачон туғилган, унинг туғилиш ҳужжатларини кўрайлик-чи?

Ҳамида опа ҳамширага айтган ҳужжатларни олиб келишни тайинлаб, Собиржонга юзланди:

– Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, илтимос, нима бўлаётганини тушунтириб беринг, – деди.

– Ҳозирча ўзим ҳам ҳеч нарса дея олмайман, лекин тезда ҳамма нарса маълум бўлади, деган умиддаман.

Ҳамшира қўлидаги қоғозларни Ҳамида Восиқовнага узатди.

– Турсунхўжаева Малика шу йилнинг 2 ноябрида соат кечки 3 да 2 килою 100 грмм чақалоқ тукқан. Туғруқ кесиш йўли билан амалга оширилган... Бачадон олиб ташланган... боланинг юрак уриши нотекис... – деб қоғозда ёзилганларни ўқиркан, кўзойнагининг устидан Собиржонга қараб қўйиб, қоғозни унга узатди.

Собиржон ҳам ёзилганларга кўз югуртириб бўлганидан кейин:

– Бу бола яшаб кетади, деб ишонч билан айта оласизми.

– Туғриси айтсам, ўшанда унинг яшаб кетишига кўзим етмаган эди. Лекин ҳозир соғлиғи жуда яхши дейишяпти.

– Болалар врачлари у гудакнинг соғлигидан хабар олганми?

– Йўқ, уларнинг ўзлари бошқа докторларга курсатишяпти, шекилли...

– Фаррош қиз Роҳиланинг уйини биладиган бирор киши борми?

– Унинг уйи туғруқхонанинг орқасидаги кўчада, бу ердан унча узоқ эмас.

Ҳамида опа Собиржоннинг бир-бирига унча алоқаси бўлмагандек туюлган саволларига жавоб бераркан:

– Собиржон, нима гаплигини менга ҳам айтасизми, ҳеч нарсани тушунмаяпман, ахир!– деди.

– Тезда ҳаммасини тушуниб оласиз.

Собиржон Фарҳодга:

– Айтган қутиларимни олиб келишдимми?– деб сўради.

– Ҳа, тўртта қутини олдига қўйиб, Каромат опа сизни пойлаб ўтирибди,– деди Фарҳод.

Собиржон қутиларга қараб, ҳаммасининг бир хил эканлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин:



- Фарҳод улардан бирини машинага ортинг, – деди.
- Қолганларини-чи?
- Фақат биттасини, Ҳамида опа, Каромат опа, кетдик!
- Қаерга?
- Роҳиланикига.

Ҳамида опа айтганидек, уларнинг уйи унча узоқ эмас экан. Машина уйлари олдида тўхтаб, ундан тўрт кишининг тушганини кўрган Роҳиланинг дадаси ҳайрон бўлиб, тўхтаб қолди.

– Маҳмуд ака, буларнинг сизда иши бор экан, – деб Ҳамида опа Собиржонни кўрсатди.

– Хуш, хизмат, – деди Фозил ака салом-алиқдан кейин.

– Тўғрироғи, бизга сизнинг қизингиз Роҳила керак эди, – деди Собиржон.

– Роҳила?

– Биз прокуратура терговчиларимиз, – деб ўзларини таништирди Собиржон.

– Қизим нима қилиб қўйибди? – деди Маҳмуд ака.

– Агар Роҳила уйда бўлса, гаплашиб олсак, деган эдим.

– Боя ишдан келган эди, уйга кириб гаплаша қолинглар.

Улар ичкарга киришди. Маҳмуд ака Роҳилани бошлаб чиқди.

Собиржон ўзи билан машинадан олиб тушган қороз қутини Роҳилага кўрсатиб:

– Буни танияпсизми?– дейиши билан Роҳиланинг ранги ўчиб кетди:

– Тушунмадим, – деди у худди мувозанатини йўқотган кишидай турган жойида чайқалиб.

– Қутини танияпсизми, жавоб беринг, – деди Собиржон саволини такрорлаб.

– Қутидака қути-да, нимасини танишим керак экан, – деди.

– Наҳотки бундан 3-4 кун олдин қилган ишингиз эсингиздан чиққан бўлса?

– Нима қилибман?

– Икки кунлик чақалоққа ухлатадиган дори бергач, мана шу қутига жойлаб, туғруқхонадан ўғирлаб чиққансиз. Чақалоқни келишилган жойга қўйиб қайтгансиз. Турсунхўжаевнинг хотини қутини олиб кетиб қизига берган.

– Йўқ, мен ундай қилмадим!

– Энг қизиғи, бу ишни биз текширишга боришимиздан сал олдин амалга оширгансиз!

– Йўқ!

– Ҳамма йўқолган чақалоқни қидириб юрганида, чақалоқ устига ахлат солинган ҳолда ҳамманинг оёғи остида бўлган, балки унинг устидан бир неча марта ҳатлаб ҳам ўтишгандир.

– Йўғ-э, наҳотки?– деди Ҳамида опа.

– Сен, ярамас қиз, чақалоқ ўғирладингми?– деди Маҳмуд ака қизига бақариб.

– Йўқ!..

– Нима учун, нимага ахир?

– Мен ҳам шуни сўрамоқчи эдим, Турсунхўжаевнинг хотини болани ўғирлаб олиб чиқиб беришингиз эвазига қанча бермоқчи эди?

– Йўқ, мен ўғирламадим!

– Малика алақачон ҳаммасига иқрор бўлди, болани ҳақиқий ота-онасига топширдик. Энди айбингизга иқрор бўлишдан бошқа чорангиз қолмади,– деди Собиржон.

– Ҳа, шунақа, – деб Фарҳод бошини қимирлатиб Собиржоннинг гапини маъқуллаб қўйди.

– Хўш, қанча беришди? – деди Собиржон.

– Менга уларнинг пулларининг кераги йўқ...– деб Роҳила йиғлай бошлади.

– Қанақа пул, ярамас, сенга у пуллар нимага керак бўлиб қолди!– деб бақирди Маҳмуд ака.

– Ҳаммаси уйда турибди, бир тийинини ҳам ишлатганим йўқ! – Роҳила ўтириб қолди.

– Ким уйлабди дейсиз, бу қизнинг шунчалик пасткашликка боришини, – деди Каромат опа Роҳилага нафрат билан қараб.

– Сизни биринчи марта сўроқ қилганимда айтган гапим эсингиздами?– деди Собиржон Роҳилага.

Роҳила, «ҳа» деган маънода бошини қимирлатди.

– Нима деган эдим?

– Биз фақат айбдорларни қамоққа оламиз, деган эдингиз...

Роҳилани олиб кетишганларидан кейин Фарҳоднинг кўнғироқи бўйича тезда етиб келган Меҳриддин ва Гулбаҳор фарзандларининг дарагини эшитиб, қувонганларидан хушларидан айрилаёзишди.

Турсунхўжаевнинг уйида ҳамма катта тўй тарадуди билан банд эди.

– Меҳмонларни ичкарига таклиф қилинглар, – деди куёв йигит.

– Биз меҳмон эмасмиз, ўғирланган болани олиб кетишга келдик, – деди Собиржон.

– Тушунмадим?

– Нимасини тушунмайсиз, бировнинг боласини ўғирлаб уйингизга олиб келиб, бешик тўйи қилишингиз – жиноят ҳисобланади.

– Боламини ҳеч кимга бермайман!– деб қичқариб юборди Малика уввос солиб.

– Биз билан боришингизга тўғри келади,– деди Собиржон Турсунхўжаев ва унинг хотинига қараб.

\* \* \*

– Собиржон ака, Каромат опани «деярли ҳамкасблармиз», деганингизда кулгим қистаган эди. Лекин ҳазиллашиб айтган сўзингиз ҳақиқатга яқин бўлиб чиққанини қаранг!– деди Фарҳод.

– Мен буни ҳазиллашиб эмас, тўғри маънода айтганман.

– Каромат опанинг жиноятни очишда бизга ёрдам бериши мумкинлигини қаердан билгандингиз?

– Буни ўзим ҳам аниқ айта олмайман. Менимча, Каромат опа сиз берган саволларнинг саёз эканлигини дарров фаҳмлаб олганлигидан бўлса керак.

– Нима?!

– Ҳазил...

## УШААЛМАГАН ОРЗУ

*Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжу гурбат ҳавас айлама.  
Алишер Навоий.*

### Савдогарлар

Май. Баҳорнинг охирги ойи. Сокин қишлоқ оқшоми. Катта гилос дарахти остидаги супада она-бола суҳбатлашиб ўтирибдилар. Ҳил-ҳил пишган йирик гилос донасининг онда-сонда супа устига «дўп» этиб тушишига улар эътибор ҳам бермайдилар. Тун яримлаб боряпти, лекин улар ухлашни хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Меҳри опа совуб қолган чойни янгилаш учун ўрнидан туриб, чойнакни кўтарди. Ўғли Ортиқжон чаққонлик билан туриб, онасининг қўлидан чойнакни олиб:

– Чойни ўзим олиб келаман, – деб ошхонага кириб кетди. Меҳри опа ўғлининг орқасидан қараб қолди ва кўзларига ёш келди. Ортиқжоним паҳлавондек бўлибди, айни куч-қувватга тўлган пайти, ерларни чопиб, экин экиб, кўзимни қувонтириб юрса нима қиларди? Уни мусофирликка юбориб, ўзим бу ерда қандай чидаб ўтираман? деб ўйлаб, кўз ёшларини артди.

Чой олиб келган Ортиқжон онасига:

– Ойи, яна йиғлаяпсизми? – деди.

– Нима қилай ўғлим, бошқа ҳеч нарса қўлимдан келмаса?

– Ойижон, сизга неча марта айтишим керак, мен фақат бир йилга кетяпман, бир умрга эмас!

– Ахир сенинг бир кунга кетишингни ҳам хоҳламам нима қилай, ўғлим?

– Илтимос, хафа бўлаверманг, бир йил нима деган гап, ўтади-кетади, кейин хурсанд бўласиз, мана мени айтди, дейсиз.

– Бу йил тўйингни қилмоқчи эдим, ахир ёшим эликдан ошяпти, менга ёрдамчи керак, ўғлим.

– Тўйни бир йилдан кейин қилишга келишиб олган эдик-ку.

– Бу сенинг гапинг, холос, мен бунақа демадим.

– Тўғри, лекин ойижон, сиз ҳам мени тушунишга ҳаракат қилинг. Машина сотиб олганимиздан кейин уйланмоқчиман, бир йил Россияда ишлаш – бир «Нексия»нинг пули дейишяпти-ку!

– Буни сенга ким айтаётганини билмайман, лекин мен сенга шу ерда қолиб ҳам машина олиш мумкинлигини яна айтишга мажбурман.

– Қўяверинг, ойи, айтгансиз, такрорлашингизнинг ҳожати йўқ.

– Йўқ, айтаман, балки бу сафар гапимга кўнарсан. Даданг раҳматли тириклигида, бизнинг ҳам озми-кўпми йиққанларимиз бор эди. Шундан бир қисмига ўн, ўн бешта бузоқ олиб боқамиз. Бир, бир ярим йилдан кейин қарабсанки, уларнинг ҳар бири каттагина новосга айланади. Шуларни сотсак, етмаса ёнига озгина қўшсак, бемалол машина сотиб олишга етадиган пул бўлади-ку.

– Гап фақат пулда эмас-да, ойижон, ахир қишлоғимиздан ташқарига чиқиб, дунёни кўришни ҳам истайман-да.

– Ҳа, истайсан, фақат мени тушунишни истамайсан, холос! Узоқларга кетсанг, битта ўзим сўппайиб қолиб кетишимни ўйлашни истамайсан!

Чигирткаларнинг тиним билмай чириллаши Ортиқжонга худди улар тўхтовсиз «Онангнинг гапи тўғри! Тўғри! Тўғри!..» деяётгандек туюларди. У жим бўлиб ўйланиб қолди. Меҳри опа ўғлининг индамай қолганига, Ортиқжон қолишга кўнади, шекилли, деб ўйлади. Лекин у фикрини ўзгартирмай:

– Қўйсангиз-чи, ойи, ёлғиз эмассиз-ку! Опамни ён қўшнимизга узатган бўлсангиз, Наргиза, десангиз, эшитиб югуриб келади, қолаверса, опамнинг қизла-

ри ҳам тўрт ёшга тўлиб, сизга дастёр бўлиб қолган бўлса...

– Тушунмайсан-да болам, чиққан қиз чиғириқдан нари, дейишади. Опанг, қайнона – қайнотасининг олдида мени деб юзи шувут бўлмасин, дейман.

– Ойижон, Соҳиба билан келишиб олдик, у мен келгунимча кутишга ваъда берди, энди сиз ҳам, оқ фотиҳа бериб, кетишимга рози бўлинг, хўпми?

– Бошқа иложим бўлмагандан кейин, нима ҳам дердим, майли ўғлим, ой бориб, омон қайтгин.

– Қишлоқдан худди битта ўзим кетаётгандек хавотирланасиз-а, ойи, ахир, еттимиз кетяпмиз-ку. Шаҳаргача Зулфиқор ака олиб кетаётган бўлса, у ўша ерда ўзининг танишларига бизни топшириб қайтар экан.

– Ўша Зулфиқор деганингни-чи, отаси яхши одам эмас эди. Ўғлининг қанақалигини эса билмайман.

– Қизиқ экансиз, ёмон бўлиб қаёққаям борарди, ойи?

– Сенинг ёмонларга ҳамроҳ бўлишингни хоҳламайман-да.

– Ойи, ҳаммасини бошқатдан бошлайсизми, ахир бу ҳақда мен ўз қароримни айтиб бўлдим-ку, сиз ҳам, оқ фотиҳа бердингиз, бўлди-да, энди!

\* \* \*

Зулфиқор етти йигитни шаҳарга олиб келди. Келишилган жойга уларни жойлаштириб, Маҳмуд билан учрашиб, унга бу ҳақда айтиб, орқасига қайтди. Йигитларни кутиб олган Маҳмуд уларни овқатлантириб бўлганидан кейин:

– Болалар, самолётга чипта олиш учун ҳаммангиз паспортларингизни беришингиз керак, – деб уларнинг хужжатларини йиғиб олди.

– Қачон кетамиз, вақти маълумми? – деди йигитлардан бири.

– Эртадан кейин кетсак керак.

– Жуда яхши, бир кун шаҳар айланарканмиз! – деди Суҳроб севиниб.

– Сизларга маслаҳатим, ҳеч қаёққа чиқмай, дам олиб уйда утирганларинг маъқул, – деди Маҳмуд.

– Нима учун?

– Чунки катта шаҳар бўлса, ҳар хил одамлар. Ким билади, адашиб, самолётга удгуролмай қолишларингиз ҳам мумкин.

– Тўғри, – деб унинг гапини маъқуллади Вали.

– Телевизор кўриб ётарканмиз-да.

Кечки пайт айримлар ухлаб қолган, баъзилар телевизор томоша қилиб утирганларида Ортиқжоннинг қўл телефони жиринглаб қолди.

– Эшитаман, Соҳиба.

– Ортиқжон ака, қайтиб келмасангиз бўлмайди...

Ортиқжон гушакдан Соҳибанинг йиғлаётганини эшитиб:

– Тинчликми, нимага йиғлаяпсан?

– Бугун совчилар келди, дадам уларга розилик бермоқчи!

– Кимдан?

– Аширмат магазинчининг ўғли, Салимдан

– Вой, ифлос, биларди-ку, бизнинг юришимизни!

– Бунинг нима фарқи бор, тезроқ қайтинг, менинг гапимга ҳеч ким қулоқ солмаяпти!

– Лекин, самолётга чипта сотиб олган эдик...

– Шунақа денг, демак, сиз нима бўлса ҳам кетавараркансиз-да, мен аҳмоқ бўлиб, сизга ишониб йиғлаб юрибман-а!

– Нималар деяпсан, мен эртагаёқ етиб бораман, фақат сен йиғламагин, хўпми?

– Хўп...

Ортиқжон ўйланиб қолди. Вой, аблаҳ, Соҳибага кўз олайтириб юрганини сезмаган эканман-а! Эртагаёқ уйга қайтаман, ойим ҳам кетишимга норози бўлиб қолганларидан кўнглим хижил эди. Қайтанга ҳам маси яхши бўлади... У шундай хаёллар билан Россия-



га бора олмаслигини Маҳмудга билдириш учун унинг хонаси томонга юрди. Ортиқжон эшикни очмоқчи бўлиб қўлини эшик тутқичига узатганида қулоғига:

– Бу сафар нархни анча пасайтиришибдими? – деган Маҳмуднинг овози эшитилди.

Ниманинг нархи тўғрисида гаплашишяпти, деб қизиққанидан у эшикни очмасдан тўхтаб қолди.

– Болаларнинг сони кўпайиб кетганига шундай қилишди, шекилли. Еттитаси қишлоқдан келди, бештаси шаҳардан. Ҳаммаси 12 та бўлди. Бизга барибир эмасми, фойда аввалгидан кўпроқ қолади-ку.

– Ҳар доимгидек, етиб боришларингиз билан паспортларини йўқ қилиб ташланглар. Эҳтиёт бўлиш керак, айниқса шаҳарлик болалардан, улар қўл телефонларидан у ёққа бориб, фойдаланишни ҳам билишади, шунинг учун, боришлари билан бирор баҳона топиб, қўл телефонларини йиғиштириб олиш керак!

– Ҳа, албатта, шундай қиламиз.

– Иложи борича, болаларни бир-биридан ажратиб қўйишни сотиб олган харидорга тушунтириш кераклигини унутманг, чунки улар кўпчилик, қочишга ҳаракат қилиш имкониятлари кўпроқ...

Ортиқжон остонада қотиб қолди. Ахир булар бизни Россияга сотиш учун олиб кетишаётган экан-ку! У эшикни шарт очиб:

– Мен, уйга қайтиб кетишим керак бўлиб қолди, паспортимни қайтариб беринглар! – деди.

Ичкарида Маҳмуд билан бир киши утирган экан. Улар Ортиқжоннинг кутилмаганда бостириб киришидан бир оз ўзларини йўқотиб қўйдилар, лекин Маҳмуд тезда ўзини ўнглаб олиб:

– Ука, сенинг исминг Ортиқжон эди, шекилли? – деди.

– Ҳа, шунақа! – деди Ортиқжон асабийлашиб.

– Нима бўлди, тинчликми, бирдан уйга қайтишни хоҳлаб қолибсан?

– Кетиш ёки қолиш бу менинг ишим, сабабини айтишим шарт эмас!

– Йўқ, янглишасан ука, рўйхатга ёзилганингдан кейин қайтиб кета олмайсан.

– Қанақа рўйхат? Нимага?!

– Чунки, сен учун самолётга чипта олинди. Россиядаги ҳамкорларимизга биз олиб бораётган кишиларнинг сонини айтганмиз, улар шунга қараб иш ҳажмини белгилашган...

– Тўғрироғи, улар сизларнинг сонингизга қараб пул тўлашади, деяверинг! – деди Ортиқжон ўзини боса олмай бақриб.

– Нима?! – деди Маҳмуд қаршисида ўтирган Русланга қараб қўйиб.

– Гапларингизнинг ҳаммасини эшитдим, сизлар бизни Россияга сотиш учун олиб кетаётган экансизлар!

Маҳмуд ўрнидан туриб, Ортиқжонни тинчлантириш учун унинг елкасига қўлини қўйиб:

– Ўтир ука, биз ҳеч кимни мажбурлаб олиб кетмаймиз, агар хоҳласанг паспортингни ҳозироқ олиб чиқиб бераман, – деди.

– Ҳа, шундай қилинг, – деб Руслан Ортиқжонга билдирмай ўзлари тушунадиган ишора қилди. У Руслан суриб қўйган стулга ўтирди.

– Ҳозир паспортингни олиб келаман, – деб Маҳмуд чиқиб кетди.

– Ука, сен бизнинг гапимизни нотўғри тушунибсан, шекилли, майли, бормасанг яхши қол. Лекин, ҳозир бемаҳалда юрма, эртага эрталаб кета қол, хўпми, – деди Руслан газета варақлар экан. Ортиқжон стол устида ётган машинанинг калитига тақилган брилокка жойлаштирилган кичкина расмга кўзи тушиб, уни яқиндан томоша қилиш учун қўлига олди. Руслан бунга эътибор бермади.

Маҳмуд эшикни секин очиб кирганини Ортиқжон пайқамай қолди. У қўлида олиб кирган спорт гантели

билан Ортиқжоннинг бошига кучли зарб билан урди. У ҳатто овозини ҳам чиқаролмай стулга утирганича қолиб кетди.

Маҳмуд чиқиб, болалар ётган хоналарга кулоқ тутди.

Уларнинг тинчгина ухлаётганига амин бўлганидан кейин, орқасига қайтиб кирди.

– Ҳамма ухлаяпти, энди буни нима қиламиз? – деди Маҳмуд Русланга қараб.

Руслан Ортиқжоннинг томирини ушлаб кўриб:

– Ҳали тирик экан. Тезда ёрдамчингни чақир, ими-жимида шаҳар ташқарисидаги жарга ташлаб юборинглар.

Маҳмуд кўнғироқ қилиб, ёрдамчиси Харикнинг тезда етиб келишини айтди.

– Уни ўлдириб, афтини таниб бўлмайдиган аҳволга солиш керак, чунки унинг кимлигини билишса, бизни қўлга гуширишди, деявер!

– Ҳаммасини тушундим, хавотир олманг.

– Сизларга неча марта айтаман, одам танлашда эҳтиёт бўлинглар, деб!

– Ўзим ҳам, бу ярамасни олиб келганимдан пушаймонман...

– Майли, нима бўлса бўлди, энди буни тезроқ йўқотиш керак.

## Ортиқча бармоқ

Кўп ўтмай жарликдан одам жасади топилди. Унинг юзини таниб бўлмас даражага келтиришган эди. Телевидениеда мурданинг белгиларини кўрсатиб эълон берилди. Лекин ҳеч ким жасадни излаб келмади.

Прокуратура катта терговчиси Собиржон Мирзаев:

– Мурданинг чап қўлидаги бош бармоғи қўша эканлиги эълонда кўрсатилганми? – деди Фарҳодга.

– Ҳа, албатта, у бечоранинг шундан бошқа таниб олиш учун айтадиган жойи ҳам йўқ-ку.

– Ҳа, юзи шафқатсизларча уриб, жароҳатланган.

– Менимча, уни энг яқинлари ҳам таний олишмайди.

– Ҳа, суд-тиббий экспертиза хулосаларида кўрсатилишича, унинг юзи ўлдирилгандан кейин шу аҳволга олиб келинган. Бундан кўриниб турибдики, уни танишса, қотил дарров аниқланади.

– Собиржон ака, мурда қўлида ушлаб ётган брилокдаги расмни кўрсатиб эълон берсак-чи?

– Бундай қила олмаймиз, балки расмдагилар қотилларга яқин одамлар бўлиши мумкин, эълондан кейин улар сергак тортиб, эҳтиёткор бўлиб қолишлари мумкин.

– Лекин расмдаги аёл унинг онаси бўлиши ҳам мумкин-ку?

– Ундай бўлса аёлнинг ёнидаги 4-5 яшар бола ким?

– Марҳумнинг ўғли бўлиши мумкин.

– Йўқ, марҳумнинг ёши, экспертиза хулосаларига қараганда 21–22 ёшларда, деб кўрсатилган. Демак, у бола марҳумнинг ўғли бўлиши мумкин эмас.

– Унинг қўлидаги машинанинг калити ҳам ўзиники эмас, демоқчимисиз?

– Бундай дея олмайман, фақат эҳтиёт бўлишимиз керак демоқчиман, холос. Қотиллар шафқатсизларча одам ўлдириб, бирор из қолдирмаганига қараганда, улар анча тажрибали ва уюшган кўринади.

– Уюшган жиноятчилик аломатлари бор, демоқчимисиз?

– Ҳа, худди, шундай. Уларнинг мурдани таниб бўлмас аҳволга келтиришдан мақсадлари, бундан ҳам даҳшатлироқ жиноятларини яшириш бўлган, деб ўйлайман, деб ўйлайман деди Собиржон.

\* \* \*

...Укаси Россияга кетганидан кейин Наргиза она-сидан тез-тез хабар ола бошлади. Қайнонаси ҳам унга:

– Қизим, онангизни ёғизлатиб қўйманг, вақтингиз бўлди, дегунча биздан тортинмасдан унинг олдига чиқиб туринг, – деб тайинлади.

Наргиза қизчаси билан онасидан хабар олишга кирди. Қизи мультфильм кўраман, деб хархаша қила бошлади. Наргиза телевизорни бураган эди, аллақандай мурдани кўрсатиб, унинг белгилари, чап қўлининг бармоғида ортиқча яна бир бармоғи бор, деганини эшитиб қолди. Унинг юраги шув этиб, ғалати бўлиб кетди, чунки укасининг ҳам бармоғи қўша бармоқ эди-да. Наргиза буни онасига айтмоқчи бўлиб ҳовлига қараб юрди. Меҳри опа қизини кўриб:

– Келдингми қизим, кетганидан бери уканг билан гаплаша олмаётганимга сиқилиб турган эдим, – деди.

Наргиза телевизорда эшитганини айтсаммикан деб ўйлади, лекин бунинг укасига алоқаси йўқ бўлиб чиқшини хоҳлагани учунми ёки онаси буни эшитиб баттар эзилмасин дедими, бу тўғрида индамай қўя қолди.

– Ойи, бошқа болалар уйдагиларига қўнғироқ қилишибдими?

– Суҳробларникига борувдим, қўнғироқ қилмагани учун Сабоҳат ҳам ўғлидан хавотир олиб ўтирган экан. Унинг айтишича, бирга кетган болаларнинг ҳеч бири қўнғироқ қилишмабди.

– Демак, улар Россиядан қўнғироқ қила олмаяптилар, бекорга сиқиялпсиз.

– Юрагим жуда ғаш, ишқилиб, Ортиқжон соғ-саломат юрган бўлсин-да.

– Хавотир олманг, ойижон.

– Наргиза, эшитдингми, Соҳибани узатишаётган эканлар?

– Эшитдим, сизга айтсамми, айтмасамми, деб ўйлаётган эдим.

– Бу гап қулоғимга чалиниши билан Соҳибаларникига бордим. Онаси Маликахон билан гаплашдим.

– Нима дейди?

– У бечорада гап йўқ, ҳаммасини Соҳибанинг дадаси Фурқат ака бошлаб юрибди экан.

– Шунақами?

– Ҳа, Соҳиба йиғлайвериб, адо бўлди, – дейди Маликахон.

– Сиз нима дедингиз?

– Болаларимизни кўра-била туриб бахтсиз қилмайлик, улар икки йилдан бери бир-бирларини яхши кўриб юришади, – дедим.

– Менга қолса, Соҳибани Ортиқжондан бошқага раво кўрмайман, – деди Маликахон. – Лекин эри хотинининг ҳам, қизининг ҳам гапига қулоқ солмаётганини айтиб, хафа бўлди.

– Биз ҳам совчи бўлиб борсак-чи?

– Мен ҳам Маликахонга шунини айтган эдим, лекин эри, Аширмат магазинчига ваъда бериб қўйган экан.

– Энди Ортиқжон келса нима деймиз?

– Биласанми, Маликахон менга нима деди?

– Нима деди?

– Ортиқжон кетган куни Сабоҳат кўнғироқ қилиб, унга воқеани айтган экан, эртагаёқ орқамга қайтаман, Россияга бормайман, сен хафа бўлма, – дебди.

– Ростданми? – деди Наргиза хавотирланиб.

– Ҳа, шунақа деган экан.

– Лекин у келмади-ку?

– Мен ҳам шунга ҳайронман, Ортиқжоннинг гапидан қайтадиган унақа одати йўқ эди...

– Ортиқжоннинг кетганига бугун 15 кун бўляпти-а, ойи. Унинг қаердалигини қандай билсак бўларкан?

– Мен ҳам шу тўғрида ўйлаяпман-да, қизим.

– Бу ҳақда куёвингиз билан маслаҳатлашаман, майлими?

– Ҳа, шундай қила қол, ҳарҳолда у шаҳарда ишлайди, танишлари бордир. Наргиза Алижонга укаси тўғрисида гапириб, онасининг сиқилаётганини айтганида, у:

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам уларнинг шунча кундан бери дом-дараксиз юришлари ғалати. Менимча ўша етти

боланинг ота-оналари биргалашиб прокуратурага ариза ёзиб боришлари керак.

– Бошқалар бунга рози бўлишармикан?

– Рози бўлишмаса, оймнинг ўзлари бораверсинлар, мен ҳамроҳлик қиламан.

– Раҳмат, Алижон ака.

– Ортиқжоннинг ўзи ҳам етарлича қайсар бола-да, унга неча марта айтдим, ҳар кимнинг гапига ишониб, узоққа кетиб бўладими, олиб кетаётган одамларда ҳеч қандай ҳужжат бўлмаса.

– Зулфиқор ака ҳамқишлоғимиз-ку, наҳотки, шу одам бизга ёмонлик қилади, деб ўйласангиз?

– Хоҳласанг, Россияга бориб ишлашингни тегишли жойлардан расмийлаштириб бераман десам, «почча, битта ўзим эмас, етти киши бўлиб кетяпмиз, ҳеч нарсанинг кераги йўқ», деди.

– Ортиқжон оймнинг гапларига ҳам қулоқ солмади-ку, мана энди ойм бечора сиқилавериб, мазалари бўлмаяпти.

Эртаси куни Наргиза онасига куёвининг гапларини айтди.

– Билмадим, Ортиқжон эшитса нима дер экан, кетганимга 15 кун тўлар-тўлмас ўғлимни топиб беринглар, деб шикоят қилдингизми, демасмикан?

– Ойи, унинг нима дейишини эмас, бирор жойдан хабари чиқишини ўйлашимиз керак.

Меҳри опа Сабоҳат опа билан куёвининг айтган гапларини маслаҳатлашди.

– Меҳрихон, сал шошилмаяпмизми, ахир бизнинг болаларимиздан бошқаларнинг ҳам Россияда ишлаб юрганлари бор. Лекин икки ҳафта ўтмасданоқ, нима деб ариза берамиз.

– Гапингиз тўғри, лекин, юрагим жуда нотинч, нима қилишимни билмаяпман.

– Меҳрихон, хавотир олаверманг, болаларимиз бирга кетишган-ку.

– Майли, сабр қилиб тураман, зора, бирор хабар эшитиб қолсак...

Ортиқжоннинг кетганига икки ой бўлиб қолди, лекин, ҳалигача на ундан, на бошқа болалардан хат-хабар келди. Меҳри опанинг кутишга ортиқ бардоши қолмади.

– Наргиза, Адижонга айт, бугун мени прокуратурага олиб борсин, бошқа кута олмайман, – деди.

– Хўп, ойижон.

Меҳри опа прокуратурага ўғли Ортиқжондан икки ойдан бери дарак йўқлигини айтиб, ариза берди. 4-5 кундан кейин у терговчининг чақирув қоғозини олди.

Собиржон Меҳри опадан Ортиқжоннинг кимнинг ёрдамида, кимлар билан Россияга кетганлигини батафсил сўраб, билиб олди.

– Қишлоғимиздан етти боланинг Зулфиқор шаҳарга олиб кетганини биламан, холос. Бошқа нарсани билмайман, – деди Меҳри опа.

– Ўша Зулфиқорнинг манзилини биласизми?

– Ҳа, қишлоғимизда ҳамма бир-бирини яхши танийди, – деб Меҳри опа Собиржонга Зулфиқорнинг манзилини айтди.

Собиржон Меҳри опанинг гапларидан билдики, болалар қишлоқдан ноқонуний йўл билан Россияга кетган. Уларни Зулфиқор йиғиб, шаҳардаги ўзининг танишларига топширган. Эртасига Зулфиқорни прокуратурага олиб келишди.

Уни Собиржоннинг олдига олиб киришганларида:

– Қандай айб иш қилдимки, ҳеч нима демасдан икки милиционер қўлингдан ушлаб, олиб келса. Бу нима деган гап?!

– Ўтиринг, – деди Собиржон унга.

– Бу ерда ўтиришни хоҳламайман, қилган айбимни айтинглар, агар айбим бўлса, ўтириб жавоб бераман, бўлмаса кетаман!

– Майли, ўтириш-ўтирмаслик сизнинг ихтиёрингиз. Айтинг-чи, сиз ҳамқишлоғингиз Ортиқжон Шамшировни танийсизми?

– Ҳа, танийман.



– Уни ва олти йигитни Россияга юбориш учун шаҳарга олиб бориб, танишингизга топшириб келганингиз тўғрими?

– Ҳа, уларнинг ўзлари мендан Россияга юборишда ёрдам беришимни илтимос қилишди.

– Сиз, уларга қандай йўл билан ёрдам бердингиз?

– Қандай бўларди, шаҳарда шу иш билан шуғулланадиган бир кишини билардим, болаларни унга таништириб, ёрдам беришини илтимос қилдим.

– У танишингиз сизга Россияга ишлашга кетадиганларни менинг олдимга юборинг, деганмиди?

– Ҳа, шунақа деган эди.

– Бунинг учун у сизга қанча пул берарди?

– Нималар деяпсиз, шаҳарга иш қидириб келганимда у одам билан тасодифан танишиб қолдим. У, «сизга тўғри келадиган ишни ўзим топиб бераман, фақат сабр қилиб туринг», деди. Тез-тез қўнғироқ қилиб, ваъдасини эслатиб турардим. Бир марта қўнғироқ қилганимда:

– Зулфиқор, Россияда яхшигина пул ишласа бўладиган иш топилиб қолди, иложи бўлса, ўн-ўн беш йигитни танлаб олиб кел, – деди. Мен, фақат етти йигит тоғиб, шуларни олиб бордим, холос.

– У, сизга ҳам иш топиб бердими?

– Йўқ, лекин ваъда бериб қўйибди.

– Ўша танишингизнинг исми, фамилияси нима?

– Исми Маҳмуд, фамилиясини билмайман.

– Манзилени-чи?

– Биладан, йигитларни олиб унинг уйига борганман-да.

– Бўлмаса, юринг, уникига бирга борамиз.

– Майли, агар сиз бормасангиз ҳам ўзим бормоқчи эдим, чунки ҳамқишлоқларим болалардан шу пайтгача дарак йўқ, деб хавотир олиб ўтиришибди, ўзим уларнинг манзилларини Маҳмуддан билиб келмоқчи эдим.

– Қўнғироқ қилмадингизми?

– Нима учундир, уша болалар кетган кунидан бошлаб қўнғироқларимга жавоб бермаяпти.

Зулфиқор уларни Маҳмуднинг уйига олиб келди. Эшикни бир аёл очди.

– Бизга Маҳмуд ака керак эди, – деди Зулфиқор.

– Қанақа Маҳмуд ака, унақа одам бу ерда яшамайди.

– Синглим, бундан икки ой илгари келганман. У худди шу ерда яшаётган эди, – деди.

– Кимни сўрашяпти? – деган эркак кишининг овози эшитилди.

– Дадаси, бу ёққа қараб юборинг, келганимиздан бери аҳвол шу, ҳар куни биттасини сўраб келишади, – деб нолинди аёл.

– Сизларга ким керак?

– Маҳмуд ака керак эди? – деди Зулфиқор.

– Биласизми ука, биз оиламиз билан икки йил хизмат сафариди бўлди, келганимизга бир ойча бўлди. Уйга қараб турарсизлар, деб калитни қўшнимизга бериб кетган эдик. У бўлса арзимаган пул учун уйимизга хоҳлаган одамани киритаверган экан, тавба. Кеча у билан шу масалада юз кўрмас бўлиб уришдик. Биринчи қават, 10-хонадонда яшашади. Нимани сўрамоқчи бўлсангиз, шу одам билан гаплашинг, – деб у эшикни бекитиб қўйди.

– Буёғи қизиқ бўлди-ку, – деди Зулфиқор Собиржонга қараб.

– 10-хонадонга бориб сўрайлик-чи, – деди Собиржон.

Улар Маҳмудни суриштирганларида, у ерда яшайдиган аёл бундай кишини билмаслигини айтиб, эшигини бекитиб олди.

– Унга ўзимизни таништириб, яхшилаб суриштирсак-чи, – деди Фарҳод Собиржонга.

– Ундай қилсак изига тушганимизни билиб, яшиниб олади, кейин ўзимизга қийин бўлади.

– Тушунарли, унда нима қиламиз?

– Зулфиқор, сиз Маҳмуд билан биринчи марта қаерда учрашгансиз? – сўради Собиржон машинада кетаётиб.

– Уни ҳамқишлоғимиз Ҳамдам аканинг уйига борганда кўрганман.

– Унинг уйидами?

– Йўқ, Ҳамдам ака келишини кутиб кўчада турган эдим. Кўп қаватли уйнинг Ҳамдам ака турадиган тарафидан бир киши чиқиб қолди ва мен билан саломлашиб:

– Бу шаҳарликка ухшамайсиз? – дея савол берди.

– Ҳамдам ака билан ҳамқишлоқмиз, сиз ҳам шу ерда яшайсизми? – деб сўрадим ундан.

– Йўқ, мен шаҳарнинг бошқа даҳасида яшайман, танишимникига келган эдим, – деди.

– Биз у билан гаплашиб ўтирдик. Иш излаб шаҳарга келганимни айтганимда, у менга ёрдам бериши мумкинлигини айтиб, телефон рақамини берди. Кўнғироқ қилиб туришимни, исми Маҳмуд эканини ҳам айтди.

– Уни кейин ҳам кўрдингизми?

– У билан телефон орқали гаплашиб турардик, қишлоқдан болаларни олиб келганимда қайси манзилда учрашишимиз мумкинлиги айтди. Мен болаларни у айтган жойга олиб бориб, уйимга қайтдим.

Зулфиқорнинг Маҳмуд ҳақидаги гапини эшитиб Собиржон ўйланиб қолди.

– Менимча, унинг исми Маҳмуд бўлмаса керак, – деди Фарҳодга қараб.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаётган эдим, энди уни қандай излаймиз?

– Зулфиқор, ҳамқишлоғингиз яшайдиган уй манзини айтинг, ўша ерга борамиз.

– Ҳамид аканикигами?

– Ҳа.

Ҳамид ака уйида экан.

Зулфиқор:

– Ҳамид ака, уйда эканлигингиз яхши бўлди, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, – деди.

– Нимани?

– Сизларнинг подъездда Маҳмуд деган киши яшайдими?

Ҳамид ака ўйланиб турди-да:

– Унинг ёши нечаларда? – деб сўради.

– 30-35 ёшларда.

– 70 ёшлардаги Маҳмуд отани биламан...

– Зулфиқор, Маҳмуднинг ташқи кўриниши қанақалигини Ҳамид акага айтиб беринг, балки унга кўзи тушгандир, – деди Собиржон.

– Туғри, – деди Ҳамид ака.

– У қорачадан келган, ўрта бўйли, бир кўзи сал қисикроқ, сочини тепадан пастга қараб тараб қўяди. Ҳаво ранг «Нексия»си бор.

– Ие, унинг исми Маҳмуд эмас, Мансур-ку, нотуғри эшитган экансан-да, – деди Ҳамид ака кулиб.

– Йўқ, исмим Маҳмуд дегани аниқ, – деди Зулфиқор.

– Сен айтган одамнинг 4-қаватда, 15-хонадонда яшайди.

Улар Ҳамид ака айтган хонадоннинг қўнғирогини босишди.

Ичкаридан бир аёл чиқиб:

– Сизга ким керак эди? – деб сўради.

– Мансур ака уйдами? – деди Собиржон.

– Иш билан кўчага чиқиб кетган эдилар, ким келди деб айтиб қўяй?

– Биз танишларимиз, майли кейин келармиз, – деди Собиржон ва кетиш учун юрди. Кейин бирдан орқасига ўгирилиб қаради. Аёл уни бир нимани айтишни эсидан чиқарди шекилли, деб ўйлаб:

– Бир нимани айтиб қўйишим керакми? – деди.

– Йўқ, раҳмат, ўзим айтаман.

Улар машинада қайтишаркан, Собиржон «бу аёлни қаерда кўрганман, жуда таниш кўринди», деб ўйларди.

– Мен кетаверсам бўладими?– деди Зулфиқор жимликни бузиб.

– Фақат машина тўхтаганидан кейин, – деди Фарҳод.

– Сиз, ҳеч қаерга чиқмаслик ҳақидаги тилхатга имзо қўйдингизми? – сўради Собиржон.

– Ҳа.

– Майли, ундай бўлса бораверинг, – деб Зулфиқорни машинадан тушириб қолдиришди.

### Инкорсиз далил

Фарҳод ишхонага етиб борганларидан кейин Собиржоннинг жим бўлиб қолганига тушуна олмай:

– Собиржон ака, нималарни ўйлаб қолдингиз? – дея сўради.

– Биласизми, ўша аёл жуда таниш кўринди?

– Қайси аёлни айтяпсиз?

– Мансурни сўраб борган уйдаги-чи?

– Собиржон ака, ёмонсиз! Ёшлигингизда бирор жойда учрашган бўлсанглар керак-да. Ўзимам бир нарсани сезган эдим-а, жим бўлиб қолганингизга...

– Фарҳод, сал жиддийроқ бўлсангиз-чи!

– Кечирасиз, бир ҳазиллашиб қўяй деган эдим, ахир эрталабдан кечгача жиддийлик жонингизга тегиб кетди-ку.

– Қўлимиздаги очилмай ётган жиноят ишини очиш учун нафақат эрталабдан кечгача, балки тунлари ҳам жиддий ўйлашимиз керак.

– Тушунарли...

– Буни ишга масъулият билан ёндашиш, дейилади.

– Хўп, хўп...

Фарҳод ўз хонасига чиқиб кетди.

Собиржон эса хонасида у ёқдан бу ёққа юриб ўйлар эди. Юришдан тўхтаб, стол устида ётган жиноят иши ҳужжатларини титкилай бошлади. Излаган расмни қўлига олиб, «ниҳоят топдим, ҳа, ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим», деди ўз-ўзига гапириб.

Фарҳодга қўнғироқ қилиб, тез келишини айтди.

– Тинчликми, Собиржон ака, – деди Фарҳод хонага кириб.

Собиржон индамай унга мурданинг қўлидан топилган брилокдаги расмнинг катталашганини кўрсатди.

– Ие, бу ўша аёл-ку, – деди Фарҳод.

– Ҳа, худди ўзи!

– Бундан чиқди, топилган мурда Ортиқжон Шамширов экан-да?

– Ҳа, ўша Мансурни қўлга олсак, ҳаммаси ойдинлашади.

– Уни бугун қўлга оламизми?

– Йўқ, унинг битта ўзи ишламаяпти, чамамда улар кўпчилик, шунинг учун уни кузатишимиз ва ҳамроҳлари билан бирга қўлга туширишимиз керак!

Собиржон бу ҳақда Фозил ака билан маслаҳатлашиб олди. У Собиржоннинг фикрини маъқуллаб:

– Тўғри айтасиз, – деди.

Етарлича кузатувдан кейин Мансур, Руслан, Харик ва яна бир неча кишининг одам савдоси билан шуғулланаётганликлари аниқланиб, улар қўлга олиндилар.

Собиржон ўзини Маҳмуд деб таништирган, лекин ҳақиқий исми Мансур бўлган шахсни сўроқ қилар экан:

– Мансур Сафаров, сиз Россияга юбориб пуллаган ўн икки йигит ҳозир қаерда? – деб сўради.

– Улар ўн бир эди.

– Сиз, Ортиқжон Шамшировни ҳисобга қўшмаяпсизми?

– У Россияга боришни хоҳламай кетиб қолган эди.

– Қаерга?

– Уйига бўлса керак.

– Ортиқжоннинг мурдаси шаҳар ташқарисидаги жарликдан топилди. Яқинлари уни таниб олишди.

– Қандай қилиб? – деганини Мансурнинг ўзи ҳам билмай қолди.

– Сизлар унинг юзини танймайдиган аҳволга келтиргансизлар, лекин унинг бармоқларига эътибор бермагансизлар.

– Бармоқларига?.. Мен ҳеч кимни ўлдирмаганман!

– Ҳа, бармоқларига, унинг чап қўли бош бармоғида ортиғи бўлган. Яқинлари шу белгисидан танишди. Ортиқжон қўлида қотилнинг кимлигини кўрсатувчи далилни ҳам олиб қолган экан, биласизми нимани?

– Билмайман! Мен ҳеч кимни ўлдирмаганман! – деди Мансур юзини бошқа тарафга буриб.

– Сиз, мен ҳеч кимни ўлдирмаганман, деб хоҳлаганча такрорлашингиз мумкин, лекин, мурданинг қўлларида қолиб кетган мана бу нарса сизга тегишли эканлигини ҳеч қачон инкор қила олмайсиз! Мана, қаранг, танияпсизми? Хотинингиз билан ўғлингиз ва машинангизнинг калити! – деб Собиржон унга расми брилок ва машинанинг калитини кўрсатди.

– У бунга ўғирлаган бўлиши мумкин...

– Йўқ, Ортиқжон сизникига борган куни кечқурун яхши кўрган қизи билан телефонда гаплашиб, қишлоғига қайтиб кетишга қарор қилган ва бу ҳақда сизга айтган. Сизлар эса унинг қайтиб кетишига ружсат бермагансизлар. Унинг сизлар билан курашишига тўғри келган. Ана шу пайтда унинг қўлига тасодифан сизнинг калитингиз тушиб қолган. Сизлар уни сирингизни очиб қўйишидан қўрқиб ўлдиргансизлар. Сизга тегишли бўлган машинанинг калити эса мурданинг қўлида қолиб кетганини билмагансизлар.

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас!.. – Мансурнинг совуқ, қисик кўзлари баттар қисилиб, қиёфаси инсон зотига мансуб бўлмаган ёввойи махлуққа ўхшарди.

– Ҳамтовоғингиз Руслан Суробов ҳаммасини айтиб берди, сотиб юборган йигитларнинг манзилни, Ортиқжоннинг ўлдирилишига ўзининг алоқаси йўқлигини, уни сиз ёрдамчингиз билан ўлдирганингизни, ҳаммасини... Маслаҳатим, айбингизни бўйингизга олинг!

– Ахир мен уни Русланнинг буйруғи билан ўлдирдим-ку!

– Ҳа, энди ҳаммангиз, кимнингдир ёлғиз жигаргўшасини ўлдирганингиз, кимларнидир қуллар каби сотганингиз учун муносиб жазоингизни оласизлар!

Собиржон қаршисида ўтирган, фақат кўринишигина одамга ўхшаб кетадиган жирканч жонзотга ҳатто назари тушишидан ҳазар қилаётгандек бошқа томонга қараган ҳолда:

– Олиб кетинглар! – деди.



## АЙБНИ ОФИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ

*Энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамоник,  
энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан.*

*Нажмиддин Кубро.*

### Устамон босқинчилар

Собиржоннинг уйқусини тунги соат тўртлардаги қўнғироқ бузди.

– Алло, эшитаман... – деди Собиржон уйқусираб.

– Мен навбатчиман, Собиржон ака, Собир Раҳимов кўчаси, 6-уйга қуроли босқинчилик уюштирилган. Тезда етиб боришингиз керак.

– Одам ўлмаганми? – деди Собиржон сергак тортиб.

– Хонадон бошлиғининг аҳволи оғирлиги айтилди.

– Хўп, ҳозир етиб бораман! – деб Собиржон гўшакни қўйди. У апил-тапил кийиниб йўлга чиқди.

Собиржон жиноят содир бўлган жойга етиб борганида, милиция тезкор гуруҳи ходимлари юришарди. Прокурор, криминалист, ички ишлар бошқармаси бошлиғи ҳам кириб келишди. Уй эгаси юрагининг мазаси қочиб қолгани учун унга тез ёрдам ходимлари биринчи ёрдам кўрсатиш билан банд эди.

– Келдингизми, Собиржон? – деди прокурор.

– Босқинчилар неча киши экан?

– Иккита дейишяпти...

– Нималарни олиб кетишибди, ҳеч кимга ҳеч нарса қилмабдими?

– Ҳозирча ҳеч нарса аниқ эмас, булар озгина ўзига келишини кутиб турибмиз, – деди Собиржон.

Уй эгасининг аҳволи оғирлигини айтиб, тез ёрдам ходимлари уни касалхонага олиб кетишди. Собиржон атрофга назар солди, ҳамма нарса сочилган, идишлар синган, гиламлар, стуллар ағдар-тунтар бўлиб ётарди... Ҳалиям қўрқувдан ўзига келмаган аёл қизи-

нинг билагидан ушлаганича даф-даф титраб ўтирарди, у чала кийилган халатини, тўзғиб кетган сочларни тўғрилашни ҳам хаёлига келтирмасди. 10-12 ёшлардаги қизчаси эса тўхтамай ҳиқиллаб йиғларди, 14-15 ёшлардаги ўғли ранги қув ўчган бўлишига қарамасдан онаси билан синглисини юпатишга ҳаракат қиларди:

– Ойижон, ҳаммаси ўтиб кетди, йиғламанглар, ўзингизни қўлга олинг, илтимос...

Криминалистлар жиноятчилар қолдирган излардан нусха олишга ҳаракат қилишарди.

– Ҳеч ким ҳеч нарсага тегмадимми? – сўради Собиржон ёшгина милиция ходимидан.

– Йўқ, биринчи навбатда бу тўғрида оила аъзоларини огоҳлантирганмиз, – деди у.

Ўғли узатган сувдан ичиб, сал ўзига келган аёл у ёқ-бу ёғини тўғрилаб олиб:

– Дадангнинг аҳволи қандай экан, бирга кетишга ҳам ақлим етмай қолибди-я, Ботиржон, юр болам, кетдик касалхонага! – деди аёл бирдан ўрнидан туриб.

– Шошманг опа, аҳволингиз яхшими, ўзингизга келиб қолдингизми? – деди Собиржон.

– Раҳмат ука, қаранг, қайси гўрдан пайдо бўлиб қолди бу, яшшамагурлар, ҳаммамиз ширин уйқуда ётганда тўсатдан бостириб киришса бўладими! – деб аёл кўзига ёш олди.

– Мен вилоят прокуратураси катта терговчиси Собиржон Мирзаев бўламан, опа ўзингизнинг исмингизни, хўжайинингизнинг исмларини айтиб, таништиринг.

– Расулова Шаҳодатман, дадаси Расулов Шамсиддинлар.

– Шаҳодат опа, илтимос бўлган воқеани бир бошдан, ўзингизни босиб олиб сўзлаб беринг-чи.

– Биз ухлаб ётгандик, овозингни чиқарсанг отиб ташлайман, деган хирилаган овоздан чўчиб уйғондим. Қарасам бошига ниқоб кийган киши дадасининг пе-

шонасига кесилган калта ов милтиғини қадаб турибди! У нуқул:

– Пулларнинг қаердалигини айт, ҳамма пулларни чиқар, тезроқ бўл! – дерди.

Мен жон ҳолатда :

– Вой-дод, ёрдам беринглар! Кимсизлар, сизларга нима керак!? – деб бақириб юбордим.

– Жонингдан умидинг бўлса, секин гапир, – деди менга қараб. Ётоқхонага кираверишда яна битта ниқоб кийган кимса қўлида пичоғи билан турарди. Менинг овозимга уйғониб кетган болалар, хоналаридан чиқишди, улардан пичоқ ушлагани болаларни ҳам бизнинг хонага олиб кириб, бурчакка қаратиб қўйишди.

– Уйда яна ким бор! – деди пичоқ ушлагани.

– Бошқа ҳеч ким йўқ, – деди дадаси.

– Агар ҳозирнинг ўзида ҳамма пулларни олиб чиқмасанг, болаларингни отиб ташлайман, – деди милтиқ ушлагани.

– Қанақа пул, менда куп пул йўқ, ҳозир бор пулимни олиб чиқаман, фақат ўрнимдан туришимга имкон беринглар, – деб дадаси чўнтақларидаги озроқ пулни олиб чиқди.

– Сен бизни аҳмоқ деб ўйлаяпсанми, пулинг борлигини билмасак келармидик, яхшиликча чиқар пулларни! – деб жирилдоғи дадасининг биқинига милтиқнинг қўндоғи билан туширди. У стул, столларни тепиб ташлади, бир нарсалар синиб ҳам кетди, шекилли.

– Дадаси, беринг ўша пулларни, жонимиз омон қолса бўлди! – дедим.

Дадаси ҳамма пулларни уларга берди, ўзи пуллар ётоқхонада турган эди. Улар пуллар солинган сумкани очиб қараб, ҳаммаси пуллигига ишонч ҳосил қилиб, чиқиб кетишмоқчи бўлганди, дадаси кутилмаганда биттасининг елкасидан тортиб, ниқобини ечмоқчи бўлди. У чаққонлик билан дадасини итариб юбориб, иккаласи қочиб чиқиб кетдилар. Дадаси шу йиқилга-

нича юрагининг мазаси қочиб туrolмай қолдилар, шурликнинг юраги аслида касал эди, ишқилиб ўлиб қолмасинлар-да. Мен қаттиқ қурққанымдан оёқ-қўлим ишламай ўрнимдан туrolмай қолдим. Бахтимизга ўғлим Ботиржон бор экан, милицияга, тез ёрдамга қўнғироқ қилибди. Ҳамшира барака топкур битта укол қилгандан кейин қўл-оёғим борлигини сезиб, ҳозиргина ўрнимдан турдим...

– Улар олиб кетган пуллар қанча эди?

– 30 миллион эди.

– Ҳужайинингиз қаерда ишлайди?

– Пахта заводида, лабораторияда ишлайдилар.

– Ўзингиз ишлайсизми?

– Ҳа, ўқитувчиман.

– Шунча пулни сумкада, ётоқхонада қўйганмидингизлар?

– Эртага эрталаб машина олмоқчи эдик, шунга уёқдан, бу ёқдан йиғиб-йиғиб, жамлаб қўйган эдик-да. Неча йилдан бери машина оламиз, деб йиққан пулларимиз эди-я, ергина ютгурларни ушлашармикан?

Аёлнинг гапларига қулоқ солиб турган ИИБ бошлиғи:

– Хавотир олманг, бутун шаҳар милиция ходимлари оёққа турган, туманларга ҳам хабар қилганмиз, – деб гапга аралашди.

– Шаҳодат опа, яхшилаб эслаб кўринг, уларнинг бирорта алоҳида белгилари йўқмиди?

– Милиционер укам ҳам қайта-қайта шуни сўради, лекин у ўлгурлар бошидан елкасигача бир балоларни кийиб олишган, қўлларига қўлқоп кийишган эди, белгиси кўринадиган ҳеч қандай жойи йўқ эди-да, фақат милтиқ ушлаганнинг бўйи узунроқ, пичоқ ушлагани калтароқ эканини айта оламан, холос...

– Улардан ҳеч бирининг овозими ёки юришими сизга таниш туюлмади?

– Йўқ, таниш туюлмади, лекин бўйи узун овозини атайлаб хириллатиб гапиргандай бўлди.

– Шунақа денг, – деди Собиржон.

– Собиржон, ҳеч нарсани, шубҳалироқ бўлса ҳатто элементар нарсаниям кўздан қочирмасликка ҳаракат қилинг. Жабранувчининг айтишига қараганда, жиноятчилар босқинчилик қилишга анча тайёрланишган кўринади, бу уларнинг ҳатто оёқларигаям целлофан пакет кийиб келишларидан маълум... – деди прокурор.

ИИБ бошлиғи гоҳ қўл телефонида, гоҳ рацияда ходимларини жиноятчилар ҳали узоққа кетмаганликларини, нимага ҳалигача ушланмаганлигини суриштирарди, кўрсатмалар берарди.

Криминалистлар жиноятчилар ҳеч қандай из қолдиришмаганидан, бирорта ҳам из топа олмаганликларидан ҳафсалалари пир бўлишаётганди. Улар тунги соат 4 дан эрталабки 10 гача тер тўкишди, лекин бирор арзирли нарса топиша олмадилар, энг ёмони жиноятчиларни қўлдан чиқаришди...

## Нувориш

Эрталаб ишга келган, кечаси уйқуси чала бўлган Собиржон бош оғриғини босиш учун аччиқ қаҳва тайёрлаб энди ичмоқчи бўлиб турганида Фарҳод кириб келди.

– Ҳаммасидан хабарим бор, кеча жиноят содир бўлган жойда мен бўлмаганим учун ҳеч қандай далилий ашё ёки бирор нарса топа олмагансизлар, хафа бўлманг, бу ёғига ўзим ёрдам бераман, – деди Фарҳод ҳазиллашиб.

– Қаҳва ичасизми?

– Майли, бера қолинг. Собиржон ака, наҳотки босқинчилар шунчалик устамонлик қилишган бўлса, бирорта из қолдиришмаган бўлишса-я?!

– Из қолдиришмаган бўлса ҳам бир нарса аниқ, улардан бири жабранувчиларнинг яхшигина таниши бўлган...

– Нимага асосан бунақа деяпсиз?

– Биринчидан, улар ҳеч қандай қийинчиликсиз, ўз калитлари билан эшикни очиб кирганлар, бу уларнинг ушбу хонадонга бир неча марта кириб чиққанларини, ҳатто, калитдан нусха олишга ҳам улгурганликларини билдиради, иккинчидан, улардан биттаси овозини таниб қолмасликлари учун атайлаб хириллаб гапирган, – деб Собиржон қаҳвадан бўшаган идишни столнинг устига қўйиб, одати бўйича у ёқдан, бу ёққа юра бошлади.

– Собиржон ака, оёғингизни чарчатиб нима қиласиз, яхшиси менинг ёрдамимни кутинг, дедим-ку сизга, – деди Фарҳод қулиб.

– Айтмоқчи, сиз касалхонага бориб жабранган Расуловнинг аҳволини билиб келинг, ўзига келибдими, гапириши мумкин эканми, шуларни билиб келсангиз сизнинг катта ёрдамингиз бўларди! – деди Собиржон ҳозиргина касалхонага қўнғироқ қилиб Расуловнинг аҳволини билган бўлса ҳам.

– Хўп, албатта, – деб Фарҳод чиқиб кетди.

Собиржон тезкор гуруҳга ва бошқа шу иш билан шуғулланаётган гуруҳларга қўнғироқ қилиб бирор нарса аниқланганми, йўқми суриштира бошлади, улардан фақат натижа йўқ, деган жавобни эшитиб, баттар асабийлашди. Устига-устак Фарҳод ҳам касалхонадан Расулов катта инфаркт бўлганини, ҳалиям комада эканлигини, яшаб кетишига 5 фоизгина умид борлигини билиб келди...

Бир ҳафтадан бери қуроли босқинчилик жиноят ишини очолмай боши гаранг бўлиб ўтирган Собиржон Фарҳоднинг укасининг уйига бориб тушлик қилиб келиш таклифини рад этди.

– Собиржон ака, барибир бирор жойда тушлик қилишингиз керак-ку, ахир, укамнинг туғилган куни, 30 ёшга киради, сиз борсангиз боши осмонга етади, хўп денг, энди! – деди Фарҳод сўзида туриб олиб.

– Майли, кетдик, – деди Собиржон бошқа иложи қолмай.

– Мана бу бошқа гап, укам Баҳром туғилган кунига тўғрилаб, бугун машина ҳам сотиб олмоқчи эди-да.

– Қанақа машина?

– Нексия, қандай рангидан олди экан-а, қизиқиб кетяпман!

Улар Баҳромларникига борганларида дастурхон атрофида етти-саккиз нафар ўртоқлари ўтирган эди.

– Э, акажонлар, келинлар, келинлар! – деб Баҳром уларни кутиб олиб ўтиришга таклиф қилди.

Улар стулларга ўтириб олгандан кейин дастурхонга қовурилган жўжа тортилди.

– Жўжа жуда мазали бўлибди, – деди Фарҳод жўжани иштаҳа билан еркан.

– Ош бўлсин, ака, – деди Баҳром.

– Ака, мен сизга айтсам, бунақа овқатларнинг катта гурмани ўзим бўламан, бизникига борсангиз, жўжа шашликнинг додасини ейсиз! – деди Фарҳоднинг қаршисида ўтирган йигит ўзини катта олиб.

– Раҳмат, ука, – деб қўйди Фарҳод.

Собиржонга у йигитнинг гапириш оҳанги қизиқ туклаганидан овқатдан бошини кўтариб унга қаради, қулоқлари шалпанг, кўзлари маъносиз боқарди, ўнг қулоғининг устида билинар-билимас кемтиги бор эди.

Яна бир оз ўтирганларидан кейин Собиржон Фарҳодга қараб:

– Турамиз, – деди.

– Кечирасизлар йигитлар, зарур ишларимиз бор эди, энди бизга рухсат, сизлар бемалол ўтираверинглар, – деб Фарҳод ўрнидан турди.

Улар Баҳром билан хайрлашаркан, Фарҳод:

– Айтмоқчи, янги машинангни кўрсатмайсанми? – деди.

– Бугун ололмадим.

– Нимага, пулингни етиштиролмадингми?

– Йўқ, пулни тайёр қилиб олиб боргандим, ўша қаршингизда ўтирган «гурман» икки кундан кейин сиз

хоҳлаган ранглардан келади, озгина сабр қилиб туринг, деди.

– Ўзим шу йигит ҳақида сўрамоқчи бўлиб турувдим, унақа ўртоғинг йўқ эди-ку?

– Машина баҳонасида танишдик, ўша автосервисда ишларкан.

– Менга ёқмади, намунча гердаймаса?

– Ҳа энди, нувориш-да, тўғриси айтсам, менга ҳам ёқмайди, лекин елимдай ёпишиб олган, таклиф қилсам ҳам, қилмасам ҳам келаверади.

– Майли ука, шунақасиям бўлади...

– Хайр Баҳромжон, шунақа туғилган кунлардан кўпларини кўриб юринг, – деб Собиржон ҳам у билан хайрлашди.

– Боя укангиз билан гаплашаётганда тушунмадим, «Нувориш» нима дегани? – деди Собиржон машинада кетаётиб Фарҳодга.

– Ҳа, уми, французча «новый богач», бирдан бойиб кетган, дегани...

– Тушунарли.

Собиржон тушдан кейин фақат Расуловнинг хонадонига қилинган босқинчилик иши бўйича ҳамма иш материалларини қайтадан синчиклаб текшириш билан шуғулланди. Расуловнинг қўшнилари, ўғил-қизлари, қариндошлари, шу ишга алоқадор ҳар бир шахснинг сўзларини «бирор нарса» топиш илинжида таҳлил қилиб чиқди. Собиржон уйида кечки овқатни еб ўтириб ҳам шуни ўйлаб асабийлашарди. Бир маҳал қўл телефони жиринглаб қолди.

– Алло, эшитаман.

– Терговчи ука, сизмисиз? – деган аёл кишининг овози эшитилди.

– Ҳа, Собиржонман, ким бу?

– Мен, Шаҳодат опангизман, касалхонадан қўнғироқ қиляпман. Дадаси ўзларига келдилар, шуни сизга айтиб қўймоқчи эдим!

– Жуда яхши бўлибди, табриклайман Шаҳодат опа! Ҳозир етиб бораман.



– Йўқ, Собиржон, ҳозир гаплашиш мумкин эмас, деб докторлар мени ҳам ташқарига чиқаришди, келишингиз бефойда.

– Ўзига келиб ҳеч нарса демадимми?

– Кузларини очишлари билан, уларни қўлга олиш-дими, дедилар, мен йўқ, деганимдан кейин:

– Ўнг қулоғининг устида кемтиги бор эди, деб яна кўзларини юмиб олдилар. Докторлар энди хавф ортда қолди, комадан чиқиб олдилар, дейишяпти.

– Ҳа, шунақа дейишдими, майли, эртага бораман, хайр, – деб Собиржон гўшакни қўйиб ўйланиб қолди. Кемтик дедими, ўнг қулоғининг устида... Расулов ҳам машина олмоқчи бўлиб йиққан пулар... Собиржон қўл телефонини олиб қўнғироқ қила бошлади.

– Фарҳоджон, қаердасиз?

– Бардаман, маза қилиб пиво ичиб ўтиргандим, кайфимни буздингиз-да.

– Илтимос, ҳазилсиз, жуда зарур гап чиқиб қолди.

– Ишдаман, айтаверинг, нима гап?

– Кутиб туринг, ҳозир етиб бораман?

– Фақат бирор егулик олиб келинг, қорним ўлгудай оч!

– Хўп.

### Кемтик

Собиржон ишхонасига етиб борганида соат кечки 10 бўлиб қолганди.

– Фарҳоджон, пакетда ейишга у-бу нарса бор, тез-тез еб олиб, манави кроссовкани ҳам кийиб, тайёр бўлиб туринг, – деб унга сумкани узатди.

– Тинчликми, Собиржон ака, олиб келгандан кейин янгисини олиб келмайсизми, мени куним сизнинг эски кроссовкангизга қолганми, қаерга борамиз, маёвка-гами дейман?

– Тезроқ бўлинг, илтимос, ортиқча саволлар берманг, кеч қолсак жуда ёмон бўлади...

Фарҳод Собиржоннинг бир нарсадан жуда хавотирланаётганини кўриб, вазият жиддий эканлигини сезиб, ҳазил-хузулни йиғиштирди. Собиржон ўзининг хонасига кириб ИИБ бошлиғи билан гаплашиб, вазиятни тушунтирди ва қуроолланган милиция ходимларидан юборишни сўради. Ҳамма келгандан кейин улар йўлга чиқишди, Собиржон ҳайдовчига манзилни айтди, йўл-йўлакай уларга аҳволни тушунтириб, ким нима қилишини, жуда эҳтиёт бўлишларини қайта-қайта таъкидлади. Баҳромларнинг уйига оз қолганда:

– Шу ерда машинани тўхтатинг, тушамиз, – деди Собиржон.

– Шуни илгарироқ айтсангиз буларди-ку менга, Баҳром болаларини беҳавотир жойга жойлаштирадди, ҳалиям унга қўнғироқ қилиб, огоҳлантириб қўйиш керак! – деди Фарҳод хавотирланиб.

– Фарҳоджон, хавотир олманг, алақачон Баҳромга нима қилиши кераклигини яхшилаб тушунтирганман.

– Шунақа демайсизми?

Улар машинани Баҳромнинг уйига унча узоқ бўлмаган жойга қўйиб, атрофни кузата бошлашди.

– Соат тунги 2, энди келишмаса керак, балки эртага мўлжаллашгандир, балки умуман унақа эмасдир, Собиржон ака? – деди Фарҳод.

– Сезгиларим мени ҳеч қачон алдамаган...

– Соат 3 бўлди, бу сафар сезгиларингиз панд берди, шекилли.

– Жим, кўряпсизми шарпаларни, ана эшикни очиш-япти, калит бор экан.

– Юринг, тезроқ борайлик, худди нинзаларга ўхшаб жуда чаққон ҳаракат қилишаркан аблаҳлар, тагин жуфтакни ростлаб қолишмасин!

– Шошилманг, биз уларни жинойт устида қўлга олишимиз керак, ҳали эшикни очмай туриб уларни чўчи-тиб юбормайлик.

Жинойтчилар эшикни очиб, у ёқ-бу ёққа қараб олиб ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин, ич-

карига кириб кетишди, Собиржон ҳам уларнинг фақат икки киши эканлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина Фарҳодга:

– Кетдик! – деди.

Собиржон очиқ қолдирилган эшикдан секин қаради, қоронғида ўзидан уч қадамча нарида турган шарпани кўриб, ўзини панага олди. Уларнинг орқасидан етиб келган милиционерга ишора қилиб, ўзи тез ичкарига кирди ва кутилмаганда оёқ товушисиз бориб шарпанинг бошига тўппонча қадади. Милиционер йигит ўзини йўқотиб қўйган жиноятчининг қўлидан пичоқни олди, Фарҳод унинг оғзини бекитиб, секин ташқарига чиқаришди.

– Укангизнинг ётоқхонасига бошланг, – деди шивирлаб Собиржон Фарҳодга.

– Кетдик.

– ...Тезда пулларни чиқар, тез бўл, отиб ташлайман! – деган хириллаган овоз эштилиб турган хона эшиги олдида туриб қолишди.

– Қанақа пул!

– Уйда яна кимлар бор!?

– Мана, биз бормиз-да, яна кимни сўраяпсан!? Ташла куролингни! – деди Собиржон унинг бошига тўппонча қадаб.

Фарҳод чироқни ёқди. Бунақа бўлишини кутмаган босқинчи, қўрққанидан қотиб қолганди, милиционерлар унинг қирқма ов милтигини олиб, қўлига кишан солдилар. Собиржон унинг ниқобини олиб ташлаганда, Баҳром ҳайратланиб:

– Ие, нувориш-ку! – деб юборди.

– Бу ёғи қандоқ бўлди, энди жўжа кабоб нима бўлади, гурман?! – деди Фарҳод.

– Мени кечиринглар, илтимос, бошқа иложим қолмаган эди, – деб босқинчи тиз чукиб ёлвора бошлади.

– Нимага? – деди Собиржон.

– Чунки мен бедаво дардга чалинганман, гиёҳванд бўлиб қолганман, қарзларим купайиб кетди, ўзимга

ўхшаган дардга чалинган шеригим билан шу ишни қилишдан бошқа иложим қолмади, кечиринглар!..

– Сен, гиёҳванд бўлиб қолганинг учун босқинчилик қилишинг айбимни энгиллаштиради, деб ўйлайсанми? Гиёҳванд бўлишингнинг ўзи энг оғир жиноят ҳисобланади-ку, ҳозирги қилган жиноятингни янада оғирлаштиради-ку! Тур ўрнингдан! Олиб кетинглар! – деди Собиржон унинг гапларини эшитишга тоқат қилолмай.

\* \* \*

– Собиржон ака, ҳар доимгидек, жиноятни усталик билан очиш услубингизга қойилман, уста изқувар эканингизга гап бўлиши мумкин эмас! – деди Фарҳод.

– Сиз бўлмаганингизда балки бу жиноят умуман очилмай қолармиди?

– Бунга менинг нима алоқам бор?

– Сиз, мени Баҳромникига борайлик, деб қистамаганингизда қулоғи кемтик жиноятчини балки топа олмаган бўлармидик...

## КЎК АТИРГУЛ

*Ўз хоҳиш-истакларининг чегарасини билмасликдан ортиқ бахтсизлик бўлмайди.*

*Лао Цзи.*

### Қўш қотиллик

Бугун якшанба бўлишига қарамасдан Азиза Собиржонни ишга кузатиш учун тайёргарлик кўрарди. Неча йиллардан буён у шунга одатланиб қолган. Собиржон нонуштадан кейин кутилмаганда:

– Бугун бемалол менинг ёрдамимдан фойдаланишинг мумкин, – деди.

– Ростданми, дадаси?– деди Азиза ишонқирамай.

– Албатта, сенга ёлғон гапирармидим!

– Лекин шу пайтгача ҳеч қайси якшанбада уйда бўлмагансиз-ку.

– Хавотир олма, ишларим жойида. Бугунги кунимни сенга бағишламоқчиман.

– Қандай яхши, қулоқларимга ишонмаяпман!

– Яхшиси кел, бугун нималар қилишимиз кераклиги тўғрисида режа тузамиз, кейин секин, шошилмасдан ҳаммасини амалга оширамиз.

– Ишқилиб туш кўраётган бўлмай-да.

– Ҳўш, ишни нимадан бошлаймиз?

– Албатта, бозор қилишдан-да дадаси, болалар ухлаб ётган пайтда рўзғорга керак майда-чуйда нарсаларни тезроқ олиб келайлик. Қолган ишларни келганимиздан кейин бафуржа бажараверамиз.

– Вақтимиз қолса, кечроқ сизларни театрдами, киногами олиб тушаман, майлими?

– Раҳмат, дадаси, жуда яхши бўларди. Сиз билан у жойларга бормаганимизга ҳам юз йилларча бўлгандир.

– Унда кетдик, – деди Собиржон ўрнидан туриб.

Шу пайт Собиржоннинг қўл телефони жиринглаб қолди.

- Эшитаман.
- Собиржон, қаердасиз?
- Уйдаман, тинчликми, Фозил ака?
- Қотиллик содир қилинган.
- Манзилени айтсангиз, ҳозир етиб бораман.
- Шаҳарнинг 5 даҳасида.
- Тушундим.
- Тезроқ етиб боринг, мен йўлдаман.
- Хўп.

Азиза эрининг телефонда гаплашганини эшитиб, ҳаммасига тушунди, шекилли:

– Майли, дадаси, яхши бориб келинг, – деди ноилож.

– Энди бозор нима бўлади?– деди Собиржон машинанинг эшигини очаётиб.

– Нима бўларди, ҳар доимгидек... – деди Азиза.

Қотиллик кўп қаватли уйнинг учинчи қаватидаги хонадонда содир қилинган бўлиб, Собиржон у ерга етиб борганида гуруҳнинг ҳамма аъзоси шу ерда эди. Апрель ойининг боши бўлгани учун ташқари унча иссиқ эмас эди, лекин деразалар ланг очиқ бўлишига қарамасдан, Собиржон ичкарига кирганида қўланса ҳид димоғига урилиб, беихтиёр орқага тисралди. Хонада бир эмас, иккита мурда чўзилиб ётарди.

– Эр-хотин иккаласини бирга ўлдиришибдими?! – сўради Собиржон ҳудуд нозиридан.

– Ҳа, иккаласини ҳам.

– Қотилликни талончилик мақсадида қилишмаган, шекилли?– деди Собиржон хоналарни кўздан кечириarkan.

– Мен ҳам шу фикрдаман, – деди прокурор Собиржоннинг гапини маъқуллаб.

– Деярли ҳеч нарсага тегишмаган, фақат хонадон соҳибларини ўлдиришган-у кетишган, – деди Фозил ака ўйга толиб.

– Шариф ака, қотиллик қачон содир қилинган экан? – сўради Собиржон.

– Тахминан, бундан икки кун олдин, деб ўйлайман. Мурдаларни текширганимиздан кейин анигини айтмиз.

Экспертлар гуруҳи, криминалистлар ишларни бажариб бўлдилар, шекилли, кетишга тайёрланиб, анжомларини йиғиштира бошладилар. Собиржон ҳам кетмоқчи бўлиб остонадан ҳатлаётганида кўзи бандидан узилиб қолган бир дона атиргулга тушди. Атиргул кўк тусда бўлиб, оёқ кийимлар қўйиладиган шкафчанинг ён томонидаги бурчакда ётарди. Собиржон қоғоз гул деб ўйлаганди, лекин у сўлиб қолган атиргул экан. Собиржон уни целлофан пакетга солиб, ўзи билан олиб чиқди.

Собиржон икки кишини ўлдириб кетган қотил ҳақида ўйлаб, бир қарорга келолмаганидан қийналиб кетди. У, балки, суд-тиббий экспертизаси хулосаларини кўрганимдан кейин бирор нарса маълум бўлиб қолар, деб ўйлади. Шу пайт хонага кириб келган Фарҳод:

– Собиржон ака, марҳумларнинг ҳеч кими йўқ эканми, – деди.

– Нима учун сўраяпсиз?

– Уларни ўлдириб кетишганини икки кунгача ҳеч ким билмаганига сўраяпман-да.

– Қишлоқда ота-оналари, қариндошлари бор экан, марҳуманинг укаси уларни ўлдириб кетишганини билиб, хабар берган-ку.

– Эшикни қандай очган?

– Унинг гапига қараганда, якшанба куни опасини кўргани келган, кўнғироқни босиб анча турган. Қўл телефонлари ҳам жавоб беришмагач хавотирланиб қўшнилар ёрдамида эшикни синдириб очишган.

– Нима деб ўйлайсиз, марҳумлар наркобизнесга аралашиб қолмаганмикан?

– Менимча, тахмин ўзини оқламайди, чунки қотиллик қуроли жуда оддий.

– Қандай?

– Аёл сочиқ билан бўғиб ўлдирилган, катта биллур гулдон билан эса эркакнинг бошига урилган.

– Ҳўш?

– Бундан кўришиб турибдики, жиноятчилар уйга қотиллик мақсадида киришмаган. Улар кутилмаганда келиб чиққан келишмовчилик натижасида уй жиҳозларидан қотиллик қуроли сифатида фойдаланиб, одам ўлдирганлар.

– Балки ҳаммаси аёл туфайли бўлгандир, чунки расмига қараганда марҳума жуда чиройли бўлган экан.

– Бўлиши мумкин.

– Болалари йўқ эканми?

– Йўқ. Эри 27, хотини 25 ёшда бўлишган, турмуш қурганларига эндигина уч йил бўлган экан.

– Иккаласининг ҳам ота-онасига чақирув қоғози юборганман.

– Бугунга ҳеч кимни чақирмаганмисиз?

– Йўқ.

– Демак, бугун шаҳардаги ҳамма гул дўконларини айланарканмиз-да, – деди Собиржон.

– Тушунмадим, кимнингдир туғилган куними?

– Йўқ, мана бу гул жиноятни очишимизда балки бизга ёрдам берар, – деди Собиржон целлофан пакетдаги сўлиб қолган гулни Фарҳодга кўрсатиб.

– Собиржон ака, ахир бу гул сўлиб қолган-ку, агар у янги узилган бўлганида эди гул-гулга ўхшарди, буни қайси дўкондан харид қилишганини аниқлаш амри маҳол. Ундан ташқари кўчаларда ҳам гул сотишади. Вақтимиз беҳуда кетгани қолади, деб ўйлайман.

– Фарҳод, эътибор бериб қаранг-а, гулнинг ранги қанақа?

– Кўкми, ғалати ранг экан.

– Ана, кўрдингизми, бунақа рангдаги гулни илгари кўрмаганман. Демак, бу гул ҳамма жойда сотилавермаса керак. Шунинг учун уни харид қилган киши ҳам сотувчининг эсида қолган бўлса ажаб эмас.

– Менимча, бу хомхаёлдан бошқа нарса эмас.



– Майли, кўрамиз, борайлик-чи.

Улар бир қанча гул дўконларига кириб чиқишди.

Собиржон катта гул дўконининг олдида тўхтаб:

– Шу дўкон шаҳардаги энг катта гул дўкони ҳисобланади. Эҳтимол, шу ердан жавоб топилиб қолар, – деди.

– Синглим, сизнинг дўконда мана шу гулдан топиладими? – сўради Собиржон сотувчи қизга мурожаат қилиб.

– Бунақаси йўқ, лекин бундан ҳам чиройлилари бор. Хоҳласангиз, дўконимиздаги энг чиройли гулларни кўрсатаман.

– Раҳмат, синглим, сиздан бир нарса сўрасам майлими?

– Марҳамат.

– Сизнинг дўконда шу гулдан сотилганми?

– Бу гул Голландиядан келтирилади. Фақат бир магазинда бўлиши мумкин. Агар унда ҳам бўлмаса, демак кўлингиздаги гулнинг эгаси уни ўзи билан бирга бошқа мамлакатдан олиб келган бўлиши мумкин.

– Раҳмат, – деб Собиржон сотувчи қиз айтган гул дўконининг манзилини ёзиб олди.

– Собиржон ака, ишқилиб, шу гулни излаб Голландияга учмаймизми? – деди Фарҳод дўкондан чиқаркан.

– Балки учармиз.

Улар сотувчи қиз айтган манзилдаги гул дўконига келганларида қоронғи тушиб қолган эди.

– Агар ҳисобда янглишмаган бўлсам, 23-дўконга киришимиз, бундан бошқа яна каттароқ гул дўконлари ҳам бор эканми?

– Бўлиши керак.

Собиржон дўконга кириб, кўк атиргулни ўзи излаб топмоқчи бўлиб, бир-биридан чиройли гулларга узоқ тикилди. Сотувчи йигит унинг ёнига келиб:

– Ака, ёрдамим керак эмасми? – деб сўради.

– Ёрдамингиз керак, шекилли. Мана бу гулга қаранг, сизда худди шу гулдан топиладими?

Йигит целлофан пакетни қўлига олиб, ундаги гулга яхшилаб разм солгандан кейин:

– Ҳа, кўк атиргулдан бизда бор, – деди.

– Хайрият, – деди Фарҳод.

– Юринглар, дуконимизнинг иккинчи қаватида бу гулнинг тайёр гулдаста қилингани ҳам бор. Хоҳдасанглар янги гулдаста ҳам ясаб беришимиз мумкин.

Собиржон билан Фарҳод унга эргашиб, иккинчи қаватга кўтарилишди.

Сотувчи катта гулдон қаршисида тўхтади.

– Марҳамат, танланглар, чиройли қилиб гулдаста ясаб берамиз.

Собиржон сотувчи йигитга ўзларини таништираганидан кейин:

– Исмингиз ким? – деб сўради.

– Мансур.

– Мансур, бундан уч кун олдин мана шу кўк атиргуллардан кимларга сотгансиз, эслай оласизми? – деб сўради Собиржон.

– Уч кун олдин гуллар янги келган эди. Янглишмасам, фақат бир киши харид қилганди. Кеча икки аёл, бугун бир рус қизи сотиб олишди.

– Хотирангиз яхши экан, эслаб қолибсиз.

– Хотирамдан нолимайман, лекин бу гуллар жуда қиммат тургани учун кам сотиб олишади, балки шунинг учун эсимда қолгандир.

– Айтинг-чи, бундан уч кун олдин шу гулдан сотиб олган кишининг кўриниши қанақа эди, эслай оласизми?

– Йўқ, яхши эслай олмайман. Фақат унинг 45-50 ёшлардаги киши эканлиги эсимда, холос...

– Унинг бўйи, гавда ва юз тузилишини-чи?

– Йўқ, эсимда йўқ.

– Унинг юзида хол ёки бирор жароҳат изи йўқмиди?

– Афсус, эътибор бермабман. Биласизми, ўша куни дуконимизда харидор роса кўп эди, биз уч киши бўлсак ҳам зўрға улгурардик.

– Худди мана шу кук атиргулдан бошқа гул дуконларида ҳам сотишадими?

– Менимча, йуқ, яна ким билади?

– Мансур, бизга берган ёрдамингиз учун катта раҳмат. Сизга яна бир илтимосим бор эди.

– Қандай илтимос?

– Мабодо уша гул сотиб олган кишининг бирор белгисини эсласангиз, албатта, хабар қилинг, – деб Собиржон унга телефон рақамини қолдирди.

– Хўп.

### Пулга ўч ўғил ва келин

Собиржон эрталабдан марҳумларнинг ота-оналари ва қариндошларини сўроқ қила бошлади.

– Ўғлингизнинг исми Аҳадмиди?

– Ҳа, умри қисқа экан, – деди Сафар ака кўз ёшларини артиб.

– Ўғлингиз нима иш билан шуғулланарди?

– Бозорда майда-чуйда сотиш билан.

– Ишлари яхшимиди?

– Унчалик эмасди, шекилли...

– Кам пул топармиди?

– Бундан 2-3 ой олдин уларникига келганимда, Аҳад келин ишга кирганини айтиб қолди. Мен, келиннинг ишга кириши шартмиди, ўзинг рўзгорни эплай олмадингми, – дедим.

– Дада, шаҳарда яшаш осон эмас, – деган эди.

– Қийналаётган бўлсанглар, қишлоққа қайтинглар, ахир биз томонларда ҳеч ким оч қолмаяпти-ку, – дедим.

– Келиннингиз Моҳира қаерга ишга кирган экан?

– Қайсидир бошқармага котиба бўлиб ишга кирди, деяётган эди.

– Ўғлингизнинг ўртоқларини танирмидингиз?

– Ҳа, айримларини танирдим, яхши болалар эди. Ўзи, Аҳаджон ҳам ортиқча ичиб, номаъқулчиликлар

қилиб юрмасди. Унинг дарди, фикри фақат пул топишда эди.

– Сафар ака, сизнинг фикрингизча, ўғлингиз ва келиннингизни кимлар ўлдирган бўлиши мумкин?

– Мен ҳам кеча-кундуз шу ҳақда ўйлаб, ўйимга ета олмаяпман. Ўғлимнинг душманлари йўқ эди-ку! Қайси қонхўрга болаларимнинг ўлими керак бўлиб қолган экан?!..

Собиржон Моҳиранинг онаси билан суҳбатлашар экан:

– Шарифа опа, қизингиз сизга ўз сирлари тўғрисида гапирармиди?– деб суради.

– Ҳа, у уч йилдан бери бўйида бўлмаётганини айтиб сиқиларди.

– Куёвингиздан нолимасмиди?

– Йўқ, фақат унинг пулга жуда ўч эканлигини айттарди.

– Иши тўғрисида-чи?

– Қайсидир бошқармада котиба бўлиб ишга кирганини айтган эди. Унга, ахир сен олий маълумотли педагогсан, қандай қилиб котиба бўлиб юрибсан, – деганимда у:

– Ойижон, у ерда маош яхши экан, – деди.

– Пулга ўчликда сен ҳам эрингдан қолишмайсан, дегандим ўшанда.

– Ойи, пул ҳаммага керак-ку, деб қўйган эди қизим шўрлик. Ун гулидан бир гули очилмай ўлиб кетди-я. Ўша қотилларга кимнидир ўлдириш керак бўлса, мени ўлдирсалар бўлмасми?! – деб йиғларди Шарифа опа...

Собиржон билан Фарҳод Моҳиранинг иш жойига бориб, суриштирувни бошлаб юбордилар. У ердагиларнинг аксарияти бир хил гапни такрорлашарди:

– Моҳиранинг ишга келганига уч ой ҳам бўлмаган эди, шу боис қизни яхши билмаймиз.

Собиржон бошқарма бошлиғи Норбек Фармоновни сўроқ қилганида:

– Ишни яхши бажарар эди. Бошқа томонларини билмайман, – деди.

– Уни йўқлаб шубҳали кишилар келганини сезмаганмисиз?

– Кўпинча кабинетда ёки мажлисларда бўламан, қабулхонага кимлар келиб кетишини билмайман.

– Моҳиранинг оиласини билармидингиз?

– Йўқ, унинг қаерда яшашини ҳам билмасдим, тўғриси, у аёл ҳақида бир нарса дея олмайман, чунки ишга янги келган эди-да.

Суроқ бир ойдан кўпроққа чўзилди. Ҳануз калаванинг учи топилмаган.

Вилоят прокурори иштирокидаги йиғилишдан чиққан терговчилар кайфиятлари йўқлигидан хоналарига кириб, индамай ўтиришарди. Фарҳод жимликни бузиб:

– Ҳаммаси жонга тегди, кечаю кундуз тинмай ишлайсану, сал чўзилса, дарров пустагингни қоқишади. Лекин жиноятчини қўлга олсанг, ҳеч ким сенга, раҳмат Фарҳоджон, қаҳрамонлик қилдингиз, бу ишингиз прокуратура тарихига ёзилади, демайди.

– Сизнинг исмингиз прокуратура тарихига ёзилса керак, деб ўйлайман, – деди Собиржон.

– Энг кўп оғир жиноятларни очган шахс сифатидами?

– Йўқ, энг кўп нолийдиган прокуратура ходими сифатида.

– Э, қўйсангиз-чи, Собиржон ака, ҳозир эшитганларим камми?!

– Майли, бу гапларни қўяйлик-да, суд-тиббий экспертизаси хулосаларини яна бир бор кўриб чиқайлик-чи, зора, илгари кўздан қочирган бирор нарсани аниқласак.

Собиржон жиноят иши ҳужжатлари ичидан экспертиза хулосалари ёзилган қоғозни олиб, кўздан кечира бошлади.

– Марҳум Аҳад Султонов, бошига қаттиқ, оғир жисм билан урилиши натижасида бош мияси жароҳатлан-

ган. Ўтқир тигли нарса кириши оқибатида юрак пардаси йиртилиб, кўп қон йўқотиши оқибатида ўлган...

Демак, қотил марҳумнинг бошига оғир биллур гулдон билан урганидан кейин у йиқилган. Лекин қотил унинг ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун, юрагига пичоқ ҳам урган. Бундан келиб чиқадики, қотил учун марҳумнинг ўлими жуда муҳим бўлган.

– Ҳа, балки марҳум қотилнинг бирор жиноятини билиб қолгандир, – деди Фарҳод.

– Бўлиши мумкин.

– Аёлни қандай ўлдиришганини ҳам қайтадан кўрайлик-чи...

– Моҳира Султонова, юмшоқ жисм билан бўғиб ўлдирилган... лекин ундан кейинги жумлаларга тушунмадим, – деди Собиржон.

– Нима деб ёзишибди, мен ҳам кўрай-чи, – деб Фарҳод Собиржоннинг қўлидан қоғозни олиб, ўқий бошлади.

– Нимасига тушунмайсиз... мурданинг кўкрак қафасидаги қотган қизил суюқлик излари оддий қоғоз бўёғи эканлиги аниқланди, – деб ёзилган.

– Ҳа, худди шунга тушунмаяпман-да, қизил бўёқ қаердан келиб қолган бўлиши мумкин? Хулосани биринчи марта ўқиганимда бу жумлага эътибор бермаган эканман.

– Балки бўёқ тасодифан марҳуманинг қўлидан тўкилиб кетгандир.

– Лекин, текшириш ўтказилган пайтда хонадан бўёқ топилмаган-ку? – деди Собиржон ўйлашиб.

– Ҳа, бу нарса жумбоқнинг ўзгинаси...

– Лекин шу жумбоқни тезроқ ечишимиз керак.

– Қандай қилиб?

– Ўйланг.

Шу пайт Собиржоннинг қўл телефони жиринглаб қолди.

– Эшитаман.

– Бу терговчи Мирзаевми?

– Ҳа.

– Мен гул дўконидаги сотувчи Мансурман, бирор нарса эсингизга тушса қўнғироқ қилинг, деган эдингиз-а?

– Ҳа, шунақа деган эдим, хўш?

– Бутун, дўконда бир харидор билан савдо қилаётсам, кўзим унинг бўйнидаги холига тушиб қолди.

– Кейин-чи? – деди Собиржон унинг нима демоқчи эканлигини билолмай тоқатсизланиб.

– Кейин, сизнинг гапингизни эсладим, кўк атиргул сотиб олган кишининг бирор белгиси бормиди, деганингизни-да!

– Хўш?..

– Ўша куни кўк атиргул сотиб олган киши эгилиб гул танлаётганида унинг чап қулоғи орқасида катта қизил нор борлигини кўрган эдим. Шуни сизга айтиб қўяй, деб қўнғироқ қилдим.

– Раҳмат, ука, балки бу қўнғироғингиз, қотилни топишда бизга катта ёрдам берар, – деб Собиржон гўшакни қўйди.

– Хўш, сотувчи кўк атиргул сотиб олган харидорни эслабдими? – сўради Фарҳод.

– Ҳа, унинг чап қулоғи орқасида қизил нори борлиги эсига тушибди.

– Лекин, биз, бутун бир шаҳарда чап қулоғининг орқасида нори бўлганларни қандай излаймиз?

– Ҳарҳолда у йигит бизга ёрдам беришга ҳаракат қилди-ку, шунисигаям раҳмат айтишимиз керак. Қолаверса, ҳамманинг чап қулоғининг орқасида нори бўлавермайди.

– Тўғри айтасиз.

Собиржон ниманидир эслаб, ўрнидан турганча олдидаги қорозларни титкиларкан, Фарҳодга қараб:

– Юринг, Моҳира ишлайдиган бошқармага бориб, бир кишини қайтадан сўроқ қилишимизга тўғри келади, – деди.

– Кимни?

- Бошқарма бошлиғини.
- Майли, кетдик.

### Товон пули

Улар бошқармага тушдан кейин етиб келдилар. Котиба қиздан Фармоновнинг ҳали қайтмаганини аниқлашгач Собиржон:

– Майли, кутамиз, – деди.

Улар қабулхонада ярим соатларча ўтирганларидан кейин Фармонов кириб келди:

– Ие, йигитлар, кутиб қолибсизлар, жуда ноқулай бўлди-ку, – деди.

– Ўзимиз ҳам олдингизга келишимизни бир соат олдин билдик, – деди Собиржон.

– Ичкарига юринглар.

Улар ичкарига киришлари билан Фармонов котибага чой олиб келишни буюрди.

Собиржон унга:

– Овора бўлманг, чой ичмаймиз, – деди.

– Айланиб келибсизлар, хуш, хизмат?

– Хабарингиз бор. Аҳад Султонов ва унинг хотини, сизнинг ходимангиз Моҳира Султоноваларнинг ўлдирилиши бўйича жиноят ишини тергов қиляпмиз.

– Ҳа-ҳа, биламан, хуш, қотиллар топилдими?

– Ҳа, топилди, десам ҳам бўлаверади.

– Ким экан улар, қамоққа олдингларми?

– Ҳозирча йўқ, лекин тезда қамоққа оламиз, деб ўйлайман.

– Сизни тушунмадим, қотилни топган бўлсанглар, қамоққа олмасдан нима учун ўйланиб юрибсизлар?

– Шунинг учун ҳам олдингизга келдик-да.

– Менинг бунга қандай алоқам бўлиши мумкин, сизнинг ишингизни тушунмасам...

– Ҳа, қотилликка сизнинг бевосита алоқангиз бор!

– Нима?!



– Сиз, Моҳиранинг қаерда яшашини билмайман, деган эдингиз. Лекин қўшнилари унинг уйига кўк атиргуллардан ясалган гулдаста кўтариб кириб кетганингизни кўришган. Ўша қўшнилар тахминан бир соатлардан кейин гулларни яна қайтариб олиб чиқиб кетаётганингиздан ҳам хабардор.

– Ёлғон!

– Биласизми, сиз кўк атиргул эмас, бошқа оддийроқ гул харид қилганингизда эди, балки биз қотилни умуман топа олмаган бўлармидик.

– Мен ҳеч қанақа атиргулни билмайман!

– Қўлингиздаги антиқа атиргулларни Моҳиранинг қўшниси қўл телефонига туширган. Албатта гул билан бирга сиз ҳам суратга тушгансиз. Хўш, бунга нима дейсиз?

Фармонов индамай қолди. Бирпасдан кейин:

– Тўғри, мен котибамнинг туғилган кунига гул олиб боргандим. Лекин, ичкарига кирсам, улар тирик эмас эдилар. Кўрқиб кетганимдан тезда гулни ҳам олиб қайтиб чиқдим, бу ишларга аралашиб қолмай, дедим-да!

– Лекин, ўша расмга олган қўшни аёл сизни бир соатлардан кейин чиқди, деяпти-ку?

– Йўқ, у янглишган бўлса керак, сиз менга ишонаверинг.

– Биз қандай ишонишимиз мумкин, сиз бошданоқ бизга ёлғон кўрсатма бериб келган бўлсангиз...

– Илтимос, менинг обрўйимга путур етказманглар, ахир шунча йил ҳалол ишлаган бўлсам, битта фирибгарни, деб ҳамма топганларимни йўқотиб қўйишим инсофданми?!

Фармоновнинг кўзлари жикқа ёш эди.

– Биз сизнинг обрўйингизга путур етказишни ҳечам хоҳламаган эдик, лекин буни ўзингиз истадингиз-ку!

– Тўғри, ҳаммасига ўзим айбдорман...

– Бармоқ изларининг нусхалари олинган, буни сизнинг бармоқ изларингиз билан таққослаймиз. Ҳеч шубҳа йўқки, улар мос келади. Чунки сиз қотилсиз!

– Йўқ, мен буни асло хоҳламаган эдим, мажбур бўлиб қолдим! Ҳа!

– Наҳотки, сиз икки одамни ўлдиришга мажбур бўлган бўлсангиз?!

– Йўқ, мен биттасини ҳам ўлдиришни истамаган эдим...

– Истамаганман?!

Фармонов терговчилар ҳаммасини аниқлаганлар, энди ҳеч қандай ёлғоннинг фойдаси йўқ, деб ўйлади. У неча кундирки, ўзини елкасида тоғ кутариб юрган-дек сезарди. Ҳатто ўзини ўлдиришни ҳам ўйлаб кўрганди. Лекин бунга кучи етмай қийналарди. У ҳаммасини терговчига айтиб беришга қарор қилди.

– Ҳаммасини айтиб бераман! – деди у Собиржонга қараб.

...

– Моҳира иш излаб, олдимга келганида, мен аҳмоқ унинг чиройига асир бўлиб қолган эдим. Шу сабаб ишлаб турган кишини бошқа ишга ўтказиб, уни ўзимга котиба қилиб олдим. Ҳаммаси ана шундан бошланди.

Бир куни эрталаб ишга келсам Моҳира:

– Норбек ака, бугун тушдан кейин менга рухсат бера оласизми?– деди.

– Сабаби нима экан? – дедим.

– Туғилган куним эди, – деди нозланиб.

– Битта шарт билан рухсат беришим мумкин.

– Қанақа шарт экан?

– Туғилган кунингизни фақат иккимиз нишонлаймиз, майлими?

– Бугун эрим мол сотиб олиш учун кўшни вилоятга кетди. Икки кундан кейин қайтади. Лекин бошқаларга қандай қилиб «туғилган кунимга келманглар», деб айта оламан.

– Бунинг йўли осон, мен қишлоққа кетяпман, уйда бўлмайман, дейсиз, вассалом.

– Кундирдингиз, – деди Моҳира жилмайиб.

– Мен мияси айниган чол, қувонганимдан уйига гул кўтариб бордим. Моҳира мени иззат-икром билан кутиб олди. У икки кишига мўлжаллаб дастурхон тайёрлаган экан. Фужерларга шампан виносини қўйиб Моҳирага яхши тилакларимни билдирдим. Моҳира биринчи қадаҳни ичганидан кейин ичкариги хонага кириб кетди. Орқасидан борсам ётоқхонада чўзилиб ётарди. Менинг кирганимни кўриб:

– Вино менга ёмон таъсир қилди, бошим оғрияпти, – деди.

– Менинг ҳам бошим оғрияпти, ёнингизга чўзилсам майлими? – дедим.

– Албатта, – деб у мени ўзига қараб тортди.

Мен бошим айланиб, нима бўлаётганини сезмай қолибман. Фақат бир маҳал:

– Ифлослар, бу ерда нима қиляпсизлар! – деган овоздан ўзимга келдим. Не кўз билан кўрайки, тепамизда Моҳиранинг эри пичоқ кўтариб турарди. Ўрнимдан тура олмай қотиб қолдим. Кутилмаганда у Моҳиранинг кўксига пичоқ санчди, қип-қизил қон отилиб чиқиб, Моҳиранинг боши шилқ этиб, ёстиқдан сирпаниб тушди. Менинг эса ўрнимдан туришга ҳолим йўқ эди. Шу пайт Моҳиранинг эри нима учундир бизни расмга тушира бошлади. Унинг кўксимга пичоқ уришини кутиб ётардим. Кутилмаганда у:

– Ўрнингиздан туринг, гаплашиб олишимиз керак, – деди.

Мен ҳайрон бўлиб, унга унсиз эргашдим.

– Сизни деб хотинимни ўлдириб қўйдим. Аслида сизни ҳам ўлдиришим керак эди, лекин энди бунинг фойдаси йўқ. Бир нарсани келишиб олишимиз керак, – деди.

– Н-нимани? – дедим қўрқа-писа.

– Сиз товон пули тўлашингиз керак.

– Тушунмадим?

– Хотинимнинг бошини айлантириб, унинг ўлимига сабабчи бўлганингиз учун пул тўласангиз, мен унинг

ўлигини йўқотиб ташлайман ва сизни бу ишларга аралаштирмайман. Агар бунга рози бўлмасангиз, сизни хотинимнинг ўлимида айблайман, – деди.

– Қанча тўлашим керак?

– Юз минг доллар.

– Менда бунча пул йўқ, – дедим.

– Майли, унда бу хонадан чиқмай, тўғри қамоққа кетасиз.

– Бўлиб-бўлиб тўлашим мумкинми?

– Ҳа, ҳозир буни қандай тўлашингизни ўйлаб кўрамиз, – деб у қоғозга нималарнидир ёза бошлади.

– Мана, ўқиб кўринг, агар рози бўлсангиз ҳаммасини босди-босди қилиб юбориш кўлимдан келади, – деди.

– Мен қоғозда ёзилганларни ўқиб кўриб, рози бўлдим.

– Унда нима деб ёзилган эди, – сўради Собиржон.

– Қоғозда, мен Аҳад Султоновдан олган юз минг доллар қарзимни ҳар йили йигирма минг доллардан бериб, 5 йилда узишга розиман, – деб ёзилган эди.

– Мен қоғозга имзо қўйганимдан кейин, кетаверсам бўладими, – десам, у аблаҳ:

– Сиз, ўзингиздан бошқа ҳаммани аҳмоқ, деб ўйлайсизми, ҳозир қўлларимнинг қонини ювиб чиққанимдан кейин, бирга нотариусга бориб, ёзганларимни тасдиқлатиб оламан, – деди.

– Ўз хотинини ўлдириб қўйиб, ҳеч нарса бўлмагандек, бошқа бировдан товон талаб қилаётган кимса, пулларни тўлаганимдан кейин ҳам мени тинч қўймаслигини билардим. Шунинг учун бу тузоқдан чиқиб кетиш йўлларини излай бошладим. Миямга яшин тезлигида уни ўлдириш фикри келиб қолди! У қўлини ювиб чиқиб, ерда ётган сочиқни олиш учун эгилганида, мен стол устида турган биллур гулдонни олиб, унинг бошига урдим. У йиқилиб қолди. Унинг ўлганига аниқ ишонч ҳосил қилиш учун ошхонага кириб, ўткир тигра пичоқни олиб чиқдим-да, унинг қоқ юрагига санчдим.

– Эримни нима қилиб қўйдингиз?! – деган овозни эшитиб, ўзимни йўқотаёзим. Қарасам Моҳира турибди, у ўлмаган экан!

– Ҳаммаси учун жавоб берасиз! Қотилсиз! – деб қичқира бошлади.

Шунда мен ерда ётган сочиқни олиб, эрининг томирини ушлаб ўтирган Моҳирани бўға бошладим. У тинчиб қолганидан кейин қилган ишимнинг даҳшатидан ўзимга кела олмай анча ўтириб қолдим. Бошимни совуқ сувга тиқиб олиб, анча ўзимга келдим ва жинойтнинг изларини яширишга тушдим. Қадаҳлардаги бармоқ изларини ювиб, ошхонага қўйдим, пичоқни ва олиб келган гулларимни ўзим билан олиб чиқиб ахлат қутисига ташлаб юбордим. Товон пули тўлаш тўғрисидаги қоғозни эса йўқотиб ташладим.

Иккаласининг қўл телефонларини ҳам синдириб, кучадаги ахлат қутисига ташлаб юбордим... Ҳамма гап шу, энди мени қамоққа олиб кетишларингиз мумкин, – деди Фармонов даҳшатли воқеани сўзлаб бўлганидан кейин.

– Сиз, ўшанда эри ўлдирганидан кейин, Моҳиранинг қандай қилиб ўрнидан турганига ҳайрон бўлдингизми?

– Унинг қандай қилиб тирик қолганига ҳайрон бўлдим, лекин буни ўйлаб ўтиришга вақтим йўқ эди.

– Агар билсангиз, Моҳира билан эри олдиндан тузилган сценарий асосида роль ўйнаганлар.

– Тушунмадим?!

– Ўша кунга ҳеч қандай туғилган кун бўлмаган. Моҳира сизни алдаб уйига олиб борган ва эрига хиёнат қилган аёл ролини ўйнаган. Бундан уларнинг мақсадлари мўмай пул ундириш бўлган.

– Моҳиранинг кўксига санчилган пичоқ-чи?

– У пичоқ ҳақиқий эмас эди, у букиладиган, сахнага мўлжалланган пичоқ бўлган. Кўксидан отилиб чиққан нарса эса қон эмас, оддий қизил бўёқ бўлган, – деди Собиржон.

– Эҳ, шунчалик гўл бўламанми?! Аҳмоқ, энди жазойингни оласан, сенга қандай жазо беришса ҳам кам! Фақат ўзингга Худодан ўлим тилашинг керак! Қотил, қотилман!

Фармонов бошини қўллари орасига олиб, жим бўлиб қолди.

\* \* \*

Ниҳоят, қотил аниқланиб, қамоққа олинганидан кейин Фарҳод:

– Собиржон ака, сотувчи кўнғироқ қилиб, гул сотиб олган харидорнинг нори борлигини айтганидан кейин дарров Фармонов эсингизга тушганига қараганда, сиз биринчи сўроқ қилганингизда унинг қулоғи орқасидаги норига кўзингиз тушган экан-да, – деди.

– Йўқ, мен Фармоновнинг норини кўрмаган эдим, фақат унинг исми Норбек эканлиги эсимга тушди, холос. Фақат бошқармага борганимиздан кейингина унинг норини кўргач ишонч билан ҳаракат қила бошладим.

– Қўшни аёлнинг гулларни расмга олганлигини дарров қандай ўйлаб чиқардингиз?

– Чунки фақатгина сотувчи йигитнинг кўк атиргулларни нори бор одам сотиб олди, деган кўрсатмаси билан Фармонов айбини ҳеч қачон бўйнига олмаслигини билардим.

– Агар, кўк атиргуллардан бири бандидан узилиб тушиб қолмаганида балки қотилни умуман топа олмасмидик?

– Мен ундай деб ўйламайман, чунки қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади.

– Тушунарли...

## ШТРАУСГА ТАҚЛИД

*Не қилғоликим кимга ниятдурур,  
Бурун шарт анга қобилиятдурур.  
Алишер Навоий.*

Баҳор. Муъжазгина ҳовлининг ўртасида ўсиб турган ўрик дарахти қийғос гуллаган. Эрталаб ҳовлига чиққан Нафосат, соф баҳор ҳавосининг аллақандай ёқимли ифоридан баҳри-дили яйраб кетди. У беихтиёр скрипкасини олиб чиқиб, чала бошлади.

У Антонио Вивальдининг йил фасллари ҳақидаги мусиқасини чаларди. Қўшни ҳовлидаги, товуқларига дон бериш учун чиққан Камол мусиқани эшитишига халақит бериб, тинмай қақ-қақлаётган товуқларнинг чакагини тезроқ ўчириш учун уларга донларини бериб, товуқхонанинг эшигини бекитди ва сал нарироқдаги ўзи ясаб қўйган омонатгина стулга бориб ўтириб, жон қулоғи билан мусиқа тинглай бошлади. У берилиб кетганидан чап томонга сал қийшайган оғзи, шу томонга янада оғиб, сулаги оқа бошлаганини пайқамасди.

Камол ҳамма нарсани унутган эди. У касалманд дадасига нонушта тайёрлаши, овқатланиб, тезда ўзи ишлайдиган озиқ-овқат дуконига бориши, у ердаги ҳозиргина келган бир машина юкларни тушириб, ундан кейин сотувчига ёрдам бериши тўғрисида мутлақо ўйламасди. У янграётган мусиқанинг сеҳрли оҳанглари ичига буткул шўнғиб кетгандек эди.

Камол скрипканинг ёқимли садолари остида тебраниб ўтирар, унинг қулоғига эшитилаётган мусиқа эмас, гуё ариқлардан шилдираб оқаётган сувларнинг овози, қушчаларнинг нафис сайраши, шамолда секин тебранаётган майсалар орасидан эшитилаётган чигирткаларнинг чириллашини тинглаётгандек эди.

– Нафосат, нонушта қилсанг бўлмайдими, ҳадеб чалавераркан-да шу зормандани?!– деган зардали овоздан Камол ўзига келди.

Ҳар доимгидек Солиҳа опа мусиқанинг белига тепди-да, агар ўзим ҳам бирор нима чалишни билсам эди, менда ҳам ҳеч бўлмаса биттагина чолғу асбоби бўлса эди... Ҳар сафар Нафосат ҳовлисида мусиқа чалаётганида Камол бутун вужуди қулоққа айланиб уни тинглар ва мусиқа тугаганидан кейин, ҳар доим шуларни ўйларди. Бугун ҳам шундай бўлди. Камол орқасининг чангини қоқиб, одатдагидек кундалик юмушларини бажариш учун туриб кетди.

– Ойи, атиги бир мартагина бўлса ҳам ўзим хоҳлаганимча чалишимга қўйиб беринг, илтимос!– деди ойисининг ҳаракатидан норози бўлган Нафосат.

– Керак эмас, керак эмас чалишинг! Уни чалиб нимага эришасан? Сен яхшиси овқатланиб ол, ундан кейин она-қиз гаплашиб, масалани ҳал қилиб олиб, баҳсларга нуқта қўямиз!– деди Солиҳа опа жаҳл билан.

Нафосат ойисининг феълани билгани учун индамай, нонушта қилишга ўтирди. Улар иккаласи ҳам овқат вақтида чурқ этиб оғиз очмадилар. Чунки, Солиҳа опа врач бўлганлигидан овқат вақтида гаплашиш саломатлик учун зарарлиги эканини такрорлашдан чарчамасди. Нафосат буни жуда яхши билади. Шунинг учун, ойим кайфияти ёмон кишининг овқатланиши унинг саломатлигига қандай таъсир қилишини ҳам айтиб ўтсалар яхши бўларди, ўйлади у. Улар дастурхонга фотиҳа қилишганларидан кейин Солиҳа опа:

– Биламан, қизим, ўзим истамаган бўлсам ҳам кайфиятингни тушириб қўйдим,– деди қизининг хаёлидан кечаётган гапларини уққандай.

– Ойи...

– Гапимни бўлмай, яхшилаб эшитиб ол, хўпми?

– Хўп...– деб Нафосат айтмоқчи бўлганларини ичига ютди. У кўпинча ойисига ўжшаб шарттаки, бетгачопар эмаслигидан афсусланарди, бу сафар ҳам уни шу нарса қийнади. У асабийлашганидан одати бўйича узун-узун бармоқлари билан пешонасига тушган сочларини орқага қараб силаб қўярди.



– Мен сенинг консерваторияга ўқишга киришингга қаршиман! Биласанми, нима учун?– деб Солиҳа опа қизига тикилди.

Нафосат унга қоп-қора кўзларини катта-катта очиб қараб турар, унинг чиройли лаблари бир нима демоқчи бўлиб жуфтланган, думалоқдан келган оппоқ юзи жаҳди чиққаниданми сал қизарган эди. Бироқ, Нафосат бу гапни онасидан бир неча марта эшитгани учун, унинг саволининг жавобини ҳам яхши биларди. Шунинг учун у индамай ерга қаради. Солиҳа опа гапини давом эттирди:

– Чунки мен сенинг бахтли бўлишингни истайман! Сен жуда чиройлисан, қизим, бир уйнинг гўзал бекаси бўлишингни хоҳлайман. Ҳар қандай аёлнинг бахти оила билан бутун бўлади. Сен бир умрга скрипкангни кўтариб, контрабасингни судраб юрсанг, ҳеч қайси эркакка хотин бўла олмайсан, демоқчиманки, оила қура олмайсан, тушундингми?!

Нафосат индамай деразадан боққа қараб ўтирарди.

– Ҳатто эркак киши ҳам мусиқа чалиб, оила боқиши қийин. Бунга оддий мисол – даданг. Агар мен бўлмаганимда унда на яшашга уйи, на машинаси бўларди. Ҳалиям дадам раҳматлидан шу кичкинагина ҳовли қолган экан, бошпанамиз бор, яшайпмиз, машина сотиб олиш учун қанчалик тер тукканман. У кишининг шу пайтгача орттирган матаҳи, анави шўппайиб турган эски рояль, холос! Сени мусиқа мактабига берганини эса ҳечам кечира олмайман!

Нафосат ойисининг дадаси ҳақида гапирганида юраги бир қалқиб тушганидан, дадасини қаттиқ соғинганини туйди. Чет элга кетганларигаям икки йил бўляпти, шу ерда бўлганларида ойимдан мени ҳимоя қилган бўлардилар, ўйлади у. Солиҳа опа ҳамон мусиқачиларнинг аянчли тақдирлари ҳақида тўхтамай гапирарди:

– Қадимда ҳам, ҳозир ҳам, мусиқачиларнинг яшаш тарзи жуда ачинарли бўлиб келган. Сенга мисол керакми?!

Дунёга машҳур Вольфганг Амадей Моцарт 36 ёшида иқтисодий тангликда вафот этган. Бах ёки Бетховеннинг ҳаётлари ҳавас қилишга арзийдими?! Балки, яқиндагина киносини телевизорда кўрганимиз Жан-Кристофнинг қандай яшаганига ҳавас қилгандирсан?! Уларнинг ҳаёти жуда ачинарли-ку, наҳотки сен ўзингни кўра-била туриб ўтга ташласанг, қизим?!

– Нима учун фақат чет эл композиторлари тўғрисида гапирасиз, бунинг устига улар анча илгари, офир йилларда яшаган бўлсалар? Сиз нимага Юнус Ражабий, Мутаваккил Бурҳонов ёки бошқа ўзбек композиторлари ҳақида ҳеч нима демаяпсиз. Ойи, ўзингиз «Шашмақом»ни тинглаганингизда ҳамма нарсани унутиб қўйишингиз эсингиздан чиқдими, ахир уни ҳам менга ўхшаган ўзбеклар яратган-ку!

– Тўғри, мен сенга скрипка чалма демаяпман, бўш вақтларингда марҳамат, нима чалсанг чалавер, лекин бошқа бир касбни эгаллашингни хоҳлайман, холос. Масалан, менга ўхшаб врач бўл ёки ўқитувчи бўлишинг мумкин. Сенинг келажақда бахтли бўлишингни ўйлаб шундай деяпман-да, қизим.

– Ойи, мен сервиқор «Арган»да мусиқа чалишни орзу қиламан ҳамда мен ҳозирги вақтда кам аҳамият берилаётган мусиқа соҳаси – вальс мусиқаларини яратишни истайман. Худди «вальс қироли» Иоганн Штраусга ўхшаб машҳур вальс мусиқаларини ярата олсамгина ўзимни бахтли деб ҳисоблайман! Менинг орзуларим бир олам! Наҳотки бунини тушуниш шунчалик қийин бўлса?!– деди Нафосат онасининг кўзларига тик қараб.

– Менинг шунча жон куйдириб, қиз боланинг бахти ҳақида гапирганларим, кимга эди?! Демак, сен онангнинг гапларини бир пулга олмайсан, шундайми?!

– Ойи...

– Бўлди, бас, мени ойи дема! Қачон ўзинг келиб, кечирим сўраб, ҳужжатларингни Тиббиёт институтига топширмоқчи эканлигингни айтганингдан кейингина сенинг ойинг бўламан!– деди Солиҳа опа столига бир уриб. У тўладан келган гавдасига ярашмаган чаққонлик билан ўрнидан туриб, эшикни қарсиллатиб ёпиб, хонасига кириб кетди.

Нафосат ўзига келолмай шу ўтирганича анча ўтириб қолди, бир оздан кейин у дарсга бориши лозимлиги эсига тушиб, сумкасини олиб кўчага чиқди.

Солиҳа опа қизидан аразлаб, бир неча кун гаплашмай юрди. Нафосат эса нима қилишини билмай, боши қотган эди.

Солиҳа опа ишдан келиб, эшик кўнғироғи тугмачасини босаркан қизи билан бўлган дилхиралик яна қачонгача давом этаркан, деб ўйлаб кўнгли хижил бўлди. Эшикни очган Нафосат, жилмайиб онасига салом берди. У саломига алик ҳам олмай ўтиб кетаётган ойисини орқасидан бориб қучоқлаб олиб:

– Ойижон, мени кечиринг, сиз нимани хоҳласангиз мен шунга қиламан,– деди секингина.

Солиҳа опа қулоқларига ишонмай:

– Қизим, нима дединг, қайтариб айт?!– деди.

– Сиз менинг бахтли бўлишимни хоҳлаган экансиз, майли, мен бахтли бўлишга ҳаракат қиламан.

– Демак врач бўлишга розисан, тўғрими?

– Сиз нима десангиз, шу, ойижон.

– Ўзимнинг яғонам, ақлли қизим,– деб Солиҳа опа қизини эркалата бошлади. Барибир қизимнинг эси бор-да, ўйлаб-ўйлаб охири менинг гапим тўғрилигини тушунибди, тўғри қарор қабул қилибди, деб ўйлади у хурсанд бўлиб.

Эрталаб уйғонган Солиҳа опа нонушта тайёрлай бошлади. У Нафосатнинг кийиниб, кетишга тайёр бўлиб чиққанини кўриб ҳайрон бўлиб:

– Қизим, бугун ўқишга эрта отланибсанми?– деди.

– Ҳа, бугун охирги имтиҳонимиз, скрипкамни ҳам, контрабасимни ҳам олиб кетишим керак.

– Хайрият, охиргиси экан, қутуларкансан. Кейин мен топиб қўйган репититор билан тиббиёт институтига тайёрланишни бошлайверасан.

– Ҳўп.

– Майли, сен нонуштангни қилиб ол, мен қўшнимиз Камолга айтаман, ўша зил-замбил контрабасингни кўтариб, сени ўқишинггача кузатиб қўяди,– деб Солиҳа опа чиқиб кетди.

У контрабасни орқалаган Камолга эргашганича скрипкасини кўтариб кетаётган нозик ниҳол қизининг орқасидан, қизимнинг бўй-бастига, чиройига гап йўқ, лекин жуда қайсар, унинг устига феъли нозик-да. Ҳа, Нафосат менга ўхшамади, қуйиб қўйгандек дадасининг ўзи, ҳеч бўлмаса феъл-атвори дадасига ўхшамаса нима қиларди? Майли, нима бўлса ҳам қизим бахтли бўлсин, Худога шукр бугун ўқишлари тугаркан, кейин эса менинг истаганим бўлади, деб ўйлади.

Лекин Солиҳа опа ўйлаганича бўлмади, чунки Нафосат шу куни уйига қайтиб келмади...

\*\*\*

Вилоят прокуратураси катта терговчиси Собиржон Мирзаев қизининг йўқолиб қолгани тўғрисида ариза берган Солиҳа Маҳмудова билан суҳбатлашарди.

– Демак, қизингиз Нафосат шу йилнинг 24 май куни эрталаб чиқиб кетганича қайтиб келмади, тўғрими?– деди Собиржон.

– Ҳа, икки ой бўляпти, ундан дарак йўқ... Энди ёлғизгинамга аза очишдан бошқа чорам қолмади, шекилли,– деди Солиҳа опа кўз ёшларини артиб.

– Дарров ёмон хаёлларга борманг, балки қизингиз соғ-саломат юргандир,– деди Собиржон унга раҳми келиб.

– Қаерда бўлиши мумкин, қидирмаган жойимиз қолмади, ҳамма қариндош-уруғимиз, узоқдагидан тортиб, яқиндагигача, таниш-билишларимиз, ҳамма жойни қидирдик, милиция ходимлари ҳам ҳеч қаердан топиша олмадилар. Унинг тириклигига ишончим қолмади,– деб Солиҳа опа юм-юм йиғлади.

– Эрингиз Искандар ака билан гаплашиб турасизларми?

Собиржоннинг бу саволи Солиҳа опага худди оловга мой қуйгандек таъсир қилди. У йиғидан тўхтаб, кўз ёшларини тез-тез артиб:

– Сизга айтсам ука, уша Искандар акангизнинг дастидан куйиб, адои тамом бўлдим. Агар билсангиз, ҳаммасига эрим сабабчи. Унга мусиқани ташлаб, олди-сотдими, ёки бошқа бирор пултироқ иш билан шуғулланишни неча марта айтдим, гапимга қулоқ солмади. Уч йиллик шартнома билан чет элга мусиқадан дарс бериш учун кетди. Онда-сонда қўнғироқ қилиб туради. Назаримда унга Нафосатнинг йўқолиб қолиши унчалик таъсир қилмагандек.

– Йўғ-э?

– Ҳа, менга, кўп қайғурма, топилиб қолишига имоним комил, деб тасалли беради, холос...

– Шунақа дейдими?

– Ҳа, ишонасизми, қизимизнинг йўқолиб қолганини эшитиб ҳам, қайтиб келишни хаёлига келтирмаяпти, нима эмиш, шартномани бузиб муддатидан олдин бориши мумкин эмас эмиш!

– Искандар аканинг келиши бирор нарсани ўзгартиради деб ўйлайсизми?

– Ҳеч бўлмаса ёнимда далда бўлиб турарди. Битта ўзим у ёқдан-бу ёқа чопиб юрибман. Бахтимга опам бор экан, жиянларим мени ёлғизлатиб қўйишмаяпти, ким билади, бўлмаса қизимнинг ғамида ўлиб кетган бўлармидим.

– Солиҳа опа, қизингизнинг йўқолишида бирор кишидан шубҳангиз борми?– деб сўради Собиржон мавзуга қайтиб.

– Билмадим, ҳеч кимдан шубҳам йўқ, десам ёлғон гапирган бўламан.

– Нимага шу пайтгача шубҳаланган кишингизни айтмагансиз?

– Биласизми, ўзимнинг гумонимга ўзим ҳам унча ишонмаганимдан кейин айтишга унча ботина олмадим-да.

– Кимдан шубҳаланиясиз?

– Сизга айтсам, ука, қўшнимиз Ғофир аканинг ўғли Камол, майда-чуйда ишларимизга ёрдамлашиб юради. Шу пайтгача унинг бирор номаъқул иш қилганини эшитмаганман. Онаси раҳматли Ойниса опанинг ўлимидан кейин у касал дадасига ўзи қарайди, ҳам уй ишлари, ҳам ўзининг ишини эплаб, рўзғор тебратиб келяпти. Нафосат охирги марта уйдан чиқиб кетаётганида ундан контрабасни кўтариб, Нафосатнинг ўқишигача кузатиб қўйишини илтимос қилган эдим...

– Хуш?

– Камол ҳаминша Нафосат мусиқа чалганида ҳовлисида ўтириб, уни тинглашини биламиз. Унинг ўзи бу ҳақда айтиб юради. Бир марта скрипка қанча туришини мендан сўраган эди. Мен унинг нарҳини айтганимда, ўҳ-ҳу, мен уни ҳеч қачон сотиб ола олмас эканман-да. Улкан контрабаснинг нарҳини сўрамай қўя қолай, деганди.

– Сиз, қўшнингиздан Нафосатнинг иккита қимматбаҳо чолғу асбобларини деб, уни ўлдириб юборган, деб шубҳа қиляпсиз, тўғрими?– деди Собиржон Солиҳа опанинг айта олмай қийналаётган гумонини ойдинлаштириб.

– Илойим ундай бўлмасин, лекин шу фикр хаёлимдан нарига кетмайди. Камолни кўрсам, ёқасидан буғиб, қизимни топиб бер, уни нима қилдинг, жувонмарг, демоқчи бўламану, зўрға шайтонга ҳай бераман. Унинг ота-оналари беозор, яхши одамлар эди-да, ундан ташқари шунча йиллик қўшни бўлсак...

– Яна бошқа шубҳа-гумонларингиз бўлса, айтинг.

– Бошқа ҳеч қандай гумоним йўқ.

Собиржон Солиҳа опадан қўшниси Камолнинг манзилни ёзиб олиб, у билан хайрлашди.

Чақирув қоғозини қўлига олган Камол прокуратурага етиб келди. У терговчининг хонасига:

– Мумкинми?– деб кираркан атрофга аланглаб қаради.

Собиржон унга ўтириш учун стул кўрсатди.

– Хуш, Саъдиев, нима иш билан шуғулланасан?– деди Собиржон унинг шахсига оид саволарига жавоб олганидан кейин.

– Мен 37-сонли озиқ-овқат дўконида ишчи бўлиб ишлайман.

– Сен шу йилнинг 24-май куни қўшнингиз Нафосатнинг контрабас чолғу асбобини кутаришда ёрдамлашиб, уни ўқиш жойигача кузатиб қўйганинг тўғрими?

– Ҳа, кузатиб қўйганман...

– Сен уни қандай машинада кузатиб қўйдинг.

– Кулранг Нексия машинаси эди.

– Рақамига кўзинг тушмаганми?

– Энди ака, таксига ўтирганда машинанинг орқасига ўтиб, унинг рақами қандай экан, деб қарамай-сиз-ку!– деди Камол жаҳли чиқиб.

– Машинанинг олдида ҳам рақами ёзилган бўлади. Лекин нима учун жаҳлинг чиқяпти?

– Сиз, Солиҳа опанинг мени еб қўйгудек бўлиб қаранларини кўрганингизда эди. Нима, мен Нафосатнинг йўқолиб қолишига айбдорманми? Сиз ҳам, шунга шаъма қилгандек туюлдингиз, шунга...

– Камол, ахир қўшнингиз Нафосат дом-дараксиз йўқолиб қолган, буни биласан. Икки ойдан бери уни қидиряпмиз, топишга ҳаракат қиляпмиз, бунинг учун эса биз ҳамма нарсани сураб суриштирамиз, агар билсанг, бу бизнинг вазифамиз,– деди Собиржон унга синчковлик билан тикилиб.

– Сизни тушунаман, лекин бунга менинг нима алоқам бор, шуни тушунолмай...

– Сендан сўраётганимизнинг сабаби, уни охириги марта кўрган киши сен бўласан-да, – деди Собиржон икки қўлини икки тарафга ёйиб.

– Мен у таксидан тушганидан кейин, орқамга қайтиб кетдим.

– Нима учун ичкарига киришда ёрдамлашмадинг?

– Чунки буни Нафосат хоҳламади, бу ёғини ўзим эплайман, деди.

– Ўшанда сенинг унга ёрдамлашиб, мусиқа асбобларини таксидан тушираётганингни кимдир кўрганмиди, эслай оласанми?

– Билмадим, мен бунга эътибор бермабман.

– Камол, сен ўзинг нима деб ўйлайсан, Нафосат қаерга йўқолди экан?

– Мен ҳам ҳайронман, тўғриси айтсам, мен унинг йўқолиб қолганига ҳаммадан кўпроқ қайғуряпман. Сиз унинг скрипкани қандай чалишини эшитганингизда эди...

– Сен буни қаердан биласан?

– Нафосат доимо скрипкасини ҳовлида чаларди, ҳовлиларимизнинг ўртасида кичкинагина девор бор, холос.

– Тушунарли.

– Ишқилиб у соғ-саломат топилсин-да, – деди Камол ўрнидан тураркан.

Нафосатнинг йўқолиб қолиши бўйича очилган жиноят ишининг тергов ишлари ҳам якунига етай деб қолди, лекин ҳеч қандай натижа йўқ эди.

– Нафосатнинг бирга ўқийдиган ўртоқларининг ҳаммасини сўраб, суриштирдик, – деди Фарҳод.

– Ҳа, у ўша куни ўқишга бормаган, бирортаси ўша куни Нафосатни кўрмагани жуда ғалати, – деди Собиржон ўйга толиб.

– Ҳатто унинг чолғу асбобларини олиб таксидан тушганини ҳам ҳеч ким кўрмаган.



– Ҳа...

– Бу Камолнинг кўрсатмаси нотўғри эканини билдиради, тўғри эмасми, Собиржон ака?– деди Фарҳод.

– Тўғри, у ниманидир яширяпти.

– Менимча, Солиҳа опанинг шубҳаси тўғри эканлиги тасдиқланди. Агар Камол Нафосатни ўқиш жойигача олиб борганида, ҳеч бўлмаса бир киши кўрарди. Лекин уни ўша куни ҳеч ким кўрмаган. Демак, нима бўлган бўлса, йўлда бўлган, буни фақат Камол билади.

– Камолни навбатдаги терговга чақирганман, ҳозир келиб қолади, – деди Собиржон.

– Менимча, уни қамоққа олиш масаласини ҳал қилиш керак.

– Нима учун сиз масалага чуқурроқ ёндашмасдан, дарров қамоққа олиш тўғрисида гапирасиз? Агар сизга қолса, қамоққа кириб чиқмаган бегуноҳ киши қолмаган бўларди!

– Жуда, унақа эмасу, лекин Камолдан шубҳа қилишимизга асосимиз бор, шунинг учун ҳам таклифимни айтяпман, – деди Фарҳод қизишиб.

Собиржон Фарҳоднинг фикрига ҳеч қандай муносабат билдирмади У деразанинг олдига бориб, ўйлашиб қолди. Фарҳод хонасига чиқиб кетди.

Бирпасдан кейин у Камолни бошлаб келди. Собиржон Камолга:

– Камол, мен сенга ишонишни жуда-жуда истардим, лекин илгариги терговда айтган гапларинг ўз тасдиғини топмади, бу дегани сенинг кўрсатмаларинг нотўғри бўлиб чиққанини кўрсатади, – деди.

– Тўғри гапирганман...

– Аниқланишича, ўша куни Нафосат дарсига бормаган, сен эса уни ўқийдиган жойигача олиб бориб қўйдим, дегансан!

– Олиб бориб қўйганман.

– Уни битта киши ҳам кўрмаган, сен ёлгон гапиргансан! Хўш, нима учун ёлгон гапиряпсан?! Айт, Нафосатни нима қилдинг?!– деди Собиржон.

– Нима қилишим мумкин, ахир у...

– Гапир, нима демоқчисан?!– деди Собиржон Камолнинг бирдан тўхтаб, жим бўлиб қолганини тушунмай.

– Гапира олмайман, мен Нафосатга бу ҳақда ҳеч кимга айтмасликка сўз бергандим.

– Бир одам икки ойдан бери изсиз йўқолган, сен бўлсанг, қандайдир ваъда тўғрисида гапиряпсан, ақлинг жойидами ўзи?!

– Лекин мен...

– Нима, сен? Нафосатнинг йўқолишида ёлғиз шубҳаланаётганимиз сен эканингни биласанми? Билган нарсангни айтмаслигинг эса шубҳамизни янада оширяпти, шуни сезяпсанми?

– Барибир айтишим лозим, шекилли,– деди Камол ўйланиб.

– Ҳа, биз билмаган нарса бўлса айтиб беришинг шарт!– деди Собиржон унинг қаршисига келиб.

– Ростини айтсам, мен Нафосатни ўқишига етмасдан, бир бекат берида тушириб қолдирганман.

– Нима учун?

– Ўзи шуни хоҳлади, у ёғига қандай етиб оласан, десам, бир амаллайман, деди. Мен, ундай бўлса ўзинг биласан, деб қайтиб кетмоқчи бўлганимда, у менинг ёнимга келиб, Камол ака, илтимос, ўқишга бормай, сал берида тушиб қолганимни нима бўлгандаям, ҳеч кимга айтманг, деб илтимос қилди. Мен, ҳўп, хавотир олма, ҳеч кимга айтмайман, деб сўз бердим.

– Ҳўп, гапингга ишондик ҳам дейлик, лекин у нима учун шундай қилди, деб ўйлайсан?

– Қизиқ экансиз, мен унинг нимани ўйлаганини қаердан биламан?– деди Камол қизишиб.

– Лекин ҳеч қандай далилсиз, қуруқ гапингга қандай ишонишим мумкин?

– Билмайман, яширмасдан гапир, дедингиз, айтдим, буни қандай исботлашни билмайман.

– Нафосатнинг қўлидаги чолғу асбоблари қанча туришини билармидинг?

– Ҳа, бир марта Солиҳа опадан сўраганимда, нар-  
хини айтганлар, жуда қиммат экан.

– Сенда ҳам шундай мусиқа асбоблари бўлишини  
хоҳлармидинг?

– Ҳа, лекин нима учун сўраяпсиз? Мен Нафосатнинг  
ҳамма чалган куйларини яхши кўриб тинглардим. Ўша  
қуни унга, ўзим кўтариб бораётган, улкан скрипкага  
ўхшаган мусиқа асбобини кўрсатиб, сен доим мана  
шу катта скрипкангда чал, хўпми, дедим.

– Нимага,– деб сўради у.

– Каттакон скрипканинг овози бутун маҳаллага  
эшитилади-да, ҳамма роҳат қилиб, сенинг чалганла-  
рингни эшитади,– дедим.

Шунда Нафосат кулиб юборди ва:

– Ҳажм жиҳатдан энг катта мусиқа асбоби ҳисоб-  
ланган контрабас, овоз жиҳатдан энг пасти ҳисобла-  
нади,– деди.

– Агар Нафосат кўшнимиз бўлмаганида мен мусиқа  
деган нарсани мутлақо тушунмай, балки бир умр  
эшитмай ўтиб кетган бўлармидим, ким билади?– деди  
Камол кўзларида ёш йилтилаб.

– Тушунари...

– Биласизми, мен Нафосат йўқолиб қолган кундан  
бери виждон азобида қийналаман, тўғри, унга айтмас-  
ликка сўз бердим, лекин шунга қарамай Солиҳа опага  
бўлган воқеани айтганимда, балки у йўқолиб қолма-  
ган бўлармиди?

Камол чиқиб кетганидан кейин, Собиржон ҳам,  
Фарҳод ҳам жим бўлиб қолди. Фарҳод жимликни бу-  
зиб:

– Биласизми, менинг ўйлашимча, Камол ҳаммаси-  
ни илгаридан режалаштирган. Ҳатто у ҳозирги гапла-  
рини ҳам бизни ишонтириш учун, олдиндан ўйлаб  
қўйган.

– Наҳотки, Камолни шу иккита мусиқа асбоби учун  
Нафосатни ўлдирган, деб ўйласангиз?– деди Собир-  
жон Фарҳодга қараб.

– Солиҳа опанинг айтишича улар жуда фақир яшар эканлар. Камол ўзи учун фақат ўзи ҳаракат қиларкан, отаси касал бўлса...

– Лекин у Нафосатнинг чалган куйларини яхши кўришини гапираётганида кўзларининг қандай чақнаб кетганига эътибор бердингизми?

– У роль ўйнаган бўлиши мумкин-ку.

– Ҳарҳолда мен, табиийлик билан, сохталикни ажрата билсам керак, деб ўйлайман.

– Ундай бўлса айтинг-чи, Нафосат қаерга йўқолган?

– Билмайман.

– Ана кўрдингизми, биттагина шубҳа остидаги кишини ҳам айбсиз десангиз, боши берк кўчага кириб қолишимиз аниқ,– деб чиқиб кетди Фарҳод.

Собиржон ўйланиб қолди. Унинг боши қотган эди, Нафосат қўлидаги иккита оғир мусиқа асбоблари билан қаерга йўқолган бўлиши мумкин?

Собиржон Солиҳа опани чақириб, ундан:

– Солиҳа опа, бизга айтиш эсингиздан чиққан, айрим гаплар бўлса айтиб беринг, балки ёрдами тегиб қолар,– деди.

– Ҳаммасини айтганман, ука, энди қизимнинг топилишидан умидимни уза бошладим,– деб йиғлади у.

– Сиз қизингизни хафа қиладиган гап айтмаганмидингиз?

– Бунинча марта сўрадингиз, ахир қизим менинг жону жаҳоним эди, ундан бошқа ҳеч кимим йўқ бўлса, уни нимага хафа қилай. Унинг ўзимга ўхшаган врач бўлишини истардим.

– Лекин қизингиз мусиқа мактабида ўқиган-ку?

– Тўғри, лекин у, ойи, сиз нимани истасангиз шуни қиламан, деган, мен унинг мусиқа чалишига қарши эмас эдим, фақат унинг бахтли бўлишини хоҳлардим, холос...– деди Солиҳа опа оғир хўрсиниб.

– Демак, барибир, қизингиз мусиқа соҳасини танлаган, тўғрими?

– Йўқ, у мен айтган соҳани танлаган.

– У ўзининг орзуларини сизга айтганми?

Солиҳа опа ўйланиб қолди ва:

– Қизим ҳамиша, мен Иоганн Штраус каби вальс мусиқаларини яратишни истайман, деб юрарди, лекин мен унга қиз бола мусиқа чалиб бахтли бўла олмаслигини яхшилаб тушунтирганимдан кейин, у фикрини ўзгартирганди. Эслигина қизим, сендан шу тариқа ажраб қоламан деб ҳечам ўйламаган эдим!– деб Солиҳа опа яна йиғлай бошлади.

– Ўзингизни босиб олинг, хабар берилмаган жуда узоқ қариндошларингиз бўлса ҳам эсланг, балки ўша ерлардан изи чиқиб қолар, деди Собиржон унга тасалли бериб.

– Ҳамма ёққа хабар берганман, ҳеч қаерда йўқ, ҳатто мен ёқтирмаганим учун бориш-келишимиз узилиб қолган, узоқ вилоятда яшовчи қариндошимизникидан ҳам излаганман, барибир у ярамас икки ой мобайнида қўнғироқ қилиб, мендан қўнғил ҳам сўраб қўймади.

\* \* \*

Нафосатнинг расми телевидение орқали кўрсатилиб, йўқолгани эълон қилинганидан кейин ҳам ҳеч қаердан ҳеч қандай хабар олинмади. Собиржон хонасида нима қилишини билмай боши қотиб ўтирганида, Фарҳод кириб келди. У кира солиб радионинг мурватини бураб:

– Собиржон ака, жаҳон мумтоз мусиқаларидан тuzилган концерт бериляпти,– деди.

Радиодан, Шопен, фортопиано учун соната... Собиржон мусиқа тингларкан йўқолиб қолган мусиқачи қиз Нафосат ҳақида ўйлаб, юраги сиқилди.

Бошқа мусиқа чалина бошлади. Собиржон билан Фарҳод жим ўтириб мусиқа тинглашар, улар ҳар қайсилари ўз хаёллари билан банд эдилар.

Эшик очилиб, вилоят прокуратурасида умумий назорат бўлимининг бошлиғи вазифасига ишловчи Пулатжон кириб келди.

– Муסיқали антракт экан-да,– деди ҳазиллашиб.

– Ҳа,– деди Собиржон.

Унинг кайфияти йўқлигини сезиб:

– Штрауснинг шўх вальсларини эшитиб ҳам кайфиятингиз кўтарилмаяптими? – деди Пулатжон кулиб.

– Янглишмасам, бу чалинаётган куй Себастьян Бах ижодига мансуб,– деди Фарҳод худди ўзини муסיқа соҳасининг вакилидек тутиб.

– Афсус янглишяпсиз, ахир Иоганн Штраусни Бах билан алмаштириш мумкинми?

– Менимча, сиз нотўғри айтяпсиз...

Собиржон муסיқа соҳасини унчалик тушунмагани учун уларнинг баҳсига аралашмай, жим ўтирарди.

– Муסיқа охирлаб қолди, бирпас жим бўлсангиз, ҳозир қайси муסיқа чалинганини айтишади,– деди Фарҳодга Пулатжон хотиржамлик билан.

Радиодан диктор аёлнинг дона-дона қилиб, сиз Иоганн Штрауснинг вальс муסיқаларидан тингладингиз, деган сўзлари эшитилди.

– Қойил, сиз буни қандай ажрата оласиз? – деди Собиржон.

– Мен учун бу қийин эмас, мен кўпинча чет эл мумтоз муסיқаларидан тўртта композиторнинг муסיқаларини тинглашни яхши кўраман, шулар ичида Штраус ҳам бор. Шунинг учун уларнинг муסיқаларини дарров таниб оламан.

– Демак, сиз ўзбек муסיқаларини эшитмас экансиз-да?– деди баҳсда мот бўлиб, жим бўлиб қолган Фарҳод.

– Мен чет эл композиторларидан тўрттаси дедим, бу дегани, ўзбек композиторларининг ҳаммасини эшитаман, деганим,– деди жилмайиб Пулатжон.

– Ҳа, яхши муסיқа замон ҳам, макон ҳам танламайди, эшитсанг, роҳат қиласан,– деди Собиржон.

– Штрауснинг мусиқадан сабоқ олиши жуда қизиқ бўлган, бу ҳақда эшитганмисизлар?– деди Пулатжон.

– Йўқ.

– Майли, кейинги сафар айтиб бераман, ҳозир шошаётгандим,– деб у ўрнидан турди.

– Пулат ака, қандай ўқиган экан, айтиб кетинг,– деди Фарҳод ҳар доимгидек қизиқувчанлиги устун келиб.

– Ҳа, майли, эшитинг,– деди эшик тутқичидан тугиб, кетмоқчи бўлган Пулатжон тўхтаб,– Штрауснинг дадаси ўзи мусиқачи бўлган, лекин ишлари унча юришмагани учун, ўғлининг мусиқадан узоқда бўлишини истаган. Ўша даврда Европада, шу жумладан, Венада ҳам бадавлат оилаларда болаларининг мусиқадан сабоқ олиши урф бўлган. Штрауснинг онаси бой оиладан чиққани учун ўғлига эридан яширинча сабоқ бердирган, чунки у ўғлининг мусиқадан беҳабар қолиши, уларнинг оиласининг обрўсига путур етказишидан қўрққан-да! Штраус ўзига керакли дарсларни олиб бўлганидан кейингина уни отасига билдиришган, отаси эса бундан жуда норози бўлиб, ҳатто хотини билан ажралмоқчи ҳам бўлган, дейишади,– деб чиқиб кетди.

– Иккинчи марта шунақа бўлиши...– деди Фарҳод. Унинг оқ-сарикдан келган думалоқ юзига қизиллик югурган эди.

– Нима, иккинчи марта?– деди тушунмай Собиржон.

– Аввал ҳам бир нарсанинг устида баҳслашганимизда енгилган эдим, бундан кейин у билан баҳслашмайман,– деди Фарҳод.

Ҳамиша ўзини билимдон санаб, ҳамсуҳбатига турли соҳалардан саволлар бериб, жавоб беролмай қолганида ҳаммани қойил қолдириб, ўзи жавоб берадиган, бешта тилни мукаммал билишидан фахрланиб юрадиган мақтанчоқроқ, лекин кўнглида заррача ғубори йўқ шогирдининг, кячкинагина баҳсда мот бўлгани

учун шалвираб турганига раҳми келган Собиржон унга тасалли бериб:

– Хафа булманг, Фарҳод, ахир, одам ҳамма нарсани билиши мумкин эмас-ку, муҳими, сизда ҳамиша бирор нарсани билиб олишга қизиқиш бўлади, бу жуда яхши фазилат. Лекин, бундан кейин, фақат ўз фикрингизга қаттиқ ишонсангизгина баҳслашиш мумкинлигини эсингиздан чиқармаслигингиз керак. Пулатжоннинг дунёқараши, билими кенг, жуда кўп соҳаларни яхши билади, унга ҳамиша қойил қолганман, деди ва ўйланиб қолди. Кейин у бирдан ўрнидан туриб, Фарҳодга қараб:

– У ҳозир Штрауснинг мусиқадан сабоқ олиши тўғрисида нима деди?– деди.

Фарҳод Собиржон нима демоқчи эканини тушунмай:

– Нимани назарда тутяпсиз?– деди.

– Уни дадасидан яширинча мусиқадан сабоқ олганлигини айтдимми?

– Ҳа.

– Эҳ, нимага шуни илгарироқ ўйламаган эканман?– деб Собиржон қўнғироқ қила бошлади.

– Солиҳа опа, айтинг-чи, сиз ёқтирмаганингиз учун борди-келдингиз узилиб қолган ўша узоқ вилоятдаги қариндошингизнинг исми, шарифи қандай?

– Жўраев Салоҳиддин.

– Манзили-чи?

Солиҳа опа унинг манзилини Собиржонга айтаркан:

– Нима гап, ука, унинг манзилини нима қиласиз, ёки Нафосатнинг дараги чиқиб қолдимми, айта қолсангиз-чи?!– деди ҳовлиқиб.

– Майли, кейинроқ ўзим сизга қўнғироқ қиламан,– деб Собиржон гўшакни қўйди.

– Нима гап, менга ҳам тушунтириброқ айтинг,– деди Фарҳод.

– Кетдик Фарҳод, Солиҳа опа айтган вилоятга бориш учун анча йўл юришимизга тўғри келади. Йўлда



ҳаммасини бафуржа гаплашиб кетиш учун вақтимиз бемалол.

– Агар сиз Нафосатни уша ерда деб уйлаётган бўлсангиз, ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилиб, уларга нима қилиши дозимлигини тушутирсангиз ҳам бўлади-ку.

– Бу ишни ўзим амалга оширишни хоҳлаётган бўлсам-чи?

– Ундай бўлса саёҳатга тайёрман!– деди Фарҳод жилмайиб.

\* \* \*

Собиржон билан Фарҳод излаган манзилларига етиб келишганида қуёш тоғлар орқасига ботиш арафасида эди. Улар келиб тўхтаган ҳовли тоғли туманда жойлашгани учунми, худди эртақларда тасвирлангандек, ихчамгина, лекин алақандай сирли туюларди. Ҳамма ёқ қуёшнинг қизариб ботаётган қизғиш нурига бурканиб, табиат ажиб манзара кашф этган эди.

Улар машинадан тушиб, бир оз атрофни томоша қилиб тўхтаб қолишди. Ҳовли томондан таралаётган, майин мусиқа овози атрофдаги беқиёс гузалликка, қушларнинг чуғурлашига, подадан қайтаётган қўзи-чоқларнинг маърашига қўшилиб, уларга ҳамоҳанг бўлгандек, янада ёқимлироқ эшитиларди.

– Агар сезгиларим алдамаётган бўлса, бу мусиқани чалаётган – йўқолган қиз – Нафосатнинг ўзгинаси! – деди Собиржон мамнун жилмайиб. Унинг қалин қора қошлари кўзига яқинроқ жойлашгани учунми ёки, ўзининг феъл-атворидан келиб чиқибми, юзи ҳаммаша жиддий кўринарди. Ҳозир эса Собиржоннинг юзи ёришиб, жиддийликдан асар ҳам қолмаганди. Уни бундай ҳолатда камдан-кам кўриш мумкин эди.

– Агар янглишмасам, бу Антонио Вивальди ижоди-га мансуб мусиқа,– деди Фарҳод кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, устозининг хурсандчилигига қўшилган ҳолда.

– Иккаламизнинг ҳам адашмаётганимизга аминман!– деди Собиржон ҳовли томонга қадам ташлар экан.

\* \* \*

– Салоҳиддин ака, нима учун қидирувдаги қизни уйингизга яшириб қўйдингиз?– деди Собиржон уй эгасига.

– Ука, Нафосатнинг дадаси Искандар бегона эмас, амакимнинг ўғли бўлади. Мен нима қилай, дадаси чет элдан қўнғироқ қилиб, ойисига айтмаслигимни ёлвориб сўраса, бу ёқда қизи йиғлаб, агар консерваторияга кирмасам, ўзимни бир нима қилиб қўяман, деб мени қўрқитаётган бўлса, қандай қилиб сизларга хабар берай, ўзингиз айтинг?! – деди куюниб Салоҳиддин ака.

– Нима учун бундай йўл тутдинг, Солиҳа опанинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қила оласанми?– деди Собиржон Нафосатга.

– Бошқа иложим қолмаган эди, дадамнинг маслаҳати билан шу ерда, ойимдан яширинча консерваторияга киришга тайёргарлик кўришга аҳд қилдим.

– Лекин ойинг сенга аза очишга тайёрланаётган эди, унга раҳминг келмадимми?

– Агар шундай қилмасам, мен ўзимнинг истеъдодимга аза очишимга тўғри келарди, овора қилганим учун мени кечиринглар,– деди ерга қараб Нафосат.

– Энди нима қилмоқчисан?– деди Собиржон.

– Сизлардан бир нарсани илтимос қилмоқчиман.

– Нимани?

– Имтиҳонларга атиги уч кун қолди, ҳаммасини топширгунча ойимга айтмай турсангизлар, менга катта ёрдам берган бўлардинглар,– деди Нафосат.

– Менимча, энди яширинча имтиҳон топширишининг ҳожати йўқ,– деди Собиржон.

– Нимага, ойим менинг врач бўлишимни хоҳламай қолдиларми?

– Биласанми, ҳозир ойинг фақат битта нарсани – сени соғ-омон кўришни истайди, холос.

– Бунга ишончингиз комилми?

– Албатта.

– Ундай бўлса, кетдик, мен ҳам ойимни жуда соғинганман!– деди Нафосат кўзларининг ёшини артиб.

\*\*\*

Машинада кетаётиб, Фарҳод:

– Бир нарса сўрасам, майлими? – деди.

– Бемалол, – деди Собиржон.

– Йўқ, бу сафар сиздан эмас, Нафосатдан сўрамоқчиман.

– Мендан?

– Ҳа, сендан, айт-чи, биз сенинг олдингта борганимизда скрипкада чалаётган куйинг қайси композиторники эди?

– Ҳа, уми, Вивальди...

– Хайрият, тўғри топган эканман! – деди Фарҳод ёш боладай қувониб.

Собиржон кулиб қўйди.

*Адабий-бадиий нашр*

ЗУЛАЙҲО МАШАРИПОВА

**ТАМҒА**

*Детектив қиссалар ва ҳикоялар*

Муҳаррир  
Феруза ҚУВОНОВА

Техник муҳаррир  
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусахҳиҳ  
Нилуфар ЖАББОРОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 17.04.2012 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.  
Босма тобоғи 10,5. Шартли босма тобоғи 17,64.  
Гарнитура «Baltika Cug+Uzb». Офсет қоғоз.  
Адади 5000 (1 завод 1000) нусха. Буюртма № 116.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
Лицензия рақами: АІ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.  
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кучаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими — 278-36-89; Маркетинг бўлими — 128-78-43  
факс — 273-00-14; web-сайтимиз: [www.yangiasr.uz](http://www.yangiasr.uz)  
интернет-дўкон: [www.yangidavr.uz](http://www.yangidavr.uz) e-mail: [info@yangiasr.uz](mailto:info@yangiasr.uz)





– Бундан 23 йил аввал, яъни 1986 йил 5 майда Низом Аббосовни вахшийларча ўлдирганингизни тан оласизми? У худди ҳеч нарса эшитмагандай индамай ётаверди.  
– Жавоб беришни хохлайсизми?  
Фаёз унга бир қараб қўйиб, яна шифтга тикилиб олди...

– Инсонийлик туйғуси... Қайси инсон. Ўзи менга инсондек қарашганми? Мен ўзимни инсон, деб ҳис қилганманми?! – Фаёзнинг совук овозидан, худди тобутдан товуш чиккандай сесканиб, ҳамма у томонга қаради.

– Мақсадим чекиш эмас эди, йигитнинг ҳаётдан хурсанд бўлиб кўринган киефаси менга ёқмаётган эди. Уни қандай бўлмасин хафа қилгим келаётганди. Илгари унака эмас эдим. Ким мени хафа қилсагина, уни аямасдим, қилмишига яраша жазолардим. Умримда биринчи ва сўнгги марта ичиб, бир нарсани билдимки, мастлик тубанини яна юз марта тубанлаштирар, қабихни минг қарра қабихлаштирар экан...



ISBN 978-9943-08-863-4



9 789943 088634